

САЛИМА УМАРОВА

# САОДАТ ЙҮЛИ

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2007

454

51.1(5y)

Жаннатга биринчи бўлиб яхшилик ва яхшилар кирав экан. Бу улуғ орзуга саодат йўлидан юрганларгина мушарраф бўлади. Навоийлик адиба Салима Умарованинг қўлингиздаги мазкур китобида яхшиликни ўзига – матлаб маслак қилиб олган юртдошлари – шафқат аҳли, саховатпеша кишилар ҳаёти ёниқ юрак билан қаламга олинади. Шу билан бирга касб маънавияти, бугун кўпчиликни ўйлантираётган ўшлар хатти-ҳаракатидаги эврилишлар рўй-рост чизилади, миллат келаҗагини асраш борасидаги куюнчак фикр-мулоҳазалар ўртага ташланади. Ўйлаймизки, бу китобхонни бефарқ қолдирмайди, залолатга қарши эзгулик дунёсида ҳамкор, ҳамфикр бўлишга ундейди.

87

Alisher N.  
nomidaq  
O'zbekiston

A2223

ID 33365  
391

ISBN 978-9943-08-128-4

© Салима Умарова, «Саодат йўли». «Янги аср авлоди» НММ,  
2007 йил

## АЗИЗ ЎҚУВЧИ

“Энг катта бойлиги – жондан азиз боласи, жигарбанди бўлган бечора бир аёл, муштипар онани кўз олдимишга келтирилик. У кўзининг оқу кароси бўлмиш фарзандига шифо тилаб, керак бўлса, нажот сўраб шифокорнинг олдига келади. Шифокор эса ўз бурчини бажариб, шу болани даволар экан, ўзининг беғараз ва самимий хизмати, фидойилиги билан нафакат ўша мурғак гўдакка. балки онанинг безовта қалбига ҳам шифо беради. Ва шу тариқа дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган олижаноблик ва инсонийлик фазилатларини намоён этади.

Ҳеч шубҳасиз, юраги ва қалби тоза, ўзгалар учун фидо бўлиб яшашни ўзининг ҳаётий эътиқодига айлантирган одамгина бундай савобли ишларга қодир бўлади.

Бугунги кунда орамизда ана шундай эътиқод билан яшаётган минг-минглаб жонкуяр шифокорлар, стук жарроҳлар, монгир кардиологлар, терапевт ва педиатрлар, заҳматкаш ҳамширалар мөхнат қўлмоқда”.

Президентимиз Конституциянинг 14 йиллиги муносабати билан қилган маърузаларида шифокорлар хизматини ана шундай эътироф этиб, 2006 йилни “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилган эдилар.

Ана шу йил юкни ҳис қилиб ёзган ушбу китобимизда, Юрт Раҳбари тилга олганидай, эл-улус чин дилдан ардоқлайдиган. Навоий вилояти халқининг сихат-саломатлиги йўлида фидокорона хизмат қилган ва қилаётган шифокорлардан айримлари ҳақида имконият доирасида сўз айтишни лозим топдик. (Албатта, қаламга олган қаҳрамонларимизни қай биринга мажбурият туфайли, қай бирини чуқур ўрганолмай ёндашган ҳолатларимиз ҳам бор). Аслида бугун ўз билимдонлиги ва эл-улус

олдидаги хизматлари билан ибратли умр кечириб келаётган шифокорлар орамизда жуда күп.

Шунингдек, нафақада бўлиб ҳам Ватан корига яраб келаётган, кечаги куни чинакамига эл-юрт саломатлиги йўлида ҳалол хизмат қилиб ўтган соҳа фахрийлари, бугун орамизда бўлмасада, комил касб соҳиби ва соҳа жонкуяри сифатида номи ва хизмати юракларда яшаб қолган ўтганларнинг ёду хотиралари-да бор, бисёр. Насиб этса, барчаси хусусида навбатдаги китобларимизда, албатта, сўз юритамиз, деган умиддамиз.

Яна бир гап. Мазкур китобга ҳомийлик қилган, айни пайтда ўзи ҳам Юргу элига арзирли хизматлари билан кўнгиллардан жой олган, кўпнинг эътирофидаги инсонлар ҳақида Сийрат бўлимида сўз юритилди.

Яна китобнинг Сиз азиз ўқувчига нимадир беришини мақсад қилган ҳолда “Яшариб бораётган касаллик”, “Азизим болажон, суюклик ўсмир”, “Болажонларнинг Чортоги”, “Яширин очликдан сақланинг” сарлавҳали қораламаларимизни ҳам киритдикки, бу амалимиз Сизга манзур бўлиб, шу асно биз ҳам “Ижтимоий ҳимоя” йилининг бир хизматини бажаролганимиздан хусанд бўлайлик, илоҳим.

*Муалиф*

*ИБРАТ  
ЭЪТИРОФИ*

---

---

## ОДДИЙЛИКДА УЛУГЛИК БОР

(*Вилоят соглиқни Сақлаш бошқармаси бошлиғи  
Абдураҳмон НОСИРОВга дилсұз*)



Сиз билан суҳбатлашиб қайтган куни устозимиз Үмид Сатторов мұхаррирлигіда ёзған “Дардингни олай, злим” номли рисоланғизни ўқишиң тутиндик. Очифи, китобча биз күтгандан бошқача эди. Рисола Қизилтепа тұманида соғлиқни сақлаш тизимининг пайдо бўлиш йиллари ва ўша давр фидойилари ҳаётидан сабоқ сўйларди.

Мозийга қайтиб иш кўрилган мазкур китоб мутолааси билан тунда ёстиқка бош қўйганимиз боисмикан, тушибизни ҳам ана шу йўналишда кўрибмиз... Хуллас, зартасига тупроқ йўлли кўчадан келаётган катта малла сумкали “кар дўхтир” бовамизни (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, илоҳим, қулоғи яхши эшитмагани боис бўлса керак, аҳоли шундай номларди. Асли, Туровов деган киши эди, чамамда) рўй-рост кўриб, уйқудан бош кўтардик. Анча пайт болаликнинг дийдору соғинчи билан сармаст бўлиб, ўзимизни унугиб ўтиредик. Шу асно фикримизни жамлаб олгандан сўнг масала бўйича чуқур хаёлга толдик.

Рости, Қизилтепа тұманида фидойилик кўрсатиб ишлаган шифокорлар 30-60-йилларда бошқа тұманларда ишламаганмиди?!

Йўқ, десак, болалигимизнинг бир бўлаги сифатида бизнинг соғлигимиз учун жон куйдириб юрадиган Дўхтир бо-

вамиз тушимизда мана ман, деб ўзини шоён эслатди-ку. Айрим врачлардан кўра жўялироқ маслаҳат берадиган Ашраф дўхтири деган фельдшер ишлаганиям кечагидай ёдимизда-ку.

Болалигимиз кечган 60-йиллардан ҳам қўйироқда не-не шифокорлар ҳамма туманлардаям хизмат қилгани рост. Бу бор гап. (Сирасини олганда барча соҳалардаям ана шундай ўз ишининг фидойилари бўлган, ишлаган).

Фақат, аксарият ҳудудларда Сиз каби фидойи, ўз ҳам-касб-ҳамкорлари руҳини шод этиб, хизматларини зътироф қиладиган, инсон кўнглини барча нарсадан баланд қўядиган соҳа ходими топилмагандир, балки уларнинг юрагига шу аснода “чўғ” соладиган аҳли қалам бўлолмадик биз юртнинг соҳиби қалам фарзандлари.

Йўқ, назаримизда Сизда гап кўп эди. Чунки Сиз умр бўйи бетоқат юрагингизга қулоқ солиб, ортингизда нурли из қолдириб яшаш учун интилдингиз. Бу Андижон тиббиёт институтини тугатиб келиб, Бухоро шаҳрида интернатура ўтаган даврингиздаёқ яққол сезилди. Туғилган юртингиз Қизилтепа туманига келган заҳоти ўз изланувчанлик, фидойилигиниз билан ҳамкорлар зътирофи, ота-оналар зътиборини қозондингиз. Ҳадемай, педиатр-шифокордан, болалар бўлими мудири бўлиб кўтарилидингиз.

Бироқ бир воқеа сабаб бўлдию, илмий иш қилиш мақсадида пойтахтга кетиш учун астойдил ҳаракат бошладингиз. Лекин вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидаги раҳбарлар “Бухорода ишлаб, илмий иш қилаверасан”, дея кетишингизга йўл беришмади. Балки билимдон, ҳаракатчан ёш кадрни қизғанишгандир. Шу болис, илмий ишни шу ерда қилишингиз учун Қизилтепадан Бухоройи шарифга чақириб олишиди. Шу асно Самарқанд тиббиёт институтига бориб, илмий иш мавзусини ҳам белгилаб келдингиз. Ўшанда фаолиятинингизни илм йўлида кенгайтириб, югуриб-елишингиз, табиий равишда хайриҳоҳ, яхши инсонларнинг назарига тушган эди. Ана шундай кунларнинг бирида она юртингиз Қизилтепа туман тиббиёт муассасалари бирлашмаси бош ҳакими лавозимига муносиб номзод сифатида Сизни танлашибди.

“Партия топшириғи” бұлған бу вазифага дастлаб заңжирлаб судрагандай келдінгиз. “Илмий ишім нима бұлади?” деган ташвишиңгіз чин-рост ташвиш зди. Иш жой-жойида қолдию шундан кейин Сизни аввали орият, кейин бурч масъулияты ва халқ мәхри, Юрт муҳаббати бошқарди.

Хуллас, Сизда туғма ташаббускорлик, ҳаракатчанлық, ҳали айтганимиздай, ёрқын из қолдиришга интилиш, ташкилотчилик, тадбиркорлик, күпни ортидан әргаштириш каби үқувли раҳбарларға хос фазилатлар бисёр әдіки, бу вазифаны бажаришиңгізда улар жуда құйылды.

“Олим бўлсам ҳам бугунги хизматларим даражасида элга фойдам тегмас балки!” Ана шу фикр тамомила вазифа томонга ўтиб хизмат қилиш учун Сизга алоҳида куч бахш этди.

Табиатан шундай кишилар бўладики, ҳаёти бир маромда кечса, ҳақовага киргандай сиқилиб қолади, яшаши зерикарли кечади. Нимадир яратиш истаги ана шундай кишиларға хос фазилатдир. Бундайлар йўқ жойдан юмуш қидириб топади, элга қай бир йўсинда фойдаси текканидан роҳат олади.

Сиз ҳам ана шундайлар тоифасидан әдингиз. Шу боис ҳам иш бошлаганингиз ҳамоно туман шифохонасининг бинолари эскиргани кўриниб қолди, поликлиникага ана шундай назар билан қарадингиз. Эскириб тўкила бошланган, аҳоли талабига торлик қилаётган қишлоқ шифохоналари эътиборингизни тортди.

Тўғри, у пайтлар “госплан” деган гаплар бор зди. Яратувчиликка тоғдай тўсиқ әди улар. Лекин пойтахтнинг йўлини чуқур қилиб бўлса-да, масалада имконлар эшигини очдингиз.

Аслида, “ҳаракатда барокат”, деганлари рост гап. Айниқса, амал хайрли, ният холис бўлса “Яратганинг ўзи маддакор” лигиям айни ҳақиқат гап. Шу боис ҳам ана шундай фаол, фидойи ҳаракатларингиз туфайли Қизилтепа марказий шифохонаси янгидан қурилди, Тошработ ва Азизабод қишлоқ участка касалхоналарининг айрим бинолари қайта бунёд этилди, ўнлаб амбулатория ва фельдшер-доялик пунктлари, сут ошхоналари ва бошқа бинолар қад ростла-

ди, жиҳозланди, мутахассис кадрлар билан таъминланди. Биноларнинг ҳар бири газлаштирилиб, тоза ичимлик суви келтирилди.

Бундай ҳаракатларнинг бардавом бўлиши, муваффақиятли кечишида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги чиқсан “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида”ги қарори ҳам жуда катта ёрдам берди, албатта.

Маълумки, 1998 йил 10 ноябрда Республика Президентининг ПФ-2107 сонли Фармони қабул қилинди ва унга кўра “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш” давлат Дастури иш бошлади.

Энг характеристиси, айни кунларда Қизилтепа туман ҳокими ўринbosари бўлиб хизмат қилаётган собиқ туман бош шифокорини, яъни Сизни ушбу тадбир муносабати бијан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига тақлиф этишиди.

Табиийки, дафъатан бу тақлифдан чўчиб тушдингиз. Масъулиятни ҳис қиласидан кишиларга хос “эплай олмасам-чи?”, деган ташвиш Сизни иккилантираётгани рост эди. Бироқ вилоят ҳокимининг узил-кесил хулосаси вазиятга нуқта қўйди.

Сиз 1999 йил феврал ойидан эътиборан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари вазифасида иш бошладингиз.

Вилоят миқёсида, демак, катта кўламда, яна 52 йўналишда давом этиши кўзда тутилган ислоҳотлар дастурида ҳар бир масала ўз ўрнида муҳим эди. Шу боис яна олдингидан-да фарроқ, фидойироқ, астойдилроқ ишлашга тўғри келарди.

Вилоят шифохонаси негизида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали ташкил этилиши учун астойдил кураш бошланди. Бу ерда 400 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари ҳомийлар ҳисобидан бажарилди. 2000 йилда филиал ишга тушган бўлса, вилоят тугруқ мажмуаси 210 млн. сўмлик қайта таъмирлаш ишларидан кейин 2001 йилда фаолият кўрсатди.

Юқумли касалликлар шифохонаси негизида болалар юқумли касалликлари шифохонаси иш бошлади.

Доришунослар ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш маркази, ўсмирлар маркази, 20 ўринга мұлжалланған онкология диспансери, кундузги эндрокринология диспансери, 50 ўринга мұлжалланған асаб-руҳий касалликлар бўлими, аёллар репродуктив-саломатлик маркази, “Она ва бола” Скренинг маркази, алькоголизм ва гиёҳвандликка ружу қўйғанларни суд қарори билан мажбурий даволовчи 50 ўринга мұлжалланған муассаса, 135 та қишлоқ врачлик пункти (74 таси янги қурилиш, 61 таси қайта таъмирлаш ҳисобига яратилган) ва бошқалар Президентимиз Фармонидан кейин амалга оширилган хайрли ишларнинг дебочаси эди. Шунингдек, кўплаб шифо масканларига дунё тан олган замонавий тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар кириб келди. “Саломатлик-1” Дастурига кирган вилоятимиздаги ҚВПларга замонавий тиббий асбоб-ускуналар берилди ва марказий шифохоналар ёнида замонавий ташхис марказлари пайдо бўлди. Шу аснода 3,5 млрд. сўмликдан зиёд жиҳозлар – “Велоэргометр-ЭКГ” аппарати, УЗИ, таҳлилхона жиҳозлари ва бошқалар келтирилди.

1999 йилда 3 млн. 800 минг долларлик (4,5 млрд. сўмлик) япон гранти ҳам олиниб, Хатирчи тумани туғруқхонаси ва вилоят болалар шифохонаси замонавий тиббий жиҳозларга эга бўлди. Уларда даволаш ишларининг самарадорлиги ортди. Шунингдек, Финляндиянинг “Медко-Медикал” фирмасидан 1 млн. 200 минг долларлик кредит олиниб, “Она-бола” Скренинг марказига “Дельфия” ва “Виктор” аппаратлари ўрнатилиб, булар ёрдамида она қорнидаёқ бола сиҳати ўрганилди ва шу тариқа яширин даврида аниқланган касалликларни даволаш йўлга қўйилди. Даволаш имкони бўлмаганда ҳомиладорлик жараёни тўхтатилиши кўзда тутилди.

Хуллас, шу каби эл-юрт саломатлигига сифатли хизмат кўрсатадиган тиббий жиҳозларнинг кириб келиши ва яратилган бошқа шарт-шароитлар эл саломатлиги йўлидати савобли тадбирлардан эди.

Сиз булар учун, албатта, Республика Соғлиқни сақлаш Вазири Ф. Назиров ҳамда ўша йилларда Вазирнинг “Оналик ва

болалик”ни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари бўлган А. Ёрқуловнинг хизматларини алоҳида эътироф этасиз.

Айниқса, устозингиз бош раҳбар Ф. Назиров ўзининг ташкилотчилиги ва инсонийлиги билан-да Сизга ҳар томонлама юқори потенциал билан ишлаш сирларини ўргатиб «юқтиrolган» шахсdir. Унинг катта йигинда айтган бир гапи сира ёдингиздан чиқмайди: “Қачондир орттирилган обрў ва бироқратлик бошқаруви энди фойда бермайди. Раҳбар биринчи галда ўз ҳаловатидан кечиб, қиладиган ишига ихлос билан жон куйдириб ёндашиши лозим. У ўз муваффақиятидан қониқмаслиги керак!”

Сирасини олганда, ана шундай ибратли сабоқ айтиб, юрагингизга кириб, ишлари ҳаёт йўлингизда маёқ бўлолган яна бир устозингиз ўттиз йиллаб Бухоро вилоят шифохонаси бош врачи бўлиб хизмат қилган Шавкат Йўлдошевнинг номини ҳам алоҳида ҳурмат билан тилга олганингиз рост.

Кези келганда яна бир гапни айтишимиз жоиз. Ислоҳот ислоҳот йўлидаю шифохоналар хусусида Сизнинг айрича қараш-хулосангиз бор: “Даво масканлари шундай бўлиши керакки, ҳатто шифохона ичига кирмаёқ беморнинг нигоҳи тартибу орасталикка, гулу гулзорга тушсин. Яратилган шарт-шароит, қулийликларни кўриб, руҳи осойиш топсин, асаблари тинчлансан. Шунга яраша муомала – одобу меҳрибонликка қоришиқ билимдонлик билан учрашсан. Ана шунда беморнинг даво топиши осон бўлади”.

Айни шу фазилатлари боис кўплаб шаҳар ва туманлардаги ҳаракатчан бош врачлардан ҳам розисиз бугун. Вилоят болалар шифохонаси бош врачи Низомиддин Сиддиқов, Хатирчи туман марказий шифохонаси бош шифокори Фазлиддин Усмонов, Нурота туман марказий шифохонаси бош врачи Шавкат Халилов номини суҳбатимиз асносида алоҳида меҳр билан тилга олдингиз.

- Низомиддиндаги бетоқат қалб, борига қаноат қилмай, имконсизлик ичидан имкон қидириб, куйиб-пишиш менга ёқади. Ёки Фазлиддинни олайлик. У ўринбосарим эди. Хатирчи марказий шифохонасига бош врач қилиб юбордик.

Борганда шифохонадаги умумий аҳвол яхши эмас эди. Югурди-елди, ҳоким билан тил топишди, изчил таъмирлаш ишларини олиб бориб, марказий шифохонани эътиборга арзигулик шифо маскани даражасига етказди.

Ҳали анча ёш бўлишига қарамай, Шавкат Ҳалиловнинг ишбилигичлигини жуда ҳурмат қиласман. Отаси, раҳматли Қодир Ҳалилов эл ишонган шифокор ва жонкуяр “главврач” эди. Шавкат ана шу отанинг ўрнини босадиган ўғиллигини намоён қилди бугун. Катта жамоани ишонч билан бошқариб, каттани катта, кичикни кичик ўрнига қўйиб, ишни яхши ташкил этаяпти...

Ҳа, Сиз суҳбатимиз асносида бундай маълумотлар устидан батафсил тўхтадингиз. Инсонларнинг илм-зиёга интилишини эса алоҳида эътироф қилдингиз. Илмли-иймонли шифокорларнинг номларини алоҳида санаб чиқдингиз. Улар қаторида А. Сиддиқов, М. Бўронов, Ю. Соибназаров, К. Камолов, Э. Маматов, Э. Касаманов, А. Каримов каби бугун ишлаётган, эл севган шифокорлар; Ю. Исоқов, М. Бердиев, М. Бозоров, Н. Файзиев, В. Зыбиков, Ф. Нарзиев, У. Содиқов, А. Гуломов, Н. Бозоров, Ф. Остонов, Х. Сайдов сингари кечаги куннинг фидойилари; И. Гуломов, Е. Норбоев, Б. Мансуров, М. Аҳмедов, Ф. Эргашев, Н. Зарипов, У. Юсупов, Т. Қурбонниёзов, Н. Аҳмедов, И. Очилов, А. Абдураҳимов, А. Ҳалимов каби эл-улусга астойдил хизмат қилган марҳум устозларнинг – саломатлик дарғаларининг номларини, айниқса, эҳтиром билан тилга олдингиз.

“Тўғрисини айтсан, бу инсонларнинг ҳар қайсиси ҳақида алоҳида китоб ёэса арзийди”, дедингиз мавзуга нуқта қўйиб.

“Бошқармада энг яхши ишлайдиган кадрлар хусусида ҳам тўхталасизми?”, деган саволимизга эса “Яхши ишламаса, астойдил ишламаса, биттасиниям қўймайман!”, дея ўз иш услубингизга мос тушадиган жавобни айтдингизки, бу мавзуда бошқа сўз демоғимиз ортиқчадир.

Ана шу ўринда эса, беихтиёр, эл-улус аро Сиз ҳақини гизда эшишиб қолганимиз гап-сўзлар ёдимизга келаверди: “Ўзиям тинмайди, атрофидагиларният тиндиrmайди”, “Йиғилишларининг катта қисми инсоф – иймонта чорлов

– амру маъруфи билан ўтади”, “Унинг айтган сўзи – отилган ўқ. Бажармай қўймайди”.

Тармоқнинг “Саломатлик” газетасини ташкил қилиб, анча йиллар бошқарган, ҳозирда вилоят “Дўстлик байроғи” газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаётган, таниқли журналист Иброҳим Жумаев Сиз ҳақингизда жуда зътирофли сўзларни айтди:

– Иш услубида инсонни тушунувчанлик ва событлик кучли. Ҳар бир масалага адолат билан ёндашади. Ишчанлигига-ку гап йўқ. Хабарингиз бор, бошқарма янги жойга кўчиб ўтди. Ташландиқ бино қисқа фурсатда шундай чиройли идорага айландики, кўз қувонади. Умуман, Юртбошимиз айтган – “Элим, юртим, деб ёниб яшаётган» раҳбарлардан биттаси – ана шу инсон!”

Бироқ Сиз суҳбатимиз давомида бир нарсани кўп бор таъкидладингиз: “Бу ҳаёт-да. Вазифамизни бажарайпмиз, холос. Айтишга арзигулик ҳеч иш қилганимиз йўқ”.

Инсон қачон маънан юксала бошлайди? Қачон руҳан улуғлик касб этади? Қачон элнинг улуғига айланади?

Қачонки, ўз-ўзига танқидий кўз билан қарай билса, амалига камтарликни қарор топтирса, Нафсу аммора деган ширин алдовли ёвуз кучга эмас, Қаноатга кўпроқ итоат этадиган бўлса, кўпнинг дардини ўз дардидай ҳис қилса, қаршисидаги инсоннинг қайғу-қувончига шерик бўлолса, хуллас, том маънода ўз Яратувчинини таниса!

Не бахтки, салкам 35 йиллик фаолиятингиз давомида Сиз ана шундай улғаймоқлик маъносида ўзингизни намоён қила олган инсонсиз.

Шу боис ҳам 18 йил туманда бош врач сифатида ишлаган бўлсангиз, 7 йилдан бери вилоятнинг 3 минг нафардан зиёдроқ шифокорлари “армия”сига раҳбарлик қилиб келаётган эсангиз-да, оддий ҳаёт кечиришни ўзи учун бахт деб билган, халқ иши учун фидойиликни касб-корига айлантиrolган Республика соғлиқни сақлаш аълочиси Абдураҳмон Носировсиз.

## БУГУННИНГ ФИДОЙИСИ



Умар ота раҳмдил, меҳрибон инсон бўлиб, ҳалолликни касбу одат қилиб яшаб ўтди. Навбаҳор туманинг “Қоражон” қишлоғидан бўлган бу инсон Иккинчи жаҳон урушининг бор заҳматларини тортганди.

Урушдан кейинги тикланиш йилларида эса замонининг ўқимиши, зиёли кишиси сифатида бошқарув идораларида хизмат қилди.

Ташкилотчилиги, инсонпарварлиги, оддийлигию кўпга қайишиши боис 1949-54 йилларда Қизилтепа туманида идеология ишлари бўйича котиб бўлиб ишлаган бўлса, фаолиятини Конимех туманида давом эттириб, хўжалик раиси вазифасида меҳнат қилди.

Нафақага чиққандан кейин маҳалла оқсоқоли сифатида аҳолининг тўй ва маъракалари бошида турди.

Шундай қилиб, 2-гуруҳ уруш ногирони, меҳнат фахрийси Умар ота Пардаев 1977 йилда дунёдан ўтаркан, ўзидан ҳашамдор иморат, молу давлат эмас, юқоридаги фазилатлари боис юракларда ёруғ из қолдирди.

Отанинг жуфти ҳалоли бўлган Рўзимо момо Жўраева билан етти фарзанд – 5 ўғил, 2 қизни тарбиялаб, вояга етказиши баробарида жанжалли оиласларни, келишмай колган қўни-қўшнини яраштириб, совчилик қилиб, тўй-тадбирлар ташкилотчиси бўлиб, не-не савобли ишларга бош қўшди.

Шу аснода кимдир томонидан ноҳақлик, ноинсофлик, масала-ишларда адолатсизлик бўлса, бу нарсани шунлоққина ўтказолмади. Гаплашиб, орани очиқ қилиб олди. Хуллас, қатъиятли, кўплар таъбири билан айтганда, “ўткир”, “уддабурон”, “ҳақини куйдирмайдиган” аёллар тоифасидан эди у.

– Айни шуларни эсласам, ўзимдаги кўп жиҳатлар кўпроқ менга онамдан ўтган экан, деб ўйлаб қоламан, – дейди суҳбатлошимиз Faфур ака. – Чунки менда ҳам кези келганда ана шундай исёнли, ҳақпаратст қатъият бор-да...

Faфур оиланинг тўртинчи фарзанди бўлиб, отаси Умар ака Қизилтепа туманида ишлаган йилларда дунёга келганди. Йиллар ўтиб, ака-опаларига эргашиб, у ҳам мактабга борди. Аъло баҳоларга ўқиди. Кейин Тошкент тиббиёт институти санитария-гигиена факультетига ўқишга кирди.

1976 йилда ўқишни муваффақиятли тутатиб, Бузоро вилоят санитария-маориф уйида фаолиятини бошлади.

1977 йилда Навоий шаҳар санитария-маориф уйида врач, 1978-90 йилларда Навоий туман санитария маориф уйи бош врачи, Навбаҳор туман СЭСи бўлим мудири ва бош врачи, вилоят СЭСи бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади.

1990-99 йилларда яна Навбаҳор туман СЭСи бошлиғи, 1999 йил февралдан эътиборан вилоят ДСЭНМ бош врачи сифатида ишлаб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, унинг фаолият йўли ана шу ракамлар ичida кечган.

Бироқ турли муаммолар қуршовида, уларнинг ечими учун заҳматлар эвазига, амалга оширилган ишлари, ютуқ-муваффақиятларини рост илғаб қаламга оладиган бўлсақ, қаҳрамонимизнинг ҳар ўтган куни, ҳар лаҳзаси бир асар бўлгулук.

Аслида, у ҳам барча раҳбарларга ўхшаб ишга ошиқди, йиғилишларда бўлди, ўзи ҳам йиғилишлар ўтказди. Аммо ортидан хайрли ишлар қолдиришни ҳам эплай олди. У раҳбар бўлиб ишлаган даврида Навбаҳор туман СЭСи ўз биносига эга бўлди. Вилоят ДСЭНМ бошлиғи бўлиб иш бошлагач, бу ташкилотнинг да биноси бўлиши учун ҳаракат қилди ва бунга ҳам эришди. Шунингдек, Томди туман ДСЭНМ биноси қурилишигаям бош-қош бўлди.

Булардан ташқари ҳам Faфур ака Умаровдаги отамерос туғма раҳбарлик қобилияти кўп ишларда қўл келди. Ҳар бир соҳа мутахассисидан ўз ишини чуқур билиш баробарида меъёрий-қонуний ҳужжатларга мувофиқ ишлашни талаб этди ва шу йўлда айтарли муваффақиятларга эришди.

Хуллас, у вилоядта юқумли ва хавфли касалликларнинг олдини олиш учун курашувчи "армия"ни бошқараркан, қўл остидаги ҳар қайси ходимга "ҳар биримизнинг ишимииздан киши-

лар нафақат қониқиши, миннатдор бўлиб, зътироф этмоғи ло-  
зим”, дей уқтирди.

Шу асно ўзидағи фазилатларни ҳам баҳоли қудрат соҳа  
ходимларига сингдиришга, “юқтириш”га ҳаракат қилиб,  
бунгаям имкон қадар эришолди.

Қаҳрамонимизнинг раҳбар сиғатида яна бир ўзига хос фа-  
зилати бор. Ходимларидан қай бирининг ҳаётида бир ноҳуш-  
лик сезилиб қолса, (масалан, эр-хотин орасида келишмовчилик  
пайдо бўлиб, шикоят тушадиган бўлса), албатта, ўзи бориб, бу  
ноҳушликни бартараф қилиб, ўша хонадонда осойишталик яра-  
тишга интилади.

Аниқроғи, “қўл остиңгиздаги ходимларингиз Сизнинг  
биродорларингиз, уларга яхши муомала қилиш хайрлидир”  
ёки “Бошлиқларнинг яхшиси – сизлар уларни яхши кўрсан-  
гиз, улар сизларни яхши кўради” каби ҳадислар ҳикматини  
жуда яхши билади. Шунга мос-муносиб тарзда амал қила-  
ди. Бироқ...

– Ёлғонни жуда ёмон кўраман. Била туриб алдаб ўтири-  
гани сира кечирмайман, – дейди у.

Аслида, бу қатъияти нафақат раҳбарлик фаолиятида,  
бутун ҳаёт тарзида ўз ифодасини топган.

Қачонки, қаердадир бир бўғтон гап айтилиб, нотўғри  
маълумот берилса, сўз олиб, унинг асоссизлигини қонуний  
исботлаб беришга интилади.

Тўғри, бунга ҳамиша ҳам имкон бўлавермаслиги, имкон  
бўлса-да, илож топилмаслиги мумкин. Бундай кезларда  
ҳаракатларининг бош мақсадини Ватан ва халқ манфаати-  
га хизмат қилдиришга йўналтиради ётказилгидан бир  
зум чекинган вақтлариям бўлади.

Қаҳрамонимиз оиласда оқибатли рўзгорбоши, меҳрибон,  
тушунувчан ота. Турмуш ўртоғи Саодат Ражабова (шу со-  
ҳада ишлаб, нафақага чиққан), фарзандлари Нилуфархон,  
Камола, Дилафрўзларнинг орзу-интилишларини дилдан  
қадрлайди.

Шунингдек, у онаси Рўзимо момодан “юққан” яна бир  
фазилати билан қариндош-уруг, маҳалла-кўй, қўни-қўшни-  
лар орасида қадр топган инсон. Бузилган орани ислоҳ

қилиш, совчилик билан янги оиласлар тузишга жон-дили билан киришиб, яхши ечимлар топади, савоб олади.

Хуллас, Республика соғлиқни сақлаш аълочиси Faфур Умаров ва унинг вилоятдаги бугунги “командаси” ҳақида бир гапни айтиш мумкин. Бугун ДСЭНМ соҳасида ҳам ҳақиқий фидойилар, ўз касбини жон-дилдан севадиганлар ишламоқда. Улар ҳақида қанчалик эътирофли сўз айтсак, меҳнатларига меҳр-эътибор кўрсатсак, камлик қилади.

Ватан эса ана шундай инсонларнинг вафоли ёндашувла-ри билан обод бўлади.

## САОДАТ ЙҰЛИ



“Үша куни шафақ қонға беланиб юз очди. Еру осмөн отларнинг дупуридан чанг-түзонға беланди. Қиличу найзаларнинг дубулғаларига урилишидан чиққан овозу бақир-чақырлар оламни тутди. Одам зоти борки, тутдай тұқилаверди, қон дарә бўлиб оқаверди. Ҳомиладор аёлларнинг булаҳазалар қўрқувидан бемаҳал кўзлари ёриди. Гўдакларнинг юраги тарс ёрилиб, ҳаётдан кўз юмди”.

Қадимда Искандар Мақдунли кўхна Нуротага ана шундай ваҳимали юришлар билан бостириб кирибди. Кейинчалик “Жилонтамғали” дея ном олган қишлоқни ҳам ана шундай ваҳшат билан босиб ўтибди. Ушбудай аёвсиз жангларда эса Ватан учун курашиб, бир оёғидан айрилган йигит қишлоқнинг ягона тирик жони – ягона меросхўри экан. Чунки аҳли қишлоқнинг бир қисми бу аёвсиз босқинчиликда ўлиб, бир қисми қочиб кетган экан-да.

Кейинчалик йигитнинг қурбонликка берилган бир оёғи ўрнини “ёғоч оёқ” эгаллади. Эл-улус уни қозиқ оёқли деб атайдиган бўлибди.

Мард-жасур йигит йиллар ўтиб, уйланибди, олти фарзанд кўрибди. Улардан тарқалган авлод ҳисобига қишлоқ яна аввалги-аввалгидай ёнига-энига кенгаяверибди.

– Бизнинг аждодларимиз бугун ҳам эл оғзида ривоят бўлиб юрган ана шу “олти ота қозиқ оёқлилар”га бориб тақалади, – дейди Умрбек aka Нарзуллаев суҳбатимиз аввал бошида. (Она қишлоғининг “Жилонтамғали” деб аталишининг сабаби эса “қозиқ оёқли” кишининг бир фарзанди елкасидан илон тамғаси билан туғилгани боис мазкур қишлоққа шундай ном берилганини айтib ўтади.)

Дарҳақиқат, Умрбек аканинг отаси – “Жилон тамғали” (ilon tamfali) қишлоғида туғилиб, умргузаронлик қилган, бугун боқий дунёга риҳлат қилган Нарзулла бобо Жиянов

үз аждодларига мос-монанд феъли-ориятли, оқибатли инсон эди. Шу боис ҳам фақат бошланғич саводигина бүлган бу инсон күп йиллаб фермани бошқарди. Бироқ Худони таниган, умр бүйи тоат-ибодатни қилиб келгап диенатли банды сифатида әл-юрт молига күз олайтирмади. Ҳалол ишлаб, уни күпайтири, холос. Нафақага чиққанда эса 1 та ола қўзиға эгалик қилиб, фермани топшириди.

– Отам жуда зукко, зеҳнили, фикри теран инсон эдилар. Бутун бошли ферманинг ҳар бир қўйини билар, бошқа фермага кўшилиб қолса, чўлон танимаслиги мумкин, отам таниб-ажратиб олгувчи эдилар.

Умрбек ака падари бузрукворининг хислатларини ана шундай фахр билан, эътироф билан сўзларди: – Лекин уйлангач, уч ўғил кўриб, учови ҳам турмагач, жуда тушкунликка тушиб қолгап эканлар. Шунда Отажон эшон бовага келиб, у кишига ўқитиб, дуоларини олганларидан кейин мен туғилибман. Исмимни шу боис ҳам Умрбек қўйишибди. Кейин укаларим Улуғберди, Бекқул, Илҳомлар туғилаверган, изимдан улғаяверган экан...

Ана шундай, Тақдиру азалнинг Қисмату Ҳикматларини кўриб-кечириб, ҳис қилгани боис ҳам Нарзулла бобо Яратганни таниб, имкон қадар Нафс эмас, у айтган йўлдан юрган. Фарзандларига ҳам доим битта насиҳат – сабоқни уқтириб келган: “Бирорни алдама, ўғирлик қилма, бирорга жабр қилма, барака топмайсан!”

– 27 йил ферма мудири бўлиб ишлаган отам нафақага чиққанда мен 15 ёшли ўспирин бўлиб, 8-синфда ўқирдим. Тўғриси, ўшанда ҳаётимиз анча оғир кечган. Отам орият қилиб, хўжаликдан иш ҳам сўрамаганлар. Шунда мен хўжаликка ишга чиқиб кетганиман. Биринчи меҳнат ҳақим – бир қол буғдойни олиб келганимда отам қувончдан йиғлаб юборганлари ёдимда. “Менинг болам нон топиб келадиган бўлибди”, деб кўп шукроналар қилганлар ўшанда!

Умрбек аканинг “Хотира дафтари” саҳифаларида битилган отаси ҳақидаги сўзлардан бир қисми булар.

Хуллас, тилаб олинган ўғил талтайиб эмас, машаққатли меҳнат билан тобланиб ўсади. Бу ҳол, айниқса, мактабни

аъло баҳоларда битириб, ТошМИнинг стоматология факультетига кирган даврида, аниқроғи, талабалик йилларида яққол намоён бўлади.

Умрбек аканинг “хотира битиги”да бу кезлар, айниқса, яққолроқ – бор заҳмат-ташвишлари билан муҳрланиб қолган.

– Институтда неча йил ўқиган бўлсам, шунча йил мардикор бозорига ҳам қатнадим. Кишилар келиб, мол сайлагандай, бошдан оёғимизга қараб, обдан сайлашар, кейин не-не қора ишларини таклиф қилишар эди. Падари бузрукворим ўргатганларидай, ўғирлик қилмасам, текин луқма емасам, бирорвга жабру сигамим тегмаса бўлди-да, қайси ишни қилишнинг нима фарқи бор, ҳалол ишлаб ҳалол пул топаманку, – дея ҳамма юмушга, ҳар қандай оғир ишга ҳам бораверганман.

Кейинчалик ўқищдан бўш пайтларим болалар боғчасига қоровуллик ҳам қилдим. Бу даврлар эса илм олиш имкониятимни янада кенгайтирди.

Не тонгки, Умрбек аканинг ўша йиллардаги она Заминдай хоксор ҳаёти уни чин инсонга айлантирганди. Заҳмат билан пул топиб-яшаб, чиройли ўқишга ҳаракат қилиб, ҳатто мардикорчиликдан топган маблағидан уйига етказиб турган қаҳрамонимиз ҳеч қачон ҳою ҳавасларга берилмади, енгил-елпи кўчаларда юрмади. Чуқур илм олиб, касб-корини мукаммал эгаллаб, она юртига ишбилигич мутахассис сифатида 1972 йилда кириб келди. Шу боис ҳам ҳадемай Нурота туман бош стоматологи бўлди. 1979 йилда стоматология бўйича поликлиника ташкил этилишида ташаббус кўрсатиб, унда бош врач сифатида хизмат кўрсата бошлади.

1982 йилда 68 киши ишлайдиган мазкур поликлиника вилоятда “илғор тажриба мактаби” унвонини олди. Энг муҳими, поликлиника бу номни кўп йишлаб ўзида ушлаб қололди.

– Бунга сабаб нима, – деб сўраганимизда, қаҳрамонимиз:

– Биласизми, ўша пайтлар бир курсдош дўстимнинг акаси Республика “медтехника”си бошлиғи эди, – деб вазиятга ойдинлик киритади у. – Шу туфайлидан энг илғор техника ва жиҳозларни поликлиникага олиб келолгандим. Бунинг устига ишхонамизда тозаликка, хизмат кўрсатиш сифатига, чиройли одобфазилатга бош эътибор қаратиларди. Ана шулар боис ҳам...

Ха, ана шулар боис ҳам 1983 йилдан бошлаб мазкур поликлиникага биринчи марта тилла тишилар қўйиш учун 6-10 килограммгача соф олтин берила бошлади. Бу ишларнинг, уларнинг заҳмату маломатларининг бор юки эса, албатта, бош врач сифатида Умрбек аканинг елкасига тушганди.

– Ҳатто Гдлян, Ивановлар даврида сўроқ ҳам берганман, – дейди қаҳрамонимиз чеҳрасида ним табассум билан.

– Лекин буюк француз файласуфи Вольтер айтганидай, “Ҳалол одамни таъқиб қилиш мумкин, бироқ бадном қилиб бўлмайди”. Демоқчиманки, корчалонлар минг марта ағдартўнтар қилиб ҳам ҳеч иш чиқаролмаганлар.

Бироқ ҳар хил шивир-шивир гаплар, асоссиз, туҳматли сўроқлар Умрбек Нарзуллаевни инфарктга олиб келган эди.

– Роса ўн беш кун ўлим билан олишиб ҳушсиз ётгач, учтўрт ойлаб даволангач, энди бу серғалва лавозимда ишлай олмаслигимни англаб етдим. Ариза ёзиб, ишдан кетдим, – дейди Умрбек ака.

Лекин У. Нарзуллаев ўз касбидан кўнгил узолмайди, бутунлай тарк этиб кетишни сира хоҳламайди. Шу боис ТМШ беморларига хизмат қилувчи шифокор сифатида ишини давом эттиради. Ҳуллас, поликлиникадан кетиб, ғалваю фитналардан нари бўлгач, ҳисоб-китоб, тилла ташвишларидан қутулгач, аста-секин ахволи яхшиланиб боради.

1989 йилда соғлиги деярли тиклангач, “Стоматолог” кооператив-поликлиникасини ташкил қиласди. Дастреб 11 кишилик жамоа, кейинчалик 17 кишига етади. 1995 йилга келиб поликлиника “Фурқат” хусусий тиббий фирмасига айлантирилади.

– Мазкур хусусий фирмани ташкил қилишим қизиқ бўяган, – дейа “ҳаёт дафтари”нинг яна бир саҳифасини очади Умрбек ака. – Табиий, бундай иш учун бино керак. Қўлимда мулк бўлса-да, нақд пул йўқ. Барибир 1994 йилда “Ким ошди” савдосига таваккал қилиб кирдим. Бунинг учун 3000 сўм тўланиши лозим эди. Шуни эпладим.

Ҳуллас, 120 минг сўмлик бинони, бир йил муддатга ҳақини тўлаш шартни билан, қўлга киритдим.

Нек ииятга Худо ёрдам бераркан. Олгач, поликлиникамиз ишлари шундай юришиб кетдики, ишлаб тўплаган пулларимиз билан бинонинг қарзидан қутулдик-қўйдик.

Аслида, Умрбек акага Яратған туғма уқув-уддабуронлик, ишбилигичлик, шифокорлик қобиляйтларини бергани рост.

Бирор билиб – бирор билмас, у ўз соҳаси бўйича вилоятда йирик мутахассис. Турли фалокатлар боис жаги синган, лаби, танглайи йўқ бўлган кишилар вилоятда фақат нуроталик шифокор Умрбек Нарзуллаевдангина “дардларига дармон” топишлари мумкин.

Юз соҳасини эркин жарроҳлик йўли билан қайта тиклай олади у.

Шу боис бугун ҳам Умрбек Нарзуллаев хусусий фирмасида бемор қабул қиласди, юртдошларининг мушқулларини осон этади.

– Умрбек укамиз ўз соҳасини чуқур билади. Ҳаёту тириклик сабабли амалиётнинг профессори бўлса-да, илмда имкон тополмади. Чунки оила шароитини йўлаб, вақтида марказда қололмади. Ишлаб, ҳаётини йўлга қўйиш, айни пайтда ота-онасига, укаларига қарашиб туришни бурч деб билди у, – дейди устозимиз, нуроталик таниқли ижодкор Ҳамдам ака Эшонқулов. – Биз унинг қасб-кори бўйича салоҳиятига ҳам, тадбиркорлик ишларига ҳам қойил қолганимиз. Юртда Умрбеклар кўпайса, бу – элнинг баҳти...

\* \* \*

Дарвоҷе, каҳрамонимизнинг, бугун Истиқлол берган минг бир имкониятдан фойдаланиб, амалга ошираётган бошқа тадбиркорлик ҳаракатлари ҳам бисёр.

Раҳматлиги отаси Нарзулло бобо, укалари, ўзи, ҳаёт йўлидаги садоқатли дўсти – умр йўлдоши, стоматолог врач (хозир нафақада) Дилором опа Нарзуллаева, ўғиллари Файратжон, Фурқатжон, Бобомуродлар номига қатор-қатор фермер хўжаликлари, савдо фирмалари очиб ҳам иш ташкил қилган.

Отар-отар қўйлари дашту далаларни тўлдириб, балиқчилик хўжаликлари, мармарни қайта яшловчи кичик корхоналари, АЁҚШлари ишлаб турибди. Уларда 176 нафар киши хизмат қилиб, оила тебратади, бола-чақа боқади.

Шу аснода бу хусусий корхона-хўжаликлардан ойига 120-140 миллион сўмгача нақді пул тушуми банкка топширила-

ди. Сирасини олганда, бу рақам туман нақд пул тушумининг 70 фоизини ташкил этади.

Умрбек аканинг ўзига хослиги, ҳаётга оқ кўнгил, ёруғ юрак билан қарашининг бир белгиси шуки, у ана шу тушумдан бир сўм ишлатмайди. Бир қоп ун сотиб олиш учун ҳам маблағни банк хазинасидан олишади.

Умрбек аканинг «иқтисодиёт»даги амалиёти билан боғлиқ яна бир зътирофли факт мавжуд. У давлат солиғини белгиланган вақтда тўлаб боришига катта аҳамият беради. Хўжалик, корхона, фирмалари томонидан ҳар ойга 9-9,5 миллион сўм солиқ тўланади.

«Инкассага қўйиб олиш» деган гаплар унинг корхоналари учун батамом бегона гап. Шу боис қаҳрамонимиз вилоятда “Энг яхши солиқ тўловчи” сифатида зътироф этилиб, “Фахрий ёрлиқ” олган.

“Бизга ер, сув, имконият бериб қўйган Давлатга нега солиқни ўз вақтида тўламаслигимиз керак? Бу тўловимиз шу Ватан равнақи, шу Ҳалқ фаровонлигига хизмат қиласиди. Умуман, солиқ тўлови – Худонинг қарзи. Унга хиёнат қиласак, Худога хиёнат қилган бўламиз. Баракамизни учиради”.

Булар – Умрбек аканинг сұхбатимиз асносида чин дилдан айтган гаплари.

Маълумки, бозор иқтисоди ривожининг битта ибратли ишончли шарти бор. Ҳалол – рақобат. Ана шу рақобатда ҳозирча туманда у билан очиқча кураш майдонига чиққанлар йўқ. Умрбек Нарзуллаев эса бу рақобатда, савдода нархни арzonлаштириш ва хизмат сифатини яхшилаш ҳисобига, голиб бўлишга ҳаракат қилаётir.

\* \* \*

Муҳтарам Президентимиз бугунги кунда алоҳида аҳамият бераётган ижтимоий ҳимоя масаласи, ҳомийлик ишлари бўйича ҳам қаҳрамонимиз зътирофли ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган йилда у аҳолининг кам таъминланган қатламига, турли ташкилот ва тадбирларда 17 миллион сўм ҳомийлик ёрдамлари кўрсатган эди. Шундан 8 миллион 200 минг сўми

халқ таълими соҳасига берилди. Натижада У. Нарзуллаевга “Таълим ҳоммийси” кўкрак нишони ҳам тантанали равишда топширилди. Умрбек ака Наврӯз байрамида аҳолининг кам таъминланган қатламига 20 қоп ун тарқатди. Шунингдек, бир аҳволи ночор инсоннинг икки ўғлини уйлантириб қўйди. Олдинги йилда “Янги турмуш” қишлоғига масжид қуриб берганди. Энди ўзи яшаётган “Нурота 60 йиллиги” маҳалласига бу тадбирни амалга оширмоқчи.

– Шифохонага маблағ билан боғлиқ не бир муаммоли масала бўлса, албатта, Умрбек ака Нарзуллаевнинг ёрдамларига суюнамиз, – дейди ТМШ бош врачи Ш. Халилов саковатпешалик масаласида сўз кетганда. Кейин бу инсон ҳақида эътирофини давом эттириб, шундай дейди: – Ўз ишини чуқур биладиган, тадбиркор, камтар, оддий, диёнатли бундай одамлардан фақат яхши нарсаларни ўрганиш керак.

Ҳали айтганимиздай, Умрбек Нарзуллаев барча яқинлари номига фермер хўжалигию хусусий фирмалар ташкил қилиб, иқтисодий имкониятини “бўйи ва энига” ўстираётган тадбиркор – шифокор.

– Буларнинг ҳаммасини назорат қилиш, ишини ташкил этишга вақтингиз қандай етади? Бунинг устига шифокорлик ҳам қиласман деяпсиз, – ўсмоқчилаб сўраймиз каҳрамонимиздан.

– Ўғлим Файрат «Умрбек» фермер хўжалигига, ўғлим Фурқат “Семурғ” фермер хўжалигига, ўғлим Бобомурод “Фурқат” хусусий фирма ва «Нарзулло бобо» савдо фирмамизга, укам Бекқул “Мулла Алмат”га қарайдилар. Ана шундай, барча хўжалигу фирмаларнинг иши бўлиб ташланган. Ҳар бири ўз ишини астойдил уқув ва жонбозлик билан бажараверади. Мен хирмоннинг гирдини ташлаб юраман, холос, – дейди у саволимизга жавобан. Кейин сўзини шундай давом эттиради:

– Шифокорлик ишим масаласига келсак, ҳар чоршанба ва шанба кунини суюкли касбим учун, албатта, бағишлайман, лоақал шунга ҳаракат қиласман.

\* \* \*

Дарҳақиқат, раҳматли Нарзулло бобо Жиянов ҳамда Хурсаной момонинг тарбияларини олиб улғайган ўғил-қиз-

лар маънавиятли, уддабурон, ишсевар, илмли-зиёли бўлиб вояга етгандилар. Қаҳрамонимиз Умрбек Нарзуллаевдан бошқа ҳам укаси Улугберди Нарзуллаев ўз билим-қобилияти, инсоф-диёнати билан ички ишлар хизматида бўлди. Со ҳанинг вилоят раҳбарларидан бири сифатида ишлаганда адолатпарварлиги билан назарга тушган бу инсон ҳозирда Республика Ички ишлар вазири ўринбосари лавозимида хизмат қилаётir. Бекқул Жиянов тадбиркор, Илҳом Нарзуллаев стоматолог врач сифатида фаолият юритаяпти.

Не бахтки, Умрбек аканинг Дилором опа билан қурилган, катта хонадондан сабоқ олиб учирма бўлган, оиласида ҳам бирин-кетин туғилган уч ўғил, тўрт қиз илму тарбиятда, одобу маънавиятда ота-боболарига муносиб фарзанд бўлиб вояга етдилар. Бугун чин маънода ўз ота-оналарининг избосари бўлиб, юқорида айтилганидай, уларнинг тадбиркорлик, бунёдкорлик ишларида улушларини қўшиб келишаяпти. Эндиликда ўн тўрт невара ҳам ортларидан дадил қадам ташлаётir.

Шу ўринда бир қисқа чекиниш қиласиз-да, қаҳрамонимизнинг қизлари Ҳилолаҳон (ўқитувчи), Дилсораҳон (тикувчи), Нуржамол (ҳамшира), Раъноҳон (ҳамшира)лар ҳақида айтган бир гапини тилга оламиз.

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо (с.а.в.) бундай марҳамат қилганлар: “Фарзандларингизга ҳадя берсангиз ҳам, аввал қизингизга беринг”.

Шу боис суҳбатимиз давомида қизларим ҳақида нимадир сўз айтмасам, ана шу ибратли сабоққа риоя қилмаган бўламан...

Хуллас, Умрбек aka бу борада ҳам иймон илмига эргашиб, нафақат ўғиллари, қизларининг баҳт-саодати учун-да ҳаракат қиласи. “Булар – муштипарлар, уларга ҳамиша паноҳ бўлинг”, дея уларга алоҳида уқтиради. Умуман, оиласида меҳр-оқибатнинг зиёда бўлишига интилади ва бунга эришди ҳам.

Бироқ бизнинг қўлимизга қалам тутган, ушбу қораламани ёзишимизга сабаб бўлган нарса қаҳрамонимиздаги кўпчиликда топиб бўлмайдиган оддийлик, камтарлик, оқибату иймондорлик фазилатидир.

– Булар менга отам раҳматлидан ўтган-ов. Лекин падари бузрукворимнинг синчков ақли укам Улуғбекда кўринади, – дейди Умрбек aka “Ёй” буржидаги туғилган инсонларнинг соддадиллиги, самимияти ва рост иқрори билан.

“Агар унинг мол-дунёси бошқа бир одамда бўлса борми, у осмонда туриб, атрофидагиларга ер деб қарап эди. Умрбек aka бўлса, шу қадар оддий ва камтаринки...”

Бир танишимизнинг бу гапини суҳбат асносида эслаганимизда, Умрбек aka Нарзуллаев жилмайиб, шундай дейди:

– Олиб кетадиганимиз 16 метр сурп, ҳар бир хатти-ҳаракатимиз Яратганинг нигоҳида бўлгач, иложи борича яхши амаллар билан яшаб ўтишимиз лозим. Ўзига бино қўйган, иззатталаб киши Аллоҳдан азизлигини талашганлик гуноҳини олар экан. Биз бандаларнинг бусиз ҳам гуноҳимиз кўп. Лоақал шу гуноҳдан сақланайлик.

Биз ҳам қаҳрамонимизнинг бу сўзларига минг бора қўшилганимиз ҳолда, ниҳоят, қораламамизга ушбу шеърий мисралар билан нуқта қўйишни лозим топдик.

Ватан – обод, Миллат – улуғ,  
Сиздайлар бор дунёда.  
Ҳаёт – нурли, ҳар он – қутлуғ,  
Яҳшиликлар зиёда.  
Умр асли синовли йўл,  
Ҳар одимда ҳикмати.  
Саодатнинг йўли эрур,  
Эр йигитнинг ҳиммати.  
Элим деса, Ҳалқи суйгай,  
Юртим деса, Ватани.  
Элу Юртин суйган Марднинг  
Улуғдир шону шаъни.

## ЭЛ МЕХРИНИ ҚОЗОНИБ

(*Вилоят шошишинч шимий-тиббий ёрдам маркази травматология  
бўлими бошлиги, шифокор Акбар САЙФИЕВга дилсўз*)

Сизни то тўла-тўқис кашф этиб ол-гунча йиллар кутишимга тўғри келди. Бироқ илк таассуротим алдамади. Сиз ўша куни беморингизга нафақат хизмат қилдингиз, балки керакли ашёларни топиши учун бор имкон эшикларини ҳам кўрсатиб бердингиз. Бунинг устига касалликнинг даволаниши учун бўладиган ишу услублар ҳақида ҳижжалаб тушунтиришга ҳаракат қилдингиз. Беморларнинг вазиятни тўла-тўқис билиб олиш учун инжиқлиқ билан қилган ҳар бир сўрову саволларига жон-дилингиз билан рўйи рост тушунтиришлар беришни лозим топдингиз. Бундан зерикканингиз йўқ, малолликни ҳам сезмадик сира.

Беихтиёр эса ўша тобда хаёлимизга Сиз билан ёнма-ён ишлаётган шифокорнинг (артист дейиш тўғрироқ бўларди) кору кароматлари келди. Эслайман, ўшанда бизни у “дўхтир”-нинг ҳузурига жигаржонлик туйфуси етаклаб борган эди. Сўзимизни тинглади, руҳий ҳолатимизни ҳис қилган бўлди, ҳатто кўзларига «ёш ҳам олди».

Афсуски, эртасига айтилган вақтда қабулда ўзи бўлмади. Шогирдини рўбарў қилди. Салкам робот дарражасидаги бу шогирднинг юрагини эритадиган нарса дард чекиб ётган инсоннинг, унинг атрофидагиларнинг руҳий изтироби эмас экан. Шу боис унинг на ўзини тутишию на муомала-муносабатида меҳр-шафқат туйфусини сезмадик сира. Энг ёмони, ҳатто шифокор сифатидаги бурч, вазифа масъулиятини ҳам асло ҳис қилмадик.

Ортга чекиндик. Операция бўлиб, тузалаётган bemорлар билан диллашиб хulosага келдигу ҳаммаси аён бўлди.



Устозу шогирд бўлган бу инсонларнинг юрагини эритадиган, роботликдан чиқариб, шифокорга айлантирадиган нарсани тўла-тўкис тушуниб етдик. Шу йўлдан бордик...

Минг шукурки, Сиз таъмагирлик ўйинларини ўзига ордеб билган, бурчу вазифаси йўлида ҳалол, астойдил хизмат қилаётган эл сўйган азиз шифокорлардан бири эканлигинизни амалу мумомалангиз билан намоён қилиб улгурган здингиз.

Орадан ўтган йиллар таассуротларимизни яна мустаҳкамлади. Эл билади, кўп кўради барини. Ким ким ҳақида нима демадиyo, лекин эл-улуснинг Сиз ҳақингизда билимли шифокор, деган гапини эшидик. Иймонли, тозақўл шифокор, деган таърифи сиз ҳақингиздаги тасаввуримизни бойтди.

Дарҳақиқат, бугун ҳаёту фаолиягинизни ўрганар, бурчу вазифангиз хусусида сўзу сұхбатингизни олар эканмиз, ушбу нарсага яна бир карра ишондик. Заҳматкаш деҳқон оиласида туғилиб улғайганингиз, иймону диёнат соҳиби эканлигиниз, илм-эътиқодли инсон фарзанди бўлганингиз учунми аввало, инсонни севдингиз, кейин Худони таниб, илмга муҳаббатли бўлиб вояга етдингиз. Не баҳтки, ҳатто бугун ҳам ўзингиз қатор фарзандларга ота бўлиб, уларни тарбия қилиб келаётган бўлсангиз-да, отангиз Сайфи бобо “Ҳеч қачон бирорга жабр қилма”, деган гапларни ҳамон такрор-такрор эслатиб келадилар.

Устоздан олган ўгитларингиз ичида эса хотирангизда муҳрланиб қолгани “таъмагирлик қилма, шифокорнинг баҳти ана шунда”, деган ўгитдир.

Шулар боис ҳам Сиз юқорида айтганимиз айрим шифокорлардан фарқли ўлароқ, эл зътибори -- назаридаги ҳурматли шифокор сифатида кўпнинг кўнглида яшаяпсиз бугун. (Сиз ҳақингизда ҳатто жалойирлик педагог, домла Очил Маманов бутун бошли “китоб” битиб келибдилар.)

Лекин сұхбату ўрганишларимиз жараёнида Сизда яна бир зътирофли фазилатни кузатдик. Сизда Оллоҳ ирова этган касбга фидойилик, ҳалоллик хислати ҳар лаҳза ўзини намоён этиб туради.

– Шундай вақтлар бўладики, ўзингни, вақтни бутунлай унугиб ишлайсан. Уйқу, очлигу чарчоқ унуг бўлади. Операциядан чиқиб, кўнглинг хотиржам бўлгач эса беихтиёр яна “ўзинг”га қайтасан. Масалан, 1991 йил самолёт фалокатидан кейин 34 киши бирваракайига олиб келинганда кеч соат 16-17 лар эди. Вақт елиб ўтавериб, кун тунга, тун тонгга туташиб кетибдию биз иш ичида, ҳатто сезмабмиз ҳам... Яқинда ҳам кеч соат 16 ларда йўл фалокатига учраган кишilarни олиб келганларида яна шундай ишлашимизга тўғри келди. Аслида, бу каби ишлашлар кунда-кунора бўладиган савдоку-я...

Сиз бу сўзларни оддий-одатий ҳол тарзида гапириб бердингиз.

Аниқроғи, Сиз ишингиз, операциянгиз давридаги ҳар бир муваффақиятдан, беминнат хизматингиздан шу қадар руҳий қониқиши оласизки, бунинг роҳату қувончини бошқа ҳеч нарсадан топиб бўлмас.

Сиз шифокор учун билим мұхимлігини, раҳбар учун уdda-буронлик зарур шартлигини, инсон учун камтаринлик керак фазилатлигини теран ҳис қилган ҳолда умр бўйи шунга интилиб яшадингиз. Ҳамиша китоб билан ҳамкор кечди ҳаётингиз, малака ошириш учун Қутбга боришга тайёр турдингиз. Вилоят шошилинч тиббий ёрдам маркази травматология бўлими бошлиғи сифатида эса минг бир муаммони мавҳ этиб бўлса-да, ишнинг изчил боришини, самарали бўлишини таъмин этдингиз. Самимилигу оқкўнгиллигингиз, камтаринлигу ишсеварлигингиз билан бўлимдагиларнинг чинакам устози ва йўлбошчисига айландингиз. Бугун бўлимдә, вилоятимизнинг бошқа нуқталарида соҳа бўйича хизмат қилаётган Ф. Худойбердиев, Ў. Ҳўжақулов, Т. Ўринов, А. Қодиров каби неча ўнлаб шифокорлар борки, улар бир умр Сизнинг олдингизда шогирдлик қарздорлиги ҳисси билан яшасалар арзиди.

Яна бир гап. Бу чархи гардунда учиб ўтган қушнинг ҳам юрагида бир дард бор. Бандаси борки, ҳар бири қай бир рангдаги армонларга ошно яшайди.

Не ҳайратки, Сизнинг бугун ҳам армонингиз иш билан, илмий ишлар қилолмаганингиз билан дахлдор экан.

Ҳурматли Ақбар Сайфиевич, худди шу ўринда қорала-  
мамизга сүнгги сүз айтишни лозим топдик.

Сизнинг армонларингиз табиий. Мактабу олийгоҳда  
фақат аъло баҳода ўқиган, бугун ҳам китобу журналлар  
билин ҳамроҳ яшаётган, билимли-тажрибали жарроҳ-трав-  
матологсиз. Яъники, имкон бўлса, қўша-қўша унвонли олим  
бўладиган салоҳиятнинг соҳиби бўлган мутахассисиз!

Лекин бир нарсага ишонинг. Неча-неча илмий ишларга  
юк бўладиган операцияларингиз билан не-не олимлик ун-  
вонларидан зиёда эл хизматини қилиб, аҳли улуснинг чин  
меҳр-муҳаббатини қозонолган шифокорсиз. Ана шу хизмат-  
ларингиз билан эса Сиз нафақат шифокор-олим, балки  
ҳақиқий маънодаги инсонсиз. Шунинг ўзи жуда катта гап.

## ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

Зах муҳит ва очин-тўқин кечадиган ҳаётнинг берадигани – касаллик. Айниқса, сил таёқчалари бундай шароитда жуда тез ривожланади ва бундай муҳитда чарчаган организмга қулай тарзда жойлашиб олиб, кишининг ўпка сили билан касалланишига олиб келади. Энг ёмони, ижтимоий касаллик саналган бу дард сурункали кечиб, bemornining силласини қуритиб ташлайди. У юқувчанлик, яъни эпидемиологик хусусиятга ҳам эга.



Ана шу боис узоқ муддат юқоридагидай шароитда яшашга маҳкум бўлган ёшлар орасида ҳам бу дард кўплаб учрамоқда.

Яна изчил тарзда, ўзида турли витаминаларни жамлаган мева-чева, полиз-сабзавот маҳсулотлари ва кўкатларни искеъмол қилмаган, аниқроғи, узоқ вақт дашт ва чўл ҳудудлари яшаш маконига айланган кишилар ўртасида ҳам сил билан оғригандар сони ортиб бораяпти.

Қачонлардир чет эл адаби асарида ўқиганимиз ана шу мазмундаги фикрлар охир-оқибатда бир ноҳақ қамалган ўспириннинг маҳкумхонадаги ҳаётидан ҳикоя қиласарди. Шу асно, у ердаги маҳкумларнинг оғрикли қисматлари, айниқса, сил касалига йўлиққанларидан бу касални ўзига юқтирган ўша навжувон йигитчанинг аянчли қисмати рўй-рост кўрсатиб берилганди. Шунингдек, чўл-дашт шароитида, иқтисодий ночор аҳволда яшаган бошқа оиланинг сарвисуман қизгинаси ана шу касаллик оммалашуви боис оғриб, кўп руҳий изтироблар ичida яшаб, охир-оқибатда, иложисиз-ночорлик сабабли ўлим топганилиги фожиаси ҳам акс этганди унда.

Ана шулар боис ҳам шифокор Раҳмат Аҳмедовнинг қўли-миздаги таржимаи ҳолига бошқача назар билан ёндашдик. Аниқроғи, 1972 йилдан то бугунги кунгача аввал Навоий

шаҳар сил касалликлари диспансерида, шу йўналишдаги шифохонада ишлаган, қатор вазифаларда хизмат қилиб, бош врач вазифасидаям фаолият олиб борган Раҳмат аканинг меҳнату хизматлари қадри янада баландроқ туюлди.

— Айниқса, бу соҳада ишлаган шифокор касалнинг эпидемиологик хусусиятини яхши билиши ва тушуниши лозим, — дебди у ўз “хат”ида.

Чинданам, бу хусусиятли касал, китобда ҳам ўқигани миздай, тез орада бутун бошли қамоқхонани деярли эгаллаб, аксарият ёшу кекса маҳкумларни оғриқли асорати билан тӯшакка михлайверган, ғарип қисматларни, азобли ўлимларни кўпайтираверганди.

Вилоятимизда ана шундай асоратли-оғриқли муҳит пайдо бўлмаслиги учун умрининг 30 йилдан зиёд қисмини соҳага баҳшида этиб келган қаҳрамонимиз инсон саломатлиги учун хизмат қилишни ўзига баҳт ҳисоблади. У бу йўлда бор касбий маҳорати, билим-қобилиятини сарф этди. Ўз устида ишлаш асосида кенг фикрлаб, касалликнинг эпидемиологик характеристини ҳисобга олган ҳолда даво чораларини қўллади.

Қаҳрамонимиз жами 41 йиллик фаолияти давомида шундай ишладики, болалик ва ўсмирлик орзулари ҳаёт ҳақиқатига айланди. Шундай меҳр ва олижаноблик билан хизмат кўрсатдики, нафақат ўзи, яқин жон-жигар, аҳли оила, ёр-дўстлари бу билан фахрланишиди. Шу боис улар орасидан шогирдлар етишиб чиқди, эл корига ярай бошлади.

Бироқ айни шу кунларда Раҳмат аканинг юрагида бир ўй-ташвиш бош кўтарган. У кейинги пайтда сезиларли даражада кўпайиб бораётган сил касаллигининг олдини оладиган, уни камайтирадиган муҳит яралишини истайди.

— Сил таёқчалари ҳамма ерда бор. Фақат у аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ тарзда, касалга айланади ёки йўқолиб ўлиб кетаверади. Қачонки, аҳли улуснинг турмуш даражаси яхшиланаверса, санитария маданияти ривож то-паверса, инсонлараро маънавий баркамолликка қанча кўп эришилаверса, бу касаллик кескин камаяверади.

Шу сабабли ҳали жамиятда жуда катта ва кенг доирада ўзгаришлар бўлиши лозим. Одамлар ўз соғликлари учун ўзлари қайғуришлари керак. Пул-маблағларини ҳар хил ҳавоий ҳавасларга сарф этмай, биринчи галда сифатли, витамишли, калорияли овқат ейишлари даркор.

Айтайлик, мева-сабзавот, кўкатли таомларга асосий куч бериб, ўз иқтисодий имкониятларини таом озуқасидан баҳра олишга қаратишлари зарур.

Афсуски, бизда бошқача бўлдаяпти. Маънавиятсизлигимиз кўп ҳолларда ғолиб келиб, минг бир машаққат билан топган маблағимизни тўй ва бошқа ҳашамларга сарфлаб юборамизу ўзимиз яна “эски чориқ”да ночорлик ичидяшайверамиз.

Бу гаплар кекса шифокорнинг жўяли фикрлари.

Яқинда бир юртдошимизнинг қўшниси Кореяга бориб ишлаб келгани, кейин тўй қилиб, топиб келган барча маблағини сарф этиб юборганию энди олдингидай ишсизу ноҳор юргани ҳақида айтган сўзлари ёдимизга тушди.

Устоз шифокорнинг барча хулосаларига дил-дилдан эргашамиз.

Энг характеристиси, қаҳрамонимизнинг ўзи маънавияти юксак шахс. Чунки чет эл ёзувчилари Теодор Драйзер, Александр Беляев, Чингиз Айтматов асарларини жони-дилдан севиб ўқиёди. Машраб, Увайсий, Ибн Синодек мумтоз шоирларимиз дурданаларини руҳ озуқаси сифатида мутолаа қиласди.

Ўлмас Умарбековнинг “Қиёмат қарз”и, Ҳалима Худойбердиева ва Муҳаммад Юсуфнинг “Сайланма”лари ҳамиша иш столи устида, уларни ўқиёй-ўқиёй, ўзига дилдош топади, кўнгил осмони ёришади.

Махтумқули ва Абдулла Ориповлар шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар, айниқса, мумтоз наволарни тингланда руҳи-жонидаги чарчоқлар тарқайди.

Хуллас, юртдошимиз, таниқли шифокор Раҳмат Аҳмедовнинг ҳаёт йўли кўпчиликка ҳар жиҳатдан ўрнагу намуна бўлишга арзиди.

## КҮЗЛАРГА НУР БАФИШЛАБ



Ўткир Мавлонов деган ном вилоят-дошларимизга жуда таниш. Республикада ҳам унинг номини эътироф эта-диганлар бор.

Чунки у вилоятда кўз касалликла-рини жарроҳлик йўли билан даво-лашда биринчи бўлиб самарали қадам ташлаган малакали шифокор. Шу боис бугун ҳам кўз касаллигида қийинроқ ҳолатга рўбарў бўлганлар

“Ўткир Мавлонов нима деркан?” деган умидли савол билан унинг ҳузурига отланишади.

У соҳа бўйича Самарқанд тиббиёт институтида ўқиб, жарроҳлик бўлимини тутатгач, 1971-72 йиллар Бухоро кўз касалликлари диспансерида офтотмолология ихтисослиги бўйича ин-тернатура ўтади. Шундан кейин Кармана туман кўз касалликлари диспансерида окулист врач сифатида иш бошлади. Ана шу фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ ҳеч кимнинг ёрдамисиз, мустақил равишда биринчи жарроҳлик ишини му-ваффақиятли амалга оширди. Жараён давомида фикри-ёди, иш-амали фақат ўқиб-ўрганиб, кўрган-кузатғанларига сужа-ниш бўлди. Қачонки, беморнинг “дўхтир, мен кўраяпман, Сизни кўраяпман”, деган қувончли сўзларини эшигтгач, бе-ихтиёр, ҳушёр тортди. Ишининг маъно-моҳиятини қалбан ҳис қилди. Аниқроғи, беморнинг чеҳрасида барқ урган шодумон-лик ифодаси унинг юрагида ҳам шуълаланди.

Ногаҳон, ана шу нуқтада илк бор одамларга катта қувонч баҳш эта олиши мумкинлигини ҳис қилди.

Чинданам, у 36 йиллик фаолияти давомида кўз билан ало-қадор 300 хилга яқин ҳар хил мураккабликдаги жарроҳлик операцияларини амалга оширди. Шу аснода жуда кўплаб кишиларнинг чин меҳр-муҳаббат ва эҳтиром билан айтган миннатдорчилик сўзларини ҳам эшилди. Ҳатто юрак изҳо-ри бўлган эътирофларини қатор-қатор матбуот нашрлари орқали етказганлар ҳам бўлди.

Соҳадаги жарроҳлик тадбирларини амалга ошиаркан, устозларидан бири, профессор М. Комиловнинг бир гапини доимо ёдда сақлади: “Жарроҳлик ишларининг ичидаги энг оҳанрабоси катаракта операцияси дид”, деган эди у.

Дарҳақиқат, илк фаолияти мисолида ҳам айтилганидай, катаракта операцияси натижаси ҳали бемор стол устида ётганидаёқ намоён бўлар, bemor кўра бошлар экан, бу ҳол нафақат тўшакдаги инсон учун, балки шифокор учун ҳам улуғ бир қувончни ҳадя этади.

Аслида, ўз шифокорлик фаолияти давомида қаҳрамонимиз жуда кўп эсда қоларли воқеаларнинг ҳам гувоҳи бўлди. Яратганинг мўъжизалари олдида гоҳида ўзи ҳам лол қолди.

Айтайлик, кўз соққаси кўз косаси ичига шундай маҳорат билан жойлаштирилган ва муҳофаза қилинганки, кўзнинг кўрадиган гавҳари вазиятга қараб ўзгарадиган “лупа” шаклда, анча ичкарида бўлади. Кўз соқасини сиртқи муҳофаза қобиғи ўраб олган бўлади. Яна уни шўр суюқлик – кўз ёш турли таъсирлар (қум, чанг, тутун) зиён етказмаслиги учун ювиб-тозалаб турди. Бу суюқлик мунтазам равишда маҳсус тешикча орқали бурун бўшлиғига тушиб кетади-да, ноқулайликларнинг олди олинади. Энг қизиги, шоирлар “киприкларнинг соясида”, деб эҳтиросли, муҳаббатнома мисралар битганларидай, кўпимизнинг эътибор-назаримизда ташқи бир белги-безакдай туюлган киприклар ҳам, аслида, кўзнинг муҳофазачиси, “кўриқбони” дир. Қароқларимизни ҳар хил ташқи таъсирлардан улар ҳам ҳимоя этадилар. Ҳатто “қуюқ пайваста қош”ларимиз ҳам тер қуйилишига ўхшаган ёқимсиз, кўзга зарар берувчи ҳолатлардан ҳимоя қилиш учун Оллоҳ томонидан яралган восита экан.

Хуллас, ана шунча ҳимоя қўрғонидаги “кўзнинг эгаси бор”, деган момоларимиз айтган гапда ҳам теран ҳикмат бор.

Бироқ ана шу кўзга ҳам ногаҳонда етадиган заарлар, фавқулодда ҳодисалар туфайли асорат, касалликлар боис келиб чиқадиган заҳматлар борки, бунда истаса-истамаса, инсон кўз шифокорига мурожаат қиласди.

Сүҳбатимиз асносида Ўткир ака Мавлонов ўз фаолиятида учраган, йиллар ўтса-да, хотирасида муҳрланиб қолиб, яшаб келаётган ўнлаб ана шундай воқеаларни гапириб берди.

– Бир куни эрталаб эндигина иш бошлаётган эдим. Янгиқўргонлик бир аёлни олиб келишди. Сут соғувчи экан, сигир урди, дейишди. Қон-жароҳат деярли йўқ эди. Энг ачинарлиси унинг битта кўзи ўрнида кўринмасди.

Хуллас, мутахассислар – нейрохирург ва бошқа соҳа вакиллари билан ҳамкорликда текширувларни, шу асно жарроҳлик муолажасини олиб борарканмиз, сигирнинг шохи кўзнинг ташқи четидан кириб зарб бергани, кўзнинг косаси ҳам юқори, ҳам паст томондан синиб, кўз нерв толалари ва ҳаракатга келтирувчи мушаклари узилиб, кўз олмаси кўз косасидан юқори жағ соҳасидаги бўшлиққа тушиб кетгани маълум бўлди. Мия қопқоғи очилиб, унга кириб қолган сувяклар териб олинди, кўз олмасини олиб жойига қўйдик ва мустаҳкамлаб тикиб жойлаштирилди. Аёл тузалиб кетди. Кўзи деярли табиийдай турибди. Афсуски, шу бир кўзи энди кўрмайди.

\* \* \*

– Бир куни кўзи оғриган ўспирин бир йигитчани қабулимга олиб келишди. Кўз халтасининг ичкарисида – юқори қисмда қонталаш жароҳат бор, дея изоҳлашди вазиятни сўраганимда.

Каналга чўмилиб келганидан сўнг, шу оғриқ бошланибди.

Кўрсам, не ҳайратки, кўз олмасининг юқори қисмida кичикроқ зулук (халқ тилида шуллик, дейилади) ёпишиб ётибди. “Албуцид”дан кўпроқ томизган эдик, зулук кўзни ташлаб, ўзини юзага олди. (Уни сувга қўйворсак, сузиб юрибди.)

Бола сувда чўмилаётганда, сув остини кўраман, деб кўзини очиб сузган вақтида зулук кириб кетади ва нишини санчиб олиб, қон сўриб ётаверади. Оғриқ фавқулодда пайдо бўлган бўлса-да, бола ҳам, атрофидагилар ҳам кўз оғриққа йўйишади.

Ўсмирнинг кўзидағи зулук қолдирган асоратни даволадик, бутунлай соғайиб кетди.

Аслида, ана шундай турли-туман воқеалар ичида ўз касбининг заҳмату машаққатларига ҳам, марҳамату раҳматларигаям сазовор шифокоримиз нафақат соҳанинг иқтидорли мутахассиси балки иш билармон, куюнчак раҳбар ҳамdir.

Сирасини олганда, 1975 йилдан бошлаб Ўткир Мавлонов диспансер бош врачи (диспансер бўлимга айлантирилгач), бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади.

Бу даврда ютуқлар баробарида муаммоларни ҳам ақл тарозисида тортиб, раҳбарлик даражасигача кўтарилиди. Унинг фаоллиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг масалага алоҳида эътибор билан ёндашиши боис 1993 йилда Кармана тумани ҳудудида вилоят кўз касалликлари шифохонаси ташкил этилди. Ана шундан кейин у мазкур шифохонанинг бош врачи сифатида фаолиятини давом эттириди.

Айни пайтда шифохонада bemорлар учун 40 та ўрин мавжуд.

– Уларга пуллик хизмат кўрсатамиз, – дейди қаҳрамонимиз. – Бироқ 20 фоиз хизматлар арzonлаштирилган нархларда.

“Ҳомийлар ва шифокорлар йили”да эса шифохонада маҳсус дастур асосида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Молия, Соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий таъминот Вазирликларининг ҳамкорликдаги режа-дастурларига асосан мазкур шифохонага 130 та гавҳар берилиши кепрак эди. Уларнинг 65 таси берилди. Қолганлари эса кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласларнинг 1, 2-гуруҳ ногиронларига бепул кўйилди. Бу ишлар мутасадди ташкилотлар (ТЭМК)лар билан келишилган ҳолда амалга оширилди. Бунда нафақат кўз гавҳари қўйиш, балки хизмат ҳақи, даволаниш ҳам бепул амалга оширилди.

Қаҳрамонимиз ўзининг бугунги ютуқ ва муваффақиятлари учун устозлари Ф.М. Голубь, Н.И. Медведов, А. Юспов, М. Комилов каби олимлардан; киевлик, москвалик профессорлар Н. Сершенко, Р. Гундарова, С.Н. Фёдоров ва бошқалардан, бухоролик устози С. Фуломовдан миннатдор.

Шунингдек, шифокорлик касбини танлашига асосий сабабчи бўлган отаси – Кармана туманининг “Обронон” қишлоғида умргузаронлик қилган, 2-жаҳон урушидан қайтиб келгач, умр бўйи қишлоқ фельдшери сифатида халққа хизмат кўрсатган Ҳалим ота Мавлоновдан чексиз миннатдор.

– Ота касбини эгаллаган хор бўлмайди, деган халқ нақли бор, – дейди Ўткир ака бу ҳақда сўз кетганда. – Бундан ташқари, ота ризолиги – Оллоҳ ризолиги, деган гап ҳам бор. Отам раҳматли менинг шифокор бўлишимни жуда хоҳланган, бунинг учун мени ҳар жиҳатдан тайёрлаб борган эдилар.

Эслайман, ҳали мактабнинг юқори синфида ўқирдим. Отам менга қўлларини тутдилар-да, вена қон томирига глюкоза юборишни буюрдилар. Томирлари ўйнаб чиққан, йўғон эди. Шундаям бу ишни қилгунимча игнани у ёқ бу ёққа ҳаракатлантириб, отамга анча азоб берганман. Лекин “майли, қўрқма, бемалол игнани томирга олиб бориб, санч”, – дея ўғит бериб, ўтираверганлар. Ўшанда оғриқ ичидаги отам мени ноқобилликда айблаб, урушганларида бир умр бу касб-корга яқинлашмаган бўлармидим балки.

Бугунги кунда ота изидан бориб, умри муаллимлик билан ўтган она тарбиясини олиб хато қилмаган қаҳрамонимизнинг ортида ёруғ излар чараклаб турибди. Жуфти шифокор, икки ўғли ва бир қизи олий маълумотли мутахассис бўлгани ҳолда кенжা ўғли ота йўлидан бориб, тиббиёт олийгоҳида таҳсил олмоқда.

Ўткир ака ўзининг жўшқин фаолияти билан кечган кечаги кунидан қаноатлангани ҳолда, бугунги тиббиётга кириб келаётган замонавий асбоб-ускуналар билан боғлиқ пайдо бўлган муаммолар олдида ожиз қолганида бор умидини ана шу избосари – фарзандига, атрофидаги ўнлаб шогирдларига тиккани тушунарли ҳолат.

Ахир, ҳар қандай тараққиёт, ривожланиш ҳам фақат илм ва ишлаб чиқариш билан кириб келади юртга. Аслида Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо (С.А.В.) “Бешикдан қабргача илм изланг”, “Илмни Хитойда бўлса ҳам бориб ўрганинг”, деганлари бежизга эмас.

Ҳар бир киши илм-маърифат эгаллашни ҳаёти учун да-стуруламал қилиб олиши лозим. Ислом дини мактабдан бошлаб ўргатила бориши ҳам даркор. Зеро, бу диннинг тинчликсевар, тарбиявий, инсонни яхшиликка, илм-иймонга бошловчи динлигини ёшларимиз мактаб парталаридаёқ ўқиб-ўрганиб борсинлар. Хуллас, у бу борада шундай ўйлади.

Шундай қараашларга зга бўлган қаҳрамонимизнинг эл-юрт, Ватанга қилган кўп йиллик хизматлари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1997 йилда “Республикада хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” унвонига сазовор бўлган бўлса, жорий йил – Истиқоллинг 15 йиллиги арафасида “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланди.

Оилада оқибатли, қаттиққўл, меҳрибон ота, бобо, ишхонада иш билармон раҳбар ва эътирофли мутахассис, аҳли маҳалла, қишлоқ орасида ишончли маслаҳатчи, ёрдамчи дўст-биродар бўла олган таниқли “кўздўхтири” Ўткир Мавлоновга берилган бу мукофот муборак бўлсин, деймиз.

## КОМИЛЛИККА ПОЙДОР УМР



“Унинг чеҳраси ёруғ, худди юрагига монанд. Унинг билими чуқур, худди атрофидаги эътирофу ҳамду санолар мисол.

Энг муҳими, у шифокоргина эмас, инсон ҳам. Меҳрибон, дилкаш, таъмагирлиқдан йироқ, самимий. Болакаттага бирдай, ёшу қарига баробар инсон.

Балки кунлар улғаяверар,  
Умр – меҳр-шафқат бешиги.  
Комилликка пойдор бу дунё,  
Очаётир Довруқ эшигин.  
Байрамингиз қутлуғ бўлсин,

Дилмурод!”

Биз бу сўзларни 2000 йилликнинг бошларида ёзган эканмиз. Мана, ўшандан бери олти йилча вақт ўтди. Аммо бугун ҳам хийла улғайган, хийла тўлишган, соchlарининг оқи ҳам анча қуюқлашган бўлса-да, Дилмурод ўша-ўша. Тоза қалби, ёруғ юраги, билимдонлиги билан; меҳрибон, дилкаш, самимийлигию таъмагирлиқдан йироқ инсонлиги билан ўша Дилмурод!

Фақат, бугун бир нарса ўзгарди. Дилмурод Рўзиев интилиши билан бир довонни ортда қолдирди, тиббиёт фанлари номзоди унвонини олди. Шу аснода ўзининг ҳам билим захираси, касбий салоҳияти янада ортди. Соҳасини янада чуқурроқ билгувчи мутахассисга айланди. Энг муҳими, у ёқлаган номзодлик иши ҳамдўстлик мамлакатларида ҳаётга татбиқ этилганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Узр, азиз ўқувчи, гапнинг “берди”сига ўтиб кетдик чоги. Шу боис бу нуқтада сўз айтишдан бир лаҳза чекинайликда, мавзуни аввалбошидан бошлай қолайлик.

Дилмурод Рўзиев номи вилоятдошларимизга яхши таниш.

Даставвал уни туғилиб-ўсган, илм-маърифатли қилган она юрти Кармана халқи яхши таниди. Тумандаги Ибн Сино ном-

ли 11-үрта мактаб жамоаси аълочи, тартибли ўқувчи сифатида, “Айрончи” ва “Уйрот” қишлоқлари аҳолиси дала-декончилик ишларида суюги қотган ақлли, одобли ўспирин сифатида таниди.

Етти жигарбанднинг энг кичиги бўлган, ота вафоти кўнглини чўктирган бўлса-да, муштипар она ва акалари мадади билан иқтисодий муаммоларни енгиб, Самарқанд тиббиёт институтининг педиатрия факультетини битириб келиб, туман марказий касалхонасида участка врачи сифатида иш олиб борганида ва қишлоқ врачлик амбулаторияси бош врачи, марказий касалхона болалар реанимацияси бўлими мудири, бош врач ўринбосари лавозимларида ишлаганда эса аҳли туман “билимдон дўхтири” сифатида яхши таниди, унинг номини эътироф эта бошлади.

Ниҳоят, каҳрамонимиз 1993 йил ноябр ойидан бошлаб НТМК ТСҚ да юқумли касалликлар бўлими врачи ва бир йил ўтиб, бўлим мудири (бир вақтнинг ўзида мазкур шифохонанинг бош инфекционисти) бўлиб ишлай бошлади.

Энди нафақат Навоий тумани ва шаҳар аҳолиси, балки аҳли вилоят танийдиган бўлди уни. Айниқса, иши тушган, шифоталаб кишилар, уларнинг атрофидагилар, ҳали айтганимиздай, ҳалол, иймонли, умуман, ишончли мутахассис тарзida танийдиган бўлди.

Хуллас, йиллар ўтавергани сари Дилмурод Рўзиев номи Умид ва Нажот нуқтасига айланди. Одамлар уни излаб, истаб, йўқлаб топадиган бўлдилар.

Яқинда бир тумангага хизмат сафари билан бориб келдик. Раҳбар инсонлардан бири билан мақола баҳонасида сұхбатлашиб шимизга тўғри келди. Гап мавриди касбий маҳоратга бориб тақалди.

– Ўн йиллар олдин бир неварамиз бизни жуда қўрқитди,  
– деди у дилидагиларни яширмай. – 15 кун реанимацияда ётди. Кундан кун аҳволи жиддийлашди. Баданлари ялтилаб, шиш ёйилди. Вилояту республикадан казо-казо дўхтиру олимларни олиб келиб кўрсатдик. Ўзгариш йўқ. Бирор “27”да (касалхона назарда тутилмоқда) Дилмурод Рўзиев деган билимдон дўхтири бор, деди. Униям олиб келдик. Очи-

ғи, дастлаб бу дўхтирнинг ёндашуви ғашимга тегди. У боланинг аҳволини кўрди, берилаётган дори-дармон, қилинаётган муолажаларни ўрганди. Аммо ўзи бирор қўшимча дори-дармон айтмай, барча муолажаларни тўхтатишни буюрди. “Бугунча шу ерда ётсин, эртага уйга олиб кетинглар”, деди.

Даставвал, уни олиб келганимгаям пушаймон бўлдим. Лекин гаплари ишонарли эди. Ноилож, айтганини қилдик. Эртасидан бошлаб боланинг пешоб қилиши кўпайди. 3-4 кунда шиши қайтиб, бир ҳафтада бутунлай ўзига келди. Хурсанд бўлиб кетдим. Бугунгача шу дўхтирга ихлосим баланд, – деди суҳбатдошимиз.

Биз бу факт бўйича Дилмуроднинг ўзи билан гаплашишни лозим топдик. Ахир, бундай “муолажа”нинг сабабини билиш қизиқарли эди-да.

– Самарқандда институтда ўқиб юрганимда устозим, доцент Алишер Расуловнинг кўплаб ўгит-насиҳатларини зшиятган эдим, – деди у сўзларимизга жавобан. – Улар фаолиятим давомида асқотаяпти. Бирида устоз шундай дегандилар: “Дилмурод, билмай муолажа қилган врач bemорга зиён етказади. Билмасдан даво қилгандан, қилмаган bemор учун фойдалироқ”. Шу ўгитларнинг исботини кўп кўраман, ўшанда ҳам кўрганим рост. Чунки биринчи кўришдаёқ болага суюқлик ва дори-дармонлар керагидан зиёд берилганини англадим. Аслида, болага касалига қарши дори-дармон белгилашда унинг оғирлигига қараб ёндашилади. Шу ўринда айтишим жоиз. Шундай дори-дармонлар борки, парчаланиш ва организмдан чиқиб кетиш муддати катта, шундайлари борки, қисқа вақтда парчаланиб, чиқиб кетади. Дори-дармон белгиланишида ана шулар ҳам назарда тутилиши зарур. Хуллас, дорининг парчаланиш даври катта бўлса, кам берилади, аксинча бўлса, кўпроқ тавсия этилади. Лекин болага бундай ёндашувлар бўлмагани ялтилаб-шишиб кетган ҳолатидан ҳам, ёзилган дори-дармонлар ва касаллик тарихидаги ёзувлардан ҳам кўриниб турарди. Шу боис, гўдакни дард чангалидан қутқаришнинг энг тўғри йўли, уни оч қўйиш, дори-дармонни тўхтатиш ва ортиқча уринтирмай кутиш лозим эди. Чунки гўдак-

нинг кўзи равшан, эс-ҳуши жойида, фақат, организмини ортиқча суюқликдан қутилтириш керак эди.

Чини билан Дилмурод устозлар ўгитларини қадрлаб, амалиётида қўллаб, кам бўлмаган шифокор. Масалан, реанимация бўйича устози, киевлик профессор М. И. Юрченконинг “Кунми-тунми, байрамми, дам олишми, bemордан ҳеч қандай раҳмат кутмай, унга ёрдам кўрсат” деган гапини ҳам бутун фаолиятига дастурламал қилиб олгани рост.

– Устознинг бу сўзларида инсонлар тақдири, баҳт-саодати, шодлик-қувончи ётибди. Ана шу нарсага юзаки қараган ёки аксинча ёндашган шифокор аввало Аллоҳ асрасину инсонларни юқоридаги неъматлардан айиради. Аниқроғи, ҳаёт ва ўлим орасида ётган bemорни заррача лоқайдлик йўқотишга олиб келиши мумкин.

Дилмурод бу гапларни юракдан айтади. У устозлари ҳақида сўз кетганда катта эҳтиром билан юқумли касалликлар бўйича мутахассис бўлиб етишишида, ҳатто шу йўналишда номзодлик ишини ёқлашига катта ёрдами теккан устози, марҳум академик Исак Мусабоев, унинг ўғиллари профессор Эркин Мусабоевнинг хизматларини эътироф этаркан, жумладан, шундай дейди:

– Марҳум устозим И. Мусабоевнинг нафақат ҳамдўстлик мамлакатларида, бутун дунёда шогирдлари кўп. Фарзанди ва шогирди Э. Мусабоевдай устозим борлигидан ҳам шунинг учун фахрланаманки, у киши Ўрта Осиёда йирик олим, юқумли касалликлар бўйича кўп муаммоларни ечиб келаётган мутахассисдир.

Бироқ қаҳрамонимизнинг яна бир суюкли устози бор. Билимдон, номи эларо зэтироф этиладиган мутахассис-шифокорлар каби у ҳам китобга қаттиқ суянади.

Бу “устоз” эса уни ҳеч қачон алдамайди. Хатога бошлимайди, мушкулдан ишончли тарзда олиб чиқишининг уddaсидан чиқади.

– 4-курсни тугатиб, ёзги амалиёт ўтаётган пайтларимда, курсдошим Райҳон Раҳимова ва мени Газли зилзиласи оқибатларини тугатиш борасида жалб этилган қурувчилар-

га хизмат кўрсатиш учун юборицди, – ҳикоя қилиди қаҳрамонимиз. – Ҳамдўстлик мамлакатларининг барчасидан қурувчилар бригадалари келган. Қизғин меҳнат маъракаси қайнайти.

Мен ва шеригим, Москва медицина институтидан иккى қиз, Коми АССРдан бир ҳамшира қиз ана шу қурувчиларга тиббий ёрдам кўрсатамиз, хуллас, бутун бошли санитария қисми фаолиятини бошқарамиз. Ҳаво 45-50 градус иссиқ.

Шундай кунларнинг бирида бир қурувчи қизни беҳуш ҳолатда олиб келишди. Қон босими “0”, томир уриши сезилмайди. Кўп марта қусган, ичи кетган. Бошқа ҳеч нарса маълум эмас. Шу ҳолат давом этса, беморни йўқотиш мумкин.

Ана шунда бизга “Скорая неотложная помощь” китоби “устоз”лик қилди. Уни битта-битта ўқиб, муолажаларни бошладик. 30-40 минут ичida ўлим тўшагидаги bemor ўзига келди... 100 километр наридаги Бухоро вилоят шифохонасига жўнатмоқчи эдик, кўнмади, шу ернинг ўзида даволаниб, ишга чиқиб кетди.

Қаҳрамонимизга балки бу воқеа сабоқ бўлгандир. Шу боис ҳам 27 йиллик амалий фаолияти даврида ўзи ишонч билан “шифокорнинг энг яхши маслаҳатчиси, устози – бу энг янги нашр қилинган китоб” деб ҳисоблайди. Шу аснода айтишимиз жоизки, 2005 йилда Санкт-Петербургда нашр қилинган “Болалар юқумли касалликлари”, 2006 йилда чоп этилган “XII Россия гастроэнтериологик гепатологлар конференцияси материаллар тўплами” номли китоблар бугун унга соҳадаги даволаш ишларида сўнгги ишончли сабоқларни бераётir.

Инсоннинг билими, қобилияти нафақат ишда, амалида, айтадиган сўзию ёзадиган нарсаларида қай бир қирраси билан кўриниб қолаверади. Очигини айтсан, Дилмуродга ҳам ҳамма қатори 12 та саволдан иборат анкета-сўровини берабиб, жавоб ёзиб беришини илтимос қилгандик. Не тонгки, айрим шифокорлардан айро тарзда жавобларни шундай ёзибдики, ўқиган киши улардан бир шифокорнинг қувончу ташвишлари, хизмату масъулияти, қалбу руҳияси, ҳатто

орзую армони, умр йўлидаги “из”лар борасида тўлақонли тушунча олади.

Айтайлик, шифокор учун энг муҳим фазилат “камтарлик ва ҳар бир bemor қалбига йўл топа олиш, деб ўйлайман (бўлмаса, bemor дардини айтмайди)”, деган ҳаётий-умумий хуносаларидан бошлаб, “бутун Марказий Осиё мамлакатларида катта муаммо бўлиб қолаётган жигарнинг вирусли хасталиги, дунёда ҳам бу рақамнинг юқори кўрсаткичда эканлиги, (дунё аҳолисининг бешдан бир қисми шу касаллик билан оғригани), мамлакатимизда 1998 йилдан бошлаб мазкур касалликка қарши эмлаш ишлари йўлга қўйилгани” тўғрисида батафсил фикр юритилган. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг жамият олдидаги, Ватан, миллат, ота-она, фарзанд, устозу шогирдлар олдидаги бурчи ибраторумуз тарзда очиб берилган.

Худди шу ўринда айтишимиз жоизки, қаҳрамонимизнинг ўзи нафақат фаолиятида, ҳаётда ҳам бурчини биладиган ва унга амал қиласидиган инсон. Ўсмирлик ёши уни фарзандлик бурчини илк бор синовдан ўтказган, тез-тез оғриб қоладиган отанинг дўхтири бўлиш ҳақидаги насиҳати билан шу йўлга илк қадам ташлаган бўлса, оила қуриб, фарзандлар кўргач, бу бурч масъулияти янада ортди. Жуфтни Сайёрахон билан бир қиз, икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказишиди.

Қизлари Маҳлиё бугун олий маълумотли, оиласи, фарзандли. Ўлмасжон ота касбига ихлос қўйиб, Самарқанд тиббиёт институтида ўқимоқда. Толмасжон Кончилик институти талабаси. Шу аснода у оталик бурчини теран ҳис қилиб, фарзандлари учун “дарё келса симириб, тоғ келса кемириб” ҳар не мушкулни бартараф этиб, бор кучларини ўқишга бериб ҳаракат қилишларига барча шароитларни ҳозирламоқда.

Улуғларнинг “киши қанчалик кўп ўқиб, билимли бўлавергани сари Аллоҳни кўпроқ таниб. унинг каромат-мўъжизаларини кўра бошлайди”, деган гаплари ҳақиқатлигини қаҳрамонимиз мисолида ҳам айтишимиз мумкин. У ўз фаолияти давомида Яратганинг кўплаб “ҳикмат”лари гувоҳи бўлди.

– Навбатчи эдик. Шеригим бир беморнинг ҳуши йўқ, томир уриши тез, бадани совуқ тер билан қопланганини, қон босими пастлигини айтди, – деб ҳикоя қиласи қаҳрамонимиз.

– Тезда бемор реанимация бўлимига ўтказилди. Унга “ички қон кетиш”, деб ташхис қўйилди. Ҳақиқатдан, беморнинг ичидан ҳам, буйрагидан ҳам қон кетаётган эди. Кетган қон ўрнини қоплаш учун барча донорларни, беморнинг қариндош-уруларини чақиртиридик. 6 кун шу ҳолат давом этди.

Маслаҳатга чақирилган не-не шифокорлар умид йўқлигини айтиб кетиши.

Ҳеч кутмаганда, биргина дори (!) билан қон кетиш тўхтади. Шу бемор соғайиб кетди.

\* \* \*

11 ой – 1 ёш орасидаги бир беморни кўриш учун чақиришди. Ҳарорати 39-40 градус, тинмай сув ичиб, пешоб қиласи. Иштаҳаси яхши бўлса-да, озиб кетган. Жуда кўплаб кучли антибиотиклар олган. Унинг пешоби синамаси ва солиштирма оғирлигини текширганимизда, жуда паст эди. Аниқки, гўдакда ички секреция безлари этишмовчилиги касаллиги! Ана шу бемор бир арзимас порошок билан яхши бўлди. (Аниқроғи, бу порошок таркибида антидиуретин гормон-адеуреприн ёки адеуретин бор. У организмдаги Na тузини сақлаб қолади. Гормон йўқлиги ёки жуда кам миқдорда ажралиши қандсиз диабет касалини келтириб чиқаради. Болаларда юқоридаги ҳолатда намоён бўлади.) Ҳозир ўша болакай 17-18 ёшларда. У ва яна тўрт нафар ана шундай оғир ҳолатдан ҳаётга қайтган бемор болани биламанки, бугун улар жуда ақл-идрокли бўлиб улғаймоқда.

Қаҳрамонимизнинг бундай воқеаларни зaslashedan мақсади “Яратувчининг ўзи шифокор, ўзи табиб”лигини оддий бир мисолда эътироф этишидир. Лекин ташхисни тўғри қўйган, Аллоҳ дегани ҳолда, билимга ҳам қаттиқ суюнган мутахассисгина ўз фаолиятида катта ютукларга эришиши мумкинлиги-

ни зинҳор унутмайди. Шу боис ҳам ҳар бир оғир ҳолатдаги беморга чин дилдан муолажани бошларкан, Аллоҳга-да астайдил юкунди.

Кези келганда, ажал олдида ожизлигиниям банда сифатида яхши ҳис қиласиди.

Бироқ ўзи айтгандек: “шифокорнинг баҳти – беморларининг юзида қувонч кўриши, уларнинг соғайиши даражаси юқори бўлиши”, деган зътиқодига суюниб, шу йўлда изчил ҳаракат қиласеради. Не тонгки, бу ҳаракатлар унга амалиёт билан баробар ҳолатда илмий иш қилиш имконини ҳам берди.

Маълумки, 1996-98 йилларда Навоий кон-металлургия комбинати (бош директори Н. Кучерский) ҳомийлигига вилоятимизнинг 1-7 ёшли болалари ўртасида гепатит касаллигига қарши эмлаш ишлари олиб борилди. Ана шу эмлаш самарадорлигини кўрсатиш мақсадида қаҳрамонимиз тўла таҳлил, тажриба, хulosаларига суюниб, илмий ишини ёзиди. Ба 2006 йилда бу номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Энг муҳими, ана шу эмлаш натижасида вилоятимизнинг 50 минг нафар боласи сариқ касалидан асраб қолинди.

Дилмурод Рӯзиевнинг номзодлик ишида “гепатит-А” билан боғлиқ яна бир масала илмий исботлаб берилган. Яъни, бу касаллик билан 7 ёшгача оғриган бемор бола ба-лоғат ёшига етганда, унда 13 хил манфий ҳолат пайдо бўлади. Шунингдек, баъзи бир касалликлар пайдо бўлишиям исботланган фактдир.

Шу боис мазкур касалликнинг олдини олиш учун у билан оғриган беморларга қатор қўшимча тадбирлар ўтказилиши тавсия этилади.

АЗИЗ ЎҶУВЧИМ, ҲУДДИ ШУ ЎРИНДА МАҚОЛАМИЗ АВВАЛИДА АЙТИЛГАН ЖУМЛАМИЗНИ ЁДГА ОЛАЙЛИК. ДАРҲАҚИҚАТ, У ЕРДА АЙТГАНИМИЗДАЙ, БУ НОМЗОДЛИК ИШИННИГ ЎЗАГИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН “1-7 ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ - А ГА ҚАРШИ ЭМЛАШ ЖАДВАЛИ” НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТАЖРИБАСИ НАФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БОШҚА ВИЛОЯТЛАРИДА, ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА ҲАМ ҚЎЛЛНАНА БОШЛАДИ.

Энг муҳими, бу илмий ишдан, ҳаётга тўла татбиқ этилса, бутун ҳалқ ва бутун миллат фойда кўриши мумкинлиги ўз исботини топди.

Шу боис ҳам Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б. И. Ниёзметовнинг тасдиғи асосида чиқарилган “Маълумот хати”да ҳам Навоий вилоятидаги “А” вирусли гепатитга қарши олиб борилган эмлаш ишларининг самарадорлиги кўрсатилиб, бу номзодлик иши тиббиёт ўқув муассасаларининг ўқув дастурларига киритилиши кўзда тутилди.

Сўнгти сўз сифатида эса биз билимдон, меҳрибон, камтар ва фидойи бу юртдошимизни ана шундай заҳматли, айни пайтда улкан ютуғи билан чин дилдан муборакбод этамиз. Зеро, сўзбошида айтганимиз

Комилликка пойдор бу Дунё,  
Очаётир Довруқ эшигин,

деган жумлалар касб-кори баробарида юрагига шеърият-адабиёт ҳам сифиб меҳр топган Дилмурод Рӯзиевга жуда мос келади. Тақдир насиб этса, қаҳрамонимиз чинакам олимликнинг бундан-да баландроқ довонларини эгаллашига асло шубҳа қилмаймиз.

## УСТОЗ

Бир қараңда қаршимиңизда оддий, захматкаш инсон турарди. Қачонки сүхбатлаша бошлагандан кейин бу инсон сиyrати билан “улғая борди”. Ҳар сүзи, фикри ҳикматларга қоришиқ әди унинг. Сўзу амалидан, бошқаларнинг ишига берган баҳоларидан, уларга хайриҳоҳлигидан, атрофидагиларнинг уҳақда айтган гапларидан “фидойилик ҳиди” келарди.

“Ит” йилида туғилганларни садоқат тимсоли дейишади. Бу фазилат ҳам унга жуда мос кела-ди. Касби-корига садоқатли. Умрининг 34 йилини банд этган раҳбар-шифокорлик фаолиятида бор куч-қуввати, ақлу иродасини бағишилаб ишлагани рост.

У шундай садоқатли инсон экани жуфти – халқ маорифи аълочиси П. Эсанова (Рўзиева)га бўлган муҳаббатида яққол намоён бўлган. Самарқанд тиббиёт институтини битиргач, Оренбург шаҳридаги ҳарбий қисмга врач сифатида юборилганда, кўнгил қўйган қизидан “Мени бошқага турмушга бермоқчилар”, деган мазмундаги хатни олган заҳоти минг йўлини қилиб, раҳбарларидан жавоб олган, Нуротага келиб, сўйганига уйланиб, уни ўзи билан Оренбург шаҳрига олиб кетган, бош фарзандлари Эркинжон ўша ерда дунёга келган.

Ҳакимжон аканинг буржи Тарози. Шу боис “тарози”ларга хос муросасозлик ҳам унга хос фазилат. Туман марказий шифохонасидан бошлиб, вилоят ҳокимликларида, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида соҳани бошқарадиган раҳбар сифатида ишлаган йилларида вазиятни фақат яхшилик томонга буришга, ишда ривожланиш, янгиланиш бўлишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўйди.

1998 йилдан бери яна туман марказий шифохонасида бош врачнинг ҚВПлар фаолиятини йўналтирувчи ўринbosари сифатида ишшиб келмоқда. Бунда ҳам фидойилиги, садоқати баробарида мазкур фазилати ҳам қўл келаётir.



– Баъзи бир ҚВПга учиб боргинг келади, баъзи бирининг номини тилга олсанг, у ҳудуддаги муҳитнинг “эсноғи” руҳингни фалаж қилади. Аниқроқ айтадиган бўлсам, бир хил шароит, бир хил иморат, техника-жидоз, аммо иш жараёни, хизмат кўрсатиш борасида ҚВПлар бир-биридан ер билан осмон қадар фарқланади. Бунга табиийки, ўша ерда иш ташкил қилувчиларнинг ўз ишини севиши, фидойилиги ёки аксинча номигагина ишга келиб-кетаётганлари сабаб.

Умуман, бугун иш ишониб топширилган тиббиёт ходимларининг ўз вазифаларини билмаслиги ёки билиб туриб, поқайдлик қилиши соҳамиздаги бош муаммо!

Бу гаплар Ҳакимжон аканинг юрагидаги оғриқли гаплар, лекин “тарози”лик хусусияти бундай поқайдликларга рўбарў келганда ҳам вазиятни тинч йўл билан ростлашга имкон яратади.

Энг муҳими, тафаккур илм кучи билан қўшилган масъулият ҳисси раҳбар-шифокордаги атрофдагиларга нисбатан талабчанликни бошқариб туради. Ўзини ҳурмат қилган ҚВП раҳбару ходимлари бу устоз шифокорнинг ҳар бир оқилона, одилона йўл-йўриқ, таклиф-талабига “лаббай” деб жавоб беришга ҳаракат қиласидилар.

Ҳакимжон Рўзиев бир нарсага жуда катта эътибор қаратади. Ҳар бир киши дуч келган касбни эмас, кўнгли суйган, юраги талпинган касбни танлаши, эгаллаши лозим. Ана шунда ўша инсон баҳтли бўлади, ишидан кишилар барака топади. Ундан жамият ҳам фойда кўради.

Аслида, унинг ўзи шундай кўнгил ҳукми ила касб-кор танлаган эди. З-синфда ўқиётган акасининг “тиф” (терлама) касали билан оғриб, ногаҳон ҳаётдан кўз юмиши биринчи марта уни жуда қаттиқ ларзага солганди. Кейинчалик, онаси Гавҳар бибининг қон босими касалидан чеккан азъятлари, табибу дуохонларнинг фойдаси тегмай, шифокорнинг ёрдами билан аҳволи яхшиланиши сабаб бўлибми, дўхтир сўзининг тенгсиз најоткор сифатида юрагидан жой олиши ҳам “катта бўлсам, дўхтир бўламан” деган аҳдни кўнгил ҳукмига айлантирганди.

Шу боис ҳам Ҳакимжон мактабни “олтин медал” билан тутатиб, Самарқанд тиббиёт институтига ўқишига киради.

Ҳуқуқшунос Рўзибой Иброҳимовнинг ўғли ана шундай қилиб, “ота” изидан бормай, шифокор бўлиб қайтали юртга.

– Ўғлим Эркинжон неонотолог врач, икки қизим ҳамшира, бир қизим тикувчи бўлди. Ҳар қайсиси касб-корни ўзи танлади. “Ўғлимни юрист қўлмоқчимиз” ё “дўхтир қўлмоқчиман” деган гапларга қаршиман. “Ўғлим юрист ё дўхтир бўлишни хоҳлаяпти” дейиш тўғрироқ бўлади, – дейди биз билан суҳбатда Ҳ.Рўзиев.

Аслида, бу оқилу фозил инсоннинг “Лоқайдлик – тиббиётда фожия”, “Шифокор ўз соҳаси бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва тинмай малака ошириш туфайли касбнинг билимдони бўлиши баробарида камтар ва инсонпарвар бўлмоғи жуда муҳим”, “Ҳали ёш йигит уйланмай туриб чекса, исча, қандай насл беради?”, “Яҳудийлар касал бўлишдан уч йил олдин, руслар касал бўлган куни, ўзбеклар касал бўлгандан уч йил ўтказиб, шифокорга мурожаат этаркан” каби гаплари бисёр ҳикматдан сабоқлар сўйлайди.

Қаҳрамонимиз суҳбатимиз аввалида ҳам, давомиу охиридаям ушбу гапларни тез-тез тилга олгани рост.

– Ўтган умрим учун Аллоҳга шукроналар айтаман. Шу замон ва маконда, атрофимдаги инсонлар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, оилас, уй-жойим, болаларим билан хотиржам, тинч яшаётганимдан баҳтиёрман.

Яна шукrona айтаманки, И. Фуломов, Э. Норбоев, Ж. Ҳамроев, Ҳ. Ҳакбердиев, У. Юсупов, Н. Файзулаев каби устозлар сабогини олдим. С. Ҳақбердиев, Ж. Ўралова, М. Эшмуродова, М. Ҳамроева, Ш. Ҳалилов каби шогирдларим бор. Эл-юртга баҳоли қудрат хизматим сингди, фойдам тегди, дейди у.

Нурота туман марказий шифохонаси бош врачи Шавкат Ҳалилов эса қаҳрамонимиз ҳақида сўз кетганда, бу устоз-шифокорнинг сўзларига ҳамоҳанг тарзда шундай деди:

– Тақдир тақозо қилиб, мен устознинг “жойини згаллаётгандим”. Аммо у инсон бирор марта оёғимдан чалмай, ўрни келганда тўғри йўл-йўналиш бериб, ишларни изчил

ташкىл этишимга жой-дил билан күмаклашиб, ҳамиша ишончли дүст сифатида ёнимда турди.

Касб-корда фидойи, юрт ишига садоқатли, инсонийликда ибрати улуғ қаҳрамонимиз маънавиятимиздаги муаммолардан бири сифатида ёшларимизнинг ғарб маданиятига кўр-кўрона зргашишларидан дилогриқ туяди, енгил-елпи ҳаёт кечириш каби иллатлар жамиятни яхшиликка олиб бормаслигини алоҳида таъкидлайди. “Қарияларга ҳурматда, ёшларга иззатда” бўладиган миллий ахлоқ нормаларимизни алоҳида зътироф этади.

– Жуда кўп китоб ўқийман, – дейди у суҳбатимиз сўнгиди. – Шахсий кутубхонам бор. Унда 1000 га яқин адабиёт ва тиббиёт соҳасидаги китоб мавжуд. Энг сўнгги ўқиган китобим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асариdir. Бироқ буш пайтларимда китоб ўқибгина қолмай, маҳалламизнинг муаммо-масалалари ечимига ҳам бош қўшаман.

Нуроталик устоз шифокорнинг, бу сўзлари юрагимизга алоҳида ёруғлик олиб киради. Бугун маънавиятни иқтисоднинг панасига тиқишитираётган кимсалар урчиб кетаётган бир даврда чин маънода намуна бўлгулик гўзал ҳаёт тарзи билан яшаётган Ҳакимжон Рўзиевларнинг борлиги баҳт-да!

## МАЗМУНЛИ УМР

1999 йилнинг бошлари эди ўшанда. Хонамга қуюқ қошлари кайфияти тушкунлигидан кўзи устини бутунлай қоплаган киши кириб келди. Ўзини таништиргач, ўша йилларда вилоят СЭСи бошлиғи бўлган, яқинда (бевакт) вафот этган ажойиб инсон ва шифокор Неъмат Зариповга марсия тарзида ёзган шеърини кўрсатди.

“Укам”лаб узун ёзганди у. Ногаҳон, яқинда шу йўналишда ёзган шеъримиздаги ушбу мисралар тилу дилимизда такрорланаверди:

...Чопасан, жон караҳт, руҳ караҳт,  
Бугун-чи, топганинг бир армон.  
Бир армон, зўр армон, Фам – армон,  
Сен унга қул энди,  
Юрак – қул.  
Бойлигинг – Хотира, хўп арzon,  
Дўст чеҳра энди йўқ,  
Меҳр – тул!

Чини билан бу нуқтада Меҳр – тул, меҳр етим қолган, шеърмарсияда ҳам ана шулар ўз ифодасини топгани рост эди. Хуллас. бу кириб келган инсоннинг атрофидагилар қувончу ташвишларига шерик бўлишини ўз инсоний бурчи деб биладиган, фидойи, куюнчак инсонлиги кўриниб туради.

Ўшандан кейин вилоят “Саломатлик” маркази (2002 йилдан эътиборан Республика Саломатлик институти вилоят филиали) раҳбари бўлган бу фаол шифокор – Саноқул Худойқуловни кейинчалик таҳририятда тез-тез кўрадиган бўлдик. У турли касалликларнинг олдини олишга чорловчи мақолаларни тез-тез олиб келар эди.

Характерлиси, С. Худойқуловнинг ҳар бир ёзган мақолосида касалликка олиб келувчи сабаблар, унинг олдини



олиш йўллари, даволаш усуллари, ҳатто, ҳалқ табобати йўли билан даволаш чора-тадбирлари ҳам таҳлилий фикрлар асосида ишончли тарзда баён қилинарди.

\* \* \*

Асли навбаҳорлик бўлган Саноқул ака мактабни битиргач, 1967 йилда ТошМИнинг санитария-гигиена факультетига ўқишга киради. Ўқиши орасида ҳарбий хизматни ҳам адо этиб, 1977 йилда Навоий туман СЭСида интерна-врач сифатида фаолият бошлайди. 1985 йилгача эса Қизилтепа ва Навбаҳор туманлари СЭСларида врач-эпидемиолог сифатида хизмат қиласди.

Инсон яшар экан, онгу шуурига ажиб хотираларни жо қила оладиган воқеалар йиғиндиси йиллар бағрида тизилиб, орта қолаверади. Бу воқеалар, хотиралардан эса энг ёрқини, нурлisisи ва энг оғир руҳият берадиганигина сақлашиб, қолгани унутилиб кетаверади.

Саноқул аканинг Навбаҳор туман СЭСида ишлаб юрган давридаги бир воқеа ҳам ана шундай ўчмас хотираларидан бири бўлиб, руҳу онгида бутун умрга муҳрланиб қолди.

– Ўшанда, 1981-82 йилларнинг баҳори эди, чоғи, – дей ҳикоя қиласди қаҳрамонимиз дилидагини баён этиб. – “Гигант” совхозида Мели чўпон деган бир инсоннинг 17 ёшли жигарпораси – қизгинаси қўй боқиб юриб, оғир касал бўлиб қолади. Шифокорлар “ўлат” деб ташхис қўйишиади. Чини билан даволашлар фойда қилмайди, қиз узоққа бормай ва-фот этади.

Энг муҳими, бундай касаллик билан ўтганни дағн қилиш тадбирлари ҳам бошқаларницидан фарқли, атрофдагиларга юқмаслиги учун тегишли чора-тадбир, қонун-қондаларга риоя қилиб амалга оширилиши керак бўлади. Шу боис майитни маҳсус усулда дағн қилиш учун ота-оналари розилигини олиш мақсадида уйларига борганимизда Мели чўпон бунга асло чидай олмади. (Аслида, тўзим берсин, бу инсонни тушуниш мумкин эди. Чунки яқиндағина барваста бўлиб, кўзу кўнглинини қувонтириб юрган нури-дийдаси бирданига вафот этиб, бу ҳам етмагандай, уни мусулмончилик-

нинг урф-одатлари у ёқда қолиб, “кимлардир” маҳсус усулда дафн этиш учун олиб кетаётгандилар. Ҳатто, сўнгги бор дийдорини кўришнинг ҳам имкони йўқ эди. Ахир, бу нарса ҳам мумкин эмас эди-да!)

Шу боис у шаҳд билан уйига кириб кетди-ю, ҳадемай қўлида милтиқ билан чиқиб келди. Ён-ёғимизда тумонат одам. Мен врач-эпидемиолог сифатида машина олдида турар, бу тадбирни амалга оширадиганларнинг бошида эдим. Шунинг учун бўлса керак, мени нишонга олди. Ҳудди шу пайт СЭСнинг бош врачи Баҳодир ака Бекназаров югуриб бориб, милтиқни ушлаб, чаққонлик билан унинг оғзини юқорига қаратишга улгурдилар. Ўқ осмонга учеб кетди. Мен эса бу лаҳзада бутун вужудим қора терга ботганча қарахту лол ҳолатда қотиб қолган эдим...

Ҳар бир касбнинг оғири енгил томонлари бўлади. Энг муҳими, инсон инсонни тушуниши, имкони борича бир-бини суюб яшаши лозим. Саноқул ака ҳам ўз ҳаёт тарзи, иш фаолияти давомида кези келса бирорни тушунди, суяди, ўрни келганда кимдир уни ҳимоясига олди.

– Тақдиру азал, “ўлчаб берилган умрдирку, бироқ Баҳодир ака жасорат ва чаққонлик билан ўшанда вазиятга ёндашмаганда, ким билсин, балки мен ҳам ўша кун, ўша лаҳзада ҳаёт билан видолашармидим. – дейди у жилмайиб.  
– Лекин мен ўшанда ғамбода кайфиятдаги Мели чўпондан сира хафа бўлган эмасман.

Буни ҳаёт дейдилар. Саноқул ака ўзининг салкам 30 йиллик фаолияти давомида касалликларнинг олдини олиш мақсадида астойдил жон куйдириб хизмат қилди. То “Саломатлик” марказига ишга келгунча ОИТС (СПИД) лабораторијаси бошлиғи, мазкур марказ бош врачи вазифаларида ҳам ишлади.

Қаерда ишламасин, ўз билими, фидойилиги ва касб-корининг масъулиятини ҳис қилиши билан ҳурмат-эътибор топди. С. Баҳромов, А. Мушарипова, И. Фуломов, И. Абасев каби устозлар сабоини олиб, иш ва ҳаёт йўлини белгилаган бўлса, У. Жумаев, Н. Иброҳимов, Ш. Ўроқов, А. Худойқулов каби кўплаб шогирдлар ҳам тарбиялади. Соҳада

ишлиб, Ф. Умаров, Н. Зарипов (марҳум) каби дилдош дўстлар орттириди.

С. Худойқулов оиласи Навбаҳор ширкат хўжалиги ҳудудидаги шифокор оиласалардан бири саналади. Укаси И. Худойқулов стоматолог врач, синглиси Рўзима Худойқулова ҳам шу соҳада ишлайди.

Турмуш ўртоги Ҳосият Жўраева эса бир неча йиллар ҳамшира бўлиб ишилаб, нафақага чиқсан бўлса, олти фарзанднинг тўрт нафари тиббиёт соҳасида хизмат қилади. 8 нафар невараси бор. Улар Саноқул акани жуда яхши кўришади. Болалик орзуси – санъаткорликка иштиёқи кучли бўлиб, туғма актёрлик қобилияти ҳам бор унда. Ана шуни ишга солиб, ширинтойларига эртаклар, латифалар айтиб беради. Табиатан қувноқлиги, болажонлиги боис миттивойларини суюб эркалайди. Дам олиш кунлари уларга энг ширин таомлар пишириб бериш масъулиятини ҳам зиммасига олади.

Пайғамбаримиз Мұҳаммад Мустафо (С.А.В.) “Энг яхши одамлар аҳли оиласига яхшилик қиласидиган кишилардир”, деганларидай, Саноқул ака ҳам ўзининг барча амаллари билан ана шу тоифадаги кишилар сирасига киришини исбот этган.

– Эл-улус соғ-саломат, юрт тинч, Ватан обод бўлса, ана шундагина барчамизнинг ҳаётимизда тўқис баҳт бўлади. Шу боис аҳли улусни соғлом турмуш тарзига чорловчи тарғибот-ташвиқот ишларимни инсонпарварлик, Ватанпарварлик руҳи билан ҳам қориштириб олиб бораман, бошқалардан ҳам шуни талаб этаман, – дейди у суҳбатимиз ниҳоясида.

Хуллас, қаҳрамонимизнинг ҳаёти, бир сўз билан айтганда, чин маънода ибрат мактабидир.

## ОНАЛАР МАКТАБИНИНГ “МУАЛЛИМАСИ”

Биз қаҳрамонларимизни “анкета – саволлар”га жавоблари орқали ўрганишни лозим топгандик. Суратларини ҳам сўраган эдик. Жавоблар келгач, суратлар орасидан таниш чеҳра эътиборимизни тортди. Жавобларини ўқишига тутиндик.

“Нега шифокорлик касбини танлагансиз?” деган саволимизга у шундай жавоб ёзганди:

– Мен азалдан одамларга ҳамдард бўлишни ёқтираман. Бу нарса уларнинг дардигадармон бўлишиши ёки билан уйғуллашиб кетди. Шунинг учун бу касбни танлаганман.

Оналар, табинийки, bemor боласига тинч қараб туролмайди. Кўзи, кўнгли йиғлаб, унга парвона бўлади. Ана шундай она қўлидаги болани дард азобидан қутқарсангиз борми, ҳалиги кўзидаги ёш қувончга айланади. Бу қувонч, севинчни кўриш менга жуда ёқади.

Мен даволаган болаларнинг кўпи ҳозир улғайиб, оиласи, бола-чақали бўлган. Учрашиб қолсак, “Сиз мени даволагансиз” деб илтифот кўрсатишади ёки ота-оналари “Сиз боламни даволаган эдингиз, қўлингиз енгил, невараларимниям ўзингиз кўринг, деб олиб келдим” дейишади. Бу мен учун катта баҳт...

Дарҳақиқат, биз опанинг бу фикрларига юз чандон қўшилдик.

Ўз устида ишлашдан эринмайдиган, хушфеъл, хушмуомала бу опани анча йиллардан бери таниймиз.

Ўшанда Салима Бурхоновна (уни ҳамма шундай деб атарди) Кармана туман марказий касалхонасида бош врач ўринбосари эди. Далаю ёвон, корхонаю ташкилотларда аёллар, оналар билан очиқ мулоқотларда иштирок этар, педиатр-мутахассис сифатида ҳам, аёл-она сифатидаям йигилганларга бағоят жўяли маслаҳатлар берар, уларнинг сўзу саволла-



рини сабр билан эшитиб, меҳрибонлик билан асосли жа-  
воблар қайтарарди. Хуллас, оналар мактабининг зукко “му-  
аллима”си эди.

Умуман, опа бу вазифада ана шундай эътирофга арзи-  
гулик хизмат кўрсатганди. Беш йил давомида (1982-87 йил-  
лар) вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида бош педиатр  
бўлиб ишлади. Кейинги 10 йилликда қабул бўлими бошли-  
ғи, “тез ёрдам” бўлим мининг раҳбар ўринбосари вазифала-  
рида фаолият олиб борди. 37 йиллик фаолиятининг роп-  
па-роса 14 йилини болаларни даволаш учун сарфлади. Хоҳ  
бўлим бошлиғи, хоҳ оддий даволовчи шифокор бўлсин,  
юқоридаги эътиқодига суюнди, мурғак гўдакларнинг дар-  
дига дармон топиб, оналарнинг кўз ёшларини қувончга ай-  
лантиришдан баҳра олиб яшади.

Унинг ҳаётида эсда қоларли воқеалар жуда кўп бўлган.  
Ҳар бир маъсум болакай, ҳар қайси муштипар, нажотта-  
лаб она билан боғлиқ минглаб нурли ёки оғриқли хотира-  
лари бор унинг. Айниқса, бир воқеа опанинг ёдидан сира  
чиқмайди.

1977 йил эди. Салима опа туман марказий шифохонаси бо-  
лалар бўлимида мудир бўлса-да, бемор болаларни даволашга  
ҳам бевосита масъул эди.

Бир куни эрта тонгда ишга келаётib, Каттақўрғон кўча-  
сидан ўтаётганда, шу ҳудудда яшовчи бир хонадонда эшик-  
ораларга сув сепиб, дарвозалар ланг очиб қўйилганини  
кўрди. Хонадоннинг 3 ойлик гўдаги шифохонадалиги ёди-  
га тушиб, юраги бир кўнгилсизликни ҳис қилиб, қадамини  
тезлатди. Шифохона ҳовлисига кириши билан ҳамшира қиз  
чопиб олдидан чиқди: “Дўхтир, Мирза ўляяпти”, деди шум  
хабарни айттаётганидан овози титраб.

Қаҳрамонимиз 2-палатага қараб югурди. Ҳалатсиз, чо-  
пиб кирди. Боланинг устига дока ташлаб қўйишган экан.

Бувиси “Дўхтиржон, қўйинг, болага азоб берманг, бар-  
бир ўлади”, деб унинг ҳаракатларига қаршилик кўрсатмоқ-  
чи бўлди. Бироқ Салима опа муолажани тезкорлик билан  
ташкил этди. Беморнинг вена томирига “Эритромицин” том-  
чиланиб оқа бошлади.

Хуллас, ана шу гўдак шифохонадан соғайиб чиқиб кетди. Ҳозирда Мирза оиласи, бола-чақали.

Салима Аҳмедова кўп йиллик шифокорлик фаолияти давомида ўзига бир нарсани расму одат қилиб олган шифокор. Камтарликни суюди, ишига вижданан ёндашишга ҳаракат қилади. Касбига доир адабиёт, газета-журналларни ўқиб, малакасини ошириб бориш учун ўзида хоҳиш, куч топа олади.

Иши бўйича камчиликка йўл қўйиб, танбеҳ эшитмаслик учун астойдил интилади ва шунга эриша олади.

Ана шулар боис ҳам у бугун айрим ёшларнинг ўз устида ишламаслигини, билим-қобилияти саёзлигини сира ҳазм қилолмайди. Уларнинг касб-корни мукаммал эгаллашлари йўлини кўрсатиб, инсофга чорлайверади. Бундан ташқари опа бугун ҳам иш шароитидаги камчиликларни анча тез ва теран англаб, уларнинг ечим йўллари учун жон куйдиради. Жумладан, ўзи ишлаётган “тез ёрдам” бўлимидағи транспортлар эскилиги, етишмаслиги, соҳада қўлланмалар танқислигидан хуноб бўлади.

Бироқ бу етар-етмасликларнинг умумий фаолиятга таъсир этмаслиги учун минг бир имконни қидириб топишга ҳам ҳаракат қиласи.

У ўз фаолияти давомида Л. Богданова, В.А. Кузнецова каби устозларидан кўп нарса ўрганди. И. Ҳимматова, Н. Ҳайдарова, З. Ҳамроева каби ўнлаб шогирдларни эса ундан болалар шифокорига хос фазилатлар, фидойилик сабоқларини олиб, бугун эл-юрт корига яраб, ишлаб келаяптилар.

С. Аҳмедова оиласи парвар бека, вафоли жуфт, меҳрибон она сифатида ҳам эътирофга арзирли ҳаёт кечирмоқда. Турмуш ўртоғи шифокор, кичик ўғли ҳам ота-она изидан бориб, шифокорлик касбини танлади. Уч фарзанднинг онаси бўлган Салима опа икки келинга ҳурматли қайнона, қатор невараларнинг суюкли бувижониси.

Оилавий ҳаётда ҳам ўзига хос бўлган хушмуомалиги, дилдорлиги туфайли хонадон муҳитини мўътадил саклашга эришиб келаяпти.

– Мен Мусаллам опадан (паспортида шундай ёзилган) нафақат bemor болаларга меҳрибон бўлиб, уларга аниқ

ва изчил муолажа олиб боришда масъуллик ҳиссини ўргандим, балки оиласыда келинлар билан муомала маданиятини ҳам, хонадон тинч-осойишталигини сақлашда қайнонанинг хизматлари борасида ҳам анча-мунча нарсалар ўргана олдим, – дейди күп йиллар болалар бўлимида опа билан бирга ишлаган “Янги ариқ” фуқаролар йигини ҳудудида яшовчи ҳамшира Фароғат Нарзиева.

Қаҳрамонимиз анкета-сўровдаги “Бахтлимисиз?” деган саволга “Албатта, бахтлимсан!” – дея жавоб айтибди.

Ва яна бахтининг қирралари сифатида иши, ишхонаси, унда ўзининг шахсан ҳаракатлари билан эришилаётган ютуқларни тилга олибди.

Чинданам, умр мазмунини оила, фарзандлари баробарида эл-улус сиҳат-саломатлиги йўлида қилолган ишлари билангина боғлаб, ҳаётини мукаммал ҳис этолган бундай шифокорлар ҳар қанча зъозуз эътирофга лойиқдирлар. Аслидаям, улардан ҳалқу Ватан ҳамиша фойда кўрган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Чақалоқ дунёга келганды, ота урушга кетди. Муштипар она эса уруш тезроқ тугаб, жуфти соғ-омон оиласы бағрига қайтсЫн, ҳаёті илгаригидай шодликларға тұлсын дея ният қилиб, мурғак гүдакка Шоди исміни қўйди.

Бироқ тақдирнинг ёзиги бошқа экан. Шоди кичкіндей бир ёшга етганида ота – Бахрон академ қора хат келди. Шундай қилиб, она – Малика ая 35 ёшида беш нафар фарзандға ҳам ота, ҳам она бўлиб, бу тириклик дунёсининг ташвишларига елка тутиб қолаверди.

“Эр бошига иш түшса, этик билан сув кечар”, дейди машойихлар. Лекин аҳли аёллар орасыда ҳам шундайлари бўладики, бошига иш, ташвиш тушганда, эркаклардан да бардошлироқ, жасоратлироқ, заҳматкашроқ, фидойироқ бўлиб, дунёнинг юкини манзилига элтиш учун куйиб-пишади. Боласининг бахт-саодати деб, ўзини унутади, бироқ бундан сира афсус қилмайди. Малика ая ҳам қолган ҳаётини деярли шундай яшади.

Ўғиллар ўқиб, уйланиб, касб-корли бўлишиди, қиз турмушга чиқди, ўрнини келинлар тўлдирди.

Кенжә ўғил Шодибой ҳам улғайиб шифокорлик касбина танлади, ниятлари ижобат бўлиб, эл аро таниқли дўхтири – Шоди Бахронов бўла олди.

– Болалигимда керосин ичиб, шишиб кетиб, касалхонада ётишга мажбур бўлганман. Шунда мени даволаган “оқ ҳалат” соҳибларига жуда ҳавас қилганман.

Қишлоғимизда раҳматли Ҳалим ака Мавлонов фельдшер здилар. Бошимга яра чиқиб, у кишига учраганимда, дори суриб юбордилар. Шунда дўхтирилик осон экан, деб ўйлаганман. Бу ўй-ҳаваслар бирлашиб, мен ҳам дўхтири бўламан, деган орзу пайдо бўлган. Ана шулар сабабли ёшим улғайгани



сари шифокорлик касбига меҳрим ортди, ниятим қатъий қарорга айланди.

Бироқ нияту аҳднинг ўзи билангина мақсадингга етишишнинг имкони йўқ. Улар баробариди киши астойдил ҳаракату меҳнат қилмоғи, илм олиш йўлида заҳмат ҳам тортмоғи лозим. Буни Шоди ака мактабни битирган 1960 йилларда тушуниб етди. Чунки шу йили тиббиёт институтига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан ўтолмади. Аниқроғи, физика, кимё каби аниқ-фанлардан “4” баҳо олиб, иншога қолганда омади келмади.

Қишлоғига келиб, пахта териб юрганида Ойша Эгамова деган қақажон аёл (раҳматли) унга “Ҳар ким ҳам институтга киролмайди. Ҳафа бўлма, ўзим сенга пахта теришдан диплом ёзисб бераман”, дея қочирим гап қилди. Қаҳрамонимизнинг ўсмир кўнглига бу гап оғир ботди. Шу куни “агар институтта кириб, шифокор бўлмасам, Жалойирга қайтиб келмайман”, деб қатъий аҳд қилди.

Ҳарқалай, орадан икки йил ўтиб, ўз устида астойдил ишлаб, шу институтнинг даволаш факультетига ўқишига кирди.

Маълумки, талабалик меҳнату ташвишлари билан ҳам, балки ёшлиқ, муҳаббат фасли бўлгани учун ҳам олтин давр саналади. Шоди Баҳронов ҳам бу олтин даврнинг неъматлари билан уйига қайтган омади баланд инсонлардан биридир.

Хуллас, 1968 йилда шифокорлик дипломини олиб, яна Хосият опа (шифокор)дай дилбар аёлнинг “қулоғини тишлаб”, Жалойирига ёруғ юз билан кириб келди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Кармана туман (у пайтлар Навоий райони деб аталарди) марказий шифохонасида иш бошлади.

Мана, ўшандан бери қирқ йилга яқин вақт ўтиди. Бу бир йигитнинг гуркираган умр палласига тенг муддат. Бу муддатда эса қаҳрамонимиз Е. Муслимова (раҳматли), А. Абдураҳмонов (марҳум), Н. Турсунова, Н. Бозоров, Ю. Эргашев, У. Эгамов каби устозлар таълимини олиб, фаолиятини жонлантираверди. Бунинг натижаси ўлароқ лавозиму мансаб пиллапояларидан ҳам кўтарила борди.

Туманда ички касалликлар бўлими мудири, вилоят шифохонасида яна шу лавозимда, кейин “Нурчилар” тиббий-санитария қисмида бош врач лавозимларида хизмат қилди.

2004 йил нафақага чиққанидан кейин эса мазкур поликлиникада кундузги даволаш бўлимининг бошлиғи сифатида фаолият юритиб келаяпти.

Шоди Баҳроновда шифокорга жуда хос ва мос бир фазилат бор. У фақат дори-дармон билан эмас, сўз кучи билан даволашга ҳам асосий ёътиборни қаратади. Бунда кўпроқ ҳикматлардан фойдаланиб, бемор руҳига қувват беришга интилади. Кўпинча гапларининг ярми рост, ярми ҳазил бўлиб, “қишлоқи” деган ўзига хос атамаси билан беморига бирлаҳза дилдошлиқ қиласди.

“Худонинг борлиги ёдимииздан чиқмаса бўлди, ана шунда бирорвга жабр қилмаймиз, бирорвнинг чўнтағига қўл солмаймиз, ишимизга вижданлироқ муносабатда бўламиз”, дейди у.

Ҳалол, таъмагирликдан йироқ, хушфеъл, меҳрибон шифокор у.

Айрим ёшларда ҳаволаниш, ўзига бино қўйиш ҳолатларини кузатса, “соясиға қарайди – узу-ун, мен жуда катта эканман, деб ўйлайдио бу соя эканига ақли етмайди. Энг катта қусур ана шу. Сен бундайлардан бўлма, камтарга – камол, дейдилар”, дея ибратли ўғитлар айтади.

Шоди Баҳроновнинг уч ўғли ҳам касб-корли. Ҳатто бир ўғли ва келини шифокор, улар ҳам ота-оналари йўлини танлашган.

Қаҳрамонимиз оиласда ҳам оқибатли инсон. Қатор невараларга меҳрибон бобо-буви бўлиб, жуфти ҳалоли билан бирга уларнинг дарс тайёрлашидан тортиб ҳар хил кунлик машғулотларини ҳам назорат қилиб боради.

– Умуман, ҳар қандай чарчогим шу набираларим билан ишилаш, бирга бўлиш жараёнида бутунлай тарқаб кетади, – дейди у суҳбатимиз асносида.

Бироқ у руҳий озукани бадиий, илмий-оммабоп китоблар ўқиб ҳам олади. Бу китобхонлик неъмати или ғафаккурни чархлайди, бу бойликни самарали ишлатиб, ўзи ҳам бундан роҳат топади, қаноат ҳосил қиласди.

Шоди Баҳроновнинг ҳаёт йўлига мазмун багишлаб турдиган элга қилган хизматлари, фарзандлари қаторида, жуда кўплаб шогирдлари ҳам бор. Уларни номма-ном сайдиган бўлсак, саҳифаларга сиғмайди бугун.

Шифокоримизнинг ана шундай кўп йиллик ҳалол меҳнат ва хизматларини ҳисобга олиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарияти 2004 йилда унинг номзодини давлат мукофоти учун тавсия қилган эди. Не баҳтки, Президентимиз томонидан ўша йили Шоди Баҳронов “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Камтарин инсон, тажрибали шифокор, меҳрибон раҳбар, оқибатли оила бошлиғи бўлган Шоди Баҳронов ҳали эл улус хизматига кўп ярайди, бундан-да юқорироқ мукофотлардан ҳали кўпларини олади, деган умиддамиз.

## МУКАРРАМ ИНСОН

Қадрли Мұҳаббат опа, мен Сизни танимайман, ёзишдан олдин танишиш имконини ҳам қилолмадим. Шу боис анкета-сўровларга ёзган жавобларингизга, Сиз ҳақингизда пайдо бўлган тасаввурларимга суюнибгина қўлимга қалам олдим.

Сизни бир нуқтада жуда яхши тушундим, танидим. Бўйидан баланд фарзандини ўлим деган қаттол куч қўлига топшириб, ортидан ноchorу нолон гермулиб қолиш азоби-армонини енгиб яшаётган тоғ бардошли Она сифатида Сизни жону руҳим билан қадрладим.

Ўн йилларки ана шундай алам ва азобни туб-тубига жойлаб яшаб келаётган илвироқ Юракнинг ўлмас, эскирмас оғриқлари билан, энг шодумон лаҳзаларда ҳам бош кўтарадиган, бўйидан сарбаланд гўзал орзулари, сарвқад бўй-бастини тупроққа топширган жигаргўшанинг ёди-хотираси исёни, руҳ-жонга тўла Армону Дарднинг азобли силсидалари билан; йиллар ўтиб, Юз кўнса, Сўз кўнса, Амал кўнса-да, Кўнгил кўнмаган, унда мавж уриб ётган улуғ бир Соғинчнинг руҳ-жондаги заъфарон ранглари билан; ҳар истак, тилагу муродни берган Аллоҳнинг неъмату ажр-мукофотларини ҳис этиб, ҳар лаҳза ундан ризо бўлиб ва шукроналар қилиб яшаётган бўлсанг-да, ҳеч қачон, ҳеч нима Кўнглингдаги, Ҳаётингдаги ана шу рангли ўйиқни тўлди-ролмаган, ушбу буюк Йўқотишининг азобли суврати билан тушундим, Сизни!

Шу боис “ийфлоқи” лигингишни ҳам тўғри қабул қилдим. Азалдан меҳнатсевар бўлган-бўлмаганингизни билмадиму бугунги “ишпараст” лигингишнинг сабаблари ҳам тушунарли эди. Бу тириклик оламида Инсонни бундай Буюк Гамнинг азобли исканжасидан, Хотира номи билан аталгувчи жон ўртовчи таъқибларидаи қутқариб чиқарадиган ягона



йўл ўзини унутиб ишлаш эканини бошидан ўтганларгина билади.

Аслидаям, нафақат ақлли, иродали эркаклар, оқила-оқибатли аёллар ҳам бошларига иш тушганда, шундай йўл тутганлар. Белларини эрларча маҳкам боғлаб, оила деган муқаддас гўшани бардавом асраб қолмоқ учун “этик билан сув кечган”лар, нафақат меҳрибон-муштипар она, қатъиятли-фидойижон ота сифатидаям жон кечиб, жафо тортган улар. Бугун ҳам шундай яшаб келаяптилар. Не бахтки, бу борада Сизнинг ҳам қарашу хulosаларингиз кўплаб аро йўлда эсанкираб қоладиган хотин-қизлар учун ибрат бўлишга арзигулик экан.

“Ҳаёт, бу сафар, сафарда ҳамма нарса бўлиши мумкин”. Яна “Ҳаёт курашдан иборат. Курашда доим хушёр бўлиш лозим, тўсиқларни енгиб ўтиш даркор”, деган жумлаларингиз, айниқса, эътиборимизни тортди.

Деярли ҳикматга қоришиқ бу гаплар Сизда шунчаки ўз-ўзидан пайдо бўлган, дил иқрорингизга айланиб, қофозлар қатига тўкилган сўзлар эмас.

Умрингизнинг ҳар бир куни Момо Ҳаво онамиздан мерос ташвишу қувончлар ичида ўтиб, фикру онгингизга сабоқларини муҳрлайвергани боис ҳам бундай хulosага келгансизки, буни ёзган оғрикли сўзларингиз ҳам исботлаб турибди. (Аслида, бу каби ҳаёт сабоқлари қай маънодадир барча одамда ҳам бўлиши рост. Лекин ундан ибратли хулоса чиқариш ҳар кимга насиб қиласермагани ҳам яна рост гап!) Шу боис ҳам аксарият берган жавобларингиздан ҳикмату ибратнинг нафасини туйдик, дилимизга ёруғлик тўлди. Шу сабабдан ёзаётган қаламимизга-да ишончу қувватнинг шижоатини ҳис қилдик.

Мұҳаббат опа, Сиз Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетини 1974 йил тугатиб, фаолиятингизни бошладингиз. Жуфтингиз С. Рўзиев билан бирга икки қиз, уч ўғилни гўзал тарбиялаб, вояга етказдинглар. Фарзандларнинг ҳаммаси ҳам одобли, тарбияли, илмга интилувчан бўлиб, мактабда ҳам, институтда ҳам фақат аъло баҳоларга ўқишиди. Айниқса, автоҳалокат туфайли тирик-

лик дунёсини тарқ этган Гўзал қизингиз Президент стипендиасини оладиган иқтидорли талаба бўлгани Сизнинг энг катта армонингиз.

Бахтингизга ўғилларнинг аввали оиласи, бола-чақали, олий маълумотли экан. Қолганлари ўқишини давом эттираяпти.

Сиз эса бугун беш йиллик йўқотишингиз бўлган жуфтингиздан қолган юкни фарзандларнинг уй-жойли бўлиши, барчasi олий маълумот олиши учун масъуллигингиҳизни ҳис этиб, очиғи, уларнинг баҳти ва соғлиги учун кейинги ҳаётингизга мазмуну куч топиб яшаётган фидойижон оналардан бири сифатида ҳам эътироф этса арзигулик умр кечириб келаёттирсиз.

Сизни эл-юртига ярайдиган керакли инсон қилиб, болалар шифокоридай ардоқли касб-корни инъом этган Аллоҳдан розисиз бугун. Шунинг учун ҳам ўз иш услугуб ва ҳаёт тарзингизда имкон қадар “Аллоҳ сахийдир, сахийликни яхши кўради, яхшилик қилгувчидир, яхшиликни яхши кўради” деган Ҳадису шарифга риоя этишга ҳаракат қиласиз.

Айниқса, Хатирчи туман марказий шифохонаси чақалоқлар бўлими мудири сифатида эл-улусга самимий, бегараз, фидойилик билан хизмат кўрсатиш учун жон куйдирасиз. “Битта оғир касал бўлган бола 40 та катта беморнинг ўрнини босади”. Бу Сизнинг кўп йиллик хизматларингиз давомида чиқарган хulosангиз. Шу боис ҳам кўп вақtingиз шифохонада ўтади, мурғак гўдакларнинг соғайиб кетишлиари учун бор имкониятингизни ишга соласиз. Ҳар нарсага қизиқувчан, тўсиқларни бартараф этишга куч топадиган фидойи ва фаоллигингиҳиз эса раҳбарлик фаолиятингизда ютуқлар гаровидир.

“Шифокор учун энг муҳим иш – элнинг соғлигини мустаҳкамлаш!” Она учун энг муҳим иш фарзандлар камоли, соғлиги учун курашиб яшамоқдир. Жуфт учун энг муҳим иш эса турмуш ўртоғига вафоли-оқибатли ёр бўлиб, бу дунёдан ўтган бўлса, ўрнини билинтиrmай, оила бардавомлигини таъминлаш ўйлида фидо бўлиб ҳаёт кесчирмоқликлидир. Бу каби бурчларингиз қаторида касбингиз юкини ҳам гарда-

нингизга олиб, масъулиятни ҳар нафасда ҳис қилиб яшаб келаётганингизнинг ўзи катта гап. Шу боис ҳам эл-юрт Сизга ишонч билдиради. Президентимиз меҳнатингизни қадрлаб, 1997 йилда 1-даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирлангани меҳнатингизнинг энг муносиб баҳоси десак, муболага бўлмайди.

Аслида эса бу касб-корни танлаб ўқишга боришингизда, соҳага кириб келишингизда беш йил тўшақда ётган отангизнинг қисмати ёки опаю поччаларнинг шу соҳа мутахассислари бўлиб муваффақиятли фаолият кўрсатаётганиклиари ва эҳтимол ёшликтан болажонлигингиз сабаб бўлгандир. Нима бўлганда ҳам бу соҳани танлаб хато қилмаганингизни эришган ютуқларингиз ҳам кўрсатиб турибди.

Муҳаббат опа, кўриниб турибдики, Сиз сезилиб-сезилмай, билиниб-билинмай ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган дилбар аёл, намунали умр соҳибаларидан бирисиз. Шу ўринда бугунги даражага етишишингиз учун хизматлари синган устозларингиз – профессорлар А. Ҳамроев (раҳматли), Ҳ. Фаниева, Д. Бекмуродовлар номини ардоқлаб тилга олибсиз. Избосарингиз бўлиб ортингиздан бораётган З. Рўзиев, Ш. Тўраев, Қ. Орипов ва бошқа шогирдларингиз номлари ни ҳам зътироф қилиб, уларга умиду ишонч билдирибсиз.

Хуллас, бир донишманд устозимиз айтганидек, “кардиограмма” – юрак уриши ёзувидай кўтарилиб-тушиб кечадиган бу ҳаёт йўлларида ўз иши, ҳаёт тарзи, элу юртига қилган хизматлари билан ибратли из қолдириб яшай олмоқ ҳам Бахт! Сиз эса ана шундай улуғ бахтга сазовор бўлган мукаррам инсонлардан бирисиз.

## АЁЛНИНГ “ЭРКАГИ”

Шундай хотин-қизларимиз борки, уларнинг иши, фазилатларини эътироф этиш учун, беихтиёр, битта жумлани ишлатиб юборамиз: “аёлнинг эркаги!” Бу жумлада эса унинг қатъияту жасоратларга, фидойилигу курашчанликка тўла ҳаёти акс этади. “...Этик билан сув кечиш”да айрим эрлардан устун турадиган фазилатлари намоён бўлади.

Конимехлик жарроҳ Бостон опа Баймбетова ҳақида ҳам дастлаб ана шу таърифни эшитганда алоҳида тасаввурга эга бўлгандик. У билан учрашганимизда нафақат феъл-автор ёинки иши услубида, ҳатто баланд бўйи, заҳматкаш, чеҳрасида ҳам эркакча салобат борлигини ҳис қилдик.

Бу аёл билан суҳбатлашар эканмиз, эл-юртига муҳаббатли, мардона, оқибатли инсон бўлиши баробарида эл берган таърифнинг ростлигига яна бир карра амин бўлдик.

Бостон Конимех туманининг олис Қарақата ширкат хўжалиги ҳудудида туғилди. Болалиги ҳам қизалоқлардай эмас, «шум бола»лардай ғоят ўйинқароқ, олатасирликда кечди. Мактабда яхши ўқиди. Жуда эрта ўз келажаги ҳақида хуносага келиб, шифокор бўлиш ниятини дилига тугди. Шу боис ҳам мактабнинг етуклик ҳужжатини олгач, ТошМИ-нинг даволаш факультетига ўқишига кирди.

Институтда яхши ўқиди. Йигитларни доғда қолдирадиган “ўғил бола”га хос характерлари билан эътибор қозонди.

– Ҳеч эсимдан чиқмайди, – дейди опа ўша йиллардаги бир воқеани хотирлаб. – Узун соchlарим бор эди. Бир дақиқа ганимат, асосий вақтни дарсга ажратардим. Шу боис югуриб чиқиб, озиқ-овқат олиш учун дўконда наебатда турдим. Харидимни қилгач, шошилиб ўғирилдиму, хонага қараб чопдим...



Электр токи ургандай, бошим-күзимдан олов чиқиб кетди. Сочим панжарага боғланган, қаттиқ тортилишининг зарби, заҳри шу ҳолга солған экан. Атрофдагилардан сўраб, вазиятни билиб олдим. Болалардан бири ҳазиллашиб шундай қилган экан-да. Бундай хунук қилиқ қилган йигитни эринмай излаб топдим. Фазаб билан бир мушт туширдим. Жағи синиб кетибди.

Ана шундай, кези келганда, чинакам эркакка айланадиган қаҳрамонимиз 1971 йилда институтни битириб, Бу хоро шаҳрида жарроҳлик бўйича интернатура ўтайди. Кейин она юрти Конимехга келиб, ўз фаолиятини давом эттиради. Йиллар ўтган сайин ишида қанчалик билиму маҳорати билан одамлар ҳурмат-эътиборини қозонган бўлса, ҳаётга эркакларга хос уқув билан ёндашиши туфайли ҳам шунчалик кўзга ташланади. Машина, мотоцикл ҳайдаб ишга келишлар, уларни мойга беланиб таъмир қилишлар у учун табиий бир ҳолдек эди, албатта. Турмушга чиқиб Нуржан, Бахжан, Фалимжандай ўғилларга бирин-кетин она бўлгандан сўнггина бу “темир-терсак”-лардан узоқлашди.

Меҳнат фаолиятида муваффақиятларга эришувида қайнотаси Тўққизбой ота, қайнонаси Зебо аяларнинг катта хизматлари борлигини эътироф этади.

– Овулга келин бўлиб тушган эдим. Лекин менинг ишимда муаммо пайдо бўлишини тушунган қайнотам ҳеч иккимай туман марказига кўчиб келишни лозим топди.

Тунги чақирувларга асло монелик қилишмади. Болаларимга меҳр билан қарашди. Ишдан ҳориб-толиб борсам, қайнонам ош-овқатни олдимга қўйдилар. Ишдаги ютуғим, аслида, уларнинг мени ва ишимнинг машаққатини тушунганиклари туфайлидир.

Бостон опа Баимбетова бугунгача 36 йиллик меҳнат фаолиятига эга. Шунча йил давомида ўзи айтганидай, “кесибди-тикибди”. Ҳатто туман шифохонаси бош ҳакими бўлган йилларидаим жарроҳлик амалидан узоқлашиб кетмади.

Республика маънавий-маърифий тарғибот маркази Конимех тумани бўлими етакчиси Раҳима Бектаеванинг айти-

шига қараганда, опа бу даврда халқнинг янада суюкли дўхтири бўлгулик даражада хизматлар қила олган экан.

– Шифохонани газлаштириш, бағрида дараҳтзорлар, чорбоғлар бунёд этишга бош қўшиб, бу ишнинг уддасидан чиқа олди, – дейди у.

Энг қизиқарлиси, ўзининг бу ишини Бостон опа халқ хизмати, деб баҳолайди.

– Одамларнинг астойдил ёрдамлари билан бу ишларни улдалаганман, – дейди у.

Ҳар бир сўзидан, амалидан, қилаётган ишидан эл-улусига муҳаббат ҳисси уфуриб туради унинг. Фоят жайдари тилда “Мен қалқимни (халқ демоқчи), қалқим мени яхши кўрамиз”, дейди жилмайиб.

Балки шу сабабдан ҳам, ана шу ўзаро ёниқ муҳаббат туфайлиям Бостон опа 60 ёшнинг устида бугун-да, фоят мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажараётгандир, бунга куч топаётгандир эҳтимол.

Шу боис ҳам у бугун неча-неча соатлар бемор устида тик туриб, жонига жон баҳш этиб, нажот фариштаси бўлиб, не-не навниҳол, навжувон умрларни ўлим чангалидан олиб қолаяпти. Ҳатто тунлар ҳам уйига кетмай бемори устида халоскор бўлиб туриш унинг учун одатий ҳолга айлангани рост гап.

Бостон опа инсонлардаги бир хусусиятни ёмон кўради, у ҳам бўлса ҳасад. Инсон доимо ҳавас билан яшагандагина муродига етади, деб ҳисоблайди.

– Кеч турмушга чиқиб, кеч она бўлганим учун менинг ёшимга тенг бир аёлнинг катта-катта фарзандлари борлингини, уларнинг онасига меҳрибонлигини кўрганимда, беихтиёр, ҳавас қилганиман. Ўша онанинг баҳтига ҳавасланганман, рости. Бугун икки шифокор ўғлим, ҳуқуқшунос фарзандим худди ўша аёлнинг ўғилларидай менга бирам меҳрли, оқибатлики... Минг марта шукур. Агар ҳасад қилганимда, бундай баҳтга бугун сира етишолмасдим.

Хуллас, қаҳрамонимиз Бостон опа Баимбетова шифокор сифатида ҳам, шифохона хотин-қизлар қўмитаси раиси бўлиб хизмат қилган, туман кенгаши депутати бўлган фаол

аёл сифатида ҳам, касалхона бош ҳакими, жарроҳлик бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётган раҳбар инсон бўлиб ҳам ўзига хос ибратли мактаб яратолган умр соҳибаларидан биридир.

Демоқчимизки, онаси – Айша аянинг орзусини рўёбга чиқариб, болалигига бевақт дунёдан ўтган отаси Абдукарим аканинг чинакам избосари бўлиб, эл-улус аро яхшилик, савоб ишлар уругини экиб яшаётган зътиқодли, қатъиятли Бостон опалар кўпайсинлар.

## ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПМОҚ БАХТИ

Дилсұз

Сизни илк бор учратганим ёдимда. Ўшанда “Нурчилар” тиббий-санитария қисмида бош врач ўринбосари здингиз. Сочлари оддийгина турмакланган, қош-күз, кийими ҳам оддий, сўзу мuloқотда ҳам ана шу оддийлик, самимият яқол сезилиб турган “дўхтири опа”, Сиз мени юракдан тингладингиз, маслаҳатлар бердингиз.

Бола ва ўсмир ёшнинг ўртасидаги фарзандимнинг иштаҳасизлигидан бетоқат бўлиб олдингизга боргандим ўшанда. Кўпроқ ҳалқ табобати йўлидаги муолажалар хусусида тўхтадингиз.

Ўша қунги маслаҳатларингиз бугун ҳам хотирамдан чиқмайди. “Болани бозорга олиб боринг. Бозорни турли мева-чева, тансиқ таом, нозу неъматлар ҳиди тутиб кетган бўлади. Табиий, овқатда инжиқ ҳар қандай боланинг ҳам бундай шароитга кирганда қайси бир неъматга кўнгли кетади. Егиси келаётганини айтади. Шуни олиб беринг. Аста-секин, ёшига ёш қўшилавериши билан бу аҳвол ижобий томонга ўзгараверади. Балофат ёшига ўтиш жараёнида ҳаммаси изга тушиб кетади. Руҳингиздаги ташвишларни чиқариб ташланг, аввало Яратганинг ўзи умрини узун қилган бўлсин, шифокор бир сабабчи, холос”.

Иссиқ жоннинг иситмаси бор, дегандай, бугун ҳам неваравалар ҳолу аҳволидан ташвишланиб бетоқат бўла бошлаганимда, ўша маслаҳатларингиз ёдимга келади. Ўзимга руҳий қувват олиб, ақл билан хотиржамликка суюнаман-да, кейин вазиятга муносиб йўл тутаман.

Сизнинг bemорнинг дардига чин малҳам бергувчи сўзу амалингизни кейин ҳам тез-тез кузатдим. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида даволаш ишлари бўйича бўлим мудири, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари



бўйича бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаган кезларингизда ҳам (7 йил ана шу вазифаларда ишладингиз) ўзим билган ва тасаввуримда муҳрланиб қолган инсон сифатида кўрдим Сизни. Бир гал Зарафшон шаҳар туғруқхонасида тўлғоқ азобида ётган ёш она учун қон-плазма олиб шошилаётганингизда дуч келган бўлсам, бошқа гал катта-катта йифинлардан тортиб энг чекка ҳудудлардаги чоққина учрашувларда ҳам ёш оналарга, хотин-қизларимизга чақалоққа она сутининг энг фойдали озуқалиги ва бу сутнинг табиий кўпайтириш йўллари тўғрисида, яна она ва болада камқонликнинг олдини олиш учун қандай табиий омиллардан фойдаланиш кераклиги хусусида тушунтиришлар олиб бораётганингизнинг гувоҳи бўлдим. Энг муҳими, бу учрашув ва ошкора мулоқотларингиз жараёнида Сиз нафақат билимли шифокор маслаҳатларини берардингиз, баробарида аҳолини соғлом турмуш тарзига бошловчи маънавий-ахлоқий масалалар тўғрисида ҳам уларнинг юрагига етиб борадиган мавзулардаги фикрларингиз билан ўртоқлашар эднингиз.

“Шифокорлик касбida иш соатларининг ўлчов-мезони йўқ. Кундузми-тунми, хизматингга муҳтож бўлиб, йўқлаб келишдими, ёрдамга шошилишинг керак. Сен “Жинси, ирқи, миллатидан, қай фурсатлигидан қатъи назар тиббий ёрдам кўрсатаман”, дея Гиппократ (Буқрот) қасамёдини такрор-лагансан. Унга содиқ, бўлишга онт ичгансан”.

\* \* \*

“Институтда бир устозимиз шундай деган эдилар: 5 йил ҳалол-покиза, вижданан ишла. Кейин сен учун фамилиянг ишлайди.

Бу жумланинг ҳикматини мен икки йўналишда кўрдим. Аввало 5 йил ана шундай ишлаган ва бу услугуб ҳаёт тарзи, кўнижмасига айланган шифокорнинг умр йўлини ҳам шу услугуб белгилаши, табиий. Иккинчидан, беш йил ибратли фаолият олиб борган билимли шифокор эл-улус орада танилиб қолади. Одамларнинг ўзи уни излаб топаверади, йўқлаб келаверади”.

\* \* \*

“Аввало беморни тинглай билиш керак. Кейин касаллик-нинг келиб чиқиши сабабини аниқлаб, шунга асосланиб, доридармон ёзиш лозим. Бу иситма қилибди, парацетамол бериш керак, дегани эмас. Иситма нима сабабдан келиб чиққанини тўла ишонч билан аниқлаш ва шундан кейин доридармон қилиш зарур”.

\* \* \*

“Раҳбар билими билан ҳам ҳар жиҳатдан устун бўлиши, ўз ишини севиб, ҳалоллик ва инсофнинг тошини баланд қўйиб, қўл остидагиларни ўз фарзандидай тушуниб иш кўриши, айтган сўзининг устидан чиқиши лозим”.

\* \* \*

“Шифокорнинг бахти – уни одамлар ғашланиб, нафрат билан эмас, муҳаббат билан эслашларида!”

\* \* \*

Булар суҳбатимиз давомида айтган фикрларингиз. Ўзингиз эса бутун ҳаёт йўлингиз давомида ана шу фикрларингизга амал қилишга ҳаракат қиласпиз. Тиббиёт олийгоҳини битириб, она шаҳрингиз Навоийга келиб, “Навоийазот” корхонасида цех терапевти бўлиб фаолият бошлаганингизга роппа-роса ўттиз йил тўлди. Бу орада қанчадан-қанча лавозимларда ишлаб, бугун “Нурчилар” тиббий санитария қисми бош врачи сифатида фаолият юритаётган бўлсангиз-да, эътиқодга айланган фикрларингизга хиёнат қилганингиз йўқ. Ўзингиз шундай ишлаб, атрофингиздагилардан ҳам шуни талаб қилиб келаяпсиз.

Шу аснода бир гапни айтишимиз жоиз. Гоҳда Сизни инжиқ раҳбар деб баҳолаганларини ҳам эшишиб қоламиз. Аслида, инжиқлик иллатми ёки фазилат? Сиздаги “инжиқ”ликни тўла маънода фазилат демоққа асосимиз бордай. Чунки ходимларидан ҳеч қачон ўзини катта тутмагани, уларнинг яхши-ёмон кунида баробар ёнида тургани, улардан ҳеч қачон ҳеч нарса таъма қилмагани ҳолда ишининг сифатини

сүраб, қаттиқ талабчанлик қылса, атроф, йүл-йүлакни қўл учиди супираётган хизматчига асосли танбеҳ берса, бошида туриб, ишини сифатли қилишига мажбур қылса, касаллик тарихи ёзган шифокорнинг беморлик сабаби, натижаси ва давоси борасида ёзганларидағи юзакилик, бирёзламалиқдан норози бўлиб, унга дакки берса, ҳамширанинг санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилмай иш жойида тартиб-сизликка йўл қўйганини кўриб ёки тегишли участкасига бориб, ишни тўғри ташкил қилмаган шифокорнинг фаолиятини таҳлил қилиб унга асосли дашном берса, бу ҳолни инжиқлик деб ҳисоблаш тўғри бўлармикин?!

Яна бир гап. 120 кишилик катта жамоага раҳбарсиз. Сиз истасангиз ҳам, ҳамманинг ҳаракатини бирдай бошқариб бўлмайди. Шу боис беморга дилоғриқ бергувчи ҳолатлар ҳам содир бўлиши бор гап. Ана шундай кезларда остоңангиздан надомат ва маломат аламлари билан тутоқиб кириб келган кишини астойдил тинглаб, ходим учун ундан узр сўраган вақтларингиз ҳам бўлганлигига шубҳа қилмайман.

Кези келганда, бир нарсани айтишни лозим деб биламан. Ана шундай куюнчак ва иймонли шифокор, фаол ва фидойи раҳбар даражасига етгунча олийгоҳдаги устоз-мураббийлардан ташқари И. Фуломов (марҳум), Қ. Абдулқодиров (марҳум), М. Бўронов, Ш. Баҳронов, А. Носиров, М. Рўзиев каби ўнлаб соҳа саркорларининг сабоқларини олган шифокор раҳбарсиз. Айни пайтда эса Д. Давронова, И. Абдуллаева каби қатор шогирдларингизнинг сиз танлаган йўлдан бораётганлиги қувонарли ҳол.

Аввало, Сиз инсонийлик, иймон сабоқларини отангиз, меҳнат фахрийси, фидойи инсон Ялла Рағшанов, оқила, фозила ўй бекаси бўлган онангиз Саломат момо (раҳматли) Рағшановалардан олганингиз рост. Бироқ, бу илму ҳикматларни китоблардан ўқиб олган, бугун ҳам ўз ҳаётини китоблар сабоги билан тўлдириб, таъқидлашимиз керакки, уқсанларини турмушга татбиқ этиб келаётган Юртимизнинг зиёли инсонларидан бирисиз. Илк ўқиган китобингиз “Олтин зангламас”нинг моҳияти берган ҳикмату тарбиявий руҳи бугун ҳам ёдингиздан кўтарилимаган. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”.

Тоҳир Маликнинг “Имонлашиш умиди”, Ойбекнинг “Навоий”, Пиримқул Қодировнинг “Хумоюннома”, Мирмуҳсиннинг “Меъмор” каби асарлари, Пайғамбаримизнинг ҳадислари ва бошқа маънавий дурдона асарлар шахсий китоб жавонингиздан ўрин олган. Ҳар бири хусусида истаган китобхон билан истаганча чиройли баҳс юритишингиз мумкин.

Шу боис ҳам қизингиз Турсуной, ўғлингиз Жасурбек тарбияли, илм-маърифатга интилевчан бўлиб вояга етишди. Турсуной бугун НДПИ тарих факультети талабаси, Жасур “компьютер технологияси” лицейида таълим олайти. Кези келгандан бир нарсани айтишимиз жоиз. Сизнинг ҳамиша, ҳар доим бу даражада самарали ва тўқис фаолият олиб боришингизда жуфтингиз – Навоий машинасозлик заводида техника ҳавфсизлиги бўйича муҳандис бўлиб ишлайдиган Комил Яллаевнинг хизмати катта. Буни Сиз ҳамиша чин дилдан зътироф этасиз: “Турмуш ўртоғимнинг ҳар бир масалада мени тушуниб, маънавий мадад бўлиб туришлари ҳам катта гап!”

Дарҳақиқат, Сиздай қирқ жони бўлса, борини фидо қилиб ишлайдиган, яшайдиган аёллар учун бундай раҳнамоликнинг ўзи катта мадад.

“Ҳомийлар ва шифокорлар йили”да Сиз раҳбарлик қилаётган поликлиникада самарали ишлар амалга оширилди. Ҳудудингиздаги уруш ногирони ва қатнашчиларига, ёлғиз қарияларга, соҳада ишлаб, нафақага чиққан ёки ногирон бўлиб қолганларга, бахтсиз ҳодисалар сабабли оғир аҳволга тушиб кун кечираётганларга доимий тиббий ёрдамдан ташқари моддий ёрдамлар ҳам кўрсатилди. Бунда пуллик хизмат кўрсатиш ва ҳомийлар маблағлари ҳисобига йиғилган жамғарма маблағларидан фойдаланилди. Айниқса, “Софлом авлод учун” жамғармасининг ёрдамлари керакли нуқталарга етказилишига эришилди. НЭС, ГРЭС ишчи-ходимларининг тиббий кўриги ташкил қилинди.

Қадрли Танзила опа, шунча гаплардан кейин Сизга айтадиган сўнгги сўзимиз ушбудир: Элнинг соғлиги учун беминнат, юракдан хизмат қилиб келаётган шифокорлардан бири сифатида вилоятимизда ҳурмату алоҳида ўрнингиз бор. Ана шу ўрнингиз сира йўқолмасин, эл-улус баҳтига ўзингиз ҳам соғ-омон бўлинг.

## БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИННИГ БОШ ҲАКИМИ



Пахтачиликда ўз мактабини яратган карманалик бригадир Сиддиқ Жамоловнинг хонадонида учинчи ўғил дунёга келди. Эсини танигач, тенгдошлари қаторида мактабга борди. Ана шунда акаси Абдурасул Сиддиқовга эргашиб, ўқишга алоҳида меҳр берди. Мактабни битиргач, шифокорлик касбини танлади ва Самарқанд тиббиёт институтининг педиатрия факультетига хужжат топшириди.

Насиба экан, талаба бўлди. Ўқиши тутаттач, Навсий шаҳар шифохонасида ўз фаолиятини бошлади.

Фаолиятининг дастлабки йилларида шифохонанинг “тез ёрдам” бўлимида хизмат қилди, кейинчалик реанимация бўлимида анестезиолог сифатида ишини давом эттириди.

Бу орада ҳарбий хизматга чақирилиб, Қозоғистоннинг Семипалатинск, Бойқўнур, Олмаота каби шаҳарларида ҳарбий врач сифатида ўз хизмат бурчини адо этиб келди.

– Хизматим тугагач, ҳарбий шифокор бўлиб қолишимни таклиф қилишди. Ҳамма шароит, имконият бор зди. Бироқ тупроқли йўлларда қолган болалигим мени соғинтирап, ортга қайтишимга чорларди. Пахтакор сифатида қатор орденлар олган, эл-улус орасида ўзининг ҳурмат-эътиборига эга бўлган отам, тандирда жийдадай қизартириб нонлар ёпдиган онам, хуллас, барча жон-жигарларим, уйим-остонам мени қаттиқ соғинтирап, юртимга қайтишни ниҳоятда қўмсаётган эдим. Шу боис турмуш ўртоғимни ҳам олиб кетган, “Ленинск” шаҳрида янги қурилган уйлардан бирида бемалол яшаётган бўлсанмада, бу таклифни қабул қилолмадим...

Булар бугунги кунда вилоят болалар шифохонасида бош врач сифатида хизмат қилаётган Низомиддин Сиддиқовнинг кечаги кунига дахлдор гаплар эди.

У ҳарбий хизмат даврида, ундан олдинги, кейинги фаолияти йилларидаям ўзидағи ташкилотчилик, жонкуяр-

лик, фидойилик, ҳаракатчанлик, каби фазилатлари билан атрофидагилардан ажралиб турарди. Шу боис хизматдан келиб фаолиятини давом эттиаркан, раҳбарликдаги бу туғма қобилияти кўпнинг эътиборини тортмай қолмади. Дастлаб шаҳар шифохонаси реанимация бўлими бошлиғи вазифасига тайинланган бўлса, кўп ўтмай шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи, вилоят шифохонаси реанимация бўлими етакчиси вазифаларида хизматини давом эттирди.

1991-95 йилларда эса даволаш бўйича вилоят шифохонаси бош врачи ўринбосари вазифасида хизмат қилди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, қаҳрамонимиз 1996 йилдан бўён вилоят болалар шифохонаси бош врачи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Н.Сиддиқовнинг болалар шифохонаси ташкил этилишидаёқ муносиб хизматлари сингган.

Шифохонага кадрлар танланиб, бўлимларнинг энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига ҳам имкон қадар эришилдики, шубҳасиз, бу ишларда раҳбар сифатида қаҳрамонимизнинг арзирли хизматлари бор. Айниқса, 87 миллион “иен”лик япон гранти асосида 77 номдаги ўта ноёб, компьютерлаштирилган тиббий асбоб-ускуналарнинг келтирилиши шифохона фаолиятининг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлди.

– Шифокорларимизни рағбатлантириш масаласида уларнинг ҳалоллиги, билимдонлиги асосий мезон ҳисобланади, – дейди биз билан сұхбатда Низомиддин ака.

Шу аснода моддий ва маънавий шароитни яхшилаб бориб, шифохонамизда тор мутахассислантирилган хизмат кўрсатиш тартибини жорий қилдик.

Булар албатта, бош шифокоринг бир лаҳза қониқишида айтган гаплари. Лекин унинг ёниқ ва доимий безовта қалби бундай хотиржамлик, қониқиши ҳиссиги билан узоқ вақт қололмайди. Янги-янги иш ташабbusлар сари интилаверади. “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” унга бу борада қўшимча куч, рағбат баҳшида эта олди.

Шу кунгача жарроҳлик хоналари, реанимация бўлими, муолажа хоналари ёзда иссиқдан чатнаб кетиб, бемор у шифокорлар ўртасида айrim муаммоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлар эди.

Бу муаммонинг бир қисми жорий йилда ҳомийлар ёрдамида бартараф этилди. Яъни, “Қизилқумцемент” ОАЖ ходимларининг бир кунлик иш ҳақи ҳисобига 3 та конденционер (2,5 миллион сўмлик) бўлимларга берилиди. Ободончиликка, шунингдек, иссиқлик тизимини таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу борада эса юқоридаги корхона қаторида вилоят молия бошқармасининг раҳнамолиги асқотди.

Яна бир гап. Н. Сиддиқов шифохона ходимлари иш фолиятининг сифатига алоҳида талаб билан ёндашади. Бу борада ишни қаттиққўллик билан ташкил этади. 0-14 ёшдаги болалар даволанадиган шифохонада ота-оналарнинг ҳам шифокорларга ана шундай талабчанлик билан муносабатда бўлишларига тарафдор.

– Ҳар бир қаватнинг кириш жойларида “Шифохонада барча хизматлар бепул”, деган ёзув осиб қўйилган. Остида “Маъмурият”, деган ёзув ҳам бор. Отa-оналар ана шунга ишонишлари керак.

Афсуски, одамларимизнинг ўзи айrim кўнгилсиз ҳолатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлишади.

Булар унинг суҳбатимиз асносида юракдан айтган гапларидир.

Вилоят болалар шифохонасида айни пайтда 125 ўрин учун bemor қабул қилиниб, шундан 20 ўрин оналар учун ажратилган. Уларга 35 нафар олий маълумотли мутахассис шифокор хизмат кўрсатади. Шифохонада жами 275 нафар ходим фаолият олиб боради.

Қаҳрамонимиз бу катта жамоанинг фаолиятини таъминлаш, нафақат болалар шифохонаси, унинг 0-14 ёшдаги болалар учун шошилинч тез тиббий ёрдам маркази сифатидағи фаолиятини ҳам тўғри ташкил этиш учун барча имкониятни ишга солган.

Н. Сиддиқов ўз баҳтини тўқис деб билган юртдошлари миздан бири. У буни шундай изоҳлайди:

– Мен ўзимни жуда баҳтли ҳисоблайман. Чунки ўзим севганин касбимда ишлаб юрибман, бу касб-коримдан инсонларга, элга фойдам тегаётганини ҳар лаҳза ҳис этиб тураман.

Қолаверса, севимли оилас, баҳтли фарзандларим ёнидаман.

Аслидаям, шундай. Низомиддин Жамолович баҳтли инсон, баҳтли шифокор – раҳбар! Ҳатто хизматлари 2001 йилда Президентимиз томонидан “Шуҳрат” медали билан муносиб тақдирланган.

## ЁРУФ КҮНГИЛ БИЛАН



“Ёй” буржида туғилганларни солда, түгри сўз, очиқ кўнгил деб таърифлашиди мунахжимлар.

Аслида, бу фикрда жон борлиги рост. Мазкур юлдуз буржида туғилганларнинг қайси билан суҳбатлашмайлик, бунга ишонч ҳосил қиласми.

Вилоят асаб-руҳий касалликлар диспансери иш бошлаган дастлабки йиллардан ушбу даргоҳда йигирма йилга яқин бош врач лавозимида

ишлаб келаётган, мазкур юлдуз буржида туғилган Баҳриддин Бўриевда ҳам суҳбатимиз хulosаси ўлароқ, ана шундай фазилатлар борлигини кўрдик. Бош врач сифатида энди иш бошлаган кезларида унинг ҳаётида шундай воқеа рўй бердики, у шифокорнинг хотирасидан ҳамон кетганий йўқ.

Бунда қанча азият чеккан бўлса-да, қилган ишидан пушаймон бўлмайди асло.

1980-90 йиллар оралиғида миллий қадрнятимиз намунаси бўлган Наврўз байрамимизни 31 март санасига кўчириб, “Навбаҳор байрами”, дея эълон қилинганидан кўпчилигимиз воқифмиз. Ваҳоланки, 21 март она табиатнинг ўзи сайлаган баҳорги тенгкуюнлик бўлиб, шу кундан бошлаб, табиатда чинакам уйғониш бошланади. Шу боис бу кун Наврўз – “янги кун” маъносини беради.

Хатто Шарқ ҳалқлари мучалидаги ойлар ва йил ҳам шу кундан бошлангани эътиборли факт. Минг йиллар олдин Наврўз зардуштийлар китоби “Авесто”да ҳам қайд этилган бўлиб, деҳқончилик йилининг биринчи ойи “Ҳамал” ҳам шу кундан бошланади.

Энг ачинарлиси, ўша кунларда Қурбону Рўза ҳайитлари, майитга жаноза ўқиши ҳам қаттиқ тақиқ остига олинган, бундай тадбирларга бош қўшганлар эса сиқувга олинар эди. Юқоридан бошланган бу тартиб-буйруқлар барча ҳудудларда сўзсиз бажарилиши керак бўлиб, ана шундай кунларда

бундай масалаларда “кatta”лар билан баҳслашиб қолавера-  
диган бир муаллим аёл Наврӯз куни ўқувчиларини шундоққина  
мактабга туташ қабристон бўйига олиб боради ва оралиқ-  
да дараҳт кўчатлари ўтқазишади.

Бу гап “кatta”лар қулоғига етиб боргач, аёлни тийиб  
қўйиш учун ҳаракат бошланади. Аммо муаллима уларга  
осонликча таслим бўлмайди. Охир-оқибатда аёлни “У эси-  
ни еб қўйган Соғ одам бунақа иш қилмайди”, деган хулоса-  
га келадилар. Шифокорлар ҳам бу ишга арапашади. Аёлни  
“руҳий касал”, деган хулоса чиқарибгина юқорининг агрес-  
сив сиёсатидан омон қутилиб қолиш мумкин, деган фикр  
қарор топади.

Ниҳоят, туман миқёсида бундай ҳужжат ёзилади. Бироқ  
вилоят миқёсидаги соҳа мутахассисининг тасдифи биланги-  
на бу хулоса кучга кириши мумкин бўлгани боис 1986 йил-  
да вилоят асаб-руҳий касалликлар диспансери бош врачи  
бўлган Б. Бўриев ҳам бу ишга жалб қилинади.

– Туман мутахассиси, поликлиника раҳбари, ва компар-  
тия вакили биргалашиб, аёлнинг уйига бордик, – деб хо-  
тирлайди ўша кунни Б. Бўриев. – Уларнинг таъкидлашган-  
ларига қарамай, ўзимни таништирудим.

Аёл тутақиб кетди. Шерикларим кетиб қолиши. Мен ўти-  
риб суҳбатлашдим, аёлнинг руҳий ҳолати мени қизиқтиради.  
Обдон синовчан саволлар бериб, текшириб кўрдим. У соң-  
па-соғ эди.

“Йўқ, соғ едамни касал, деб справка беролмайман!” – деб  
узил-кесил фикримни айтдим ва маълумотномага ҳам соғ, деб  
ёздим...

Аёлга уни руҳий касалликда айблаб қилинган ҳаракат-  
лар, табиийки, алам қиласди. Шунинг учун у республика ра-  
диосининг «Қармоқ» эшлитиришлар таҳририятига шикоят  
ёзади.

Кўп ўтмай, бу шикоят юзасидан журналист келиб, суриш-  
тирув ўтказади. Худди шу куни Б. Бўриев туманлардан би-  
рига сафарга кетган эди. Натижада, обкомпартия, райком-  
партияда бўлиб, мутасаддилар билан суҳбатлашиб, бошқа  
бу ишга дахлдор бўлган кишилар билан учрашиб, хулоса

олган журналист Б. Бўриевни кўролмай ортга қайтади. Энг ёмони, обкомпартиядан унга ҳамма айбни аёлни “соф” деб маълумотнома бериб, уларнинг истак-хоҳишига қарши борган Бўриев елкасига ортиб, уни партиядан ўчирганлари, ишдан бўшатганлари тўғрисида ҳужжат бериб юборилади.

Шу боис, кўп ўтмай республика радиосининг мазкур мавзудаги танқидий эшиттириши бутун республика бўйлаб тарқалади. Аввал узунқулоқ гаплардан бу хабарни эшитган қаҳрамонимиз тақрорий эшиттиришни тинглайди ва гап нимадалигини фаҳмлаб етади. Шу сабабли у ҳам таҳририятга телефон қиласди, обкомпартияга норозилик билдириб хат ёзади.

“Ахир, мен партия аъзоси бўлмасам, мени қандай қилиб партиядан ўчиришади? Ҳозир мен ўз жойимда ишлаб турибман. Ишдан бўшатганлариям ёлғон. Бунинг устига мен “опа”га касал деб эмас, “руҳий соғлом”, деб маълумотнома берганман”, деб таҳририятга раддия ёзади. Обкомпартияга ҳам, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ҳам норози бўлиб, тақрор-тақрор арз қиласверади.

– Шундай норозилик “юришларим” давом этаётган бир пайтда обкомпартияга чақиришди, – дейди у воқеани эслаб. “Агар тинчисанг тинчидинг, бўлмаса, бир кечада йўқотиб юбораман”, – деб қўрқитди бесунақай гавдали бўлим бошлиғи.

Шу даврларда соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи бўлган раҳматли И. Фуломов Б. Бўриевга шундай маслаҳат беради:

– Ишдан бўшатилганинг йўқ. Шаън ё шахсингга тегадиган бир сўз деганим йўқ. Ёш мутахассиссан, бизга кераксан, тинчгина ишинингни давом эттириб юравергин, гапни кўпайтирма. Ўзингта ёмон бўлади, важоҳатларини кўриб турибсан...

Бағоят самимий, оталарча меҳрибонлик билан айтилган бу гаплар уни ҳушёр тортириади.

Раҳбари айтганидай, ишини “тинчгина” давом эттирадио...

– Уша воқеа сабаб орттирганим қанд касали бўлди, – дейди Б. Бўриев.

Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди, деймизу, аммо унинг танимизда қолдирган асорати бутун умримизга татийди.

Қаҳрамонимиз йиллар ўтгани сайин И. Фуломов, Е. Норбоевдай устозлар таълимини олиб, ҳаётга теранроқ қарайдиган бўлди. Ўзи Д. Ўроқов, З. Жумаева, М. Наврӯзова, П. Ражабов каби ўнлаб шогирдларни тарбиялаб, ёнига олди. Бироқ бошқа ҳеч қачон соғ одамни касал деб айтишга мажбур этилгани ҳам, бунга бош қўшгани ҳам йўқ.

Б. Бўриевнинг оиласини шифокорлар оиласи, дейиш мумкин. Аёли Шаодат “Нурчилар” ТСҚда ҳамшира бўлиб ишлайди. Қизлари Гулчехра ва Ольга ҳам она ишини давом эттириб, шу соҳада хизмат қилмоқда. Ўғли Машрабжон эса НМЗ (Навоий машинасозлик заводи)да пайвандловчи, чилангарлик вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Баҳридин ишдаги фаолиятидан ташқари чорвачиликка қизиқади. Шу боис ишдан кейин, бўш пайтлари мол-ҳол, товуқ, қўй боқиши, уларни меҳр билан парвариш қилишдан эринмайди.

– Яна бу нарса бойишининг энг ишончли ва ҳалол йўли, – дейди жилмайиб. – Мен уларни ўтлатиб юриб, ҳамма чарчоқларимни унутаман, яна бу машғулот менга кечаги кундан қолган дардимни унутишимга ёрдам беради.

Б. Бўриев фаолияти давомида ҳам самарали ишлаб келаётган шифокорлардан бири. У нафақат беморларни даволашга эътибор қаратибгина қолмай, ўз ишига, вижданан ёндашади. Аҳолига асаб-руҳий касалликларни келтириб чиқарувчи сабаблар, уларнинг олдини олиш йўллари тўғрисида тушуниришлар беришни ўз бурчи деб ҳисоблади.

– Одамлар психиатр деган сўзни эшитганларида бошқача хаёлга борадилар. Кўпроқ бу соҳани шизофрения каби оғир касалликлар билан иш олиб борувчи соҳа, деб билганилари ҳолда психиатр назорати ҳақида гап борса, ваҳимага тушиб қоладилар. Ваҳоланки, феъл-атвори ўзгарган, салга таъсиранадиган ва хафа бўлаверадиган, безовта, иродасиз, лоқайд, одамови болалар ҳам психиатр кўригига юборилиши керак.

Уларнинг руҳиятидаги бу ўзгаришлар сабаби ўрганилади ва бу ҳолатдан чиқиши йўллари кўрсатилади.

Кўпинча нотинч, ота кўп ичкилик ичадиган, сержанжал оиласларнинг болаларида юқоридаги қусурлар кузатилади. Шу боис давони оиласдаги муҳитни тозалаш, тинчлантириш, яхшилашдан бошлаш керак.

Хуллас, ўз касб-корини севган шифокоримиз қанчадан қанча одамларнинг дардига дармон бўлиб, қанча-қанча инсонларнинг соғлом ҳаёт тарзи билан яшашига сабаб бўлгани рост гап.

Фақат, қанча инсонлар шифо топган, фарзандларини даволатган бўлса-да, ошкора миннатдорчилик билдиришга анидаша қилгандаридан ҳам Б. Бўриев буни тўғри қабул қиласди.

– Кошкийди, эл болалари бутунлай соғлом бўлса, биз – шифокорлар ишсиз қолсак ҳам рози эдим, – дея ўз сўзига якун ясади у.

Бу унинг – самимиятидан, ўзгаларга фақат яхшилик тиляш ва яхшилик қилишга бел боғлаганидан далолатdir.

## УМР ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАР

Вилоят суд тиббий экспертиза бюросида суд тиббий экспертлигидан бошлаб Бюро бошлиғи лавозимиға-ча бўлган йўлни босиб ўтган, соҳанинг ўзида 25 йилга яқин хизмат қилган Султон Ҳасанов билан суҳбатимиз қўйидагича бошланди:

– Институтда ўқиб юрганимда соҳамизниң жуда кенг қамровли бўлиб, адолатга хизмат қилиши мени ўзига қизиқтириб қўйганди. Шу боис эндингина шифокор сифатида иш бошлаган кезларим вилоятда суд тиббий экспертиза бюроси ташкил бўлгани мени қувонтирди. Бюрони ташкил этиб, унинг моддий техник басини мустаҳкамлашда, кадрлар захирасини ташкил қилишда талай хизматлари сингган Мели ака Адизов раҳбарлигида 1982 йилда шу ерга ишга ўтдим, – дейди С. Ҳасанов фаолияти хусусида берган саволимизга жавобан. М. Искандаров (бюро ташкилий услугбият бўлими мудири), И. Султонов (комиссия бўлими мудири), Н. Муродова (ҳамшира) каби соҳа ходимларини ҳам устози сифатида алоҳида эътироф этади.

– 1983 йил эди чамаси, – эслайди қаҳрамонимиз. – Тожикистондан Зарафшон шаҳрига картошка келтириб сотадиганларнинг машинаси вилоят ҳудудида автоҳалокатга учрайди. Рулдаги киши жойида вафот этади, иккови енгил тан жароҳати олади. Шунда Зарафшон шаҳар суд тиббий эксперти кўрмасдан хulosा ёзib бериб қўя қолади.

Бироқ орадан уч ойча вақт ўтгач, марҳумнинг оила аъзолари “шериклари атай ўлдирган”, деган гумон билан юқорига ариза ёзишади. Ана шунда бюродаги устозимиз Муродулла ака Искандаров ва мен, ИИБ дан офицер Х. Эшжонов “Тожикистон қайдасан?”, дея йўлга тушганимиз.

1 июл куни С. Айний довонидан ўтиб, Ленинобод вилоятининг Фончи райони Ровот қишлоғига кириб борганимиз.



Фончи район ИИБ бошлиғи Эргашев ташвишli тарзда “ровотликлар жуда ваҳший халқ, эҳтиёт бўлинглар”, деб огоҳлантириб, жиноят қидирув бўлими бошлиғини қўшиб жўнатган.

Биз ҳудудга етиб борганимизда ўйлаганимиздан ҳам зиёда оломон нафрат тўла кўз билан қарши олган, қабристонда ҳам ана шу нафрат ва таҳдид нигоҳи билан ҳар бир ҳаракатимизни таъқиб этиб турган.

Биз бир-бировимизнинг тилимизни умуман билмасдик, фақат нигоҳлар савол-жавоб учун шай эди. Шукурки, ораларида ўзбек тилини биладиган бир қария бор экан. Ўша қария маҳсиси қўнжидан соҳамизга дахлдор Москвадан чиқадиган журнални олиб, биздан сўради:

– Мана суд экспертизанинг иш қуроллари. Сизларда нимага йўқ?

Аслида, бизнинг ҳозирги ишимиизда бундай қурол-аслаҳа асло керак эмас, биз керагини олиб борган эдик. Вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилган Фончи туман ИИБ вакилини судраб, даврадан четга чиқариб қўйишиди. Оломоннинг важоҳати чини билан ташвишli эди. Биз иложи борича аҳволни тўғри тушунтиришга ҳаракат қилдик. “Албатта, Сизлар истаган нарсани исботлаб берамиз, бунга ишонинг”, деб қариянинг кўнглини юмшатишга ҳаракат қилдик.

Шу аснода қабрни очиб, таҳлил учун керакли анализларни олдик. Дарҳақиқат, олдинги эксперт текширмай, ёзиб берганлигини (мурда ёрilmаган, текширув қилинмагани рост эди.) тан олиб, олган анализларни лаборатория (таҳлилхона)да текшириб, тегишли хулосага келишимизни айтдик. Қанча муддатда натижа-хулоса чиқишини сўраб қолган оломон саркори ўша куниёқ вакилини юборибди. Хулосани айтдик. Чини билан автоҳалокат туфайли ўлим содир бўлгани рост эди.

– Шуни “ўлдирилган” деб ёзиб беринглар деб, тоглик киши бир белбоғ пулни тутқазаяпти. Зинҳор бундай қилмаслигимизни эшитгач, тутикашиб кетди. Ўша вақтлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи бўлган раҳматли

И. Фуломовнинг қабулига ҳам шу ҳолатда кириб борибди, унга ҳам юқоридаги таклифини айтибди.

Бироқ “тоғлик”ларнинг ақидалари, феъл-расм-одатлари барibir ўз кору амалини қилибди.

Үлимнинг сабаби автоҳалокатлиги қонуний асосда исботланган, бу борада юқоридан ҳам расмий жавоб жўна-тилган бўлса-да, барibir марҳумнинг иккинчи ҳайдовчи шеригини тутиб-ўлдириб, жасадини сувга улоқтиришибди, деган гап-сўзлар тинмади.

Бундай воқеалар ё у, ёки бу шаклда соҳа ходимлари фаолиятида кўп учрайди.

Қаҳрамонимиз соҳада ишлаб юрган дастлабки йилларда шундай воқеаларнинг яна бири бўлиб ўтган эди.

Туманларнинг биридан ИИБ вакили ҳужжат олиб келади. Касаллик тарихи ва тегишли ҳужжатлар асосида (жабрланувчи келмаганди) қаҳрамонимиз маълумотнома ёзиб бериши лозим эди. Барча ҳужжатларни ўрганиб, шу асосда “енгил тан жароҳати олган”, деган маълумотнома беради. Бироқ орадан ҳеч вақт ўтмай, бюрога бир талай оломон бостириб келади. Бошлиққа киради.

Ниҳоят, Султон Ҳасанов ёзган маълумотнома бекор қилиниб, бошқадан “бош суюги ёрилган”, деган маълумотнома ёзиб берилади. Бунга, албатта, юқорида айтганимиз – арз қилувчиларнинг фурбат-жанжалларидан қутулиш учун мажбуран ёндашиш, ён бериш сабаб бўлган. Шундан сўнг арзчилар тўдаси муродига етиб, айбланувчи қамалиб кетади.

Лекин қамоқда туриб ҳам у бу туҳмат, ҳақсизликка чидай олмайди. Юқорига кетма-кет норозилик аризалари ёза-веради. Ва текширишлар бошланиб, кейинги маълумотнома бекор бўлади. Дастлаб қаҳрамонимиз берган маълумотноманинг қонунийлиги ҳужжатлар асосида исботланиб, бойдан сўнг қамоқдаги киши чиқиб келади.

– Лекин бу ўтган 6 ой ичida мен ҳам озмунча руҳий изтироб чекмаганман, – дейди у 20 йиллик ўтмишига назар ташлаб. – Аммо руҳимдаги табний бир қайсарлик мени ўшанда ён беришга сира йўл қўймаган. Агар яна неча марта

менга шу иш бүйича хулоса ёзиб бер, дейишса, ўша хуло-самни ёзаман, деганман шу аснода сүз кетган вазиятларда.

Ана шундай ва бошқа сабаблар боис, С. Ҳасанов ўзи бюро бошлиғи бўлгач, соҳада қатъий тартиб жорий қиласиди.

Суд-тиббий эксперталар касални учинчи куни, албатта, бориб кўришади. Шундай ҳолатлар жараёнида эса не-не туҳ-матчилар, уларга ҳомийлик қилганлар фош бўлганлари рост гап.

Бироқ бугун ҳам бундай воқеалар учраб туради. Анча муддат ўтгач маълум бўлиб, касаллик тарихи ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар билан келиб, маълумотнома талаб қила-диган, олиб кетадиганлар бор.

Булар ҳақида гапиравкан, ҳамиша ёруғ чеҳрали қаҳрамонимизнинг юзи бир лаҳза тундлашади.

Лекин биз бугун бундай гапларни таҳлил қилиш учун қўлимизга қалам олганимиз йўқ, қаҳрамонимизнинг уму-мий ҳаётига бирров назар ташлашимиз лозимлигини асло унутмай, мавзу йўналишини бошқа томонга бурамиз.

С. Ҳасанов ҳаёти давомида ўз устида ишлашни канда қил-майдиган мутахассис. Украина врачлар малакасини оши-риш институтида, Харьков шаҳрида мутахассислик бўйича таҳсил олган.

Оиласи, тўрт нафар фарзандини ардоқлаб, қадрлагани-дай, дўст-ўртоқлар даврасига ҳам меҳри баланд. Уларга ширин-мазали таомлар пишириб бериб, шу билан бўш вақт-ларига мазмун киритади. Бироқ бундай кезларда илмий китоблардан ташқари бадиий китоблар ўқишини ҳам канда қил-майди.

Вилоятдаги соҳа раҳбарини бугун барибир ўйлантира-ётган муаммолар бор. У кейинги йилларда суд-тиббий экспертизига ҳавасманд ёшлар камайиб бораётганидан, эртага кадрлар муаммоси пайдо бўлиши мумкинлигидан таш-вишланади.

Хуллас, вилоят суд тиббий экспертиза Бюроси бошлиғи, карманалик шифокор Султон Ҳасанов ҳам камтарин инсон, ҳам тажрибали мутахассис сифатида атрофилагилар ва қўл остидаги ходимларга ибрат бўлиб келмоқда.

## ЎЗИНГДАЙ КАМТАРИН, ЎЗИНГДАЙ УЛУФ

Ватан, Сенинг ҳар қарич тупроғинг, ҳар гиёх-япроғинг азиз, мұқаддас! Бамисоли жон томирларимизда оқаётган ҳаётбахш қон каби; вужудимизни бир замбиял лошдан фарқлаб, бунёдкорлик ҳиссини түлдириб қўйган эзгу руҳ мисол.

Ватан, Сен биз учун азизсан, қадрдонсан, суюксан бамисоли кўксидан тириклик сутини тутган Онамиздай, бор куч-қувват, иродаси ила ҳаётимизнинг файзу мазмуни учун югурби-елган отамиз, фидойидуст, оғамиз, жигаримиз, меҳрли ёр, оқибатли фарзандимиз кабисан!

Сенинг бағрингда минг йиллик тарихимиз, қадриятларимиз намунасини кўриб ўсдик, улғайдик.

Нуроталик ДСЭНМ дезинфекция бўлими мудири Темир Ийдиев Сени ана шундай улуф иймон ва виждан билан сўйди. Шу боис ҳам “Поклик иймондандир!” деган ҳадисга мувофиқ ҳолда аҳоли яшаш жойлари, таълим даргоҳлари, шифохоналар, хуллас, барча масканлар озодалиги учун тушунириш ишлари, амалий ҳаракатлар олиб бораркан, бу ишлари Сенинг порлоқ келажагинг – тараққиётинг, юксалишинг бардавомлигига хизмат қилишидан қувонди.

Халқ орасида юқумли ва бошқа касалликларнинг олдини олиш учун курашаркан, бундай сиҳатликда яшайдиган, шундай руҳият билан умргузаронлик қилиб ҳаёт кечирадиган одамлар, албатта, Сенинг обод ва озодалигингга ҳисса қўшишларига ишонди.

Шу аснода ўз билимини шу қадар ошира бордики, ҳатто тозаликни назорат қиласидиган муассасаларнинг ходимларидан кўпроқ ўша соҳага доир билимларга эга бўлди. Шу боис ҳам у бугун меъёрий ҳужжатлар бўйича эмас, қўл учиди, кўз учунгина қилинадиган ишлардан норози бўлади. Ахир, зарарсизлантириш учун кўзда тутилган кимёвий препаратлар



жойларда белгиланғанидан 15-20 марта кам берилаётган зкан, шифохонада мураккаб вазият пайдо бўлмайдими? Дейлик, жарроҳлик тиғлари кўрсатмалардаги даражада зааррасизлантирилмаса, туғруқ пайтидаги жиҳозлар шундай ҳолатда ишлатилса (ва ҳоказо ҳолларда), бемор ёки туғруқдаги аёлнинг ҳоли не кечади? Ахир, ҳар муҳитда вирус, касалликлар келтириб чиқарадиган микроблар жуда кўп учрайди-ку!

Бу bemорлар эса менинг, унинг, қўшнининг жондай яқин кишилари ҳам бўлиши мумкин-ку!

Энг асосийси, Сендаги файзу барокот, равнақ учун ҳисса қўшадиган кишилар улар! Бизнинг кору амалимиз синови учун хизматимизга муҳтоҷ қилиб юборилган Аллоҳнинг нажотталааб бандалари улар!

Ёки мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ана шундай муаммоларга дуч келишимиз келажагимизга болта уриш, дегани эмасми? Ахир, Сенинг келажагинг ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол бўлиб вояга етадиган ёш авлодга боғлиқ-ку!

Аслида, ҳалқ фаровонлиги учун бир-биридан ҳалқчил, ҳаётий қонуну қарорлар чиққан, бугун ҳам чиқаётир. Қаҳрамонимиз булардан бениҳоя қувонса-да, гоҳида уларнинг ижросига нисбатан жойлардаги бирёқлама муносабатдан кўнгли оғрийди.

– Президентимиз саъй-ҳаракати билан соғлиқни сақлаш тизимида чуқур ислоҳотлар давом этмоқда, – дейди у. – ҚВАларга ҳам энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар берилган. Афсуски, улардан фойдаланиб, ҳаётга татбиқ этувчи мутахассис топилмайди. Бунга ё лаёқат етишмайди, ёки имконият!

Темир ака Ийдиев Аллоҳ кўрсатган илм-диёнат йўлидан юриб, “нафсу аммора” деган балони жиловлаган инсон.

Т.Ийдиев иккинчи жаҳон уруши йилларида умри жангоҳларда кечган, кейинги даврда далада ҳалол-покиза ишлаб, 80-йилларда “Чилустун” жоме масжиди имоми бўлган, элизизнинг иймон-диёнати учун хизмат қилган отасидан диний таълим олган.

Имом Исмоил ал Бухорийнинг “Саҳиҳ-ҳадис” лариниям, бошқа тарбиявий мавзудаги Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф китобларию асарларни да ўқиб чиққан бу инсон Ибн Сино номли маҳалланинг диний-маърифий ишларида бошқош бўлиш билан бирга эл-улусга иймон илмидан, маънавиятдан сабоқ ҳам бераёттир. “Биздан қоладигани солиҳ амалли фарзандлар, Юртбошимиз айтганларидай, обод ва озод Ватан, биз билан кетадигани амалларимиз – бизни ё Жаннати ризвон боғларига етаклаб киргувчи солиҳу зэгу, ё Дўзахи азим азобларига гирифттор қилур нобопу нобакор ишларимиз!” дейди у.

Онажон Ватан, аслида Сендан фақат “олишни хоҳлаган”, тинмай олса-да, тўймай, яна шу йўлда югуриб-елаётган, шу асно гоҳ сармаст, гоҳ бадмаст бир ҳолат-кайфиятда умр ке-чираётган, фаолият юритаётган, ўзганинг на дард-ташвиши, на алам-оғригини ҳис қилмаган; сувратга берилиб, сийратини унутган кимсалар билан у – оддий иш, оддий тўнли кишини ёнма-ён қўйиб, маънавият хусусида, Ватан, яъни Сен тўғрингда баҳс ташкил этилса, борми...

“Миллий ғоя? Маънавият? Ватан? Булар менинг “компитет” имга кирмайди. Уни фалсафадан дарс берадиган ўқитувчидан сўраш керак”, деган бир Нафс бандасининг тушунчасини нима билан изоҳлаш мумкин?

Сени танимаган, Сени билмаган, шу боис Сен ҳақингда ҳатто тўрт оғиз сўз айтишни эплай олмай, “компитетимга кирмайди”, деб қутилиб қолишни истаганлар илм-маърифатсиз, маънавиятсиз кишилар эмасми? Бундай қалбан кўр кимсалар учун Нафс йўлида Сени сотиб юбориш ҳам жуда осон иш!

Минг шукур, минг шукурки, бундайлар кўп эмас. Лоақал улар билан ёнма-ён улуғ маънавият соҳиби бўлгулик. шу асно Сени ва Сендай серқуёш, сернеъмат, сердикмат она Ватанини бериб қўйган Яратгувчини ҳар недан азизроқ кўрнib, ардоклаб яшагувчи, эл-улусга ҳам ана шундай ҳаётнинг ҳикматини тушунтиргувчи Темир aka Ийдиевлар кўп бағрингда! Улар Оврупача фильмлардаги ҳаётга эргашиб, енгил-еъпи кўчаларга кириб кетаётган ёшларни ҳам, меҳр-оқибатни унутиб,

худбинлашиб бораётган ака-ука, оға-иничиликни ҳам, ўзбекона шарм-ҳаё, одоб бобидаги минг бир камчилигу бошқа-бошқа иллатларни-да, табиату жамиятга, ишу бунёдкорликка бўлган не-не юзаки муносабатниям маънавиятимиздаги ечимталаб муаммо, деб қарайдилар.

Шу йўлда муросасиз кураш олиб борадилар. Кўпни инсоф-иймон билан иш тутиб, жамият, ҳалқ, Ватан манфаатларини ўз манфаатидан кам кўрмасликка чақирадилар.

– “Бешикдан қабргача илм изла”, деган Пайғамбаримиз Мұҳаммад Мұстафо (с.а.в.). Мен ҳам шу кунларда соҳам бўйича малака ошираяпман, – дейди Темир ака биз билан кечган бир лаҳзалик сухбатда.

Т.Ийдиев А. Абдураҳимов (раҳматли), З. Сафаров каби соҳа саркорларининг таълимени олган, Х. Шаропов, А. Йўлдошев, Н. Фаффоров каби шогирдлар етиштирган комил касб эгаси.

Беш нафар ўғил-қизни ўқитиб, тарбия берган фидойи ота!

“Дил ба ёру даст ба кор” деган Нақшбанд ҳазратлари ҳикматларини кўнгилдан ҳис қилиб, ҳатто давлат ишидан қайтгач, уйда ҳам деҳқончилик қилиб, ҳалол насиба топаётган заҳматкаш инсон!

– Қийин бўлса-да, ҳалол пул топишнинг ҳикмати улуғ. Охират ободлиги ана шу нарса билан белгиланади, – дейди қаҳрамонимиз.

Шу боис Аллоҳнинг ҳалол берганига шукrona қилиб яшайди. Чарчаган руҳига озуқани ҳам ана шу гўзал эътиқодига суюниб топади.

Натижада, Яратганинг ўзи уни сийлаб, бир улуғ салоҳият баҳш этган. Қаҳрамонимиз буни ҳадеганда ошкор эта-вермайди. “Шифо – Аллоҳдан” дейди у.

Нурота ТМШ бош врачи Ш. Халилов эса бу борада бошқача фикр билдиради:

– Тиббиётниң ютуғи, имкониятларини ҳамма билади. Буни айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бироқ баъзида замонавий тиббиёт ожиз қоладиган шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бунда ҳалқ табиби, мулла-эшонлари ёрдамига суюнилади.

Буни халқимиз биздан кўра яхшироқ билади. Ана шундай эл тили билан айтганда, “инсу жинлар билан касалланган кишилар” дардини Темур аканинг нафаси қиличдай кесади.

Ҳатто “қизилча”лик кўр бўлиб қолган қизалоқ дардига, тиббиёт ожиз қолганида, шу инсон ўқиб, шифо баҳш этган. Бу – ҳақиқат...

Бироқ Аллоҳнинг бу кароматли одами – ўта камтар, камсукум. Шу аснода айтишимиз лозимки, Онажон–Ватан, Отајон–Юрт, у худди – ўзингдай, камтар-камсукум, улуг.

Хуллас, бундай инсонларнинг кўплиги Сенинг баҳтинг. Бор бутун амал-ҳаракати билан Сени обод –файзиёб, халқингни маънавий баркамол этиш учун ҳисса қўшадиган Темир Ийдиевларнинг ўзиям, аслида, фақат Сен билан бағри бутун, руҳи бақувват бўлса эҳтимол. Бўлмаса, сенга етаётган ҳар бир иллат-оғриқдан, қаттиқ азоб тўймас, айримлардай лоқайд, беэътибор бўлиб, ўз тинчини кўзлаб яшайверар эди.

## ФИДОКОРЛИК



– Бир инсон ҳаётдан кўз юмди. Бу албатта кимнингдир ҳаётида оғир йўқотиш бўлиши мумкин. Агар ана шу ўлимнинг сабаби ноаён бўлса-чи?

Бу энди ундан ҳам ёмон. Бундай вақтларда ким масалани ечолади? Табиий равишда ана шу масалада бизнинг хизматимиз керак бўлади, – дейди суд кимё эксперти Шарофат Шерқулова.

Чиндан ҳам бундай ҳодисалар рўй берганда Ш. Шерқулова ва унинг ҳамкаслари ёрдамига таянилади.

– Экспертиза жараёнида бирорта заҳарли моддани аниқласанг баҳтинг, бўлмаса, қайтадан ахтараверасан-ахтараверасан, – дейди.

Шу аснода қаҳрамонимиз 80-йилларда рўй берган бир воқеани гапириб беради:

– Бир хонадонда зиёфат бўладиую унда иштирок этгандар кетма-кет йиқилиб, ўла бошлашади. 6-7 нафар кишининг бири ўлиб, бири оғир аҳволга тушиб, шифохонага олиб келинади.

Шунда 63 та заҳар тури бўйича текшириш бошлаб, йиғирмага яқин йўналишда ўрганиш олиб бордик. Аммо қанча уринмайлик, заҳарланишу ўлимларнинг сабаби кўринай демасди.

– Ахир, ўша зиёфат берилган хонадонда нимадир қолгандир? Еб-ичилган таому суюқликлар идишлари бордир?, – дедим хунобим ошиб аҳволни аниқлаш бўйича мутасадди ташкилотлар вакилларига.

Улар ўша хонадонга кетишиди ва кўп ўтмай бир чоғроқ “канистр” идишини олиб келишди. Уни ҳидлаб кўрдиму қалванинг учини топғандай бўлдим.

Таҳлилий текширувимиз давомида мазкур идишда тахмин қилганим таркиби этилингликолдан иборат бўлган “антифрис” борлиги аён бўлди.

Ва марҳумларда ўтказилган текширувимизда улар бу сүюқликдан ичғанлиги белгилари намоён бўлади.

Маълум бўлишибча, зиёфатдаги улфатларга ростмана спиртли ичимликлар “камлик қилиб”, бири гаражида техник спирт олиб қўйганини эслайди. Бориб, уни қидириш чогида, ногаҳонда қўлларига юқоридаги суюқлик солинган канистр тушди (Чунки техник спирт ҳам айни шу “антифрис”дан бўшаган идишга солиб қўйилган бўлади-да). Уни олиб келиб, маст ҳолда ичадилар ва бунинг оқибати оғир йўқотишларга сабаб бўлади.

Бу ерда фожиа содир бўлган, лекин ёш мутахассис сифатида менга бу ўлим сабабини аниқлашим бир лаҳза қувонч бахш этгани ёдимда.

Шарофат опа бундай масъулиятли ва мураккаб соҳани танларкан, унга Тошкент фармацевтика институтида сабоқ берган Республика бош токсикологи Л. Икромовдан ўрганганди билимлари асқотди. Устозлари Т. Мирҳайитов, И. Аҳмаджонов, М. Маргизиналарнинг сабоқларига суниди.

Бироқ у бугун ҳам йигирма тўрт йиллик тажриба, билим захирасига эга бўлса-да, ўз устида ишлашни тарқ этмайди. Пойтахтда, тез-тез малака ошириб қайтади. Унинг айтишибча, кимё-экспертиза соҳасида ўз нақтида ўз устида ишлаб, малака ошириб турилмаса, сифатли экспертиза хулосаси бериш даргумон бўлиб қолади.

Ундан ташқари, Республика бош бюроси мутахассислари билан ҳам мунтазам боғланиб, фикрлашиб, улардан керакли маслаҳат олиб туради.

Шарофат опа ўзининг “инжиқроқ”лигини, тўғрироғи, ўзига ўта талабчанлигини тан олади. Бу хислати эса барча амалу ҳаракатларини бошқаради. Ишни сифатли қилади, ўз билимини оширишга интилади.

Ўз таъбири билан айтганда, у баҳтли инсон. Чунки севганди касбидаги ўзи истагандай фидойилик билан, ёнидагиларнинг эътироф ва эътиборига сазовор бўлиб ишляяпти.

Турмуш ўртоғи Тоҳир Турсунов билан бир-бирига кўнгил қўйиб, ҳаёт йўлларини боғлашганди. У билан 28 йил баҳтиёр яшаши, фарзандли бўлишибди

Ҳозирда ўғли Зафаржон ота касбини эгаллаб, у ташкил этган ишни давом эттираётган бўлса, қизлари Насибахон

инглиз тили мутахассислиги бўйича таржимон сифатида НТМК да фаолият кўрсатмоқда.

Турмуш ўртоги, ҳаётдаги суюнчу таянчини анча эрта йўқотди. Бу Шарофат опага жуда оғир ботди.

Турмуш ўртогим менга ниҳоятда меҳрибон эдилар. Биргалашиб Москва, Киев, Болгария, Қора дengиз бўйларига борганмиз...

28 йилга яқин бир-биrimizga меҳр-оқибатли бўлиб яшадик. Бугун шу муҳитни кўриб ўсган фарзандларим ҳам отасига ўхшаганликларидан фахрланаман, – дея қайғулари ичидан қувонч тополади қаҳрамонимиз.

Ҳаётда тўла маънода баҳтли одам бўлиши мумкин эмас. Ҳар кимнинг ҳам қандайдир ўй-ташвиши, муаммоси бўлади. Лекин инсон ўз ҳаётидан баҳтли лаҳзаларни ахтариб яшагандагина баҳтиёр бўлолади.

Шарофат Шерқулова ҳам ана шундай, ўз ҳаётидан баҳт топа олган инсонлардан бири. Меҳрли-оқибатли инсон билан яшаб ўтган умридан мамнун, фарзандларидан мамнун. 90 ёшли падари бузрукворинг борлиги, уни соғиниб қаршилаб, дуо қилиб кузатиб қолишларидан мамнун.

Бир-биридан ширин уч неваранинг соғ-саломатлигидан мамнун.

Шарофат опа касбига фидойи, маслаги йўлида курашувчан, ўзигаю атрофдагиларга талабчан. Энг муҳими, ҳаққоният билан келиша олиш хислати борлиги учун ҳам уни ҳамма ерда эъзозлашади.

Шарофат опа ва унинг ҳамкорлари билан ишлари хусусида суҳбатлашиб, ҳар бир ўлим сабабини аниқлаш учун таҳлилхонада олиб бориладиган иш жараёнларини кузатарканмиз, руҳимиз бир лаҳза ваҳим ва сесканишга яқинроқ ҳиссиётлар билан тўлгани рост. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг фидойилигига, сабру бардошига, садоқатию ишига беқиёс масъулият ҳисси билан ёндошишига тан бердик.

Аслида, дунё ана шундай Оқибат, Сабр, Вафо ва Меҳр маликалари борлиги учун ҳам ҳамиша ёруғ ва гўзалдир балки. Чунки ўша куни давомида турли сабаблар билан руҳимизга тўлган оғриқ ва ғуборлар Шарофат опа билан суҳбатлашиш жараённада тарқалганини, юрагимизга қувонч ва ёруғлик тўлганини ҳис қилдик.

## НУРОТАНИНГ ШИФОКОР ҚИЗИ

“Ўзбек аёли зиммасига миллый, шарқона маънавиятни сақлаб қолиша уни янада юксак даражада давом этириш масъулияти юклатилган.

Ҳаё, ибо, иффат, фаросат, назокат, самимият, камтарлик, оқилалик, удабуронлик – буларни ўзбек аёлининг энг олижаноб фазилатлари, деб биламан.

Оқибат бизнинг халқимизга хос бўлган миллый қадриятларимизнинг энг гўзал намунаси. Ҳеч бир миллат фарзанди ота-онаси ва яқинларига ўзбек фарзандидай оқибатли бўла олмайди.

Табиийки, буни инсонларда аксарият ҳолларда она маънавияти – тарбияси шакллантиради”.

Ана шундай, бир жойига қалам урмай, кўчирганимиз гўзал ва рост фикрларнинг эгаси бўлган шифокор дугонамиз Муяссар Эшмуродова билан мавзу баҳонасида суҳбатлашарканмиз, унинг ёзганларига муносиб тарзда ҳаёт кечириб, фаолият кўрсатаётганини ҳис қилдик.

Унгача эса Нурота туман марказий шифохонаси бош ҳакими Ш. Халиловнинг Муяссар тўғрисида айтган гаплари ҳам бафоят эътирофли эди.

– Туман тиббиётида пуллик хизмат кўрсатишнинг якка тартибдаги усули билан иш бошлаган опа бугун ўз билими, ҳаракатчанилиги, физойилиги эвазига 20 кишига хизмат кўрсатувчи хусусий шифохона бош врачи даражасига етиб келди.

Келинг, азиз ўқувчим, ҳалқ орасида ҳам ана шундай эътирофга сазовор бўлиб фаолият кўрсатаётган қаҳрамонимиз ҳақида муфассалроқ маълумот беришга ҳаракат қилайлик.

Муяссар Эшмуродова Нурота туманида, хизматчи оиласида туғилди.

– Раҳматли отам тез-тез бетоб бўлиб, врач Ҳақназар Ҳақбердиев томонидан даволаниб юрар эдилар. Шу боис



менга ҳар доим “Дүхтир бўл, қизим. Ҳақназардай дўхтир бўл”, деб насиҳат қиласардилар. Бир томони, дадажонимнинг гаплари, бир томони оқ ҳалат соҳибларига ҳавасим борлиги сабабли мактабни битириб, Самарқанд тиббиёт институтига ҳужжат топширдим, – дейди қаҳрамонимиз.

Муяссар мазкур институтнинг талабаси ҳам бўлди. Энг муҳими, бу олий таълим даргоҳида астойдил ўқиб-ўрганди. Уни имтиёзли диплом билан тамомлади.

1979 йилдан бошлаб туман марказидаги катталар поликлиникасида иш бошлади. Участка терапевти, ички касалликлар бўлими бошлиғи, поликлиника қошидаги “Кардиоревматологик ИАДК” бўлими бошлиғи вазифаларида хизмат кўрсатди. Ҳозирги кунда туман бош кардиологи сифатида ишлаб, айни пайтда якка тартибдаги шахсий врачлик фаолияти билан, кейин “Муяссар-нур” хусусий фирмаси ташкил этиб, аҳолига сифатли пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи шифохона раҳбари ва эгаси бўлиб фаолият кўрсатиб келаяпти.

– 1996 йилда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига аттестациядан ўтиш учун боргандик, – дейди сухбатимиз асосида Муяссархон. – Жавобларимдан кейин комиссия вакили Э. Ботирбоев аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни Нуротада йўлга қўядиган номзод сифатида менга алоҳида ишонч билдириб, сўз айтдилар. Шундан кейин кўп вақт ўтмай, лицензия олиб келиб берилди (Чунки айни шу йилда Республика Вазирлар Маҳкамасининг якка тартибда врачлик фаолияти юритиш бўйича 378-сонли Қарори чиқкан, шу асосида вилоятда ҳам иш бораётган пайтлар эди). Дастрраб яшайдиган уйимизнинг пастидан кичкина ҳона қуриб, ишдан кейинги қабул тарзида фаолият олиб бордим. Шифокор борки, уни уйига сўраб келишади. Бундай келувчиларга ҳаракатимиз қулайлик туғдирдими. Йўқлаб келувчи беморларим сони кўпаяверди...

Муяссар Эшмуродованинг қозонаётган муваффакиятига сабаб, биринчи галда, унинг билими, касбий салоҳияти устуворлиги эди.

Иккинчи асосий сабаб, қаҳрамонимиз атрофдаги ҳамкорлари хизматидаги нарх-наволарни ўрганиб, нарх белгилашда анча арzon баҳони қўйишни лозим топди.

Масалан, беморни қабул қилиш шаҳарда 4-5 минг сўм бўлгани ҳолда 600 сўм, кунлик “койка” 500 сўм, 1 кечакундузлик ётиш 700-1000 сўм (беморнинг иқтисодий аҳволига қараб) қилиб белгиланди.

– Бу ишни шунинг учун қилдимки, беморлар ҳар хил та бақадаги кишилар бўлиши мумкин. Арzonроқ бўлса, бемалол даволанишларига имкон яратади. Шунда мен икки нарсада ютаман. Ҳам даволанувчиларим кўп бўлади, ҳам улар чин дилдан рози бўлиб, дуо ҳам қилиб кетишади.

Минг шукур, ана шундай дуою миннатдорчилкларнинг неъматидир, бугун ихчамгина бўлса-да, хусусий шифохонанинг эгаси бўлиб ўтирибман.

Муяссархон билан шу куни атиги 3-4 соат суҳбатлашдик, шифохонасини бориб кўрдик. Ва бир нарсага амин бўлдикки, бош шифокор айтганидай, у ишининг баракасини топа бошлагани рост гап. Аслида, давлат қуриб бериб қўйган, ҳамма қулайликлар яратилиб, энг замонавий тиббий жиҳозлар билан жиҳозланган шифохоналарда ишлаётган айрим шифокорлар, норасмий, ноқонуний тарзда беморларга “пуллик хизмат” кўрсатишади. Ёки айрим тоифалари беморнинг юзиға қараб, мутлақо ёлғон бўлган ваҳимали гапларни айтишади. Ахир, унинг эгнида оқ ҳалати бор, Гиппократ қасамини ичган. Шунинг учун бемору атрофидагилар унга ишонади.

Шукрки, қаҳрамонимиз бундай ҳалатига хиёнат қилаётган нобакор касб эгаларидан бутунлай фарқ қилиб, пул тошиш, бойлик орттиришнинг ҳалол йўлини танлади.

2004 йилда “Муяссар-нур” фирмаси ташкил қилиниб, тунги, кундузги шифохона сифатида фаолиятини давом эттиргач, ижарада ишлатиб юрган биносини хусусийлаштириб олишга эришиди. (Аслида, у 2002 йилда 7 та ўринли кундузги бўлим ташкил қилганида ҳам, ижарачи эди. Эски “Тез ёрдам” бўлимининг биносини олиб, қайта таъмирлаб, шаҳар тилидаги шифо маркази қилгандаям ижарачи эди). “Муяссар-нур” фирмаси раҳбари Муяссар Эшмуродова, шундай қилиб мулкдор ҳам бўлди.

Мазкур шифохонада ҳозирда 10 нафар тиббиёт ходими беморларга хизмат кўрсатади. Беш нафари шартнома асосида ишлайди.

Бугун ҳалол хизматидан барака топаётган Мұяссархоннинг оиласидаям файзли ҳаёт давом этмоқда.

Турмуш ўртоги Ақмал Құрбонов туман ҳалқ таълими бўлимидаги кадрлар бўлимни бошлиги сифатида фаолият юритади. Энг муҳими, у аёлининг орзу интилиш, ҳаракатларини тушунади ва ҳамиша бор куч-иродаси билан уни қўллаб-қувватлади.

Ота-она изидан кетган Шерзод пойтахтда Япониянинг “Жайка” компаниясида ишламоқда. Беҳзод – ҳуқуқшунос. У онасининг хусусий шифохонасида хизмат қилади. Зарнигор Самарқанд тиббиёт олийгоҳи қошидаги лицеининг 2-босқич ўқувчиси.

Мұяссар Эшмуродова ўзининг бугунги даражага етишига Ж. Ҳамроев, У. Юсупов, Ҳ. Ҳақбердиев, Ҳ. Рўзиев каби устозларининг хизмати борлигини алоҳида эътироф этади, Д. Ортиқова, Д. Эсанова, Ф. Раҳмонова каби шогирдлари келажагига эса алоҳида умид билдиради.

Қаҳрамонимизни бугунги кунда кўпроқ безовта қилаётган муаммолар ҳалқимизда соғлом турмуш тарзини олиб боришда тиббий саводхонликнинг етишмаслиги, жумладан, ичиш, чекиш каби заарарли одатлар, юрак-қон томир қасалликлари билан касалланишининг ўсиб бораётганлиги, хотин-қизлар ўртасида камқонлик касаллиги билан касалланиш кўрсаткичининг ортиб бораётганлигидир.

Шу боис ҳам тадбиркор шифокоримиз ҳалқ ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга интилади. Ҳатто тўй, тадбир, маърака-маврудларда ҳам соғлом турмуш тарзи билан яшаш кераклигига даъват қилади.

– Беморга иложи борича ёрдам бўлсин, деб ҳаракат қилиш керак. Ундан нимадир кутиш керак эмас. Шифокорнинг bemor ва атрофидагилар олдида ишонч ва ҳурмат қозонишининг яна бир шарти бор. Шифокор ҳамма bemorга бир хил зътибор ва меҳрибонлик билан хизмат кўрсатиши зарур.

Ана шундай ҳаракат қилган дўхтирни нафақат эл-улус, Яратганнинг ўзи ҳам қўллаб-қувватлашига ишонаман, – дейди қаҳрамонимиз.

Шу боис ҳам ундан шифо топиб, тузалиб кетган беморлар, атрофдаги инсонлар қаҳрамонимизни чин дилдан яхши күришар балки. Шу боис баъзилари қизу невараларига ният қилиб Муяссар, деб исм қўйишгани ҳам ростдир.

Бу борада эшитганларимиз устида тўхталарканмиз, қаҳрамонимиз “ҳа, ўзим ҳам икки-уч кишини эслайман. Бирининг онаси келиб, “Сиз даволаган ўғлимизни уйлантиргандик, қиз невара туғилди. Сиздай бўлсин деб, исмини Муяссар қўймоқчимиз”, дегани ёдимда”, деди.

Шу аснода у яна бир ибратли воқеани гапириб берди:

– Эски шифохонада барча бўлим учун ягона навбатчи турарди. Бўлимлардан бирида навбатчилигимда кечки пайт бир bemорда кучли реакция бошлангани хабари етиб келди. Етиб бордим. Даствабки шошилинч чораларнинг барчasi кўрилибди. Ўзгариш йўқ. Шунда “пирамидол” (гормон) билан bemорнинг аҳволини ўнглашга муваффақ бўлдик. Хуллас, ўша тунда ўлим остонасига бориб қолган bemорни эсон-омон олиб чиқиш имконини қилдик. Ана шу инсон ҳам кейинчалик олдимдан ўтиб, қизалогига номимни қўйганди.

Муяссархон билан бир бор суҳбатдош бўлган киши унда табиий бир меҳрибонликни кўради. Шу боис унга юрақдан боғланиб қолади.

Бунинг сабаби у ўз касбини севиши ва энг катта роҳат-фароғатни инсонларга шифо улашишда, деб билишидан бўлса керак.

Ана шу фазилатлари боис ҳам Муяссархонни Нурота аҳли яхши кўриб, ишониб, ардоқлади.

## ЗИЁЛИ ШИФОКОР

(Шифокор Саъдулло ҲАҚБЕРДИЕВга дилсўз)



Мен Сизни танимайман. Учрашай, деб борганимда малака ошириш учун пойтахтга ўқишига кетган экансиз. Ҳамкасларингиз билан сухбатлашдим, ёзганларингизга суюнишни лозим топдим.

“Ҳақназар дўхтири”ни малакали, эл дардига чин маънода дармон бўлолган шифокор сифатида айтилган эътирофларни Нурота аҳлидан кўп зишитган эдим. Бундай эл суйиб, ардоқлайдиган дўхтири бўлиш ҳар кимга ҳам насиб қиласвермайди. Зиёда билим соҳиби бўлиб, ана шу билимини беморларни даволаш учун бетаъма сарфлайдиган соҳа ходимиғина бундай бахтга мусассар бўлиши мумкин.

Сиз ана шундай бахтли врачнинг иккинчи фарзанди экансиз. Ҳақназар Ҳақбердиевдай малакали ва одамлар ишонган дўхтирининг, туман марказий шифохонасида узоқ йиллар ҳамшира бўлиб ишлаган онангиз Раҳимахон ая Аъзамованинг фидойилик ва меҳрибонликка қоришиқ фаолиятларини кузатиб, касбига садоқатию бемор учун куйиб-пичшишларини кўриб, тарбияту сабоқларини олиб ўсган фарзандлар – Ибодулла ва Сиз ҳеч иккиланмай, шифокорлик касбини танлагансизки, буни табиий ҳол сифатида қабул қилиш керак.

Аёнки, билимли бўлиш учун инсон кўп ўқииди. Кўп ўқиши учун кишида туфма иштиёқ, табиий зеҳн-қобилият ҳам керак бўлади. Англашимизча, отангиз Ҳақназар дўхтирда (балки онангизда ҳам!) бу қобилият бўлган ва у тўлиғича Сизга ҳам “кўчган”. Шу туфайли мактабни тугатиб, тиббиёт институтида астойдил ўқигансиз. Ҳатто умр йўлдошликка ҳам ўзингиздай, илмга ташна Гулчеҳрахонни танлагансиз.

Илм олиш йўлидаги бу умумий фидойиликлар, охироқибатда, ҳар иккингизга ҳам бир хил имтиёзли диплом

“берган”. Ҳар иккингиз ҳам кўҳна Самарқанд бағридаги тиббиёт олийгоҳини муваффақият билан тутатиб, Нуротага келгач, марказий шифохонада ана шундай арзирли илм пойдевори билан иш бошладингиз.

Нурота туман Марказий шифохонаси бош врачи Ш. Халилов таъкидлаб айтганидай, Сизда илмга, аниқроғи, борлиқни билиш ва уни ҳаётий фаолиятга татбиқ этишга иштиёқ кучли. Шу боис ҳам бугун унча-мунча мутахассис эплай олмаган томир туғиши малака ва маҳорати Сизда бор. Уролог врач сифатида етук билим ва катта тажриба згасиз. Шифохона бош врачи Шавкат Халилов сизни шундай таърифлайди: “Ҳар бир аҳволи жиддий беморнинг бошида тикка туради”.

Бундай фидойилик, беморлар дардига малҳам бўлиш учун қилаётган самимий, бетаъма ишларингизни Сиз шундай ифодалашга ҳаракат қиласиз: “Шифокорнинг энг муҳим фазилати, авваламбор инсон бўлиши керак ва бошқаларнинг дардини ҳис қила билиши лозим. Мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг сўзлари бунга исбот бўлиши мумкин: “Одами эрсанг демагил одами, аники йўқ халқ ғамидин ғами”. Шунинг учун бошқалар дардини ҳис қилмайдиган кишидан чин маънодаги шифокор чиқмайди, деб ҳисоблайман”.

Шу аснода эса Сиз ҳам барча иймони бутун шифокорлар каби ўзингиз қадрлаган элнинг тиббиёт соҳасидаги саводхонлиги ҳаминқадарлигидан норози бўласиз. Ўз соғлигининг яшаш шароитига боғлиқлигини билишни истамайдиган кишилар сони кўпайиб бораётгани, уларда учраётган касалликларнинг барча асоратлари, айниқса, дарднинг охирги босқичдаги асоратлари ташвишлантиради Сизни.

– Жарроҳ сифатида навбатчиликка турганимда мурожаат қилаётган беморларнинг 80 фоизи шикастланишлар билан келади. Буларнинг 90 фоизи алкоголизм ва наркомания билан боғлиқки, бу жуда ачинарли ҳолдир.

Аслида, эл-улус дардини бир шу нуқталарда ҳис этиб, дилингиз оғриққа тўлгани йўқ. Ёзганларингиз буни рўйи-рост кўрсатиб турибди:

– Баъзи ёшларимиз замондан илгарилаб кетищди. Чет давлатларда бўлишмоқда. – деб ёзасиз жавобингизда. – “Тил ўрган”, деб қадимгилар тўғри айтишган экан. Лекин булар озчиликни ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида пул орқасидан қувиб юрган ёшларни кўриб, маънавияти пастлигига ачинаман. Бундай кишилар топган пулинин ишлатишни ҳам билмас экан.

Мисол учун айтайн. Қийинчилик билан Корея давлатига бориб уч йил ишлаб, топиб келган пулинин тўй баҳонасида бир кечада йўқотиб, иш излаб юрган, бугун боласи-нинг қорнини тўйдира олмаётганларнинг аксарияти таниш. Менинг назаримда, маънавият кўзни тўқ қиласди. Назари тўқ одам борига шукр қилиб яшайди.

Очиғини айтсам, Сизнинг бу фикрларингизга биз ҳам юз карра қўшиламиз. Чунки маънавият сўзининг нималагини ҳам тушунишни истамаган, шу боис бу масалада сўз айтишдан ҳам, сўз эшлишдан ҳам юраги сиқиладиган шундай кишилар борки, бориб турган амалу ҳаракатларини фақат Нафс бошқаради. Улар билан баҳслашавериб, бизнинг ҳам юракларимиз зардобга тўлган. Шу боис ҳам Сизнинг ёзган жавобларингизу Сиз ҳақингизда эшитган гапларимиз инжудайин ардоқли биз учун.

Сиз фақат илм олиш, касб салоҳиятини ошириш йўлида чекадиган ҳар бир риёзатни ардоқлайсиз, бундай заҳматли ҳаракатлардан руҳий озуқа оласиз.

– Устозим, Ф.А. Клепиков, – дея хотирлайсиз ўқиши йилларини. – Харьков урология кафедраси раҳбари бир ой давомида қийнаб ўқитиб, реферат ёзишни талаб қиласди. Иккинчи ойда амалиётда ишлатиб, бир ойда камида 20 марта нағбатчиликка қўйди. Кейин “Берёзка” санаторийсида бир ҳафта маданий дам олишимизни ташкил қиласди. “Шундай тобланишдан ўтмасанг, яхши дўхтир бўлолмайсан”, деди у хулоса тарзида.

Мен эса бунинг учун ўша устозимдан жуда миннатдорман. Агар у шундай йўл тутмаганида, мен кўп нарсани ҳозиргидай чуқур ва пишиқ ўрганолмай қолар эдим.

Ўз фаолиятингиз давомида тиббиёт фанлари доктори О. Мухторов, олий тоифали жарроҳ У. Юсупов, ТМШнинг

ташкилий масалалар бўйича бош врач ўринбосари X. Рўзиев, раҳматлии отангиз X. Ҳақбердиевларниям устоз сифатида тан олиб, тилга олибсиз. Ш. Халилов, Б. Эшмуродов, Ш. Каримов ва бошқа қатор ёш шифокорларни эса шогирдингиз сифатида эътироф этиб, уларга умид боғлабсиз.

“Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё”, деган гапга бугун Сиз мисолингизда яна бир карра ишондим. Илмга интилиб, маърифатга меҳр бериб, топганингиз чинакамига илму ҳикмат дурданалари, маънавий баркамоллик бўлибдики, бугун ҳам яна шу йўлда тинимсиз интилиб имконлар топиб яшамоқдасиз.

Энг муҳими, бугун ҳам Сиз иш баробарида илм-зиёга интилиб умргузаронлик қиласпаз. Шу асно илмий-тиббий асарларни ўқиш-ўрганишу компютер билан ишлашдан, Интернет орқали янгиликлар олиб, дўсту қадрдонлар билан боғланишдан ортиб жаҳон адабиёти дурданаларини ҳам ўқиш, ўзбек адабиётининг сўнгги намуналари билан танишиб боришга ҳам вақт топасиз.

Шу аснода ҳурматли ўқувчимизга Сизнинг яна бир ибратли амалингизни айтиб ўтишни жоиз, деб билдик. Уйингизда нафақат тиббиёт илмига дахлдор балки, Навоий, Машраб, А. Қодирий, Ч. Айтматов, А. Дюма, Жек Лондон, Шайх Маҳмуд Асьад Жўшон, Тоҳир Малик, Лев Толстой, Пушкин асарларини, хуллас, қатор жаҳон маънавияти дурданаларини жамлаган шахсий кутубхонангиз мавжудки, ундан самарали фойдаланиб келаяпсиз.

Сиз ва Сиздайлар комил касб соҳиби сифатида юртнинг чин зиёли фарзанди бўлиб эл-улусга хизмат қилаётганингиз, билим ва тажрибангизни илм ва эзгуликка сарфлаётганингиздан бошимиз осмонга етди.

## САДОҚАТ



Таҳририятга кириб келган отахон 80 ёшга яқинлашиб қолганини айтганды, очиги, ишонгимиз келмади.

...Ўтган асрнинг 20-30 йиллари орасида дунёга келган Faфур отанинг умр йўли синовларга тўлиб кечди. Болалик ва ўсмирилик йиллари 2-жашон уруши ва ундан кейинги тикланиш йилларининг бор азоб-уқубати ичидан ўтди.

Бу – ҳам руҳий, ҳам иқтисодий қийинчилик йилларида безгак касали ҳам халқ бошига тез-тез оғат бўлиб ёғилар, аҳоли бу дарддан кўп азият чекар эди.

Ана шу даврда бир бурда нон топиб ейиш мақсадида ёш Faфур туман маркази – Карманада фаолият олиб борувчи давлат санитария-эпидемиология станциясига иш сўраб борди. Эркак кучи деярли қолмаган даврда уни ҳеч иккиласмай ишга олишди. Ёш Faфур безгак тарқатувчи чивинларни йўқотиши, улар келтириб чиқарадиган касалликларнинг олдини олиш йўналишида қандай топшириқ берилса, сидқидилдан адо этди. Бора-бора ёши улғайиб, ақли тўлишган сари ишининг моҳиятини англаб, корхонанинг фидойи ишчисига айланди. Унга ҳарбий хизмат учун чақирув қоғози келди. Энг муҳими, қаҳрамонимиз ҳарбий хизмат даврида ҳам шу ишини давом эттириб, Москва шаҳри ва атрофидаги ҳудудлар аҳолиси ўртасида касаллик тарқатувчи паразитларга қарши курашга ҳисса қўшди. Шу аснода керакли тажриба ҳам тўплади. Армия хизматидан кейин у яна ўзи иштаган корхонага қайтиб келди.

Хуллас, энди бу иш унинг ҳаёт-мамотига айланган, айни шу меҳнати билан халқقا фойдаси бисёр тегаётганидан фахрланар эди.

1968 йилда мутахассис сифатида малакасини ошириш учун Тошкент шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев номли тиббиёт билим юртига сиртдан ўқишига кирди.

Умр – йўл. Бу йўлда таниқли санъаткор куйлаганидай, “учрашиш-айрилиш, унтиш-айтилиш” кўп бўлади.

Карманалик Faфур ота Сафаровнинг ҳаёти ҳам ана шундай воқеликлар билан тўлиб-тошиб кечди.

Бироқ жуфти, умр йўлларидағи садоқатли елкалош дўсти Мария Корпеченконинг вафоти бу айрилиқларнинг энг оғирни бўлди. У аёл оқила бека бўлиб, энг оғир, энг қийин лаҳзаларда тушуниб, мададкорлик қилиб келгани учун ҳам бу яқин инсонининг ўрнини, фарзандлари ҳарна йўқлаб туришса-да, ҳеч нарса тўлдиролмаслигини отахон бугун дилдан ҳис қиласди.

Бироқ бу йўқотишдан пайдо бўлган юрагидаги бўшлиқни биргина нарса тўлдириши мумкин. Бу – ҳалол меҳнат, элу юртга фойдаси тегишини ҳис қилиб ишхонага эрта тонгдан отланиш ва чин юракдан, меҳр-оқибат билан хизмат қилмоқлик баҳти ва масъулиятидир.

Кармана туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори вазифасини бажарувчи Тошпўлат Рўзиевнинг таъкидлашича, 44 нафар киши ишлайдиган бу жамоада Faфур отанинг алоҳида ўрни бор. У ана шундай улуғ ёшда бўла туриб ҳам ёшлардан эртароқ ишга келади, улардан фидойироқ, фаолроқ ишлайди. Шу асно, безгак тарқатувчи чивинлар, кемирувчи ва исқабтолар каби паразитларга қарши кураш олиб бориб, туманда ҳар қандай юқумли касаллик тарқалишининг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшади.

Отахон 60 йилдан зиёд фаолияти даврида қатор шогирдлар ҳам тарбиялашга муваффақ бўлди. Шулардан бир қанчаси бугун Faфур отанинг ўзи билан ёнма-ён фаолият кўрсатмоқда.

Ишига, оиласига, Ватани ва ҳалқига ана шундай садоқат билан муносабат кўрсатиб, умргузаронлик қилиб келаётган қаҳрамонимизнинг ҳаёт йўли кўпчиликка намуна бўлгулиқdir.

## УНГА ИШОНИШАДИ



“Туғруқдаги аёлнинг то кўзи ёриб, аҳволи яхшилангунча, у ҳамма нарсани унутади. Тўлғоқдаги аёл билан баробар “дард тортади”, бошидан кетмайди. Шу боис одамлар, аёллар, оналар унга ишонишади”.

Бу гаплар нуроталикларнинг акушер-гинеколог Баҳриддин Рустамов ҳақида айтган дил сўзлари.

Бироқ Баҳриддин Рустамов элнинг нене унвонлардан зиёда бўлган бу улуғ ишончини қозонгунча кўп заҳматли йўлларни босиб ўти.

– 1966 йил оиласиз учун энг омадсиз, баҳтсиз йил бўлиб қолган, – дейди қаҳрамонимиз бир лаҳза суҳбат асносида. – Шу йили оиласидагилар ҳаммамиз қорин тифи билан оғридик. Бу қаро дард эса орамиздан онажонимни олиб кетди. Аламу изтиробда қолган падари бузрукворим албатта, дўхтири бўлишимни тайинладилар. Шу сабабли мактабни битириб, тўғри Самарқанд тиббиёт институтига бориб, ҳужжат топширганман.

Ўшанда мактабни аъло баҳолар билан тутатган Баҳриддин институтга ҳам қийналмай кирди. Бу даргоҳда ҳам астойдил ўқишига, мукаммал касб эгаси бўлишига ҳаракат қилди. 1975 йилда институтни тугатиб, Самарқанд шаҳар туғруқхонасида интернатура ўтади. 1976 йилда она юрти Нуротага келиб, туман туғруқхонасида акушер-гинеколог сифатида фаолиятини бошлади. Ишда фидойилиги, куюнчак, ҳаракатчанлиги боис кўп ўтмай мазкур бўлимнинг мудири этиб тайинланди.

Баҳриддинда илм олишга туғма иштиёқ шу қадар кучли эдики, 1981 йилда Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги йўлланмаси билан Волгаград шаҳридаги тиббиёт институтига маҳсус клиник ординатура ўташ учун жўнаб кетди. 1983 йилдагина у ерни муваффақиятли тугатиб келиб, ўз ишини давом эттирди.

1987 йилдан 1988 йилгача вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош акушер-гинекологи, кейинчалик Нурота туман

Марказий шифохонасининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бош врач ўринбосари, даволаш ишлари бўйича ўринбосар бўлиб фаолиятини давом эттириди. Айни пайтда ҳам Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ТМШ бош врач ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда.

Кейинги йилларда туманда гўдаклар ўлими 41 фоиздан 6,1 фоизгача камайди. Бунинг асосий сабаби, экстрагенитал касалга чалинган аёлларни ҳомиладорликдан сақлашга бош эътибор қаратилганлигидир.

– Туғруқхонадаги кўзи ёрийдиган аёлнинг ҳаёти икки дунё оралиғида бўлади. Ана шундай пайтда унга ўта эътиборли бўлиб, билимдонлик ва меҳр-шафқат билан астойдил ёрдам кўрсатиш зарур, – дейди шифокор фаолияти билан қизиқиб берган саволимизга жавобан. – Бир аёл кўзи ёриш жараёнида ҳушини йўқотгани ёдимда. Қон қуйилди, тегишли муолажалар олиб борилди. У ана шундай даволашларнинг 27-кунидагина ҳушига келди. Бир кам етмиш кун деганда бутунлай соғайиб, чақалоги билан шифохонадан чиқиб кетди.

Лекин то шу баҳтиёр кунга аёл қанча дард азобини торттан бўлса, шифокорлар ҳам ундан кам таҳлика ва ташвиш чекмади, дейсиз. Табиатан камтарликни яхши кўрадиган қаҳрамонимиз буни оддий-одатий ҳол, деб билади. Шу боис бу борада фикр айтмайди, оғиз очмайди. Аслидаям, она бўлишнинг баҳти – қувончи катта дард, ташвиш ва таҳликалар эвазига келади. Қаҳрамонимиз Б. Рустамов эса бу жараённи фақат икки жон омонлиги билан якунлаш учун бор маҳоратини ишга солади.

Ўзининг, атрофидаги ҳамкасларининг заҳмат ва меҳнатларини деярли унутади ёки буни оддий бурч, касб-кор мажбурияти, деб ҳисоблайди.

Баҳридин Рустамовлар оиласининг асосий негизини шифокорлар ташкил этади. Турмуш ўртоғи Сайёра Бердиева терапевт врач сифатида эл-улусга хизмат қилиб, айни пайтда нафақада. Олти нафар фарзанднинг икки нафари ҳам отона изидан бориб, шу касбни танлаган.

– Лекин икки муаллим, журналисту ҳуқуқшуносимиз ҳам бор, – дейди у фарзандларидан фахрланиб.

Барча зиёли шифокорлардай, Баҳрийдин Рустамов ҳам ўз шахсий кутубхонасига эга.

Фаолияти давомида тўрт марта туман, икки марта шашар кенгашига депутат этиб сайланган қаҳрамонимиз файзли умр кечириб, “эл севган шифокор” номини олиб, буғун ҳам ҳалқ зътирофида яшаётирки, ана шунинг ўзи катта баҳт.

## ЭЪТИРОФ

— Ҳовлимизнинг олдида катта тут дарахти бор. Бу тут менинг болалик армонларимни янгилаб туради. Ўй-фирим бирор-бир нарса билан қаттиқ банд бўлса, эътиборсиз бўлиш имумкин. Бироқ кўп ҳолларда кўнглим унинг оғриқин хотирасига қулоқ тутади.

Шу асно ногаҳон кўз ўнгимда мунис, маъюс, дарди заъфарон юзларидан шундоққина кўриниб турган онам пайдо бўладилар. Оғриқдан ва азобдан тўклилиб бораётган ушоқ гавдани қалқиб кетиб йиқилаётганда ушлаб, суюб қолган бу тут бугун ҳам қад кўтариб турибди. Аммо онам йўқ.

...Етти ёшлилар атрофидаги эдим ўшанда. Отам колхозда тракторчи эдилар. Қайси бир далада фўзага ишлов берадигандилар. Хуллас, уйда мендан бўлак ҳеч кимса йўқ, акаларим ҳам даладами, мактабдами, ҳарқалай, уйда змас эдилар.

“Тоғангни чақириб кел”, дедилар аранг меҳрибоним. Бола дилим катта бир мусибатни ҳис қилди. Тоғамларнинг уйига чопиб баарканман, кўнглимдаги ғашлик нафасими бўғар, кўксимни тўлдириб кўзимга аламли кўз ёш бостириб келарди.

Шу куни онамни Самарқандга олиб кетишиди. Кейинчалик билдимки, ўшанда онамнинг жигарларида эхонакок бўлиб, ўша куни ёрилган экан.

Ҳозирда бу касаллик бошланишидаёқ ҳатто қишлоқ шифохоналарида ҳам жарроҳлик йўли билан бартараф қилинади. Афсуски, ўтган асрнинг 70-йилларида бундай имконият йўқ эди.

Тўғри, ўшанда Самарқандда онами операция қилишган, бироқ у пайтда кеч бўлган экан. Операциядан кейин тузалгандай бўлар эдилару уйга келиб оз вақт ўтгач, яна аҳволлари оғирлашар, яна онажонимни шифохонага олиб кетишар, яна операция қилишарди.



Хуллас, бу ҳол тўрт-беш марта такрорланди. 1980 йилда эса меҳрибонимни бутунлай йўқотдик...

Фазлиддин бир лаҳза сукутда қолади.

Унинг ўта мулойимлиги, босиқлиги, мулоҳазалийигитлигига балки болалигидаги шу азобли кунлар, шу аччиқ йўқотиш сабаб бўлганмикан, деган ўйга ҳам бораман.

Чунки беш йиллаб беморлик азоблари билан олишиб, рўзгор юмушларига ярамай қолган онанинг барча ишларини фақатгина у бажааради. Кир ювган, сигир соғиб, қатиқ ивитиб, куви пишишгача бўлган барча юмушларини эринмай, малолланмай қиласади.

Шундай қилиб, мучал ёшида онасидан жудо бўлган болагина отаси Ёқуб аканинг оиласидаги чинакам, ишончли ёрдамчисига айланганди.

\* \* \*

Фазлиддин мактабда ҳам жуда яхши ўқиди.

Маълумки, қишлоқ болаларининг жуда камчилиги мол боқиб, сигир етаклаб, арифу ёвон кезмаган бўлади. Фазлиддиннинг ҳам болалик, ўсмирлиқдаги энг ёқимли машғулотларидан бири сигир боқищ бўлиб, бу юмушга суюкли китоблариниям олиб кетар эди.

– Кутубхонага борганимда қўлимга Хомченконинг олий ўқув юртига кирувчилар учун қўлланма китоби тушиб қолди. Шу-шу, бу китоб доимий ҳамроҳимга айланди. Ўшанда уни ёдлаш даражасида ўрганиб чиққаним рост, – дейди сухбат жараёнида Фазлиддин. – Бобом (амаким)нинг ўғли Абдурайим акам терапевт врач эдилар. Тартибли, ораста кийиниб юришлари кўпроқ бола кўнглимга хуш ёққан. Умуман, жуда кичиклигимдан шу кишига ҳавас билан қарадим. Шу боис йиллар ўтгани сайин “дўхтир бўлиш” чин орзу-ниятимга айлана борди. Бунинг устига онамнинг қисматлари ҳам шу йўлга етаклаган бўлса эҳтимол...

Аслида, ички ишлар тизимида эндиғина хизмат бошлаган катта акаси Фахриддин Очилов Фазлиддинни ўз соҳасига етаклаб кирмоқчи эди. Бироқ укасининг аҳди қатъийлигини кўриб, у мактабни битиргач, Самарқандга олиб борди.

– Акам ишига қайтиши лозим эди. Шу сабабли ижара уйига жойлаштириб, ортига қайтаверди. Сўраб-суринтириб, тиббиёт институтини топиб бордим. Навбатчи йигитлардан бирининг “қайси факультетга топширасан” деган саволига ҳам “дўхтир бўлмоқчиман”, деган жавобни айтибман.

Шундай қилиб, ўша йигит қўлимга номер бериб, икки қаторда давом этаётган навбатнинг бир томонига келтириб қўйди.

Нариги томонида даволаш бўлими, бу томонида педиатрия бўлими учун ҳужжат қабул қилинаётган экану мен шу сафга келиб қолган эканман...

Хуллас, у педиатрия факультетига ҳужжат топширади. Тўртта имтиҳондан ҳам муваффақиятли ўтиб, мандат комиссияси раисининг катта ишончи билан ўқишга ҳам қабул қилинади.

Қишлоқда яшаб ўсган ёшларни ҳамиша бир муаммо қийнайди. Рус тили бу ҳудудларда қойиллатиб ўқитилмайди. Атроф-муҳитдан мулоқот асосида тил ўрганиш имкони ҳам йўқ. Натижада, олий ўқув юртига борганда, улар унча-мунча қийналишади. Айниқса, тўла маънода рус тилида ўқитиладиган тиббиёт институтларида (аксарият мутахассислик китоблари ўша тилда бўлгани боис) бу ҳол билинади.

Қаҳрамонимизни ҳам бу муаммо четлаб ўтмади. Ҳатто унинг айрим китобларни ёдлаб айтиб берган пайтлари ҳам бўлди. Энг муҳими, бу ёқимтой йигиттагача юқори курсдаги қизлар кўп меҳр-шафқат кўрсатишиди.

Табиатан тиришқоқ, меҳнатсевар Фазлиддин рус тилини ўрганиб олгач, институтнинг ҳам қобилиятли талабасига айланди.

Ниҳоят, 1991 йилда олий ўқув даргоҳини тугатиб, Каттақўргон туман марказий касалхонаси болалар бўлимида интерна врачи сифатида фаолиятини бошлади. Кейин Навоий шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли тез тиббий ёрдам марказида ишини давом эттириди.

1996 йил сентябр ойида вилоят болалар шифохонаси ташкил этилгач, шу шифохонага ишга таклиф қилиниб, икки йил кетма-кет малака ошириш курсини ўқиб келгач, шифохонанинг кардиолог врачи сифатида ишлай бошлади. Айни

пайтда қаҳрамонимиз вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг болалар бош кардиоревматологи ҳисобланади.

Аслида, фаолият бошлаганига эндиғина 15 йил бўлган бу шифокорни нега қаҳрамон сифатида танладик? Нега у ҳақда китобга ёзишга жазм этдик? Бунинг боиси бор, албатта.

Инсон борки, умр йўли давомида гоҳ ўзи, гоҳ атрофидағи инсонлар сабаб, шифокорларга иши тушади, уларнинг ёрдамига муҳтоҷ бўлиб, қабулига боради.

Биз ҳам ана шундай учрашувларимизда не-не “оқ халат” соҳибларини кўрмадик, уларнинг хизматларидан фойдаланмадик. Бироқ улар орасида кардиоревматолог Фазлиддин Ўриновнинг ўрни бўлакча бўлди. Юқорида тилга олганимиз мулойимлик, босиқлик каби фазилатлари қаторида унда яна ўз устига ишлашга мойиллик, шу аснода китобсеварликни тарқ этмаслик, соҳага даҳлдор ва янгиликлардан хабардор бўлиш учун ҳаракат қилиш, ҳар бир беморининг дардини теран ҳис этгани ҳолда унга ёрдам беришга астойдил интилиш, энг муҳими, айрим соҳа ходимларига ўхшаб фақат манфаат учун хизмат қилиш тактикасини иш услубига айлантирмай, Оллоҳ берганига қаноат этиб, барча беморга сидқидидан хизмат кўрсатиш хусусиятлари бўртиб турарди.

Шу боисдан бўлса керак, бугун унинг номини баланд қўядиган, унга ишонадиган ота-оналар, яхши кўриб эслайдиган болалар, юрагига яқин олиб дўст-биродарлашган инсонлар кўплаб топилади.

Ф. Ўринов оила бошлиғи сифатида оқила рафиқаси, чин избосар бўлгулик ўғиллари борлигидан қувонади. Ўзидай тиришқоқ, билимга интилувчан икки ўғли Ўқтамжон ва Одилжонлар мактаб ўқувчиси. Жуфти ҳалоли Нодирахон эса ўқитувчи.

Фазлиддин институтдаги, малака ошириш курсларидағи устозларидан ташқари вилоятимизда ҳам Р. Калимбетов (раҳматли), Н. Алҳамов, Н. Сиддиқов каби шифокорларнинг эътиборига тушиб раҳнамоликларини кўрганидан, уларнинг ишончларини оқлаётганидан хурсанд бўлади.

Бироқ унинг энг катта қувончи бу чархи гардуннинг жуда кўп заҳматлари, оғир-енгил синовларини кўриб, кези келган-

да “ўзи емай унга едириб” ўқитган отаси Ѓқуб ака Очиловга энг катта қувонч беролганидан туйган шодумонлигидир.

— Мен институтни битириб келиб, дипломим ҳамда илон ва қадаҳ акс этган кўкрак нишонимни кўрсатганимда отам уни тақиб, бутун қишлоқни айланиб чиқибдилар, — дейди Фазлиддин сұхбатимиз давомида. Бу гапни айтаётгандан эса кўзларида ҳам меҳр, ҳам ифтихор, ҳам қониқиш туйғулари порлайди.

Қатор фарзандлари орасидан чиққан ягона “дўхтир боласи” муваффақиятидан ифтихор қилишнинг бундай гўзал ифодасига беихтиёр қойил қоласан киши. Бироқ Ф. Ўриновнинг дилига ранж, қувончларига соя соладиган ўйлар - ташвишлари ҳам йўқ эмас. “Бугунги тиббиётнинг илмий-асосланган хulosаларига кўра, бир йилда туғилган ҳар 1000 гўдакдан 1 фоизи туғма юрак пороги билан дунёга келар экан. Шуларнинг ҳар 100 тасидан 52-54 фоизи бир йилгача учраган турли касалликлардан нобуд бўларкан. Тошкентда, Хоразмда (Самарқандда енгил турлари) бундай болалар операция қилиниб, ҳаёти сақлаб қолинади. Аммо бизда бунинг иложи йўқ. Катта маблағ, сунъий юрак, дегандай...”, дейди у оғир хўрсиниб.

Хуллас, мўлтираб турган мурғак гўдакларни ўйлагандай, уларга ёрдам беришга ожизлигини сезгандаёқ дўхти-римизнинг дили ранжга тўлишини англаб етамиз. Бундай кезларда чарчаган руҳига эса оромни у мусиқа эшлишиб, руబоб чалиб толишга ҳаракат қиласди. Ёмғирли ҳавода сайр қилиш ҳам унинг дилидаги рутубатини чиқариб юборади. Бироқ кўп ҳолларда бўш вақт топди, дегунча фарзандларининг билим олиши, тарбияси билан шуғулланади.

Қачон, болалар шифохонасидаги кардиоревматолог врач Фазлиддин Ўриновга дуч келганимизда, Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо (С.А.В) нинг бир ҳадислари ёдимизга тушади: “Ёшларнинг яхшиси. ўзини кексаларга ўхшатганидир...”

Қаҳрамонимиз бор бутун ҳаёт тарзи билан ана шундай фазилатта уйғун яшаётгани учун ҳам у ҳақда ёзишни ихтиёр қилгандирмиз, эҳтимол...

## КҮНГИЛ МАЛИКАСИ



Эътиборхонни четдан қараганда водийлик, деб баҳолаш қийин. Сўзи, муомаласи, тиллари тўлиғича маҳаллийлашиб кетган.

У 1955 йил 16 декабрда Наманган вилоятининг Учқўргон туманида таваллуд топган. Шу ҳудудда ўрта мактабни битирган. Тўрт нафар жигарбанд орасида бир жонини қирқча бўлаклаб, фарзандлар тарбиялаган, ўқитган Ҳалимахон аянинг меҳрибонликни қаттиққўллик, талабчанликка

қориб қилган тарбиятини олиб улғайган. Эътиборхон ўша кунларни – болалиги, ўсмирилиги билан бирга қолиб кетган она юрти, жигарлари, онасини эсларкан, шундай дейди:

– Онагинам беш фарзандни кўпдан кам қилмай вояга етказиш учун йилнинг тўрт фаслида ҳам тинимсиз ишлар, кўп жойларда югуриб-елиб меҳнат қиласидилар. Болалар боғчасида тарбиячи, дала шийпонларига газета-журнал ва ҳар хил тарғибот-ташвиқот қофозларини етказиб берувчи, кечки пайт колхоз идорасида пол юувучи здилар. Қишида ер ҳайдовчи механизаторларга овқат пишириб берар, хуллас, тирикчиликни тўкис ўтказиш, бизни зориқтирмаслик учун минг бир тадбир-ҳаракатга елка тутган куюнчак жон здилар.

Шунданми, қаҳрамонимиз онадан ибрат олиб меҳнатсевар бўлиб улғайди.

Мактабни битирибоқ ТошМИнинг санитария-гигиена факультетига ҳужжат топширди. Мактабда яхши ўқигани боис институтга қийналмай кириб кетди.

– Аслида, мен даволаш факультетига ўқишига кирмоқчи бўлгандим. Ҳудудимизда, яъни Андижондаги медицина институтида даволаш факультети борлиги учун бу соҳа бўйича ҳужжат топширолмадим, – дейди Эътиборхон соҳага қандай келиб қолгани тўғрисида сўзларкан.

Қишлоқдан чиқсан соддадил қаҳрамонимиз ҳатто стоматология факультетига кирайми, деган хаёлга ҳам бора-

ди. Ниҳоят ўйлаб- ўйлаб шу факультетга киришни маъқул топади.

– Аммо ўқиш давомида соҳамга шунчалик қизиқиб, меҳр бердимки, бугун ҳам ана шу муҳаббат билан иш жойимга кириб бораман, – дейди у суҳбатимиз асносида. – Чинданам, касалликни даволашдан олдини олган афзал. Мен эса айни шу йўналишда фаолият олиб бораман.

Эътиборхон 1979 йил институтни битириб, Наманган вилоят санитария-эпидемиология станциясида иш бошлайди. Бироқ икки кўнгилни боғлаган муҳаббат риштаси учқўрғонлик қизни шу йили вилоятимизнинг Навбаҳор тумани “Оқ олтин” қишлоғига келин қилиб олиб келади.

– Турмуш ўртоғим билан соҳамиз бир эди. Шу боис иккимиз ҳам Шофиркон туман СЭСида ишимиизни давом эттиридик. Чунки у киши тақсимот бўйича мазкур туманга жўнатилгандилар, – дейди у келинлик давридаги фаолияти хусусида сўз кетгандা.

Ниҳоят, уч йиллик мажбурий фаолиятдан сўнг эр-хотин Навоий вилоят СЭСига ишга келади. Эътиборхон Абдураҳмонова дастлаб врач-паразитолог, кейин шу бўлим мудири, 1988 йилдан бошлаб эса бактериология лабораторияси врач-бактериологи, 1994 йилга келиб мазкур лаборатория мудири бўлиб ишни давом эттиради. Турмуш ўртоғи Шокиржон Яндашев радиология бўлими бошлиғи вазифасида иш бошлага ни ҳолда бугун ҳам мазкур ишида хизмат қилиб келаяпти.

Фаолияти давомида олган оила мактаби, кейинга тала-  
балик даври ва ишидаги устозлар (шофирконлик Эркин Эргашев, Ҳикмат Бурхонов, Навоий вилоят СЭСи бош врачи О. Д. Белозерова кабилар)нинг сабоқлари, шахсий ибрат-  
лари қаҳрамонимизга кўп нарса берди. Ишига қатъиятли-  
лик, талабчанлик, ҳозиржавоблик, фидойилик билан ёнда-  
шадиган кадрга айланади. Хизмат вазифаси талаб қўл-  
ганда, қишлоқма-қишлоқ, ҳовлима-ҳовли ҳам юрди. Вази-  
фаси тақозо қилганда, айрим касалликларни қўзғатувчи  
“микроб” топилса, уни яшириш йўлини тутганларга нисба-  
тан ошкора қаршилик кўрсатди. Ҳаётга бир ёқлама, енгил-  
елпи қараганларга нисбатан муросасиз бўлди. Ҳуллас, на-

фақат иш ва амали, түғрисүзлиги билан ҳам иллатларга қарши курашувчи шахс сифатида ўзини намоён қила олди. Эътиборнинг бошқаларга ўхшамаган фидойилиги, ишига садоқати жамоатчилик ва раҳбарият томонидан қадр топди ҳамда 1998 йил Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги арафасида “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Эътиборхон оиласида ҳам баҳти бека, меҳрибон она. Уч фарзанд тарбиялаб вояга етказди. Қизи Нигора ўқитувчилик касбини таңлади. Ўғли Шавкат Тошкентдаги ҳарбий билим юртида ўқияпти. Шоҳруҳ мактаб ўқувчиси.

Суҳбатимиз асносида шу нарсани англаб етдикки, Ватан ичра Ватан бўлган Наманган, Учқўрғон, болалиги кечган “Подшо-ота”, Арслонбоб тоғларини у ҳамиша қўмсайди. Жигарлари дийдорини соғинадиу ҳадеганда этиб боролмаслигидан ўқинади. Лекин у ҳеч қаҷон ўзини тушкун руҳиятнинг асири этиб, ортта чекинмайди. Ҳамиша ақлига суюниб иш кўради. Ҳар қандай қийин, мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш учун ўзида куч топа олади. Энг муҳими, у оиласида садоқатли жуфт, меҳрибон она, ишхонада масъулиятли соҳа мутахассиси эканлигини бир дақиқа бўлса-да унутмайди. Уларга хиёнат этмайди. Хиёнат қилганни ҳам кечиролмайди.

Чарчаган руҳига китоб ўқиб, мусиқа тинглаб, табиат қўйнида сайр қилиб, ором беради. Спортни севади, вилоят миқёсида корхоналараро ўтадиган спартакиадаларда волейбол бўйича иштирок этиб, ҳам жисмонан, ҳам руҳан чини-қаётганини ҳис қиласди.

Яна бир ўзига хослиги, “ёмон” деб четга чиқариб қўйилган бирорнинг ёнини олиб, ҳимоясига шайланиб ҳам руҳига қувват олади. Ёмонлик қилган инсонга яхшилик қилиб ҳам баҳра ола билади. Ҳатто шеърлар ҳам машқ қилиб туради.

– Аслида, биз бу синов дунёсига шулар учун ҳам юборилгандирмиз, – дейди у суҳбатимиз ниҳоясида.

Хуллас, қаҳрамонимиз Эътибор Абдураҳмонова ўз касбининг чинакам фидойиси бўлиш баробарида эзгу ва хайрли ишларга меҳриний берган, кези келганда, юрагидагини шеърлари орқали қофозларга тўкиб соладиган кўнгил ма-ликасидир. Бундай кишилафдан эса жамиятга фақат яхшилик етади, ортида ҳам хайрли ишлар қолади.

## ҚАРШИБОЙ АКАНИНГ ИБРАТИ

Инсон борки ҳаётининг ҳар бир куни минг бир ибратли воқеликлар ичидан кечади. Айрим соҳа ходимлари ҳаётида эса бу нарса тўлалигича намоён бўлади.

Қаршибой ака ҳам салкам 34 йиллик фаолиятида ана шу нарсани жуда кўп марта англаб, ҳис этди. Уларнинг ҳар биридан ҳикматли сабоқлар олди.

1998 йилнинг ёзи эди ўшанда. Қўшни вилоятнинг ёндаш туманларида ич терлама касали кўпайиб, оғриган беморлар Нурота туман шифохонасига ҳам келиб, даволана бошладилар.

Шундай пайтда турли эпидемиологик вазиятлар ҳисобга олинниб, ҳар ким ўз ҳудуди шифохонасида даволансин, деган кўрсатма берилди. Яқинда фаолият бошлаган ёш СЭС раҳбари ушбу кўрсатманинг ижросини таъминлаш мақсадида шифохонада даволанаётган, қўшни юртлик беморларга жавоб бериб юборилсин, деб кўрсатма беради. Ёши анча улуғ, кўпни кўрган Қаршибой ака бош врачнинг ҳаракатчан, ҳозиржавоблигини қадрласа-да, беморлар ҳолатига кўра, бу иш хато бўлишини англаб етди. Ҳозирча бу ишни қилмасликни маслаҳат берди унга. Бироқ бош врач бу маслаҳатга унчалик эътибор қилмай, ҳаракатни давом эттириди.

Шундай жараёнда даволанмай шифохонадан олиб кетилган бемор йигит қўшни туман шифохонасига бориб етгунча ҳаётдан кўз юмди. Бу ўлимнинг асл сабабини кўриб турган беморнинг ота-она, қариндош-уруғлари норози бўлиб, юқорига шикоят ёза бошладилар. Оқибат натижада шифохонадан беморларни даволанмай туриб, чиқариб юборишга буйруқ берган СЭС бош шифокори ишдан бўшатилди.

Қайси туман, қайси вилоят бўлмасин, Ўзбекистон – ягона оила. Қай бир тумандаги фожия ҳамма туманга дахлдор. Ҳар бир йўқотиш, ўлим ҳам ушбу сўзларимизга дахлдор-



дир. Шу боис бундай масалаларда бундай кескин ёндашувга бориш ҳам “үзгә”га, ҳам “үзи”га ёмонлик, муаммо олиб келишини унутмаслик даркор. Аслида, бу нарсаны күнгли сезган Қаршибой ака вазиятта ўз баҳосини бериб, мuloхазасини билдирганини айтиб ўтгандик. Буғун ҳам у атрофдагиларга ўшандай воқеалардан олган ибратли хулосалари асосида шундай сабоқ айтади: “Имкон қўлингизда бўлса, бирорга жабр етадиган ишдан воз кечинг! Шунда Яратганинг қаҳри ҳам Сиздан узоқроқда бўлади”.

\* \* \*

8-10 йилча вақт олдин ит тишилаган 7 ёшлардаги болани травматолог шифокор қабулига олиб келишади. Ит қутурганилиги ҳам аниқ бўлади.

Қарши уколни олгач, шифокор таъкидлашича, бола шифохонага ётқизилиб, даволаниши кераклиги, бўлмаса, аҳвол ёмонлашуви айтилган. Ота-она айтиши бўйича эса бундай ташвишли фикрлар гапирилмаган. Хуллас, ўша куни ота-она болани шифохонага ётқизмай, чашма сувига ювинтириб, ўқитиб, уйига олиб кетади.

Ит тишиланнинг 29-кунида болада қутуриш аломатлари кўринади ва оқибатда мурғаккина жоннинг қисмати ўлим билан тугайди.

– Албатта, бола ота-онага керак! Шу боис улар охиригача фарзандининг тақдири билан қизиқишилари, унинг соглиги учун қайғуришилари лозим эди.

Аммо биз – СЭС ходимлари ҳам, шифокорлар ҳам шу масалада айбормизки, аҳоли ўртасида ушбу масалада етарлича билим-тушунчани ёя олмаганимиз. Қутуришнинг оқибати юз фоиз фожиа билан тугашини уқтириб, қутурган ит тишиланда нима муолажалар қилиш, қандай шароитда ушлаш зарур шартлигини тушунтира олганимизда, аҳли улус, жумладан, ҳалиги ота-она ҳам тегишли масалада ана шундай тушунчаларга эга бўлганиларида балки бу фожиа рўй бермаган бўлар эди.

Унинг барча ҳамкасб-ҳамкорларига, шогирдларига айтадиган, эл-улус орасида юрганда уқтирадиган сабоқлари ҳам шу каби масалаларга боғланиб кетади.

Қаршибой Мирзаев асли Нурота туманининг “Жарма” қишлоғидан. Тажрибали чорвадор бўлган отаси издан юриб, болалигидан меҳнатга меҳр қўйди. Айни пайтда унинг ўқишга ҳам меҳри баланд эди. Шу боис мактабни битириб, Тошкент тиббиёт институтининг санитария-гигиена бўлимига ҳужжат топширди.

Билими панд бермади, ўқишга кириб, талабаларнинг энг олди, энг ҳаракатчани бўлиб, кўпнинг зътирофига тушди. Институтни муваффақиятли тугатгандан кейин эса фаолиятини она юрти Нурота туманининг СЭСида бактериолог сифатида бошлади. Кейинчалик санитария врачи, 1978-99 йилларда эса эпидемиология бўлими бошлиғи сифатида хизмат қилди. 1999 йилдан бугунги кунга қадар СЭСнинг бош врачи бўлиб фаолият юритиб келмоқда.

Оилада саккиз фарзанднинг отаси бўлган бу заҳматкаш инсон ўз касбига муҳаббати боис ишдаги ҳар қандай муаммо ва мушкулларга қарамай, ишхонада ҳам бор куч-қувватини сарф этиб ишлайти. У шифокор учун ҳалолқўллик, қатъяятлилик, тўғрилик ва билимдонликни энг муҳим фазилат, деб ҳисоблайди. Корхона раҳбари ва соҳа мугахассиси сифатида эса замонавий асбоб-ускуналару техник базанинг таъминотидан қониқмайди.

Эл-улуснинг катта қисми китоб ўқимай қўйганини энг катта маънавий муаммо деб ҳисоблайди.

– Президентимизнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича чиққан қатор фармону қарорлари жуда ҳаётий қонуний ҳужжатлардир, – дейди суҳбат жараённида қаҳрамонимиз. – Бироқ бу раҳнамоликни сунистеъмол қилаётганларнинг ўз нафси йўлида ҳалқ манфаатини ўйламаётганлиги ачинарли ҳол.

Айтайлик, кординацияга солинган текширувларнинг яхши томони – айрим гараз ниятли «текширувчи»ларни жуда чегаралаган бўлса, кези келганда, юқоридагидай иш олиб борувчи “тадбиркор”лар ҳам ундан самарали фойдаланаятилар.

Текшириш йили, ойн куни маълум бўлгани ҳолда фақат шу кунигина санитария-гигиена талабларига (бошқа-бошқа

йўналишларда ҳам шундай) жавоб берадиган иш ташкил қилган кўйи, текшириш ўтиши билан яна ҳаммасини эски ўзанига солиб иш кўраётган “тадбиркор”лар ҳам йўқ змас. Энг муҳими, қаҳрамонимиз бундай хатти-ҳаракатли инсонларнинг кирдикорларини жиловладидитан ягона йўл маънавият эканини алоҳида таъкидлайди.

Шу аснода кишики Аллоҳни танитувчи Қуръону карим ва Ҳадиси шарифлар билан ошно бўлиб, юрагида Аллоҳдан қўрқиши ҳисси бўлса, бундай нобакорликлар ҳам ўз-ўзидан барҳам топишига ишонади. Қаршибой Мирзаевнинг ўзи ҳам ана шундай иймон илмидан сабоқлар берувчи китобларни ўқиб боради.

Аёнки, бу синовли дунёда инсонларга умр ўлчаб берилган. Ҳар кун, ҳар сонияси ғанимат унинг. Кунлари ҳалол меҳнат, заҳмат, ростлик ичидаги фидойилик билан, камтарин бир тарзда кечайдиган, меҳнат фаолиятида элу юртига ҳам, оила, бола-чақасига ҳам фойдаси тегаётган бу қаҳрамонимизнинг умру ҳаёти ибрат мактаби бўлгуликдир.

## СҮЗ, БУ – ДАВО

Зебо Ниёзова асли тошкентлик. 1956 йилда ўрта мактабни тугатиб, болалик орзуси бўлган шифокорликни танлаб, ТошМИга ўқишига киради. 1962 йилда талабалик унга акушер-гинеколог дипломини топшириб, “хайрлашади”. Кейинги ҳаёти қадим Бухоро билан боғланиб, Навоий шаҳри ва вилоятига туташади.

Бугун 70 ёшнинг устида турган устоз шифокорнинг ҳаёт йўли, меҳнату дилсўзлари хусусида ўзидан эшлиши ни лозим топдик.

– Бухоро шаҳрида ажойиб врачлар билан учрашдим. Улар барча ёшларга, жумладан, менга ҳам дўстона муносабатда бўлишарди. Амалиётда улардан кўп нарса ўргандим. Шу боис ҳам Ц. Когонов, М. Ҳамрошоев, Р. Сайджоновалар ардоқли устозларим сифатида юрагимда қолдилар.

1963 йилдан бошлаб фаолиятим “Газли” тиббий санитария қисмида давом этди. Ҳар соҳадан биргина мутахассис, яна ҳаммамиз ёшлар эдик. Шу боис кўп ҳолларда бир-бири мизга ёрдам берганимиз билан мустақил ишлашга мажбур бўлардик. Ана шу кезларда китобларга қаттиқ суюндим. Касаллар кўриги, туғруқ, ҳатто жарроҳлик ишлари китобнинг “устоз”лигига амалга ошди. Ўша ерда, асли карманалик бўлган окулист врач Шомиль Ниёзовга турмушга чиқдим. Биринчи ўғлимиз туғилди.

1969 йилда Тошкентда клиник ординатурани ўқиб тугатдим. Шундан кейин Навоий шаҳрига кўчиб келдик. Бу ердаги фаолиятимни гинекология бўлимида бошлаганим ёдимда.

Йиллар М. Михалева, К. Годикова, З. Ҳамидова, С. Араббоева, Х. Камолова каби ўз ишининг фидойиси бўлган ҳамкаслар билан ишлаш баҳтини насиб этди. Фаолиятим давомида оддий ординатор врачликдан бошлаб бўлим бош-



лиғи, аёллар маслақатхонаси мудири, туғруқ бўлими бошлиғи, бош врач ўринбосари каби вазифаларида хизмат қилдим.

Вилоят ташкил бўлгач, соғлиқни сақлаш бошқармаси қошида бош гинеколог штати мавжуд бўлиб, унда малакали, талабчан, ташкилотчи шифокор Зинаида Жуманазарова иш олиб борди.

Туманларда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича гуруҳлар ташкил этилиб, Зинаида опа биз мутахассисларни ана шу тадбирга ҳам жалб этди. Мен туманларга бориб, услубий ёрдам кўрсатиш жараёнларида ҳам ўрганиб, ҳам ўргатдим. Эл-улусга фойдам тегди. Яна “Санавиация” ташкил қилиндики, фавқулодда шошилинч вазиятларда ҳам узоқ туманларгача етиб бордик, оғир аҳволдаги аёлга ёрдам беришга бор билим-маҳоратимизни сарф этдик.

Ўша йилларда ҳатто “Реанимация-гемотология” бригадаси ташкил этилиб, вилоят бўйлаб ёрдам кўрсатадиган бу бригада таркибида гемотолог, реаниматолог, жарроҳ, терапевтлар қаторида мен ҳам фаолият кўрсатганман. Сирасини олганда, бу катта ва фаол жараён Г. Каримова, Х. Ражабова, С. Агабобова, З. Ҳамирова, Н. Сундукова (неонатолог) каби малакали шифокорларни тарбиялади.

Ўша кезларда бизнинг вилоят шифохонамиз ёш кадрлар интернатура ўтайдиган ва малака оладиган бир база вазифасини ўтаганди. Шу боис бу ҳудуддан ана шундай тайёрловни олиб, бугун кўнга ибрат бўлгулик фаолият олиб бораётган билимли, малакали шогирдларим борлигидан фахрланаман.

Улар – вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бош врач ўринбосари Лола Намозова, “Навоийазот” ТСҚ бош врач ўринбосари Сайёра Абдуллаева, НТМК га қарашли ТСБ бош акушер-гинекологи Рафилла Бобоқулова, вилоят туғруқхонаси бош врачи Фулом Аслонов ва бошқалардир. Нафақага чиққандан кейинги олти йиллик фаолиятим “Навоийазот” ТСҚ да кечди. Уерда Ў. Икромов раҳбарлигига В. Зыбиков, М. Юспов, Н. Қаюмов, А. Тошев ва бошқа ўз ишини чуқур биладиган мутахассислар билан ишладим.

Бугун уйдаман. Иш билан бўлиб болаларимга беролмаган меҳримни невараларимга бағишилаб, уларнинг тарбиясига ҳисса қўшаётганимдан баҳтиёрман.

Сўз айтиш имконияти келганидан фойдаланиб, барча издошларимга бир нарсани айтгим келаяпти: аввало орамизда бугун йўқ, лекин жуда ибратли умр кечирган, хотин-қизларимиз ва болаларимиз соғлиги учун беқиёс хизматлари синган Маргарита Михалеванинг, Клара Годикованинг, Зинаида Жуманазарованинг, Хадича Ражабова, Наталья Сундуковаларнинг меҳнатларини гоҳ-гоҳда эслаб турайлик.

Кейин... бугун мамлакатимизда тиббиёт жуда тез ва шиддатли тарзда ривожланиб бораяпти. Шу аснода ташхис қўйиш, даволаш муолажалари учун мисли кўрилмаган тиббий техника воситалари амалиётга кириб келди. Лекин врачлар унутмасинларки, ҳар қандай вазиятда ҳам билим жуда зарур. Яна... сўз – бу даво, демакки, яхши муомала ҳам шифокор учун жуда керакли “қурол”.

Бемор эса ҳамиша шифокорнинг астойдил билимдонлик билан қиласидиган ёрдамига муҳтождир.

## БАХТИГУЛНИНГ ГУЛЛАГАН БАХТИ



Бахтигулнинг қўнғироқдай овози бор эди. Мактаб саҳналарида булбулдай куйларди. Бироқ бибиси ва отаси санъаткор бўлишига тамомила қарши бўлишди. Мактабни битириб, “Жас тулек” дастасини бошқарса-да, Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган артист Тамара Душумовадан сабоқлар олиб, ўз чиройли репертуарига эга бўлган бўлса-да, ота кистови билан бошқа касбни танлашга мажбур эди. Шу боис шифокорлик касбини танлади ва ТошМИнинг санитария – гигиена факультетига ҳужжат топшириди. Ўқишга ҳам кирди.

“СЭС ходими инсон саломатлигини муҳофаза қилувчи прокурордир”. Бахтигул ўшанда ўзи танлаган соҳани ана шундай тушунди ва шундай эътиқод билан ишини бошлади. Дастрраб Навоий шаҳар СЭСида фаолиятини бошлаб, врач – эпидемиолог ва паразитолог сифатида хизмат қилди, кейинчалик бўлим бошлиги, вилоят СЭСида паразитология бўлими бошлиги бўлиб ишини давом эттириди.

1995 йилдан эътиборан Конимех туман СЭСи бош ҳакими сифатида ишлаб келмоқда.

Сирасини олганда, у кечаги кунда чинакам “прокурорча важоҳат” билан ишлади, эл-улус орасида ўзи ҳақда ана шундай таассурот қолдирди. Тупроқ, сув, ҳавонинг тозалиги инсон саломатлигининг асосий гарови эканлигини англағани ҳолда, шу йўлда фидойилик билан меҳнат қилди. Айниқса, Конимех марказига “Дамхўжа” тоза ичимлик суви олиб келинишида ташаббускорлардан бири бўлди. Эски сув йўлининг чизмасини топтириб, мутахассислар билан ўрганиб чиқди ва ушбу ҳудудга сув келтирилишига эришилди.

Бахтигул Сағинбаева оиласи. Икки фарзанди, уни доимо тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлайдиган турмуш ўртоғи бор.

Чарчаган руҳига у оромни мәҳнатдан топади. Катта ери, 80 та ток, 250 та мевали дарахти бўлган борғу чорбоги бор. Унинг таъкидлашича, ҳақиқий баҳони эл-юрт беради.

Бахтигул опа ҳам кўпчилик касбдошларининг бири сифатида касб-кори қўйган масъулиятни теран ҳис қилиб, ишига чин вафодорлик билан хизмат қилгани рост гап.

## СҮЮКЛИ РАИСА



Раисанинг болалиги Кемерова вилюятининг Силино қишлоғида кечди. Шу ерда туғилди, ўси, таълим олди. Кейин тиббиёт билим юртида ўқиб, 1968 йилда ҳамширалик ҳужжати ва малакасига эга бўлди.

Асли унинг бу касбни эгаллаши тасодифий эмас эди. Отаси сил (туберкулёз) касалига чалинган бўлиб, унинг мунтазам муолажа олиб яшаши, онасининг қон босими касалидан азият чекиб юргани қизнинг юрагига уларга ёрдам бериш туйғусини қаттиқ муҳрлаганди.

— Яқинларимни даволаш, уларга ёрдам бериш учун бу касбни танлаганман, — дея хотирлайди ортда қолган кунларини эслаб Раиса опа.

Бироқ тақдир тақозоси қаҳрамонимизни 1972 йилда Навоий шаҳрига етаклаб келди. Шу йилдан бошлаб, НТМКнинг тиббий-санитария қисми реанимация бўлимидаги анестизолог-ҳамшира сифатида фаолиятини бошлади. Ана шунда унинг шифокор кўрсатмаларини аниқ ва изчилиб бажариши, касб этикасига риоя қилиши, меҳнатсеварлиги, қатъиятлилиги, касалларнинг яқинлари билан муомалада сабр-тоқат ва бағрикенглик билан қилган муомаласи кўпнинг эътиборига тушди. Кун, ой, йиллар ўтгани сайнин атрофидагиларнинг, жамоанинг ҳурматини қозонаверди.

Аслидаям, Раиса Степановнада беморларга, умуман атрофидаги инсонларга меҳр-оқибат туйғуси бисёр эди. Шу боис бўлимга оғир аҳволда келган ҳар бир беморнинг юрак-қон томир уриши, нафас олиши яхшиланиб, ҳолати ижобий томонга ўзгара бошласа, у ҳам хастанинг яқинларидан кам хурсанд бўлмасди. Бугун ҳам шундай. Яна бир инсон ҳаёти сақлаб қолинаётганидан кўнгли хотиржам бўлади. Бу тадбирда ўзининг ҳиссаси борлигидан эса янада кўпроқ қоникиш ҳис этади.

Раиса Степановна оилали, қизи бор. Турмуш ўртоғи НТМКда ишлаб, нафақага чиққан. Қизи мазкур корхонада хизмат қиласы.

У жуда баҳтли аёл. Суюкли касб-кори бор. Ишда ҳам, уйда ҳам уни ҳурмат қилиб, қадрини баланд қўйишади. Энг муҳими, у беморларга ёрдами тегаётганини, инсондай мукаррам зотнинг умрига ногаҳон чанг солаётган ўлим билан олишиб, уни ҳаётга қайтаришни ҳар лаҳза ҳис этиб туради. Айни пайтда кичик тиббий ходимларга касб масъулиятидан сабоқлар бериб, соҳада ўзидафидойи ва жонкуяр ходим тайёрлашга ҳисса қўшиб келаётгани яна бир эътирофли жиҳатдир.

Новожилова Раиса Степановна ўз ишига ҳамиша масъулиятни ҳис этиб ёндашади, атрофидагилардан ҳам шуни талаб қиласы. Шу боис ҳам бўлимда ана шундай эътирофли муҳитни яратишга эриша олган. Энг муҳими, беморлар тақдирига бефарқ эмас.

Унинг бу хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 2001 йилда “Меҳнат фахрийси” унвонига сазовор бўлди. Нафақага чиққан бўлса-да, бўлимда “керакли одам”.

Хуллас, бўлимнинг 35 йиллик ҳамшираси фаолияти жуда кўпчилик соҳа ходимларига ўрнакдир.

*УЛАР —  
САФДА БУГУН*

---

---

---

## **Эрик БОТИРБОЕВ**

1947 йилда Конимек туманининг “Конимек” ширкат хўжалиги ҳудудида туғилган.

Оиласда 10 фарзанднинг бири.

Тошкент тиббиёт институти даволаш факультетига ўқишига кириб, 1971 йилда тамомлаган.

Шу иили Навоий шаҳар шифохонаси ички касалликлар бўлимида иш бошлайди.

Бир йилдан сўнг кардиология бўлими ташкил этилгач, мазкур бўлим бошлиғи сифатида хизмат қиласди.

Навоий вилояти ташкил этилгач, вилоят шифохонаси бош врачи этиб тайинланади. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят бўлими ташкил этилишида жонбозлик кўрсатади.

Ҳозирда РШТЁИМ вилоят бўлими директори муовини сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда сўйган касби – юрак касалликларини даволаш билан ҳам машғул.

**Оиласи.** Уч нафар фарзанди бор. Уларни шифокорлар оиласи, дейиш мумкин.

### **Ўзига хослиги:**

Самимиятни яхши кўради. Шу фазилати ва билимдонлиги билан беморлар ишончини қозонган.

Раҳбар сифатида адолатли, вазиятга тўғри тош қўйишни иш услубига айлантирган. Шахсий ибрати билан жамоани ортидан эргаштира олиш хислатига эга.





**Нодира ФАЙЗУТДИНОВА** асли күхна Самарқанд фарзанди. Болалиги Каттақўрғон шаҳрида ўтган. Шу ерда мактабни “Олтин медал” билан тугатиб, Самарқанд тиббиёт институтида ўқиган.

Навоий шаҳридаги фаолияти 1965 йилдан бошланган. Дастрраб НТМК га қарашли ТСҚда ишлаган. 1972 йилда Москва шаҳрида педиатрия соҳасидаги клиник ординатурани битириб келгач, мазкур шифохонада болалар бўлими мудири сифатида фаолиятини давом этдирган.

1984-1992 йилларда вилоят шифохонаси болалар бўлими мудири, шифохона бош врачи ўринбосари, Навоий шаҳар бош педиатри лавозимларида ишлаган.

1992-1996 йилларда эса вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош педиатри вазифаларида хизмат қилган.

1996 йилдан то ҳозиргacha вилоят болалар шифохонаси болалар бўлимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

43 йиллик шифокорлик фаолияти давомида қатор рафтлантирувчи мукофотлар олган.

**Оиласи.** Икки нафар ўғли олий маълумотли, шириндан шакар неваралари бор.

**Ўзинга хослиги:** ишига қалб қўри, меҳр-эътибори билан ёндашади. Ўз устида ишлашдан эринмайди.



**Александр Алексеевич КИМ** 1958 йил 22 июнда Тошкент вилоятининг Тошаул қишлоғида таваллуд топади.

1976 йил ўрга мактабни тугатиб, Ленинград (ҳозирда Санкт-Петербург) санитария – гигиена тиббиёт институтига ўқишга киради.

1982 йилда институтни тугатиб, йўлланма асосида Кросноярск ўлкаси Шушенск район санитария-эпидемиология станциясида санитария врачи сифатида фаолиятини давом эттириб, 1988 йилдан эътиборан Навоий шаҳар ДСЭН-Ми бош врачи лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

– Врач-гигиенист мутахассислигини эгаллаган шахс үз фолияти давомида аввало аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш, ўта хавфли ва юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинишига хизмат қиласи. Мен бу касбни танлаганимдан ҳеч ҳам афсус қилмайман. Бироқ кейинги пайтда санитария-эпидемиология хизмати ходимининг мавқеи пасайиб бораётгани мени ташвишга солади, – дейди у бир лаҳза суҳбатимиз асносида. – Энг ёмони, ойлик-маошнинг камлиги ва бошقا муаммолар ёш кадрларнинг соҳага кириб келишларига салбий таъсир кўрсатаяпти.

Ўзига хослиги: ҳақгўйлик, қатъиятликни қадрлайди.

Ишдан бўш вақтларида дўйстлари билан футбол ўйнайди, китоб мутолаа қиласи. Айниқса, китобхонлик жуда севимли машғулоти. А. Дюманинг “Граф Монте Кристо” китобини такрор-такрор ўқиб чиққан.

Энг муҳими, унинг ишдаги фидойилиги ўрганса арзидиган фазилатидир.

**Умрбек АБДИРЕУКОВ** 1939 йил 21 октябрда Томди туманининг Балиманов номли хўжалиги ҳудудида туғилган.

1960 йил Тошкент тиббиёт институти санитария-гигиена факультетига ўқишига кириб, 1966 йилда тугатган.

Шундан бошлаб Томди туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказида санитария врачи бўлиб ишлаб келади.

Умрбек оға зътироф қилиб айтганидай, Ж. Қажахметов, М. Жумаевлар иш бошлаган даврида устозлик қилишган бўлса, бўлимда бугун ишлаётган ҳар бир раҳбару ходим унинг шогирди.

Оға ДСЭНМ ходими учун энг муҳим фазилат деб қонунийлик, холислик, ошкоралик деб ҳисоблайди.

**Оилали.** 7 фарзанднинг отаси. Бир қизи ота изидан бориб, Тошкент педиатрия институтida ўқийди. Неваралари бор.



**Ўзига хослиги:** меҳнатсевар, китобхон, соҳасига доир, тарихий асарларни ўқишини яхши кўради. Айтишича, “Бобурнома”, “Темурнома”ларни маза қилиб ўқиган. Ҳаммасидан ҳам томорқада ишлашдан чини билан руҳий қувват олади.

Умрбек Абдиреуков ўзини бахтли ҳисоблайди. Чунки бирорга озори етиб, дилозорлик қилмаган, ўзини тутиши-муомаласи билан фақат вазиятни яхши томонга бурган. Оила-да, жамоада ва жамият аро ҳам “беозор инсон”лиги боис қадр топган.



### **Хурсанд ФУЛОМОВА**

1942 йил 20 октябрда Кармана туманинг Арғун қишлоғида туғилган.

1959 йилда ўрта мактабни битириб, ТошМИнинг стоматология факультетига ўқишга кирган.

1964 йилда институтни битириб келиб, Кармана (Навоий) туманида фаолиятини бошлайди. 1967 йилгача Навоий шаҳрида тиш даволовчи врач сифтида хизмат қилган.

1967 йилдан 1997 йилгача Кармана туман тиш касалликлари поликлиникасида даволовчи врач сифатида ишлаган.

**Оиласи.** Беш нафар фарзанднинг онаси. Уларнинг бахтсаодати учун турмуш ўртоғи О. Қамбаров (раҳматли) билан баравар ҳаракат қилган. Бугунги кунда жигаргўшаларини ҳаётга йўллаб, суюкли неваралари қуршовида қариллик гаштини сурмоқда.

**Ўзига хослиги:** фаолияти давомида ишига алоҳида муҳаббат билан ёндашиши, хушмуомала, хушодоб, дилкаш инсонлиги боис юракларда ёруғ из қолирган.

Беморларининг ишончини қозонган.

Руҳий озуқани яхшилик қилиб, эътирофини эшитганда, юмушидан қониққанда олади.

## **Баҳромқул ПАТТАЕВ**

1945 йилда Навбаҳор туманида туғилган.

Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини битирган.

1970 йилдан фаолиятини бошлаб, Навоий туманидаги тери-таносиј касалликлари диспансерида ишлаган.

1973 йилдан 1987 йилгача “Туркистон” қишлоқ шифохонаси бош врачи, терапия бўлими мудири вазифаларида хизмат қилган.

1987 йилдан бугунги кунгача Навбаҳор туман поликлиникаси мудири вазифасида ишлаб келмоқда.

**Оиласи.** Тўрт нафар фарзандининг барчаси ўқиган, касбкорли.

Устозлари А. Абдураҳимов, Ю. Эргашев, Х. Муғенов, Х. Сайдовлардан касб-кор ва раҳбарлик сирларини ўрганган бўлса, ўзи ҳам фаолияти давомида З. Баҳромов, Ш. Марипова, Г. Шерқулова каби шогирллар тарбиялаган.

**Ўзига хослиги:** «Товуқ» мучали, «Арслон» буржли инсонларга хос оиласарварлик, ҳаполлик, иззатталаблик хислатлари унда ҳам мужассам.

Беморлари тузалиши учун интилиш, уларнинг умрига умр қўшиш бош мақсад-муроди.

Эришган муваффақиятларидан руҳий қувват олади.

## **Тўймурод БОБОМУРОДОВ**

1953 йил 16 декабрда Навоий (ҳозирги Навбаҳор) туманининг “Олчин” фуқаролар йиғинига қарашли “Қалқонота” қишлоғида, чорвадор оиласида туғилган.

1971 йилда ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гиgiene факультетига ўқишига киради. 1977 йилда институтни муваффакиятли битириб, Томди тумани СЭСида врач-эпидемиолог бўлиб фаолиятини бошлайди.



4 йил ишлагандан сүнг Навоий вилояти ташкил топгач, вилюят давлат санитария-эпидемиология назорат марказида ўта хавфли юқумли касалликлар бўлимида ишга жойлашади.

Дастлаб оддий врач, 1986 йилдан эътиборан бўлим мудири вазифасида ишлаб келаётир.

Фаолияти давомида О. Белозорова, Л. Герасименко, Н. Зарипов каби устозларидан ўргангандарини Х. Исмоилов, А. Эрдонов, Ш. Тошев каби шогирдларига беришга ҳаракат қилди.

**Оиласи.** Уч нафар фарзанди бўлиб, барчаси ўқиган, касбли-корли.

**Ўзига хослиги:** ростсўзликни ёқтиради, китоб ўқишга ҳам меҳри баланд, "Илон"нинг донолигиу "Ёй"нинг соддалиги қўшилиб кетган самимий инсон. Энг муҳими, касбини севади. Шу боис ҳар қандай қийинчилликка бардош бериб, касблорига садоқатини намойиш қилиб, фидойилик билан хизмат қилиб келаяпти.

Мумтоз мусиқалар тинглаб, тоза ҳавода сайр қилиб, руҳий озуқа олади.



### **Назира ҲАЙДАРОВА**

1954 йил 6 апрелда Кармана туманида ишчи оиласида туғилган.

1971 йилда Зебунисо номли мактабни тугатиб, Тошкент Давлат педиатрия институтига ўқишга кирган.

1977 йилда институтни тугатиб, Кармана туман болалар поликлиникасида фаолиятини бошлаган.

1996 йилдан буён мазкур поликлиниканинг педиатрия бўлими мудири сифатида ишлаб келмоқда.

**Оиласи.** Уч нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Т. Шаропов "Навоийазот" ОАЖда механик бўлиб ишлайди.

Устозлари – Моҳира Эргашева, Мусаллам Аҳмедова, Лидия Богданова.

Шогирдлари: Манзура Эргашева, Феруза Тошева, Дилярабо Қурбонова ва бошқалар.

**Ўзига хослиги:** касби-корига чин юракдан ёндашади, хушмуомала, камтарин, астойдилликни яхши кўради. Болаларга меҳрибон, ишу оиласига садоқати баланд. “Педиатрия» журнали доимий ҳамроҳи.

Меҳнатсеварлиги боис на уйда, на ишхонада бўш ўтирганини кўрмайсиз. Хуллас, “От” мучалии, “Қўй” буржли инсонларга хос ҳамма хислат-фазилатлари билан у ишончли, зътирофли шифокор.

### **Рая АКБЕДЕНОВА**

1946 йил 30 сентябрда Бухоро вилояти Томди туманида таваллуд топган.

1963 йил ўрта мактабни тугатган. 1967 йилда Томдида очилган 2 йиллик тиббиёт курсида ўқиб, тумандаги ДСЭНМга ишга жойлашган.

Шундан бошлаб то ҳозирги кунгача эпидемиологик врач ёрдамчиси сифатида ишлаб келмоқда.

**Оилали.** 2 нафар ўғли, 4 нафар қизи бор. Турмуш ўртоғи – айни кунда нафақада бўлган Қайып Керуенбаев билан бирга саккиз неваранинг тарбиясига ҳам бош-қош бугун.

**Ўзига хослиги:** тикиш-илишни яхши кўради. Ишхонасида ҳам, уйда ҳам вазифа-бурчига сидқидилдан ёндашади.

Керак ўринда ён бериб, вазиятни муроса томонга буришга интилади.

– Оилам бор, онаман, ишлайман, жамоада ўрним бор. Суюкли ва мени сужидган неварагарим бор. Бахт шу-да, – дейди Раю Акбеденова.



### **Келдиёр ЗОИРОВ**

1942 йилда Самарқанд вилоят “Нарпай” тумани Ибн Сино фермерлар уюшмаси ҳудудидаги “Янгиқўрғон” қишлоғида туғилган.

1963 йилда Самарқанд тиббиёт билим юртини тугатгандан сўнг армия хизматига жўнаб кетиб, 1966 йилда уйига қайтган.



1967-1973 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институти-нинг санитария-гигиена факультетида ўқиган.

1973 йилда Хатирчи туман ДСЭНМда фаолиятни бошлиб, кўп йиллар эпидемиология бўлими мудири, 1986-93 йилларда ДСЭНМ бош врачи лавозимларида ишлаган. Ҳозирги кунда врач-эпидемиолог сифатида фаолият кўрсатмоқда.

– Бу касбни танлашдан бош мақсадим, – дейди Келдиёр ака, – аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, касалликларга қарши курашишда ўз ҳиссамни қўшишдир.

Бироқ шу аснода бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлиб келаётган бир масала бор. Кейинги пайтда АДС-М дефтерия, қоқшолга қарши эмлаш учун вакциналар етишмаслиги туфайли 16, 26, 46 ёшли кишилар эмланмай қолиб кетаяпти. Тепки касали бўйича ҳам шунга яқин гап айтиш мумкин...

Бироқ у умр йўлида бир лаҳза тин олиб, ортга қарапкан, ўз фаолиятидан қониқади. Чунки кўп йиллик иш фаолияти давомида юқумли касалликларнинг аксарият турлари камайиб-йўқолганига, профилактик ишлар яхшиланганига гувоҳ бўлган. Бу тадбирда ўзи ҳам самарали улуш қўшган.

Ҳаёт йўлида хотирасида муҳрланиб қолган воқеа сифатида мамлакатимизнинг мустақил бўлган кунини зътироф этади.

**Ўзига хослиги:** меҳнатсевар, ростсўз ва фидойилик фазилатлари инсонпарварлик, ватанпарварлик, ҳалол қарашлари билан уйғунлашиб кетган.

Руҳий озуқани эса томорқада меҳнат қилиб, мол-ҳолга қараб олади.



### Абдурасул СИДДИҚОВ

1946 йил 9 октябрда Кармана (олдинги Навоий) тумани Хончарбог қишлоғида туғилган.

1962 йил Самарқанд тиббиёт институти даволаш факультетига ўқишга кириб, 1971 йилда тутатган.

1971-1972 йилларда Навоий шаҳар ши-

фохонасида интернатура ўтаган. 1972-1982 йилларда вилоят шифохонаси жарроҳлик бўлими жарроҳи, 1982-1992 йилларда вилоят шифохонаси жарроҳлик бўлими мудири сифатида фаолият олиб борган.

1992-1999 йилларда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида бош жарроҳ лавозимида ишлаган.

1999-2004 йилларда Навоий тиббиёт коллежи директори вазифасида хизмат қилган.

2004 йилдан ҳозирги кунгача мазкур коллежнинг соғломлаштириш марказида фаолият кўрсатиб келмоқда.

**Оиласи. Фарзандлари бор.**

**Ўзига хослиги:** оилапарвар, адолатпеша ҳар бир ишда инсоф билан ёндашади.

### **Тойир НАЗАРОВ**

1949 йил 5 декабрда Навбаҳор туман Янгиқўргон фермерлар уюшмаси “Сўпаркент” қишлоғида туғилган.

1967 йил ўрта мактабни аъло баҳоларда тугатиб, ТошМИнинг даволаш факультетига ўқишга киради.

1973 йилда институтни муваффақиятли тугатиб, Навоий шаҳар шифохонасида интернатура ўтайди.

1974-75 йилларда Навоий туман марказий шифохонасида жарроҳ сифатида хизмат кўрсатади.

1985 йилдан бошлаб Навбаҳор туман марказий шифохонаси жарроҳлик бўлимидаги фаолиятини давом эттиради.

1986 йилдан 2006 йилгача мазкур бўлимни бошқаради.

2006 йил апрел ойидан эътиборан туман Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими мудири сифатида аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

**Оиласи.** Турмуш ўртоги Назира Тоғаева ҳамшира, айни пайтда нафақада. Ўғиллари Ботир ва Шокир ўқитувчи ва эколог.

Ўттиз йиллик фаолиятига қониқиши билан қарайди. “Ўз ишимга ҳалол, вижданан ёндашдим, кўп кишиларнинг дар-



дига дармон бўлиб, ҳаётини сақлаб қолдим, эларо обрў-эътибор топдим”, дейди бу борада сўз кетганда.

Барча ёши улуғ зиёлилар каби у ҳам ҳаёт ва жамиятдаги иллатлардан дили оғрийди. Айниқса, бугунги ёшларнинг эътиқодига кириб бораётган “ҳамма нарсани пул ҳал қиласди”, деган тушунчани ҳазм қилолмайди. Сохтакорликларни кечиролмайди. Шифокор учун инсонсеварлик, ҳалолқўллик, чуқур билим соҳиби бўлиш жуда муҳим, деб ҳисоблади.

Ҳатто барча соҳаларда ҳам мутахассисларда ана шу фазилатлар бўртиб турса, уларни қўллаб-қувватлаш етарли бўлса, ҳаёт ҳозиргидан анча тез ривожланади, – дейди у.

**Рахматилло РАВШАНОВ** 1952 йил 9 августда Хатирчи туманининг Зарафшон совхозида туғилган.

1969 йил мактабни битириб, Тошкент тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетига ўқишига кирган.

1975 йилда институтни тугатиб, Самарқанд шаҳар СЭСида интернатура ўтаган.

1976 йилдан бошлаб Хатирчи туман СЭСида ишлаётган бўлса, ҳозирда санитария бўлими мудири вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

**Онлали.** Уч нафар фарзанди бор. Икки фарзанди олий маълумотли касб-кор эгаси, ўз мутахассислиги бўйича ишляпти. Кенжатои ҳали мактаб ўқувчиси. Турмуш ўртоғи ҳам ҳамшира. ТМШда хизмат қиласди.

Р. Равшанов ўз касбини яхши кўради. “Даволовчи шифокорлар асосан беморларни даволаб, шифо беришса, санитария врачларининг вазифаси инсонлар соғлигини муҳофаза қилиш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш асносида эл-юрт соғлом бўлишини таъминлашга қаратилган. Шу боис бу касбни танлаганман”, дейди у касб-кори ҳақида сўз кетганда.

Шунинглек, у яна бир фикрга алоҳида урғу беради: “Санитария-эпидемиология хизмати яхши йўлга қўйилиши ва



самарали фаолият кўрсатиши учун ДСЭНМларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда ходимлар иш шароитини яхшилаб, моддий рағбатлантиришга асосий эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайман”.

Ўзига хослиги: ўз қадрини билади, китобхон, нутк бойлиги ҳам билимига монанд эътирофли. Ў. Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидағи битиклар” китоби суюкли қўлланмаси.

Кўпчилик ўзбек фарзандларидай оиласи бағрида бўлиш, неваралар даврасида болаларча яйрашдан руҳий қувват олади.

### Ҳамдам КОМИЛОВ

1948 йил 10 январда Навбаҳор туманинг Ортиқ Фармонов номли фермерлар уюшмаси ҳудудидаги “Фужбог” маҳалласида дунёга келган.

1967 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетига кириб, 1973 йилда тугатган.

Интернатурани Бухоро вилоят сил қасалликлари диспансерида диспансерида ўтаган.

1974 йилдан бошлиб Навоий шаҳар сил қасалликлари диспансерида, Навоий шаҳар марказий поликлиникасида фаолият олиб борган.

1978 йилдан 1998 йилнинг охиригача шаҳар қасалхонаси қон қўйиш бўлими мудири, ундан кейин вилоят қон қўйиш станцияси тизимида хизмат қилиб келаяпти.

Ўз фаолияти давомида нафақат Ўзбекистонда, Россия шаҳарларида ҳам малака ошириб келган.

– Шифокорлик қасбини танлашимга раҳматли падари бузрукворим Комилов Қаландар ҳожи кўп дард чекканлари боис, дўхтир бўлишимни ёшлигимдаёқ юрагимга солгандаридир, – дейди у.

Шифокор ҳар бир бемор ўрнига ўзини ёки энг яқин кишисини қўйиб кўриб, шунга муносиб, беморга астойдил эътибор кўрсатиши лозим, деб ҳисоблайди.

**Оилали.** Тўрт фарзанди, неваралари бор.



**Ўзига хослиги:** китоб, айниқса, бадиий китоблар ўқишини ёшлигидан ёқтиради. “Китоб ўқиган инсоннинг дунёқараши кенг, атрофидаги кишиларга нисбатан ҳурмат-эътиборли, одоби мукаммал бўлади”, деб ҳисоблайди.

Барча тенгдошларидаи, шахмат ўйнаб, мумтоз қўшиқлар тинглаб чарчаган руҳи ором олади.



### Адолат КАРИМОВА

1956 йилда Кармана туманининг Бешкент маҳалласида таваллуд топган.

1968 йилда Зебунисо номли 1-ўрта мактабни тугатган.

1969-1975 йилларда Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш факультетида ўқиган.

1975-76 йилларда Кармана ТМШ юқумли касалликлар бўлимида интернатура ўтаган.

1976-2001 йилларда Навоий шаҳар касалхонаси (вилоят касалхона)си юқумли касалликлар бўлимида инфекционист врач ва бўлим бошлиғи вазифаларида хизмат қилган.

2001 йилдан то ҳозиргача НҚМКнинг 27-тиббий санитария қисми юқумли касалликлар бўлимида инфекционист врач сифатида ишлаб келмоқда.

**Оиласи.** Уч нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи ва қизлари Азиза ҳамда Лола олий маълумотли мутахассислар. Ўғли Тошкент алоқа институтида таҳсил олмоқда.

**Ўзига хослиги:** тадбирли, тежамкорлик, меҳрибонлик, дилдорлик фазилатлари бор.

Раҳматли онаси Мўтар ая Нуруллаевадаги орасталигу оқибат, бағрикенглигу жигардошлиқ фазилатлари Адолат опада ҳам тўлиғича намоён бўлган.

Чарчаган руҳига невараларининг ширин қилиқ, беғубор чеҳраларидан ором олади. “Ҳар қандай чарчоғим улар билан чиқиб кетади”, дейди бу борада сўз кетганда.

## **Меҳринисо БУРХОНОВА**

1951 йилда Кармана шаҳрида таваллуд топган. 1974 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтини битириб, 1975 йилгача Бухоро вилоят шифохонасининг неврология бўлимида интернатура ўтаган.

1975-1978 йилларда “Навоийазот” ОАЖнинг тиббий санитария қисмидаги невропатолог бўлиб ишлаган.

1978 йилдан бошлаб НҚМКнинг тиббий санитария қисмидаги невропатология бўлими врачи, кейинчалик бўлим мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

2000 йилдан бери олий тоифали невропатолог врачdir.

**Оилали.** Турмуш ўртоғи, икки нафар қизи бор.

**Ўзига ҳослиги:** касбига меҳри баланд, беморлари тузалишидан хурсанд бўлади. Уларга ҳамдард бўлиб, шодлик улашишидан руҳий қувват олади. Гуллар ўстиришни, уй юмушлари билан шуғулланишни яхши кўради. Газета-журнал ўқишниям хуш кўради, китоб ўқиш жони-дили.

“Шу кунларда Пауло Коэльюнинг “Алхимик” китобини ўқидим. Яхши таассурот қолдирган асарларни такрор-такрор ўқийман”, – дейди у.

## **Баҳриддин РАСУЛОВ**

Хатирчи туманидаги Ўзбекистон ширкат хўжалигининг “Араб” қишлоғида туғилган.

1974 йилда Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишига кириб, 1980 йилда тугатган.

1981-1986 йиллар тумани поликлиникасида участка терапевти, туман шифохонаси терапия бўлимининг даволовчи врачи бўлиб ишлаган.

1986 йилда “Ўзбекистон” қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2001 йилдан бошлаб “Ўзбекистон” қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида ишлаб келаяпти.

1988 йилда Москвада бўлиб ўтган врачлар съездидаги делегат сифатида қатнашган.



С. Мамараимов, Т. Қурбонниёзов, А. Эшниёзов, профессор Р. Абдуллаев каби устоз шифокорлардан ўрганган-олгандарини бирга ишлаётган барча ёшларга ўргатиб келаёттир.

**Оиласи.** 4 нафар фарзанди бор.

Шифокор учун энг зарур фазилат деб ўз устида иглаш, камтарликни ҳисоблайди. Энг ёмон иллат, деб лоқайдлик ва таъмагирликни назарда тутади.

Бўш вақтларида “Педиатрия, акушерства, кардиология” номли китобни ўқиди, қариндош-уруғлар, дўстлар даврасига интилади, уйда оиласига томорқа ишларига қарашади.



**Салоҳиддин МАМАРАИМОВ** 1952 йил  
Хатирчи туманининг “Учқора” қишлоғида туғилган.

1968 йил ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд тиббиёт институти даволаш факультетига ўқишга кирган.

1975 йил институтни тугатиб, 1978-80 йилларда Нарпай тумани касалхонаси қабул бўлими, тез тиббий ёрдам бўлими мудири бўлиб ишлаган.

1980-1996 йилларда Хатирчи туман марказий поликлиникасида участка терапевти, поликлиника мазкур бўлим мудири бўлиб хизмат қилган.

1996 йилдан то бугунгача Хатирчи туман Марказий шифохонасининг терапия бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

**Оиласи.** Беш нафар фарзанди, неваралари бор.

**Ўзига хослиги:** оиласини ардоқлайди, ўз устида иглашни яхши кўради. Москва шаҳридан олиб келган “Коруполбыя” ва “Терапевтический справочник” китобларини қайта-қайта ўқиб, ўз фаолиятига татбиқ этишга ҳаракат қилади.

Бўш вақтларини яна бир машғулотга – токзорда иглашга сарф этади.

Чарчаган руҳига оромни эса она дийдори, ризолиги ва дўст-яқинлари даврасидан топади.

Шифокор учун зарур фазилат билимдонлик ва камтаринлик, деб ҳисоблайди у.

**Клара КЕЛИЕВА** асли Бош-қирдистондан. Тақдир - насибаси сабаб 1962 йилда Навоий шаҳрига кўчиб келишганида 13 ёшли қизалоқ эди. Шу ерда мактабни битириб, Бухоро тиббиёт билим юргига ўқишига кирди.

Ўқишини тугатгач, Навоий тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган юқумли касалликлар шифохонасида фаолиятини бошлади.

1971 йилдан 1982 йилгача Навоий шаҳар болалар поликлиникасида ишлаган бўлса, 1982 йил 28 апрелдан эътиборан шаҳар СЭСнинг паразитология таҳлилхонасида хизматини давом эттиради. Айни кунда ҳам шу жойда фаолиятини давом эттирмоқда.

**Оиласали.** Икки нафар фарзанди бор.

Клара опа ўз ишини яхши билади ва хизматни сидқидилдан бажаради.

Ўз устида ишлашни жуда ёқтиради. Мутолаани хуш кўради, маданиятли, тартибли мутахассис. Меҳрсизлик, қўполликдан ҳазар қиласи. Оиласини, жамоасини суюб, ардоқлайди.

“Маданият – фазилатларнинг боши”, деб ҳисоблайди у.

Болалигидан орзу қилгани – оқ халат соҳибаси бўлиш, одамларга фойдаси тегиб, эл-юрт саломатлигига ҳисса қўшишдай ниятига етгани учун тақдиру азалдан рози доим.

### **Фулом АСЛОНОВ**

1958 йилда Кармана туманининг «Маданият» ширкат хўжалиги ҳудудида туғилган.

1975 йил Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишига кириб, 1981 йилда акушер-гинеколог мутахассислиги бўйича диплом олган.

1982 йилда интернатура фаолиятини ўтаб бўлиб, вилоят шифохонасида иш бошлаган.



2002 йилдан эътиборан вилоят түфруқхона мажмуаси бош шифокори сифатида хизмат қилиб келмоқда.

**Оиласи.** Турмуш ўртоги Мұхаббат Аслонова - ўқитувчи. Түрт нафар фарзанди бор.

У вилоятимиз хотин-қызыларининг соғлиги, ҳомиладор аёллар саломатлиги, иккى жон омонлиги учун күп ва самарали хизмат қылган шифокор сифатида ўзини «ҳақли равиши да баҳти ҳисоблайди».

Ёзишича, она күнгли ризолигини, оила тинчлиги-фаронлигини ҳар қандай ҳою ҳавасдан баланд қўяди.

Шифокорки, ўз ишига вижданан ёндашадиган, масъулиятни теран ҳис қиладиган, ширин сўзли, хушмуомала, хушодоб бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Ўзи фаолияти давомида айни шу жиҳатларга эътибор қаратиб келмоқда.

Ҳаётида эсда қоларли воқеа деб номзодлик ишини ҳимоя қилган кунини эътироф этади.

Ўз устида ишлашга, томорқада экин-тикин қилишга вақт топади. Айниқса, соҳасига доир илмий-оммабоп китоблар баробарида Президентимиз асарларини ўқиб боради.



### Зиёда ЭСОНОВА

1955 йил 10 декабрда Навоий туманининг “Ижанд” қишлоғида туғилган.

1972 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетига ўқишга кирган.

1982 йилда институтни битириб келиб, Навоий туман СЭСида “Болалар ва ўсмирлар гигиенаси” бўлимида фаолиятини бошлаган.

1984 йилдан бошлаб Навбаҳор туман СЭСида фаолиятини давом эттириб, бактериологик таҳлил бўлими мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

Ф. Сайдов, Ф. Умаров, Л. Нарзуллаева, Н. Каримова каби устозлари, Г. Жумаева, З. Фойибова, М. Бозорова каби шогирдлари номини алоҳида эътироф этади.

Аҳоли аро касалликларининг олдини олишда хизмат қилаётганидан ифтихор қиласиди.

**Оилали.** Турмуш ўртоғи ва невараларига хизмат қилишдан руҳий озуқа олади, айниқса, кичкин той невараларни эркалаб.

Ұзига хослиги: “Қўй” мучалли, “Ёй” буржли инсонларнинг аксариятига хос хийла инжиқ, ростсўз, ҳалол, ўз ишини чиройли бажарадиган аёл. Ҳамма хотин-қизлари а ўхшаб унга ҳам бўш вақт жуда тансик, чунки сериалларни, айниқса, “Сарой жавоҳири”га ўхшаганларини “ичига кириб кетиб”, томоша қиласди-да.

### **Сувон НОРОВ**

1952 йил 10 майда Кармана (Навоий) туманинг Жалойир қишлоғида туғилган.

1969 йил ТошМИнинг педиатрия факультетига кириб, 1975 йилда САМПИни тутатди.

Жizzах вилояти шифохонасида интернатура ўтаб, Бахмал тумани шифохонасида педиатр сифатида фаолиятини давом эттириди.

1970 йилда Кармана (Навоий) туман қишлоқ врачлик пунктида ишини давом эттириб, 1986 йилгача қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатди.

1986-1992 йилларда “Нарпай” хўжалигининг қишлоқ участка шифохонасида бош врач вазифасида ишлади.

1992-2001 йилларда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси кадрлар бўлимни бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

2001 йилдан то ҳозиргача вилоят “Махсус Даволаш Профилактика Муассасаси”да бош шифокор вазифасида ишлаб келаяпти.

Фаолияти давомида устозлари – Т. Такабоев, Қ. Абдулқодиров, Е. Норбоев, А. Носировлардан ўрганганларини Д. Боймуродов, Ш. Ҳасанов каби шогирдларига ўргатишга ҳаракат қиласди.

**Оилали.** Турмуш ўртоғи С. Тўхтасинова ҳам педиатр врач. Бир қизи, икки нафар ўғли, неваралари бор.

Севган касбида ишлаб, ҳалққа хизмат қиласётгани, оиласи бағрида тинч-фаровон ҳаёт кечираётгани, ўз она-Вата-



нида яшаётгани, мамлакатимизда кун сайин ижобий янгилик-ўзгариш бўлаётганидан ифтихор туди. Ўзини тўла маънода баҳтли ҳисоблади.



## Саломат ҲАЙДАРОВА

1952 йилда Кармана туман “Дўрмон” қишлоғида туғилган.

1969 йилда мактабни битириб, Самарқанд тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирган.

1975 йилда институтни муваффақиятли тугатиб, вилоят силга қарши курашиш диспансерида (илгари шаҳар силга қарши курашиш диспансери саналган) фаолиятини бошлаган.

1990 йилгача врач-фтизиатр вазифасида ишлаган, 1991 йилдан бугунги кунга қадар врач-рентгенолог сифатида хизмат қилиб келмоқда.

**Оиласи.** Турмуш ўртоғи Урал Қосимов – муҳандис. З нафар фарзанди бўлиб, улар ҳам оиласи, бола-чақали.

– 4-синфда ўқиганимда терлатма касали билан оғриб, юқумли касалликлар шифохонасида даволанганиман, – дейди у суҳбатлашганимизда. – Шунда оқ ҳалатли, ширинсўз шифокорлар ҳавас уйғотиб улгуришган экан. Шу-шу, шифокор бўлиш орзузи билан яшадим ва ниятимга етдим.

Саломат Ҳайдарова кўпчилик соҳа вакиллари сингари хизмат қилаётган рентгенодиагностика соҳасига ёшлар интилиши камлиги, мутахассислар етишимаслиги муаммосидан қийналади. Маънавиятдаги муаммолар хусусида гапира туриб эса қишлоқларга газета-журналлар деярли кириб-бормай қўйганидан, аҳолининг катта қатлами сиёсий-маърифий билимдан йироқлашиб, ҳатто тиббий-ҳуқуқий саводхонлик бўйича ҳам ортда қолаётганликларидан ташвишланади.

Шунингдек у, Истиқлол берган имкониятларни ҳам тегран ҳис қиласи. Ҳатто 1976 йилда бўлган қаттиқ зилзила туфайли ёрилиб кетган мактабни қайта қуриш учун рухсат олиш мақсадида уч маргалаб Москвага қатнаган мактаб

директори Р. Жалилов заңматини кўз олдига келтиаркан, таълимдаги бугунги ислоҳотлардан хурсанд бўлади.

Атрофдагиларга ҳам бу фактларни ўқтириб, Мустақиллик неъматини қадрлаб, имкониятларни ишга солишга чақиради.

**Ўзига хослиги:** шеърхон, китобхон шифокор атрофдагиларни ҳам бунга чорлайди.

– Адабиёт, санъатта ошино юрак инсонларга яхшилик улашибашга мойил бўлади. Бу шифокорлик касбимиз мақсадига жуда уйғун, – дейди у ёдлаган шеърларини бирма-бир санаб бераркан.

### Рустам АСЛОНОВ

1950 йил 5 октябрда Қизилтепа туманинг Тошработ қўрғонидаги Ҳасанча қишлоғида туғилган.

1967 йилда Бухоро тиббиёт билим юргита ўқишига кириб, битирган. 1971 йилдан Қизилтепа туман СЭСида фаолиятини бошлаган.

1985 йилда НДПИнинг меҳнат ва умумтехника факультетида сиртдан ўқишига кириб муваффақиятли тутатган.

Фаолияти давомида оддий инструкторор, санитария – маориф бўлими мудири, овқатланиш гигиенаси бўлими врач ёрдамчиси вазифаларида ишлаб келаянти.

Шунингдек, корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси ҳам. Маълумки. Қизилтепа туман СЭСи тадбиркорларга гигиеник сертификат берадиган хизмат тури бўйича аккредитациядан ўтган ягона тумандир. Ана шу фаолият тури билан ҳам Р. Аслонов шуғулланади.

**Онлали.** 6 нафар фарзанди бор. 4 ўғил, 2 қиз. Ҳаммалари уйли-жойли, тарбияли-одобли. Ўқиган, кассб-кор эгаллаган, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилинмоқда.

**Ўзига хослиги:** масъулиятни теран ҳис қиласди, бирорга оғири тушишини ёмон кўради.

Ростсўз. Ишга садоқат билан ёндашиб хизмаг қилган – қилаётган ҳамкорларини қадрлайди. Яхшиликни, яхши ишларни зътироф қилишдан баҳра олади.



– Бу бино раҳматли Неъмат Зариповдан қолган “из”, – дейди раҳбару ҳамкорлари хусусида сўз боргандага туман ДСЭНМ идораси биносини кўрсатиб. – У шу корхонага раҳбар бўлиб ишлаган йиллари қурилган эди.

Бугунги кунда туман ДСЭНМ раҳбари бўлиб ишлаётган Шомил Жалолов унинг ёшларга жонкуяр устозлигини, ишда сидқидиллик, астойдиллигини алоҳида эътироф этади.

Шу аснода: “Рустам акага топширилган иш ҳамиша ўз вақтида, ҳалол – покиза бажарилади”, дейди у.

Қаҳрамонимиз бўш вақтларида фарзандларини ёнига олиб 50 сотихлик боғ-чорбоғида ишлашни хуш кўради.

– Ватан ободлиги ана шу кичик ватанинг, ана шу кичкина юртнинг фаровонлигидан бошланади, – дейди Р. Аслонов.

### Ҳалима ОБЛОҚУЛОВА

1946 йил 7 ноябрда Навоий шаҳрида туғилган.

1970 йил мактабни аъю баҳоларда тугатиб, Тошкент Давлат тиббиёт инситутига ўқишга киради.

1976 йил институтни битириб келиб, Навоий шаҳар поликлиникасининг биокимё таҳлилхонасида таҳлилчи врач сифатида иш бошлайди.

1982 йилдан бошлаб эса Навоий шаҳар онкология диспансери цитология таҳлилхонаси врачи бўлиб фаолиятини давом этиради.

Бугунгача ана шу ишда ўз билим-кучини сарф этиб, эл саломатлигига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Оиласи.** 2 нафар фарзанди бор.

**Ўзига хослиги:** ўз устида ишлаш, малака оширишни, одамларга фойдаси тегишини яхши кўради. Тўғрисўз, вазифасига вижданан ёндашадиган одамларни қадрлайди. Китобхонликни севади.

Ҳатто, ўзи 80-йилларда Ленинград шаҳрида малака ошириб келган. Энг муҳими, у ҳам аксарият аёлларга ўхшаб руҳий озуқани телевизордан олади.



## **Исмоил ҲАЛИМОВ**

1945 йилда Конимек туман Арабхона қишлоғида туғилган.

1968 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишига кириб, уни муваффақиятли тугатгач, Бухоро вилоятида дерматовенеролог вазифасида, кейин Қизилтепа туманида ана шу вазифада фаолият кўрсатган.



Кейинчалик ординатор врач, бўлим бошлиғи, бош ҳакимнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари каби лавозимларда ишлаган.

Айни пайтда вилоят тери-таносил касалликлар диспансери таносил бўлими бошлиғи сифатида меҳнат қилиб келмоқда.

**Оиласи, аёли ҳамшира.** Уч нафар фарзанди, ўқиган, касбли-корли.

**Ўзига хослиги:** ўз соҳасини яхши билади, китобхон. Охирги ўқиган асари Ю. Семёновнинг “Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси” романидир. Касбига доир китобларни ҳам мунтазам ўқиб боради.

Руҳий қувватни оиласи, неваралари билан кечган шодумон лаҳзалардан олади.

## **Дилором БОТИРОВА**

1952 йил 30 апрелда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги “Қимоқ” қишлоғида туғилган.



1969 йил мактабни тугатиб, Каттақўрғон шаҳридаги тиббиёт билим юртига кириб, 1971 йилда фельдшер-акушерлик факультетини битирган.

1971 йилдан эътиборан Хатирчи туман ДСЭНМда бактериологик таҳлил бўлимида таҳлилчи ҳамшира сифатида фаолиятини бошлаган. Ҳозирги кунгача ана шу вазифада ишлаб келмоқда.

**Оиласи.** Турмуш ўртоғи А. Эшниёзов невропатолог врач. Туман марказий шифохонасида ишлайди. 4 нафар фарзанди бўр. Барчаси ўқиган, мутахассислиги бўйича ишлашаяпти.

**Ўзига хослиги:** китоб ўқишини яхши кўради, меҳнатсевар. Томорқага қарашади, рўзгорида келининга қарашиши учун ҳаракат қиласди. Кийиниши, суҳбатлашиш одобини билмаган айрим ёшлар хатти-ҳаракатларига танқидий қарайди. Бу борада “замонавийлик” миллийликни “ютиб” юбормаслиги керак, деб ҳисоблайди.

Руҳий озуқани оила давраси ва невараларини суйиб-ардоқлашдан олади.

Касб-кори билан эл-юртга фойдаси тегаётганидан фахрланади.

# *СИЙРАТ*

---

---

---

## СИЙРАТИ УЛУФ ИНСОН

### *Сўзбоши сифатида*



Табиат – бетимсол санъаткор. Айниқса, кўкламда дала-дашт, тоғу қири адирларга йўлингиз тушса, буни жуда теран ҳис киласиз. Вижир-вижир сайраётган қушлар овозидан маст бўлиб, шундоққина ёнингиздан кайнаб чиқаётган булоқдан сув ича-ича, оёғингиз остида милтиллаб турган чекаларни босиб олишдан чўчиб, оҳисста қадам ташлайсизу чўғдай лолазорга бар тутган виқорли тоғ томондан сим-сим эсаётган сарин сабо ва у ҳада этаётган мусаффо ҳавони эма-эма, энтикиб, бир лаҳза дунёни, унинг минг бир ташвишларини унутасиз.

Ўша томонга бор руҳ-жонингиз билан интиласиз, Юрагингиз Илоҳнинг бундай бетакрор мўъжизасига улуғ бир соғинч билан талпинаётганини ҳис қиласиз. Яратувчининг буюк қудратига қойил қолиб, унга беадад хамду санолар айтасиз.

Холиқнинг маҳлуқотларидан бири бўлган чин маънодаги Инсон эса ана шу бетимсол, боқий гўзалликларни барбод қилмагани ҳолда қўшимча бунёдкорликларга қўл уради. Синов учун берилган умрни гўзал яратувчиликка, хайрли ишларга баҳшида этиб, эл-улус корига яраб, савоблар олади. Икки дунё саодати учун замин тайёрлайди.

Дунёнинг янада чиройли, янада улуғвор, янада обод бўлиши учун жон куйдириб, жафо чекади.

Шу аснода изларида боғу чорбоғлар, йўллар-кўприклар, иморату иншоотлар қолдиради.

Ана шундай, том маънода, яратувчан инсонлардан бири, бутун умру фаолиятини йўлсозликка бағишилаган, изларида кафтдай текис, равон йўллар, кўприклар қолдириб яшаган, комил касб соҳиби, Республика йўлчиларининг устози, юртдошимиз Жаббор ота НОРМАТОВдир.

Бу инсон ҳақида муфассал сүз айтиб, фаолиятини қаламга оладиган бўлсак, яхлит китоблар ёзилар балки. Бироқ, мухтасарлик йўлидан бориб, Жаббор ота фаолияти билан боғлиқ айрим-айрим хотираларимизни, у кишини таниб суҳбатлаша бориб, ён дафтаримизда битилиб қолган айрим чизгиларнигина қаламга олишни лозим топдик, холос. Зоро, қуёш қатрада акс этганидай, бу улуғ инсоннинг эътирофга арзирли ишлари, жуда кўплаб раҳбарларга ибрат бўлгулик эҳтиромли фазилатлари кай бир шаклда, қай даражада уларда ўз аксини топишига умидворлигимиз бор.

### Нурота йўллар “чарчамайди”

Вилоятда шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази билолари таъмири тугаб, фаолият бошлаган кезлар. Мазкур қурилишда фаол иштирок этган инсонлар хизматини ўрганар эканмиз, Навоий шаҳар ҳокими Б. Ҳамдамов, қурилиш даврида бош бўлган, бугунги кунда марказ бош шифокори ўринбосари бўлиб ишләётган таниқли кардиолог врач Э. Ботирбоев ва бошқа қатор инсонлар вилоят “Автойўл” давлат АҚ бошқаруви раиси Жаббор Норматов, у бошчилиги даги жамоанинг ҳудуддаги қурилиш ишларида алоҳида хизматлари борлигини таъкидлашди. Айниқса, Э. Ботирбоев “Оқсоқол жуда вижданли одам. Ишнинг сифатига шунчалик эътибор берадики, бундай иймони бутун раҳбарлар бош бўлган қурилишлар кўп йиллар хизмат қиласади”, деди юракдан. Шу аснода у Нурота йўллари ҳақида ҳам гапириб, юрагимизга янги мавзуни ўрганиш учун, алоҳида иштиёқ уйғотди.

\* \* \*

Нурота – қадим ва муборак замин. Бу тупроқнинг суви шифобахш, тупроғи олтин, тоғу тошлари мўъжизакон маъдан, дашту чўллари – қуту барокот бозори. Ана Хизр назарли зиёратгоҳ ғўша. Ана шу босис ҳам бу Юртга Дунёнинг юраги туташ, унга интилмаган инсон йўқ. Бу мукаррам

Юртни эса чор-атроф билан кафтдаги чизиқлардай уйқаш автомобил йўллари боғлаб туради. Бироқ мазкур ҳудуддаги йўллар бошқа жойларнидан тубдан фарқ қиласди. Боиси, улар гоҳ тоғу тошни кесиб ўтган, гоҳ қири чўллар бағрини ёриб кечган, гоҳ Айдаркўлдай катта сув манбасига ёндош йўналган. Шу боис ҳам бу йўлларга қаров-эътибор қаттиқ бўлмаса, йўл хавфсизлигини таъминлаш учун изчил иш олиб борилмаса, турли кўнгилсизликлар содир бўлиши ҳеч гап эмас. Бу эса Нурота туман автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

– “Қарақарға”да маҳсус масканимиз бор, у ерда доимий навбатчилик ташкил этилади. Ўша ерда навбатда турман. Айниқса, қор ёқсан пайтларда тоғ йўллари аҳволи жиддийлашади. Тез фурсатда йўлдан қорни олиб ташлаб, биринчи навбатда пастга тушиш, юқорига чиқиш жойларига тузли қум сепиб, яхмалак бўлишининг олдини олмасак, ҳудуддан қатновчи транспортларнинг ҳолигавой, – дейди 225-йўл бўлими катта устаси, 32 йилдан бери шу соҳада меҳнат қилиб келаётган тажрибали йўлсоз Рустам Фармонов.

Суҳбатдан англаймизки, йўлсозларни ярим тунда ҳам қор ёғишидаги сассиз садо уйғотади. Масъулият ҳиссидан улар учун қоронғи тунлар “ёруғ кун”га айланиб кетади. Аслида, туманнинг барча ҳудудларида бу каби навбатчи масканлар фаолият олиб боради. Уларда йўлчи йигитлар билан бирга И. Раҳимов, Н. Шокиров, А. Бўстонов, Р. Файзиев каби автогрейдерчи, тракторчи, бульдозерчилар ҳам ўз техникалари билан “қорга қарши кураш” учун шай туришади. Бу йигитлар тун-куннинг истаган пайтида, вазият тақозо қиласа, йўлга “ёрдам учун” шошилади.

Аёзли-қорли паллаларда қоқ ярим тунда йўлда бульдозер ёки тракторнинг бўғиқ гуруллашини эшитсангиз, ажабланманг. Йўлчилар ишлашмоқда бу пайт. Автоуловлар бу йўлларни хавфсиз-хатарсиз босиб ўтишлари учун тоғу даштнинг ёввойи аёзи билан олишиб, заҳмат чекишмоқда улар.

## Мавзуда қисқа чекиниш

Не тонгки, қаҳрамонимиз Жаббор ота Норматов ҳам соҳага айни йигит ёшида кириб келган, ана шу инсонларнинг бири сифатида фаолиятини бошлаган. Автогрейдерчи, бульдозерчи бўлиб, бошқа йўл қурилиш механизмларида ишлаш маҳоратини эгаллаб, ишга муносабати, фидойилиги, астайдиллиги туфайли аста-секин участка бошлиғи, кейинчалик раҳбар лавозимларида фаолиятини давом эттирган. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Кўқон автомобил йўллари техникумида, Тошкент автомобил йўллари институтида ўқиган. Лекин илмсеварлиги, янгиликларга ўчлиги боис ҳарлаҳазда ўз устида ишлаган, китоблар билан ошно яшаган, натижада, кундузги ўқиганлардан кўпроқ билимга эга бўлган. Амалиётга ўрганганларини қўша бориб, чуқур билим-тажрибали мутахассисга айланган.

Шу сабабли ҳам Ингичка шаҳрининг маҳсус объектларидаги ер ости иншоотларидан ўтиш ишларига ўз билим-тажрибаси билан катта ҳисса қўшган, Нурота йўл-қурилиш бошқармасига асос солиб, 30 йиллаб мазкур корхонани бошқарган.

Азиз ўқувчим, яна мавзумизда давом этамиш.

– Умумфойдаланишдаги йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг масъулияти бир булар билан тугамайди, – дейди туман автомобил йўллардан фойдаланиш корхонасида бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилаётган Мурод ака Жумаев. – Аслида, бу каби барча қаровлар бўлсаю йўл қурилиши ва таъмири сифатли бўлмаса ёки хавфсизликка дахлдор йўл белгилари масаласида қусурлар бўлса-чи!

Биз йўлчилар ҳудудимиздаги йўлларни ана шу камчиликлардан ҳам ҳоли қилиш учун ҳарлаҳазда масъулмиз. Шу аснода, кези келди, бир фактни айтиб берай. Вилоятимиз тарқатилиб, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига қўшилган йиллар эди. Вазиятни ўрганиш учун ташриф қилган бир гуруҳ нуфузли меҳмонларни кутиб олаётгандик. Улар Қўшработ туманидаги “Метан-Қўшработ-Нурота” йўли орқали

ҳудудимизга кириб келаётганда, йўллар фарқини сезиб қолишади шекилли, бир муддат юргач, транспортни тұхтатиши.

Тушиб, йўлни алоҳида зътибор билан кузатиши. Кейин ... Улардан бири ногаҳон сўраб қолди.

– Чет элликлар қуриб беришганми?

– Йўқ, ўзимиз, ўзимизнинг йўлсозлар қурган, – очиғи, ифтихор ҳиссига тўлиб жавоб бердим унга. – Ўша пайтлар бош инженер вазифасида ишлар здим. Бугунги кунда вилоят “Автойўл” ҳудудий шўъба ташкилоти директори бўлиб ишилаётган Жаббор ака Норматов эса бошқармамиз етакчиси эдилар. Меҳмонлар у кишини кўриб, бундай текис, сифатли асфальт йўл қуриш технологияси билан алоҳида қизиққанлари ёдимда. Чинданам, соҳасини чуқур билган мутахассисда гап кўп. Бу борада саркоримизнинг билими, ишбилармонлиги, ташкилотчилиги ва фидойилиги бекиёс эдик, бунга 25 йиллаб хизмат қиласа-да, “чарчамаган” Нурота йўллари гувоҳ. Қайтадан ташкил этилган вилоятимиз йўлсозларига саркор бўлиб иш бошлагандан кейин вилоят миқёсига амалга оширилган ишлар, силлиғу равон йўллар-йўлаклар гувоҳ.

Қаҳрамонимизнинг бундай зътирофли иш фаолиятини илмийроқ тилда ифодалайдиган бўлсак, Нурота йўллари қурилишида (сунъий иншоотлар бунёд этилишида ҳам) илмли, фидойижон, янгиликлар яратишга ўч раҳбар илғор технологияларни ҳаётга татбиқ қилгани, ишнинг сифатига алоҳида зътибор қаратгани бор гап.

Шу боис туман автомобил йўллари бошқармаси илғор усуулларни йўл қурилишида татбиқ этиш ва фойдаланиш мактаби бўла олгани ҳам рост гап. Шу аснода Жаббор отанинг соҳа бўйича кўплаб рационализаторлик таклифлари Республика йўлсозлари томонидан амалиётда кенг қўлланилганиям айни ҳақиқат гап.

Ана шулар туфайли ҳам оқсоқол 1995 йилда “Навоий Автойўл” бирлашмаси раиси лавозимига тайинлангани, шу даврдан бошлаб Навоий вилоятининг автомобил йўллари сифат жиҳатдан яхшиланиб, республиканинг энг равон – энг зътирофли йўллари сирасига киргани-да факт.

Масаланинг яна бир характерли жиҳати, бу устоз йўлсоз ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида ичидаги нафақат “кафтдай текис йўллар” қолдирган, соҳанинг таниқли мурраббийси сифатига жуда кўплаб шогирдлар ҳам тарбиялаган инсондир.

Энг муҳими, у бу шогирларига нафақат касбий маҳоратини, гўзал маънавият сабоқларини ҳам юқтирган бўлса не тоңг.

Чунки бу устоз йўлсоз жуда кўп иши бўлишига карамай, китоб-газета ўқишга ҳамиша вақт топа оладиган, халқ мақоллари, ҳикмату ҳадислари мағзини чақиб, шарқона одобу гарбона маданиятни уйғунлаштирган ҳолда ўз маънавият мактабини-да яратолган баркамол шахс эди. Азиз ўқувчи, ушбу борада ҳам айрим фактлар устида тўхталиб ўтайлик.

### Яхшига қиласанг яхшилик...

Ўшанда обуна мавсуми оғир кечеётган пайтлар эди. Газетанинг ҳар бир ходими бирма-бар ташкилотларга кириб чиқар, гоҳда фойдаси тегиб, гоҳда тегмаётган бу ишдан юраклар зада бўлган кунлар эди, рости.

Вилоят “Автойўл” бирлашмаси идорасига ҳам ана шундай кунларнинг бирида кириб бордик. Ўшанда оқсоқолни илж бор учратиб тургандик.

Ўзимизни таништиргач, “мен сизни газета орқали яхши танийман, айниқса, яқинда ёзганингиз – мукофотланиш масалалари билан боғлиқ статья(мақола)нгиз кўпнинг дардига уйғун чиқибди”, деди Жаббор Норматов самимият билан.

Хуллас, бу иирик корхона раҳбари барча нашрларни ўқиши, лоақал варақлаш учун вақт топишга ҳаракат қиласар экан. Ҳатто “Халқ сўзи” газетасидаги Раҳмон Қўчкорнинг “Виждан” номли маънавиятга дахлдор мақоласи тўғрисида ҳам биздан олдинроқ гап бошлади.

Энг қувончлиси, шу кундан бошлаб, вилоят “Автойўл” бирлашмаси обуна масаласидаям, умумий ҳомийлик масалаларидаям газетани беминнат қўллаб-қувватлаб келди.

Аниқроғи, Оқсоқол корхонага неча йил раҳбарлик қилған бўлса, бу зътироғли ҳамкорлик давом этди.

\* \* \*

Эслайман, Нурота туманида “Мактаблар куни” ўткази-лаётганди ўшанда. Тартиб бўйича қайси туманда бундай тадбир бўлиб ўтадиган бўлса, ўша юртнинг вилоят миқёси-даги раҳбарлари унда жамланар, уларнинг илм масканла-рига холисанилло ҳомийликлари ташкил қилинарди.

“Туман мухбири” сифатида соат 14 да бошланадиган бу тадбирга бориш чекимга тушди. Бирдан бир осон йўли ту-манлик ана шундай раҳбарларга ҳамроҳ бўлиш эди.

Кези келганда бир нарсани айтиб ўтишим лозим. Не-не раҳбарман, деганлар телефон гўшагини кўтармай, котиба-си орқали “муомала” қилишади. Ҳатто айримлари ўзлари-ни “беркитниш”, бор бўла туриб “йўқ” дейиш йўлидан бори-шади. Сабабини “ишлари кў-ўп”лиги билан изоҳлашади.

Не ҳайратки, минг бир ташвиши бисёрги кўриниб тур-са-да, қаҳрамонимиз асло бу йўлдан бормасди. Ҳонада бўлса, албатта, гўшакни ўзи кўтарарди. Шу боис ўша куни нуроталик ана шу ишончли раҳбарга ҳамроҳлик қилдик.

Телевидениедаги ҳамкаслар билан бирга оқсоқол йўлсознинг хизмат машинасида борарканмиз, суҳбат айла-ниб, маънавият масалаларига туашди, яхшилик-ёмонлик ҳақида, меҳр-оқибату шогирдлик масалаларида давом этди.

Ҳалидан бери бизни индамай эшигиб кетаётган оқсоқол шу ўринда аввал эшифтмаганимиз бир ҳалқ мақолини тилга олди.

“Яхшига қўлсанг яхшилик,  
Ҳам айтади, ҳам қайтади.  
Ёмонга қўлсанг яхшилик,  
На айтади, на қайтади”.

Шундан кейин сўзини ушбулай изоҳлаб-давом эттирди.

– Бу ерда моддиёт ҳақида гап бораётгани йўқ. Меҳр-оқибат хусусида бораёттир. Қилган яхшилигинги унутмай, лоақал ёмонлик қилишдан сақланиш; одамийлик кўрсатиб,

ширин сўзи билан йўқлаб туриш, орқа-олдинг Сенга хиёнат қилмаслик, хуллас, диёнат хусусида бормоқда...

Шу асно оқсоқол йўлсоз аҳолининг йўлларга муносабатини ҳам ана шу масалага келтириб боғлади. Кафтдай текис, равон йўлларга ахлат-мағзава тўкишлар, ён-ёғига мол боғлаб ифлос қилишлар, йўл белгиларини ўғирлаб кетишлар қаҳрамонимизни қанчалик ранжитишини шу куни теран ҳис қилдик.

Энг муҳими, устоз йўлсозда теран маънавият, борлиги ни такрор кашф этдик.

### Саодатли умр, сафоли тадбир

Ана шундай эътирофли, ибратли умр кечирган қаҳрамонимиз нафақага чиқиб ҳам эл-юрт учун яна ўн йиллаб хизмат қила олди. Ниҳоят, кенг жамоатчилик уни катта ҳурмат-эҳтиром билан нафақага кузатадиган лаҳзалар етиб келди. Бу лаҳзалар эса қоғозлар қатига ушбудай шаклда муҳрланиб қолган экан.

“Инсон яшар экан, ибтидодан интиҳо сари шитоб билан бораверади. Ва бир пайтда ўз кору амалига мувофиқ ортида “из” ҳам қолдираверади. Шу аснода бирор ёп-ёруғ, чароғон из қолдирадики, бу изидан эл-элат, замондошу авлодлари яхшилик, манфаатлар топиб, савоби умрига “умр”лар қўшади, уни икки дунё саодатига дохил этади...

Яқинда шаҳримиздаги “Уммон” кафесида вилоят “Автойўл” давлат АҚ бошқаруви раиси Жаббор Норматовнинг 70 ёши ва йўл соҳасидаги фаолиятига 45 йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбир маромини кузатиб ўтириб, бу фикрга яна бир бор ишондик.

– Жаббор отани ҳурматли десам, дилимдаги гапимни тўла ифода эта олмайман, – дейди тадбирни бошлаб берган вилоят ҳокими Б. Рўзиев. – У киши меҳрибон, муҳтарам, улуғ инсон...

Шу аснода эса вилоятимиз ҳокими йўлсоз отахоннинг нафақат касбий маҳорати, фидойиликлари, бошқа гўзал инсоний фазилатлари устида ҳам тўхталди.

Шундан кейин сўз олган “ЎзАвтойўл” ДАК бошқарув рациси ўринбосари Т. Азимбоев юбилияри фаолияти устида қисқача тўхталиб, шундай деди:

– Жаббор Норматов 45 йиллик фаолиятида автогрейдерчиликдан то вилоят йўлсозларининг раҳбари даражасигача бўлган йўлни босиб ўтган йирик мутахассисдир. Ундаги билим, фидойилик, талабчанлик ва касбий салоҳият уйғуналиги шу даражада сармевасини бердики, мамлакатимиз миқёсида йўлсозликнинг ўзига хос – нуротача мактабини яратолди. Йўлсозларнинг устози, деган унвонга сазовор бўлди...

Шунингдек, вилоятимиз шаҳар ва туманлари ҳокимлари, қўшини вилоят йўлсозларининг вакиллари, вилоятимиз йўлчилари ҳамда бошқа-бошқа меҳмонлар ҳам ўз дил сўзларини изҳор қилиб, Жаббор отанинг хизмату фазилатларини чин дилдан зътироф этдиларки, булар ибрат йўлини босиб ўтган инсон меҳнатига берилган самимий баҳолар эди.

– Бутун умри давомида кафтдек текис, равон йўллар яратиб, Эл ва Оллоҳ нигоҳида яшаган Жаббор отанинг қолган умрини ҳам бу эзгу амаллари зиёси чароғон қилишига шубҳам йўқ!

Тадбирга ўз ширали қўшиқлари билан файз киритган Ўзбекистон ҳалқ артисти Бобомурод Ҳамдамовнинг сўнгги сўzlари ана шу мазмунда бўлди.

### Сўнгсўз

Қораламамизнинг қатор аввалбошида “Яратган маҳлүқотларининг энг мукаррами бўлмиш чин маънодаги Инсон дунёнинг янада чиройли, янада обод бўлиши учун жон куйдириб, жафо чекади. Шу аснода изларида бофу чорбоғлар, йўллар-кўприклар, иморату иншоотлар қолдиради», деган эканмиз. Мамлакатимиз миқёсида кўплар таниган, зътироф қилган қаҳрамонимизнинг ҳам ортида юқорида таъкидлаб айтганимиздай, қатор, савоб ишлар, не-не юракларда эса ёп-ёруғ излар қолгани бор гап.

Шу боис ҳам бир гал янги йил тилаги сифатида Жаббор ота Норматовга ушбу байрам тилагини ёзган эканмиз:

Изингизда кафтдай текис йўллар қолар,  
Обод бўлган чиройли ўнг-сўллар қолар.  
Лек сийрати улуғликда улар ҳеч на,  
Инсонликда фазилату мўллар қолар.  
Янги йилдан тилагимиз бисёр дилда,  
Сиздайларни кўпроқ берсин она элга.  
Ҳамиша саломат бўлинг!

Бугун ҳам – таваллуд топган куни арафасида сўз айтар эканмиз, ана шундай саодатли, савобли умр кечириб яшай олган бу Инсонга кексаликнинг фароғатини таъминловчи “ҳамиша саломат бўлиш” баҳтини чин дилдан тилаб қоламиз.

## УЛУГЛИК ҲИКМАТИ



1998 йилнинг кузи эди ўшанда. Хонамизга ёши олтмишлардаги аёл кириб келди. Уни таҳририятга келишга мажбур қилган нарса кенжা ўғли Бунёд билан боғлиқ бир кўнгилсиз воқеа экан.

– Бунёдни яқинда уйлантиргандик. Шу боис ҳам ҳали ишга чиқмаган, меҳнат таътилида бўлгани учун уйда эди. Кечки пайт келинлар билан чучвара тугаётгандик, – дея ҳасрат дафтарини очди аёл. – Сарвар деган ўртоғи чақириб келиб қолди. У билан учрашиб қайтиб киргач, ўғлим Жамшид деган ўртоғи уйланашётганини, тўйга боришлиари кераклигини, кеч қолмай келишини айтиб чиқиб кетди.

Бир-икки йил олдин яқин қишлоқлардан бирига кўчиб кетган собиқ қўшнимизнинг Жамшид исмли ўғли борлигини билардим. Ўғлимнинг ҳам, ўртоқларининг ҳам одобидан хотиржам эдим. Шу боис унинг тўйга боришига монелик қилмадим. Бунёд соат 22 ларда уйга келди. Шу билан оддий кунларнинг биридай бу кун ҳам унут бўлди. Бироқ орадан 15 кунлар вақт ўтиб, ўғлим ва ўртоқлари орасида “шивир-шивир” гаплар бошланди. Нималигини билмай турганимда болалардан бирорининг онаси олдимга гап топиб келди. Эмишки, болалар Жамшиднинг тўйидан қайтишда таксида келишаётганида бир “орган”да ишлайдиган собиқ ўртоқлари билан гап талашиб қолишибди. Ораларида жанжал чиқибди.

Кимdir бирор бошқасига тарсаки тортиб юборибди. “Орган”да ишлайдиган арз қилганмиш. Энди “группавой” деб болаларимизни кунига милицияга чақиришаётган эмиш. Охири ёмон бўлармиш. Шу жанжалда кўпроқ Бунёдимнинг айби бормиши.

Бу гапни эшитиб, аввалига ҳайрон қолдим. Ахир, боламнинг феълинин билардим, у ноҳақ бирорвга қўл кўтармас эди.

Бунёд билан ўтириб гаплашдим, у зинҳор ҳеч кимни урганим йўқ, деяпти. Ўша “орган”да ишлайдиган боланинг ўзи жанжални бошлаб, пул ундириш учун бу ишни ўйлаб топганимни.

Аёл туман ички ишлар бўлимига қарашли участка инспекцияси хонасига бориб, вазиятни ўрганмоқчи бўлибди. Аммо участка инспектори уни ҳужжатлар билан таништиришни истамабди. Фақат даъвогарнинг аризаси ва “судмедэкспертиза”дан берилган маълумотномани ўқиб берибди, холос. Аёл ташқарида турганида “Ҳақиқатдан жанжал бўлди. Мен бир шапалоқ урдим” деб ёзиб бер, деб болала-римизни мажбуrlабди. Бунёд “Мен урмаган бўлсан, нега урдим, деб ёзишим керак”, деб унинг гапига бўйсунмагани учун аввал авраб, кейин дўқ урибди. Аёл буларни эшишиб, бир ёмонликни юраги сезибди ва нима қиласини билмай, таҳририятга келибди.

Очиғи, бу гаплар бизни ҳам ўйлантириб қўйди. Начора, қўлимиздан келса, вазиятнинг адолатли ечими учун ҳисса қўшишимиз лозимлигини англадик. Ишни биринчи галда маҳаллада бўлиб, ўсмирлар билан учрашиб, суҳбатлашишдан бошладик. Уларнинг бири отаси билан машина тузатар, бири сиртдан ўқиб, ташкилотда ишлар, бири йирик корхонада ишчи экан. Энг муҳими, на маҳалла-кўй, на қўни-қўшни улардан норози бўлиб, зигирча ёмон гап айтмади.

Шундан кейин туман ИИБ биносига кириб бордик. Ўшанда бошлиқ Карим aka Муқимовга биринчи бор рўбарў келдик. Энг қувонарлиси, Карим aka ана шу масала бўйича бизни эшишиб, масалага жуда жўяли ёндашди.

– Биз учун ҳам ҳақиқат қарор топиши муҳим, – деди у. Ва ўша пайтда ўринбосари сифатида фаолият кўрсатаётган (бугунги кунда вилоят ИИБ ташкилий бўлими бошлифи) Шуҳратжон Каримовни ҳам бу ишга жалб этиб, бизга ҳамроҳ қилиди. Ш. Каримов ҳам ўз зукколиги, адолатпарварлиги, маънавияти ва одоб фазилати билан бизда жуда яхши таассурот уйғотди. У билан биргаликда участка нозири қўлидаги ҳужжатларни ўрганар эканмиз, чиндан ҳам воқеа бўлиб ўтган кундан роппа-роса 10 кун ўтиб ариза ёзилгани, шундан кейин суд тиб-

бий эксперт хулосаси ҳам олинганига гувоҳ бўлдик. Хулосада кўз атрофи қўкарганлиги қайд этилганди.

Ҳамроҳимиз билан бирга даъвогарлик килаётган йигитчанинг онасини излаб йўлга тушдик. Чунки болаларнинг бироргаси ҳам даъвогарни урмагани, аксинча, арз қилган йигит болаларга ҳужжатини кўрсатиб дўқ қилганини йигитларнинг ҳар бири бот-бот такрорларди. Учала йигит ва даъвогар таксида келаётиб, ораларида чиққан жанжалга ҳам унинг ўзи сабаб бўлиб ғурбат чиқаргани, эртаси жанжал иштирокчиларидан бири, синфдоши Муҳиддинни чақириб “ҳар қайсинг фалон пулдан берсанг, даъвомдан кечаман, бўлмаса, иш жойимни биласан, ўзларингдан кўр, деб “срек” (10 кун) қўйгани, болалар пул топиб беришни истамагани учун айтганидай, 10 кун ўтгач, бу югур-югурлар бошланиб кетганини ҳам такрор-такрор таъкидлашарди. Ҳамроҳимиз Шуҳратжон йўл-йўлакай “группавой” деган гап ёмон-да, болаларга жабр бўлади”, деб кўнгил хижилликка асос борлигини таъкидлаб қўйди.

Даъвогарнинг уйида ҳеч ким йўқ экан. Очигини айтсак, бу ўспириннинг ота-онаси яхши инсонлар бўлиб, ёлғиз фарзандлари яхши касб эгаси бўлсин, деб ҳаракат қилишар, шу боис унинг институтда сиртдан ўқиши баробарида бу нуфузли ҳуқуқий идорага “куръер” қилиб ишга жойлашишига ҳам шароит яратиб берган эдилар.

Опани ишхонада топдик. Умуман, бизни кутмагани учун аввалига ҳайрон қолди, ҳатто формали кишини кўриб, юзу кўзида хавотир ҳам пайдо бўлди.

У фарзанди билан боғлиқ саволларимизга ўғлининг бу яқин атрофда кўзи қўкармаганини, бундай ҳолатни кўрмаганини такрорлади. “Шаҳарда турадими ёки ишга уйдан қатнайдими”, деган саволимизга “албатта, уйдан қатнайди. Ҳар куни бир кўрмасам, кўнглим хотиржам бўлмайди”, деди онаизор. Ва биздан “Тинчликми ўзи?”, дея бетоқат бўлиб сўради. Бизга шу гапларнинг ўзи кифоя эди. Опага вазиятни ётифи билан айтиб, уни тинчлантириб, ортга қайтдик. Маҳалланинг айбланаётган ўсмирлари ва шикоятчи аёлнинг гапларида жон бор эди.

Даъвогар чини билан калтак еб, суд тиббий экспертиза хulosасида кўрсатилганидай кўзи кўкарган бўлса, (у ҳам 10 кун кейин, кўзнинг кўки кетиб бўладиган даврда берилган), нега ҳар кун уни ишга кузатиб қўйиб, кутиб оладиган она буни кўрмас экан?

Хуллас, мазкур имконият ва ўрганишдан олган хulosаларимиз билан шу куниёқ вилоят прокурори Б. Калонов қабулида бўлдик. Чунки даъвогар мазкур соҳа билан дахлдор идоралардан бирида куръер бўлиб ишлар эди-да.

Минг шукур, вилоятнинг бош прокурори барча масалаларда бўлгани каби бу масалага ҳам адолатли тарзда ёндашди ўшанда. Даъвогар йигит, унинг бўлим бошлиғи ва бошқалар давра столи атрофига тўпланишди. Очиги, даъвогар йигитча бизнинг эътиrozимиз, берган асосли саволларимиз олдида гангигиб қолди. Аччиқ устида, қасдлашиб шундай қилганини бўйнига олди. Унинг ҳам ёшлиги ҳисобга олинди. Шундай қилиб, маҳалла болалари ва даъвогарни учраштириб, бир-биридан узр сўратиб, яраштириб юборишиди.

Бироқ то ўшангача юқоридагидай ҳал қилувчи далилларни топиб, вазиятнинг ҳақиқат, адолат томонга буриб юборилишида Карим aka Муқимовнинг, у киши бошчилигига Шуҳратжон Каримовнинг хизматлари катта бўлди.

... Карим Муқимов 1952 йил 7 июлда Кармана туманида таваллуд топди.

Отаси Латиф Муқимов туман қишлоқ ҳўжалик бошқармаси ҳисобчиси вазифасида хизмат қилас, оиладаги етти фарзанднинг бири шу Каримжон эди. Қаҳрамонимиз ота изидан бориб, бухгалтерлик соҳасини танлади. Ўқишни битириб келиб эса ишни Навоий паррандачилик фабрикасида ҳисобчиликдан бошлади. Орадан бир йил ўтиб “Ўзбекистон 50 йиллиги” чорвачилик совхозида бош иқтисодчи бўлиб хизматини давом эттирди.

Балки Аллоҳнинг берган насибасидир, балки фазилагларида соҳада ишлашга тўғри келадиган жиҳатлар борлиги сабаб бўлгандир, хуллас, 1975 йилда уни туман ҳалқ мулкини талон-тарож қилишга қарши кураш бўлимига ишга ўтка-

зишди. 1982 йилгача ана шу бўлнимнинг бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди. Кейин соҳа бўйича вилоят миқёсида ишини давом эттирди. Профилактика йўналишида ҳам вилоят ИИБда бир неча йил хизмат қилди. 1993-2000 йилларда эса Навоий (Кармана) туман ИИБ бошлиғи сифатида ҳалқ осойишталигини сақлашда, жиноятчиликка қарши курашда фаол иш олиб борди.

Қаҳрамонимиз айни пайтда вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаётган Камол Раҳматов, Навбаҳор ва Кармана туманларида ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаган Шермат Асадов, вилоят ИИБ ФБ ва ХЧК бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қилган истеъфодаги подполковник Шароф Эргашев, вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг 1-ўринбосари Шуҳрат Каримов каби касб одоб-этикасини чуқур згаллаган, инсонийликни ҳар нарсадан баланд қўядиган қатор шогирдлари борлиги билан фахрланади.

Соҳадан нафақага чиққач, отамерос касбнинг меҳри уни тинч қўймади. “Обгузар” фермер хўжалиги ташкил қилиб, 54 гектар ерга деҳқончилик қила бошлади. Ҳозирги кунда бу фермер хўжалигини ўғли Улуғбек Муқимов бошқариб, пахта тайёрлаш йиллик режасини ҳам, давлатга буғдой сотиш бўйича режа-мажбуриятни ҳам ошиғи билан бажариб келишмоқда.

Кўнгли даласидай кенг бу йигит билан суҳбатлашган кишининг юрагига ёруғлик тўлади.

Карим ака турмуш ўртоғи Гулсара ая билан бирга беш нафар фарзандни тарбиялаб, ўқитиб, касбли-корли, уйлижойли қилди. Жўрабек – ҳуқуқшунос, Улуғбек – фермер, Ойбек педагогика олийгоҳи талабаси, Отабек НДКИни битириб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Ёлғиз қиз Муҳайё 8-синф ўқувчиси. Оиласда ўзаро ҳурмат-иззат, меҳроқибатни сақлашда Гулсара ая баробарида Карим ака Муқимовнинг ҳам роли бекиёс.

Отамни даволатдим, қаер эътироф этилса, олиб бориб, сиҳатликларини яхшилаш учун қўлимдан келган ишни қилдим. Бироқ онамни...

Очиғи, онамнинг юракларида дард борлиги, бу бало дард ҳадемай олиб кетишини хаёлимга ҳам келтирмабман. Ишу тириклик ташвишлари билан бўлиб югуриб-елиб юраверибман.

Волидам ҳам мени, тинчимни қизғаниб, бирор марта олдиларига чақириб, “болам, менинг аҳволим бундай”, демабдилар-да. Бу ҳаётдаги энг катта армоним – шу. Унинг руҳжонимга берган оғригини ҳар доим, ҳамиша ҳис қиласман.

Бу гаплар – қаҳрамонимиз юрагининг туб-тубида ётган дардлар.

Начора буни ҳаёт, дейдилар. Онасига қилмаганини, доғда қолгани аламини отасига хизмат қилиб олди. Ота ҳам ўтгач, улар руҳини ризолиги учун ака-ука, опа-сингил, қариндош-уругларига меҳр-оқибат кўрсатишга ҳаракат қилди, қиласяпти.

Карим ака Мукимовда кўпчилик раҳбарда кўриниб-кўринмайдиган яна бир хислат бор. У қайси корхонада ишлаб, етакчилик қилмасин, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига асосий эътибор қаратади.

Иқтисодий билими кенг, бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига бош-қош бўлиш учун туфма лаёқатли қаҳрамонимиз “Саховат” ОАЖ бошқаруви раислигига сайланганда кўпчилик унинг юқоридаги фазилатига эътибор қаратган бўлса, ажабмас.

Сайлаганлар хато қилмаганларини орадан ўтган икки йиллик фурсат исботлади. Корхона-ташкилотлар олдидағи 149 миллион сўмлик қарзнинг, 15 миллион сўмлик фоиз тўлови бўлган 70 миллион сўмлик кредитнинг, бор-йўғи 100 миллион сўмлик иши бажарилган 492 миллион сўмлик лойиҳа-сметали мева-сабзавот павильони чала қурилишининг юки остида ётган “Саховат” ОАЖнинг бошқарувига келган қаҳрамонимиз Навоий шаҳар ҳокимлиги (ҳоким Б. Ҳамдамов) билан келишган ҳолда тадбиркорлик ҳаракатларини амалга оширди. Аниқроғи, Ф. Худойбердиев, К. Мусаев, Д. Ҳайдаров, И. Аслонов каби ўттизига яқин тадбиркорнинг ҳомийлигига суюниб, қурилиш ишларини давом эттирди. К. Абдуллаев, Х. Нарзиева, К. Жўраев, О. Эргашев,

Д. Эшқобиловлар ҳомийлигига эса кредит тўлови йўлга қўйилди.

“Деҳқон” бозорининг шарқий томонида 14 та омборхона қурилиб, улар дастлаб ижарага берилди. Кейин уларнинг 8 таси “Ким оиди” савдосига қўйиб сотилди. Маблағлар эса қарзлар тўловига сарфланди. Полиз-сабзавот маҳсулотларини сотадиганларга ҳам павильон қурилиб, ижарага берилди ва бу маблағ ҳам қарз тўлови учун ажратилди.

Хуллас, барча ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, ўтган икки йил орасида қурилишлари тугаб, мева-сабзавот павильони ишга тушди. “Саховат” қарзлардан қутулди. Йиллик тушум режалари ҳам ортиғи билан бажарилиб, уларнинг 50 фоизи бюджет ҳисобига ўтказилди.

“Ҳомийлар ва шифокорлар йили”да 50 нафар хизматчининг аввало ойлик маоши оширилди.

Етим гўдакларнинг хатна тўйига 745,9 минг сўм сарфланди. Йил давомида жами 2 миллион 496,9 минг сўм маблағ ана шундай мақсадларда ишлатилди. (Аслида, ўтган йилда ҳам 1 миллион 460 минг сўм пул ҳомийлик харажатларига йўналтирилган эди).

Бироқ юрак хуружи унга узоқ ишлаш имконини бермади. Айни пайтда фарзандлари даврасида, бош-қош бўлиб яшамоқда.

Мавзуда сўз айтар эканмиз, бир Ҳадиси шариф ёдимизга тушади: “Мусо алайҳиссалом сўрадилар:

– Эй раббим, одамзод сенга қандай шукр қиласди?

Аллоҳ деди:

– Кимки неъматни мендан деб билса, ўша унинг қилган шукридир”.

Бу Ҳадиснинг моҳиятини эса қаҳрамонимиз қалбан ҳис этади.

– Менга ишониб жамоани бошқариш вазифаси топширилдими, демак олдимда катта масъулият бор. Уларнинг ҳаётига менинг муносабатим ё ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Ақлу идрок, билим-фаросатим билан тақдир мени раҳбарликка лойиқ этибдими, шунга яраша иш қилмоғим керак.

Раҳматли онам ички ишлар соҳасига хизматга кираётганимда шундай деган эдилар: “Болам, отам раҳматли “ердағиларга сен жабр құлма, осмондаги сенға жабр құлмайды” дегандилар төғәнгә. Ана шу ҳикматни сен ҳам унұтмагин.

Очиғи, бу нарсаны бутун ҳаёт йўлимда унұтмай яшашга ҳаракат қылдим.

Чинданам, бир қараашда ўта жиддий кўринган бу инсоннинг қалб ранглари ҳар лаҳзада кўриниб, ўзини намоён этиб турадики, бу нарса турфа инсоний фазилатлар шаклида унинг бутун ҳаётига мазмун бағишлаб келмоқда.

## ЭЛИМ ДЕГАН ИНСОН



Унга болаликнинг "подшоҳ"лик даврини суриш насиб этмади. Эсини таниб, ўзини бойлар эшигига кўрди: хизмат қилди, кичкина жуссаси билан энг қийин ишларни бажаришга маҳкум этилди. Сув ташиди, молга қаради, қўй боқди, томорқа ишини эплай олмаган вақтларида калтак еди. Қаҳратонли кунларнинг азобли тунларини ўчоқлар ёнида ўтказди.

Энг ачинарлиси, Бой биби кўпроқ пул топиш учун ундан тиланчи сифатида фойдаланди. Фиждувон марказига келиб, эшикма-эшик юриб, тиланчилик қилди. "Гадой" деган ном олиб, пул топди ва топганларини Бойбили, Бойбоболарга элтиб берди.

Жуда ёшлигига ёк, шикорга чиққан амирнинг отлари туёғи остида қолган отаси, оғир касалликка чалинган онасидан айрилгач, ёлғиз қолган болакай ана шундай оғриқли ҳаёт кечирди.

Кейинчалик ишини билиб қиласидиган ёшга етганда бир қўрбоши уни паноҳига олди. Шу кишининг қўлида ишлади. Шундан бошлаб болалигининг азобли, очин-тўқин кунлари ортда қолди, аҳволи деярли яхшиланди. Фақат "гадой" деган номи у билан қолди. Қўрбоши бу ақлли, ҳушёр ва қобил ўспиринни бошқалардан қизғанди. Уни Бухоро мадрасасига ўқишига юборди.

У мадрасани яхши ўқиб битирди. Бу даврда Совет тузуми ўз тартибини ўрнатаётган, колхозлаштириш ишлари бошланган эди. Шундай кунларда Гадой йигитчанинг ҳақиқий номига айланди. Фамилия-насаби Элов деб ҳужжатлаштирилди. Гадой колхозлаштириш ишларида фаол иштирок этди.

Меҳнатсевар, фидойи бу йигит тадбиркор-ташаббускорлиги билан ана шу кезларда кўпнинг эътиборини қозона олди. 1920 йилдан бошлаб унга ишониб, колхоз раиси вазифасини

топшириши. Кейинчалик 3 та хўжаликка бўлиниб кетган бу колхозда Гадой Элов роппа-роса 37 йил раислик қилди.

Ишни самарали олиб бориб, ташкилотчилик, йўлбошлилиги билан хўжаликдаги ишлаб чиқаришни юқори поғонага кўтартгани, шундай паллаларда ҳеч кимга жабр қилмагани учун уни одамлар яхши кўриб, ардоқлади.

Гадой ота Элов 1980 йил 80 ёшида вафот этди. Унинг ортида эзгу ва савобли амаллари билан бирга эл-юртнинг котрига ярайдиган фарзандлар қолди.

Олти нафар фарзанднинг кенжаси бўлган Рамазон отаси 64 ёшга кирганда дунёга келган зди. Отаси вафот этганида эса у 10-синфда ўқирди. Ўша кунларда Гадой ота Рамазонни олдига чақириб, шундай деди:

– Эътибор қил, ҳамма тирик мавжудот ейди-ичади, кўпайишга интилади. Ҳайвонларда ҳам бу ҳол яққол кўринади. Инсоннинг улардан фарқи, синов дунёсига у фақат шулар учун юборилмаган. Унга ақл-фаросат, онгу идрок берилган. Инсон мана шу фазилатларга суюниб, тирикликтининг тўғри йўлини белгилаб олиши керак! Сен ҳам одамларга нафинг тегадиган инсон бўлгин!

Бу гаплар Рамазоннинг юрагида муҳрланиб қолди.

Ўша кунларда қўшниларининг уйида ўғрилик ва қотиллик содир этилди.

Аниқроғи, жиноятчилар бир хонадонга кириб ўғрилик қилиб чиқиб кетишаётганда, шу хонадоннинг мактабдан қайтган қизига рўбарў келиб қолишади. Сир очилишидан қўрқиб, 11 ёшли бу қизалоқни ҳам ўлдириб кетишиади.

Ана шу воқеа юзасидан туман ички ишлар бўлими идораси жиноят қидирув бўлими ходимлари иш олиб бордилар. Қўни-қўшни сўроқ қилинди. Тезкор ҳаракатлар жараёнида жиноятчилар бир ҳафтада қўлга олниди. Худди ана шу воқеа қаҳрамонимизнинг юрагига “олов” солди. Соҳада оддий сафдор сифатида хизмат қилаётган акасининг фаолияти қизиқинини яна оширди.

Мактабда ўқиб юрган кезлари у колхозда ишларди. Мактабни аъло баҳоларда битириб, яна колхозда ишлади ва армия хизматига кетишни орзиқиб кутди.

Армия хизматини ўтаган йигитлар ички ишлар идораларида ишга олиниши, бундай ўқишлоғарға кириши уни шундай йўл тутишга мажбур қилганди. Хизматга чақирилди. Оренбургда солдатлик мактабини ўқиб, Новосибирскда, Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўмондонлигига катта оператор бўлиб, хизматни давом эттириди.

Армияни тугатиб, 1984 йилда Тошкент милиция ўрта мактабида ўқиди. Лейтенант унвонини олиб, йўлланма билан Учқудуқ шаҳрига келди. Дастреб участка вакили, жиноят қидириув бўлими инспектори, катта инспектор, участка бошлиғи вазифасида ишлади. Қаҳрамонимиз ишлаш баробарида ўқишини ҳам сиртдан давом эттириди. Милиция олий мактабида, Академияда таҳсил олди.

1992 йил Зарафшон шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари сифатида фаолиятини давом эттириди. Орадан бир йил ўтиб, Навоий шаҳар ИИБ бошлиғи биринчи ўринбосари вазифасига тайинланди. Тўрт йилдан сўнг Учқудуқ шаҳар ИИБ бошлиғи бўлиб, бир йил ишлагандан сўнг яна шаҳар ИИБ бошлиғи сифатида вилоят марказига қайтиб келди. Ушбу лавозимда у 2003 йил 18 апрелгача хизмат қилди.

1998 йил шундай воқеа бўлган эди. Макри қирқ эшакка юк бўлгулиқ бир аёлнинг кирдикорларидан жони ҳиқилдоғига келиб маслаҳат сўраб таҳририятга келган йигитнинг тирноқлари сарғайиб кетган, “Электркимёзаводи” ҚҚ ОАЖдаги фаолиятининг белгиси бўлган бу ҳолат унинг маҳзун қисматини кўрсатиб турган бир деталдай эди.

– Мени у аллақачон туҳмат билан қаматиб юборарди, – деди йигит аҳволини баён қиласаркан. – Чунки унинг атрофидаги кишилар таъсирига тушган участка милицияси ҳужжатни қойилмақом қилиб расмийлаштириб, мени олиб келиб, авахтага тиқишишганди. “Начальник мелиса” муовини Элов жуда яхши инсон экан. Қабулига келтиришганда менга шундай муомала билан гапирдики, ҳали авахтага тиқсанлар қанчалик ваҳимали гаплар гапириб, қўрқитишмасин, унга ишондим ва бор гапни рўй-рост гапириб бердим. Элов мени чиқартириб юборди.

Бу йигитнинг ҳаёту қисмати тўғрисида ўшанда “Эгилган бошни хиёнат кесди”, деган мақола ёзганимиз. Ушбу қораламамизда ҳам Навоий шаҳар ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари Р. Эловга унинг миннатдорчилиги акс этган ўринлар мавжуд. Бироқ биз ўшанда бу раҳбарни умуман танимасдик-бilmасдик.

Йиллар ўтиб шу соҳа ходимлари фаолиятини матбуотда ёритадиган мухбир сифатида, обуна ишини соҳада ташкил этувчи журналист сифатида шаҳар ички ишлар бўлими ҳаётига чуқурроқ кириб бордик. Рамазон Гадоевич Элов билан бир неча марта суҳбатлашдик, унинг амалий фаолияти билан танишдик. Бугун шу нарсани эътироф этишимиз керакки, газета обунасига у ишлаган йилларда эътибор кучайди. Ҳатто маърифат соатларининг мазмунли ўтиши учун имкониятлар излаб топилди. Энг муҳими, ким билан суҳбатлашмайлик, у Р. Эловнинг нафақат эътирофли соҳа вакили, балки баркамол инсонлигини ҳам таъкидлайди.

Нуфузли бир идорада ишлайдиган танишимиз Н. исмли аёл шундай ҳикоя қиласди:

– Кейинги йилларда демократия, иқтисодий фаолият юритишдаги эркинликни турлича “ҳазм” қилиб иш кўрадиганлар кўпайди. Ана шундай қўштириноқ ичидаги “тадбиркор”лардан бири менга этик сотди. Аммо этикнинг қўнжи тор келгани учун қайтариб олиб борсам, “бу менини эмас, олмайман”, деб жанжал қилди.

Очиини айтсам, этикнинг пулидан ҳам кўра оломон орасида, бозорда унинг шаънимига айтган ҳақоратлари жонимдан ўтиб кетганди. Чошгоҳларда бўлган бу воқеа сабаб ишхонада қандай юрдим, билмайман. Кечга бориб фикрим тиниқлашди. Лоақал маслаҳат олиш учун шаҳар ИИБга кириб бордим.

Кўпчиликдан ИИБ бошлиғи Р. Элов ҳақида яхши гап эшигандим. Тўғри унинг олдига кирдим. Ёш, ақлли, кўзларида самимнят, чеҳрасида ҳурмат, муомаласида камтарлик сезилиб турган бу бошлиқни кўриб, ростини айтсам, ўпкам тўлди, томоғимга кўз ёши тиқилиб, анча муддат гапиролмай қолдим.

Ниҳоят, суюкли жигарбандига дил ёрган опа ишончи билан унга дилимдаги аламларимни түкиб солдим.

– Бундайлар ростдан күпайды, опа. Майли, ранжимант тадбиркорлик бирорнинг ҳақини ейиш дегани эмас. Бўлган во-кеани ёзиб беринг. Ҳаммаси яхши бўлади, – деди у.

Мен эса ариза ёзишдан орият қилиб, ўйланиб қолдим.

– Ёзмасангиз, биз бу ишга аралашолмаймиз. Энг ёмони, у аёл фақат сизга эмас, бошқаларга ҳам бу амалини кўрсатаверади, – деди у.

Унга ишондим ва ариза ёзиб бериб, уйимга кетдим.

Эртаси эрталаб соат 8 ларда уйга қўнғироқ қилганлар, ўзларини шаҳар ИИБ ходимлари, деб таништиришди. Ва бўлимга келишимни илтимос қилишди. Айтилган жойга борганимда у ерда ҳалиги аёл ўтиради. У мени кўриши билан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кейин этикниям олди, пулниям қайтариб берди. Кечирим сўраб, бошқа бундай қилмасликка астойдил сўз берди.

\* \* \*

Қаҳрамонимизнинг ўзи эса фаолияти давомида жуда катта фидойилик ва билим тақозо этган бир неча “иш”нинг очилиш тафсилотини шундай эслайди:

– Учқудуқда ишлаган давримда бир кечада 7 та машина ёниб кетгани, ҳаммаси бир хил усулда, бир киши томонидан амалга оширилгани ҳақидаги хабар етиб келди.

Тезкор қидирав бошланди. Аммо жиноятчи ҳадеганда то-пилай демасди. Худонинг берган кечаси яна шу ҳолат давом этиб, биз кутмаган ерда машиналар ёниб кетаверади. Жами 58 та машина шу аҳволда куйиб кул бўлди.

Соҳамиз ходимлари бутунлай сўёққа турди. Тезкор гуруҳ фаолиятини тезлаштириш йўлларини қидирдик. Ниҳоят, калаванинг уни топилди. Етиб келган маълумотга қараганда, бу ишни рус миллатига мансуб 15 ёшли йигитча қилаётган экан. Қайсиdir чет эл киносида кўрганларини такрорлаб, бензин ёқилғисини бир неча шишага солиб оғзини яхшилаб беркитиб, сумкага жойларкан-да, йўлга тушаркан. Қаерда машина турган бўлса, унга бир шиша бензинни отиб, гугурт ёқиб, жўнайвераркан.

Үша йигитчанинг ҳаёти қаттиқ кузатув остига олинди. Унга дахл қилмаган ҳолда ортидан изма-из бордик. Ҳатто бу ишга ўт ўчириш воситалари ҳам жалб қилинди ва йигитча навбатдаги машинага бензинли шишани отаётганда, воқеа жойида қўлга олинди.

\* \* \*

Фош этилиши қийин кечган яна бир жиноят Навоий шаҳрида содир этилганди. Уй эгалари яшамайдиган бир хона-дондан она ва ўғилнинг сўйиб кетилган жасади топилди. Шахси номаълум, барча ҳужжатлари ёқиб ташланган. Роза бир ой, жиноятни очиш учун аргамчини узун ташлаб, иш олиб борилди. Ниҳоят, тезкор гурӯҳ аёлнинг шахсини аниқлади, қотилниям топди. Жиноятчи аёлнинг ўйнаши бўлиб чиқди.

\* \* \*

Эшик қўнғироғи жиринглайди. “Газетага берган эълоннингиз бўйича келдим”, дейди келган киши. Уй эгаси эшикни очиши билан бошига тушган оғир зарбдан беҳуш бўлиб ийқилади. Сотилиши эълон қилинган нарсалар шу тарзда “тум” бўлаверади.

Бу жиноий ҳаракат бўйича тезкор қидирув иши олиб бориларкан, аввало, бозорларда ҳам шу каби буюмлар “олдисотди”си қаттиқ назорат қилинади. Ниҳоят, ана шундай ўғрилик моли бўлган телевизор бозорда сотилаётганда уни сатаётган шахс қўлга олинади. Суриштирув пайтида гумон қилинаётган кишининг уйи текширилганда босқинчилик қилиб ўғирланган барча буюмлар топилади.

Энг ёмони, бу жиноятни қилган 20 ёшлардаги хатирчилик йигитча бўлиб чиқди. Ваҳоланки, унинг ота-онаси ўзлари қишлоқда яшаса-да, ўғлига шаҳардан квартира олиб берган, уни “Навоийазот”да ишлайди, деб хотиржам юраверишган. Бир марта шундай жиноий ишга қўл уриб “фойда”сини кўрган, ҳаракатлари учун ҳеч қандай жазога тортилмаган ўғил эса енгил-елпи яшашнинг бу тубан йўлини деярли ўзиники қилиб олган.

– Мен бу фактларни келтириш орқали нима демоқчиман? Фарзандларимизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан, ўй-фикрларидан воқиф бўлишимиз, уларни ўқиш-ўрганишга муҳаббатли қилиб тарбиялашимиз лозим, – дейди қаҳрамонимиз.

У фарзанди тарбиясига алоҳида аҳамият беради. Ўғли Анваржонни бешёшидан бошлаб инглиз тилини ўрганишга жалб этди. Манзурхон (аёли) билан бирга астойдил ҳаракат қилиб, унинг илм олишига етарли шароит яратиб беришди. Хуллас, бу фарзанддан ота-онанинг умиди катта.

Қаҳрамонимиз ўзининг ички ишлар тизимида ўтган самарали фаолияти давомида соҳада ишлаган қанчадан-канча ҳамкасларига ўрнак бўла олди.

Сирасини олганда, Рамазон Эловнинг Навоий шаҳар ИИБ бошлиги сифатида олиб борган фаолияти, иш услубини чуқур ўрганганимиз, билганимиз сари бизнинг ҳам дилимизда унга нисбатан эҳтиром пайдо бўлган. Ана шу эҳтиром ва эътирофимиз меваси сифатида бир байрамда унга қўйидаги дилсўзни ҳам ёзган эканмиз:

Қасд айласа, не бадкорлар  
Хўп тушдилар «қопқони»га.  
Ҳар жиноят, ҳар иллатни  
Тугатмоқ бор имконида.  
Энг муҳими, бу йигитнинг  
Адолати, иймони бор.  
Ана шундай, ҳар соҳанинг  
Элим, деган инсони бор.

Рамазон Элов айни пайтда “СМУ-4” масъулияти чекланган жамият раҳбари лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Шу аснода мамлакатимизда ободончилик, қурилиш ишларининг ривожига ўз ҳиссасини ҳам қўшмоқда. Энг муҳими, ўзи ҳам алоҳида таъкидлаб ўтганидай, 200 нафар кишига иш шароити яратиб берганлигидан хурсанд.

– Ички ишлар хизматининг истеъфодаги офицерига қурилиш ишларига бош бўлиш қийинлик қилмайдими? – деган саволимизга жавобан эса қаҳрамонимиз шундай дейди:

– Учқудуқ шаҳар ички ишлар бўлими раҳбари бўлиб ишлаганимда ИИБ биносини, ўқув корпуси ва тирни ўзим бошлигимда қурганмиз. Навоий шаҳар ИИБ бошлиғи сифатидаги фаолиятим давомида ҳам анча-мунча бунёдкорлик ишларини қилганмиз. Бунинг устига Милиция ўрта мактабида ўқиганда ҳисобхона ишини ўрганган эдим. Аслида, ҳаётнинг ҳар бир куни мактаб. Ўтган тўрт йил давомида қурилиш материаллари, норматив қонун-қоидалар бўйича ҳам анча-мунча нарсаларни ўргандим. Энг асосийси, ишини яхши биладиган мутахассисларни жамлаб, уларга иш бериб, ишлаш шароитини яратиш лозим. Қолганини уларнинг ўзлари бажара оладилар.

Бугун Рамазон Эловнинг орзулари кўп. Эл-улус отаси Гадой бобо Элов номини 37 йил раислик қилган хўжаликка қўйиш учун таклиф киритган, ҳужжатлар ташкил этилган эди. Айримларнинг масалага хийла бошқачароқ қарашлари сабабдир, бу иш шундайлигича қолиб кетди. Бу унинг юрагига армон бўлди.

Шу боис ҳам қаҳрамонимиз бир вақтлар отаси ишлаган колхознинг идорасини сотиб олиб, унинг жойида қариялар боп чиройли чойхона қуриб, маҳаллага совфа қилишни ният қилган.

У бундан ўн беш йилча олдин “Хўжа Порсо” қишлоғига масжид қуриб беришга бош-қош бўлган, кўпнинг дуосини олганди. “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”да эса қатор ҳомийлик тадбирларига ҳам бош қўшди.

Хуллас, бутун фаолияти давомида ота-онанинг насиҳатларига амал қилиб ҳалқнинг дуосини олган Рамазон Элов Ватанига ҳам садоқатли бир ўғил сифатида чин юракдан хизмат қилимоқдаки, ёзганларимиз улар олдида уммондан бир қатрадир, холос.

## МЕҲНАТИДАН МУРОД ТОПИБ



Шундай лавозим – вазифалар бўладики, юки-масъулияти билан Эркак, Аёл деган номни даврада унут қиласди. Ўзлигини унумтаса-да, ўзини унутиб – ишлаган инсонгина бу вазифаларнинг юкини тўла маънода торта олади. Шу аснода эса чиройли натижаларга эришиб, зларо ҳурмат-эътибор топади.

Ҳамюртимиз Раҳимахон Ёдгорова билан неча бор учрашмайлик, неча марталаб иш-фаолиятидаги ютуқларга дуч келиб, муваффақиятли ҳаракатларию улар борасидаги эътирофли фикрларни эшилтмайлик, ана шу ўйлар бот-бот хаёлимизга келаверади.

**Қисқа чекиниши:** Раҳимахон 21 йилдан бери молия тизимида фаолият олиб боради. Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатиб келган қизгина дастлаб Кармана туман молия бўлимида бюджет бўлими иқтисодчиси бўлиб иш бошлаган эди. Бугун вилоят молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бюджет бўлими бошлиғи вазифасида хизмат қиласяпти.

Энг муҳими, юқоридагидай ишга муносабати боис ўтган йиллар мобайнинда соҳанинг ишончли-эътирофли мутахассиси сифатида эл корига яради, юрт ишида фидойилик кўрсатди ва зларо танилиб-тан олинди.

Р. Ёдгорованинг бу ҳалол, астойдил хизматлари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланди. 1999 йилда у "Шуҳрат" медали соҳибаси бўлди. Бироқ биз у билан бу гал иш ва хизматидаги ютуқлари хусусида эмас, инсонийлик ибратлари тўғрисида диловар суҳбат қилинши лозим топдик.

– Раҳимахон, соҳада узоқ йиллардан бери самарали ишлаб келаётган етук иқтисодчи ва масъул постдаги раҳбар аёлсиз. Айни пайтда бемаҳал ҳаётдан кетган жуфтининг ўрнини бил-

дирмаслик учун она мәхрибонлиги ёнига ота фидойиллиги ва қаттиққүллигини ҳам бардавом ушлаб, аниқроғи, уч фарзандни чиройли тарбият этиб, уларнинг камолини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилиб келаётган, күнлаб бардоши улуғ, мұкаррам аёлларимиздан бириңиз. Үмуман, бу икки юки оғир бурч-мастұлиятини тортиш қийинлик қылмайдими баъзан?

– Биласизми, инсонни улуғ этадиган нарса ишга, мәхнатта муҳаббат билан қараб, ундан ўз орзуларига қуввату қанот топишиңдир. Аслида, ишга қаттиқ бандлик кишини ҳар қандай құсурлардан қутқарыб, ҳәётидаги ҳар қандай бўшлиқнинг ўрнини тўлдириб бораверади.

Бунинг устига, Сен иш жойингда қадринг борлигини ҳис қылсанг, атрофингда ишинг-билиминг билан керакли бўлсанг, кези келганда, кўз ёш қилиб – дард айтиб келган ноилож-ночор кишининг мушкулини осон қилиб, “кўз ёшини артиб қўйиш”га ярасанг, хуллас, унга чин маънода ёрдаминг тесса, (ахир, элчилик, турли масалалар бўйича шикоят билан эшигимиздан кириб келадиганлар ҳамиша топилади), бунинг қувончи-шодумонлигига, юракка берадиган ҳузур-ҳаловатига баҳо йўқ.

Бироқ ўта бандлик, иш соатларимизнинг чегара-ҳади йўқлиги кўп ҳолларда юрагимга бир оғриқ ҳам солади. Фарзандларим учун жуда кам вақт қолади. Лекин буни зинҳор баҳона қилиб, улар тарбиясида чекинишим мумкин эмаслигини ҳар лаҳза ҳис этиб тураман.

Шу сабабли лоақал ҳафтада бир кун улар билан қалбрұх-жон ичида тўлиқ биргә бўлишга ҳаракат қиласман, суҳбатлашаман.

Бошқа пайтда телефон орқали муносабатни боғлаб, ҳаёт тарзимизни тўғри йўлга солишга интиlamан. Ўқишу машғулотларини изчил назорат қилиб бораман. Уларни эркаламайман, қаттиқ ҳам гапирмайман. Яхши ўқиганини рағбатлантиришнинг майдататта йўлларини қидириб топаман. Минг шукур, қизларим ишончимни оқлашди. Юлдуз қизим мактабни аъло баҳоларда тугатди. Ҳозир Жаҳон тиллари институтида аъло билим ва хулқ билан 3-курсини якунлаяпти.

Гулруҳим Самарқанд тиббиёт институтининг I-курсини тутатди. Жўрабегим – мактаб ўқувчиси. У ҳам опаларига муносиб, билимга ўч, ҳаракати ёмон эмас. Энг муҳими, менга уларнинг яхши ўқишларию улар ҳақида ўқитувчилари ва атрофидагиларнинг берган яхши баҳолари, чинакам далда, тирак бўлаяпти бугун.

Шу боис аксинча, ишим ва фарзандларимни ўйлаганда, ҳар қандай оғирлик енгилга айланиб, руҳим кўтарилади.

– Раҳимахон, бугун Президентимизнинг 451-сонли қарорлари олдимизга қўяётган масъулиятдан келиб чиқиб, раҳбар маънавияти хусусидаги қарашларингизни ҳам билмоқчи эдик.

– Раҳбарликлар ҳар қайси соҳага, хизмат турига қараб турфа-турфа йўналишларга хизмат қиласди. Шу боис раҳбар борки, “мен кимга раҳбарман?” деган саволни ўз олдига қўйиши ва маънавий-маърифий камолини ҳам шу йўлда бойита бормоғи лозим.

Аниқроғи, раҳбар борки, кийинишу одоб-муомаласидан бошлаб, ўз иши даражасида кўркамлик, теран суврату сийрат баркамоллигига эришиш учун ҳаракат қилиши лозим. Лекин барча раҳбарлар учун умумий бўлган бир талаб ҳам борки, бу ишни тўғри ташкил этишда, қўл остидагилар меҳнатини кўриб, уларнинг ютуқларини рағбатлантиришда, муаммоларига ёрдам қўлинни чўзишу дам олишлари учун шароит яратишда кўринади. Шу аснода қатъиятлиликни қўлдан бой бермаслиқда намоён бўлади.

Яна бир гап. Ходимлар раҳбардан қўрқиб эмас, уни ҳурмат қилиб, унга эргашишлари, ишларини қизиқиб-меҳр билан қилишлари учун ҳам имкон яратиш раҳбарнинг маънавий етуклиги белгисидир.

Аксарият иш билгич ва адолатли раҳбарлар ўз услубларини ана шундай ташкил этишади, деб ўйлайман.

Аёл раҳбар учун эса яна бир фазилат устувор бўлиши лозим. У меҳрибон етакчи бўлиш, ишсеварликда ибрат кўрсатиш баробарида ҳаё ва одоби, кийиниши, юриштуришидаги тартиби билан ҳам қўл остидагиларга ўрнак бўлмоғи шарт.

– Нималарда ўзингизни бурчдор ҳисоблайсиз?

– Биласизми, Салима опа, отам раҳматли жуда заҳматкаш ва меҳрибон эдилар. Менинг мактабни Олтин медал билан битиришим, Қизил диплом олиб институтни тугатишм отамни бениҳоя қувонтирган. Менга жуда катта умид боғлаганлари юзу кўзларидан кўриниб туарди. Афсуски, айни диплом ёқлаш кунларимда отамни оғир касал исканжасига олганди. Оёқларида бошланган дард туфайли у киши пойтахтда даволанаётгандилар. Дипломни олгач, отамни олиб, поездда бирга келганман. Дадажоним дипломимни кўриб, шунча дард-оғриқ ичида бўла туриб, чеҳралари бир лаҳза қувончдан чараклаб кетган, шукроналик ичида кўзлари жиққа ёшга тўлиб, пешонамдан ўпгандилар.

Орадан ўтган вақт аввал иккала оёқларини, кейин жонларини олиб кегди.

Бугун ҳам ўша – вагон ичидаги ҳолатлари кўз олдимда намоён бўлса, юрагим йиглай бошлайди.

Хуллас, мен ўша кунларда меҳрибон падари бузрукворим учун ҳеч бир яхшилик қилолмаганман. “Ота-онангиз ҳаётдан ўтгандан кейин уларга яхшилик қилишни истасангиз, яқинларига, дўстларига яхшилик қилинг”, деган ҳадиси шарифни ўқиганимдагина дилим ёришгани рост. Шу боис меҳрибонларимнинг яқинлари, дўстлари, яшаган маҳаллалари, ишлаган иш жойларига дахлдор бирор муаммо-масала бўлса, баҳоли қудрат ечимиға ёрдам бергим келади. Булар – бурч мен учун. Раҳматли турмуш ўртоғимнинг отаси – қайнотамнинг ризоликлари учун ҳаракатда бўлиш бурч (яқинда, у кишини ҳам сўнгги йўлга кузатдик), фарзандларим олдидаги бурчларим бисёр. Устозларим В. Г. Милъева, А. Раззоқов каби бағрикенг инсонлар туфайли бугунги даражага эришдим. Энди уларга мос-муносиб тарзда шогирдлар тайёрлашим лозим. Бу ҳам – бурч.

Бироқ энг катта бурчим – мени шундай чиройли ўқитиб, касбкорли қилиб қўйган Ватаним – Элимга чин дилдан, самимий хизмат қилиш, сўзда эмас, амалда унинг корига ярашидир.

– Энг ҳазм қилолмайдиган, дилингизни оғритадиган нарса нима?

Одамларнинг раҳми келиб, “бечора”, деб қараашларини ҳазм қилолмайман. Шу боис умрим давомида ҳар қандай тақдир синовлари олдида эгилиб, букилиб қолмаслик учун қаттиқ курашиб – меҳнат қилиб яшадим.

### Сўнгсўз

Рахимахон Ёдгорова билан диловар суҳбатни давом эттирадиган бўлсак, ҳали жўяли фикрлар атрофида кўп дилдорлик илишимиз мумкин. Бироқ барчасининг хулоса – натижаси ўлароқ бир фикрни айтишимиз жоиз. Суҳбатдошимиз ихчам жуссасида катта бардошу ўта хотиржам, руҳида катта фидойиликни сиғдира-сингдира олган Юртнинг ибратли умр соҳибаларидан биридир.

Аслида ҳам шонир айтганидай, у  
“Насибаси бутун синглим,  
Дилдорликда танҳойим,  
Меҳнатлардан мурод топган  
Закода Моҳлар ойим.  
Эрлар билан улоқ сурса,  
Алплар доғда қолгандир.  
Ушоққина жуссасига  
Элин юкин олгайдир...”

Ана шу юк кўтарган елкалари асло толмасин унинг!

## САОДАТ

2005 йилда дори-дармон бўйича ўтказган рейдимизда биз Саодатни “кашф этдик”. Очиги, ўшанда Навоий шаҳридаги 9 та дорихонани ўргангандаги бўлсак, энг юқори “рейтинг”ни Саодат ишлаётган “Шифобахш” дорихонаси олди. 20 турдаги нархи чекланган дори-дармон савдоси бўйича ҳам, дорилар жойлаштирилишидаги тартиб, тозалик, нарх-навонинг ёзиг қўйилиши билан ҳам, сотувчининг муомала-маданиятию дориларнинг мувофиқлик сертификатлари ва тушган савдо пулининг касса аппаратида кирим қилиниши масаласида ҳам “Шифобахш”нинг олдига тушадигани бўлмади.

Шунингдек, “Фито-Фарм-Лек” фирмасининг тижорат бозори ҳудудидаги дорихонасида ҳам ана шундай қувонарли ҳолат. Айниқса, сотувчи Бахтиёр Холиқовнинг соҳа бўйича билимдонлиги ва харидор манфаатига хизмат қилувчи ўзига хос ёндашувлари бизда эътироф уйғотди.

Албатта, рейдимиз давомида дори-дармон савдосини фақат пул топиш манбаси деб ҳисоблаб, жараёнга ана шундай нигоҳ билан ёндашашётган “дорихона”чиларга ҳам дуч келдик.

Яқинда “Шифобахш” фирмаси раҳбари билан суҳбатлашиш мақсадида деҳқон бозори ҳудудидаги дорихонага кириб бордик. Тумов авж олган пайт эмасми, дорихона одамлар билан гавжум, раҳбар ва сотувчи Саодат Тўрақулованинг қўли-қўлига тегмас, ишдан бош кўтариб қарайдиган ҳолда эмасди.

Одам қанчалик кўп бўлмасин, Саодат жуда тартибли фолият юритарди. Харидорни тинглар, рецептни кўздан кечиргач, ҳатто ҳар қайси дори-дармоннинг қандай ишлатилиши бўйича ҳам тушунча берар, сотиб олинган дорилар учун харидорга, албатта, касса чеки тутқазарди.



Шу ерда бир жиҳат эътиборимизни тортди. Навбаҳорлик харидор буйраги шамоллаган 4 ёшли фарзанди учун рецептга кўра дори-дармон харид қилаётганди. Қоғозлар (УЗИ хулосаси ва рецепт)ни кўрган Саодат бир лаҳза ўйга толди. Кейин харидорга қараб савол берди:

– Боланинг “кал” (ахлат)ини текширирганимисиз?

– Йўқ, – деди дори олувчи йигит.

– Унда бу дорини олманг. Чунки лаборатория текшируви ва хулосасиз бола ичида қандай қурт борлигини ҳеч ким билмайди. Ҳар қайси қуртга бошқа-бошқа дорилар таъсир этади. Энг ёмони, бу ёзилган дори буйракка салбий таъсир кўрсатувчи хусусиятга эга. Боланинг аҳволини жиддийлаштириб қўйиш мумкин.

Саодатнинг ишонч билан айтган бу галидан кейин харидор йигит бу масалада шифокор берган бошқа тавсия хусусида тўхталиб, маслаҳат сўрашни лозим топди, шекилли, ундан яна сўради:

– Хамир содани сувга эритиб, шуни ичириб юборсаям, қуртни йўқотаркан, шундай қилсак, тўғрими?

Қаҳрамонимиз бош чайқади:

– Асло, ундей қила кўрманг. Хамир сода деганлари ҳеч қачон организмдан чиқиб кетмайди, у ерда чўкма ҳосил қиласди. Шу боис бу ҳам буйрак учун кони заар. Фақат эринмай, боланинг “кал”ини текширириш зарур.

Саодат ана шундан кейин қаерга, қандай ҳолатда текширириш бўйича ҳам ҳалиги кишига маслаҳатлар берди. Сўнг қайси турдаги қурт борлигига қараб, қайси дорилар қўлланиши бўйича ҳам тўхталди, дориларни номма-ном санади.

Шу ўринда вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи (собиқ) Б. Тешаевнинг қаҳрамонимиз ҳақида айтган гаплари ёдимизга тушди:

– Ҳозир икки тоифа тадбиркорлар фаолият юритаяпти. Биринчи тоифаси, масъулиятни ҳис қиласди, тўла қонунийлик асосида ишлайди. Иккинчи тоифадагилар кўзбўямачиликни қурол қилиб олган. Бойлик топиш учун ҳар не нобабкорликдан қайтмайди.

“Шифобахш” фирмаси дорихонасидаги савдо-сотиқ ишлари тўла қонунийлик асосида амалга ошаётганини такрор-такрор кузатдик. Опанинг жуда тартибли, билимли, аниқроги, зиёли аёллиги тан олинди. Унга текширувчи керак эмас, вижданни-иймони унинг текширувчисидир. Ҳозирда бундай фаолиятнинг мукофоти тарзида мазкур фирмани текширишлар рўйхатидан чиқарганмиз. Бугун бюджетга энг кўп маблағни ҳам ана шу фирма тушираяпти. Умуман, эътирофга арзийдиган фаолият.

Хуллас, шу куни ҳалиги йигит дори-дармонларини олиб кетаркан, дорихона соҳибасидан миннатдор бўлиб, шундай деди:

– Қанийди ҳамма ҳам ўз ишига Сиздай ёндашса, Сиздай вижданан ишласа!

\* \* \*

Саодат – кўҳна Кармананинг фарзанди. Азалдан шифокор бўлишни орзу қилган қиз 1977 йилда мактабни тутатиб, Самарқанд тиббиёт билим юртига ҳужжат топширади. Фақат ўзи истаган акушерлик бўлимига эмас, доришунослик бўлимига қабул қилинади. Чунки вилоятимизда мазкур соҳада мутахассисларга эҳтиёж бўлгани боис билим юртига талабнома фақат шу йўналишда тушган эдик, ўқув муассасаси раҳбарияти қабул пайти ана шу масалани биринчи режага қўяди.

Бироқ Саодат ўқиши даврида шу соҳани жуда яхши кўриб қолади. Меҳр билан астойдил ўқиб, билим юртини имтиёзли диплом билан тутатади. Ҳатто унда фармацевтика институтига ўқишга бориш нияти пайдо бўлади. Лекин ота ризосини ҳисобга олиб, ўқишга эмас, ишга киришга мажбур бўлади. Кармана марказий шифохонаси ичкарисидаги ёпиқ типли дорихонада дори тайёрловчи ассицент вазифасида иш бошлайди.

Токи 1992 йилгача соҳада ишлаб, Галина Хисомуддинова каби билимдон, бағрикенг соҳа ходимларидан кўп нарса ўрганади. Кичик ҳажмда дори тайёрлайдиган мазкур дори-

хонада, кейинчалик марказий дорихонага күчиб ўтган дори тайёрловчи гуруҳ таркибида ишлар экан, аввало ўз ишига меҳрини беради.

Оилали бўлганидан кейин ҳам соҳасидан узоқ кетмайди.

Мамлакатимизда хусусий фаолият юритиш учун имконият эшиклари очила бошлагач, қаҳрамонимиз ҳам турмуш ўртоғи Баҳриддин Тўрақулов билан келишиб, хусусий дорихона очиш мақсадида лицензия олади.

Мана, бугун “Шифобахш”нинг фаолият бошлаганига ҳам 10 йил тўлиди. Ҳозирда фирманинг бир ойлик товар айланмаси 5 миллион сўмдан ошайпти. Филиал дўконда қизи Азиза сотувчилик қиласди. Опанинг тартиби, муомала-одоби унда ҳам тўла маънода акс этган.

– Халқ талабини ўрганиб, шу асосда дори-дармонларни тайёр қилиб қўйиш лозим. Келган харидорга ҳамма дори-дармонни топиб бериш керак. Иш шу йўсинда ташкил қилинса, фақат ишончли фирмалар билан боғланиб, сифатлилиги кафолатланган дори-дармонлар савдоси йўлга қўйилса, эл-улус рози бўлса, савдонинг баракаси шунда бўлади, – дейди суҳбатимиз давомида қаҳрамонимиз. – Шу боис “МФС Сервис”, “Асклепий”, ООО “Навбаҳор” савдо, “Астера”, ООО “Лахисом”, “Нобелфармсаноат” каби фирма ва қўшима корхоналар билан ҳамкорлигимиз йўлга қўйилган.

Дастлабки йилларда ўзимиз бориб дори-дармон олиб келганимиз учун жуда қийналардик, ҳозир эса вазият бошқача. Юқоридаги ҳамкор firma ва корхоналаримиз дори-дармонни тўғридан-тўғри дорихонамизга, ҳамма ҳужжатлари билан бирга келтириб беришади. Фақат уларнинг ҳисоб рақамларига вақтида пул тушириб бериб турсак, бўлгани.

Саодат яна бир нарсага алоҳида урғу бериб гапирди:

– Дори-дармон савдоси латта-буюм савдоси эмас, инсоннинг ҳаётига даҳлдор. Шу боис биз олиб келган, сотган дори-дармондан эл-улус шифо топишидан умидвормиз. Бемор шифо топсагина, биз барака топамиз.

Ха, ана шундай ўз ишига инсоф билан ёндашадиган Саодат Тўрақуловалар хонадони бугун энг файзли хонадонлардан биридир.

Фарзандлари Фазлиддин ва Ферузалар ҳуқуқшунослик касбини танлашган.

Қаҳрамонимиз буларнинг барчасига “Чинор” фирмаси раҳбари – турмуш ўртоғи Баҳриддин Тўрақулов билан бирга эришганидан фахрланади.

Аслида, бизнинг “Шифобахш”нинг Саодати, Саодатнинг “Шифобахш” и ҳақида ёзишимизга сабаб бўлган жиҳат унинг маънавияти, миллатимизнинг баркамол фарзандларига хос фазилатлари асос бўлган бўлса, ажабмас.

## “ЧОРТОҚ” БОЛАЖОНЛАРИ

Наманган вилояти Чорток туманидаги “Чорток” болалар сиҳатгоҳида 30 йиллаб сабаби сил бўлмаган бўғимбод касалликлари, асоратланган сурункали тонзиллитлар, энурез, ҳаракат-таянч аъзолари касалликлари (сурункали остеамиелит, остеохандропатия, пертес касаллиги, яssi ва қингир оёқлилий; асаб тизими касалликлари – болалар марказий фалажи, полиомиелит асорати, плексит, неврит; псориаз, қичима, кератоз, ихтиоз кабилар) билан оғриган 3-15 ёшли болаларни даволаш ишлари қизғин олиб борилган.

Орада факат 2 йил атрофида муддатда беморлар келиши камайган.

2000 йилдан бошлаб яна сиҳатгоҳга келадиган болалар сони ортиб, ҳозирги пайтда ҳар ойда 3600 нафар атрофида bemor бола соғайтирилмоқда.

Уч ой ёзда бу контингент янада ортиб, ҳар ойда дам олиб, даволанувчи болалар сони 4000 нафардан ҳам зиёдни ташкил этади. 2000 йил 20 февралдан “Сиҳатгоҳ” бош шифокори бўлиб ишлаб келаётган Валижон Тожибоев билан айни



шу шифо маскани фаолияти хусусида суҳбатлашар эканмиз, мавзумиз мақсади бемор болалар учун бу даргоҳда яратилган шарт-шароитларга қаратилганди.

– “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури”га кўра сиҳатгоҳларда, касалхоналарда даволанаётган беморларнинг овқатлари туллик бўлгани ҳолда ҳукуматимиз қўшимча қарор чиқариб, болалар учун бу муаммони бартараф этди. Яъни 2000 йил 5 сентябрдан эътиборан бундай муассасаларда даволанаётган болаларнинг овқатлари бепул қилинди. Жумладан, “Чортоқ” болалар сиҳатгоҳида ҳам.

Бироқ, энг муҳими, илгарилари мазкур сиҳатгоҳда республикамизнинг барча ҳудудларидан даволаниш учун бемор болалар келар эдилар.

– Ҳозир эса...

– Биласизми, ҳозирги пайтда сиҳатгоҳ Наманган вилоят ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидан бўлиб, вилоят бюджетидан молиялаштирилади. Даволанаётган болалар ҳам асосан Фарғона водийсидан, кўпроғи вилоятимиздан келаётган бемор болалардир. Олдинги даврдагидай, республика бўйича бола қабул қилиш учун сиҳатгоҳни тубдан таъмирлаш, ички шароиту иқтисодий имкониятни янада яхшилаш лозим.

– Кечирасиз, болаларнинг ўйнаб-ўқиб, дам олиб, даволанишлари учун имкон-шароитлар эътироф этгудай ҳатто. Биргина, оғриқ қолдирувчи юқори кучланишли ток билан ишловчи “микровелле” жиҳози ҳамма ерда ҳам йўқ.

– Дарҳақиқат, сиҳатгоҳда бола соғлигини тиклаши учун 1 ой давомида даволаниб ҳаёт кечиради.

Тўғри, изчил муолажалар баробарида кўникиш учун ажратилган бўш вақтлар ҳам кўзда тутилган. Шу боис 300 ўринга мўлжалланган мактабимиз ҳам мавжуд бўлиб, у ерда даволанаётган ўқувчиларга Давлат таълим стандартлари асосида билим берилади.

Мактаб 2000 йилда қайта реконструкция қилинган, янги жиҳозлар билан таъминланган, фан кабинетлари ташкил қилинган.

Даволанувчилар ўзлари билан ўқув қуроллари ва китобларни олиб келадилар. Бундан ташқари, нутқида нуқсони бор ўқувчилар логопедда даволанади.

Бүш вақтларини күнгилли ўтказишлари учун бемор болаларга бириктирилган тарбиячилар, бошқа мұтасадди хизматчилар түрли күнгилочар табдирлар уюштиришга зытийбор қараташади. Ҳам соғлигига фойдалы, ҳам ўйнаб-яйрайдиган арғымчоғы ўйинчоқли майдончамиз мавжуд.

Энг муҳими, ҳали айтганимиздай, “Софлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси орқали Япония гранти асосида Германиянинг “Немектрон” фирмасидан 69020 АҚШ доллары қийматига эга 8 хил замонавий физиотерапевтик аппарат олинди. Бу аппаратлар яхши оғынқ қолдирувчи, мускулларни стимулловчы хусусиятларга эга. Уларни қўллаш натижасида даволаш ишларининг самарадорлиги ортди.

Ҳозирда, умуман олганда, сиҳатгоҳда 30 дона физиотерапевтик аппарат мавжуд.

– Физиотерапевтик муолажалардан ташқари бошқа ҳам асосий даволаш воситалари мавжуд бўлса керак?

– Албатта, юқоридаги воситалардан ташқари, парафин қўйиш, массаж, игна қўйиш, даволаш физкультураси, минерал сувли ванналар ёрдамида даволаш ишлари амалга оширилади.

– Бироқ давоталаб кўпчиликни Чортокқа етаклаб келадиган нарса унинг шифобахш маъданларга бой суви бўлса керак. Демоқчиманки, мазкур сувнинг таркиби тўғрисида ҳам тушунча берсангиз.

– Шифобахш сувимизнинг 1 литрида 54 мг.натрий, 54 мг.калий, 28 мг.кальций, 98 мг.хлор, 0,020 мг.йод, 0029 мг.бром, оз миқдорда радон ва азот мавжуд. Ҳарорати 48-54 °C бўлиб, энг юқори минераллашган намакоб саналади ва юқорида тилга олганимиз касалликларни даволашда жуда яхши натижа беради.

– Кечирасиз, даволаш ҳақида сўз бораркан, бир нарсани билгим келаяпти. Юқорида кўплаб касалликлар қаторида асаб тизими касалликлари болалар марказий фалажи каби

**оғир дард шифоси хусусида ҳам гапириб ўтдингиз. Чини билан сиҳатгоҳда бундай беморларни олиб юрган оналарга дуч келдим. Албатта, улар-да шифо топишса, жуда катта имконият бу...**

— Биласизми, бундай касаллик билан оғриган болаларнинг бутунлай тузалиб кетишлари қийин. Бироқ сиҳатгоҳимизга изчил — уч йиллаб келаётган, мутлақо тўшакдаги bemорларимиз лоақал кўл-оёқ ҳаракатини тиклаб, 20 қадамлаб юраётганлари, қўлида ниманидир тутаётганлари бор. Бу уларни келажакда ўсиб-етилгани сари улғайиб бораверадиган мутлақ қарамликдан қутқаради. Лоақал овқатларини ўзлари ейиш, ҳожатга ўзлари бора олиш имконига эга бўладилар.

— **Бугун сиҳатгоҳ маъмуриятини ўйлантирадиган муаммолар ҳам бўлса керак, албатта?**

— Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бевосита ғамхўрлиги билан “Соғлом авлод йили”да республика “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси ва республика касаба уюшма Федерациялар кенгаши сиҳатгоҳимизга ҳомий этиб тайинланди. Шундан кейин 100 миллион сўм маблағ ажратилиб, сиҳатгоҳни реконструкция қилиш учун озу кўп имкон яралди. Натижада, мактаб, ванна бўлими ва маъмурият биноси тўла таъмирланди. Мактаб ҳамда ванна бўлими учун қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар олинди.

Юқоридаги бинолар ҳамда 2 та ревматология бўлими-мизнинг томлари шиферланди.

“Меҳр ва муруват йили”да қабулхона биноси таъмирланган бўлса, оқава сув тизими янгидан қурилиб, марказий канализацияга уланди, ободончилик ишлари амалга оширилди.

“Сиҳат-саломатлик йили”да сиҳатгоҳнинг юмшоқ жиҳозлар билан таъминоти яхшиланди. Ва ҳоказо.

Бироқ ҳали таъмирталаб биноларимиз кўп. Айтайлик, физиотерапия ва бошқа даволаш машғулотлари амалга ошириладиган бино, ошхона ва сиҳатгоҳни кенгайтириш учун қайта қурила бошлангану тўхтаб қолган 4 қаватли бино таъмири учун ёндашибимиз лозим.

– Мәйлүмки, сиқатгоҳда болалар мұтлақо бепул, бекаржат, бюджет маблағи ҳисобига даволанадилар. Лекин бу борада ҳам қандайдир муаммоли масалалар ҳам бордай...

– Тұгри, болаларнинг овқатлари тури сифатини янада яхшилаш учун ажратилаётган маблағ танқислиги сезилиб қолади. Лекин бу борада биз қараб турганимиз йүқ. Ердам-чи хұжалигимиздан чиқадиган мева ва полиз маҳсулотларiga суюниб, ақволни бир қадар яхшилаяпмиз. Шу йилнинг ўзида бу хұжаликдан болалар ошхонасига 976 килограмм ўрик, 80 килограмм олма, 57 килограмм смородина ва бошқа мева-маҳсулотлар етказиб берилди.

Богимизга эса ўтган йилда ходимларимизнинг кучи билан яна 200 туп хурмо дарахти экилди. Жорий йилда ҳам 2000 тұпдан ортиқ терак, 200 дан ортиқ мевали дарахт нидоллари күкартиродик.

Келажакда булар ҳам даволанаётган болалар дастурхонини обод қиласынан маблағу мевасини беради.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Мазкур сиқатгоҳда даволанадиган касалликлар билан оғриган бемор болалар мамлакатимизнинг барча вилоятларыда ҳам бор. Демакки, “Чортөқ”нинг шифобаҳаш сувидан бошлаб барча зәтироғли даво-муолажалари улар учун ҳам даркор.

Ана шуни назарда тутган қолда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар ушбу муаммонинг ечими хусусида ўйлаб күрсалар, мақсадға мувофиқ иш бўларди.

## “ЯШАРИБ” БОРАЁТГАН КАСАЛЛИК...

### “Жарроҳ тифи шарт”...ми?

Бугун ёшлар ва катталар орасида остеохандроз ва диск чурраси билан оғриётгандар кўплаб учрамоқда. Бу дарднинг даво йўли борасида ҳам баҳсли фикрлар учрайди. Бирор жарроҳлик йўли билан, бирор тифсиз даволаш – муолажалар асосида оёққа турганини айтиб, дард хуружида азоб чекаётган bemorغا маслаҳат беради.

Бироқ жарроҳ тифи мазкур дардга ҳамиша ҳам шифо бераётгани йўқ. Аксинча, “операция қилишганига фалон ой бўлди, бугун ҳам оғриқнинг ичидан, аранг оёқ босаман”, деган гапларни бот-бот эшиштамиз. Ёки “операциядан кейин бирон – икки йил яхши юрди. Ҳозир кўтара азобнинг ичиди, тўшакда ётибди”, деган маълумотни эшишиб ҳам яна бир bemornинг ҳолатидан хабар топамиз.

Ана шундай пайтда вилоятимиздаги таниқли шифокор-травматолог-ортопед А. Сайфиевнинг мазкур касаллик хусусида айтган ушбу гапи ёдимизга келади.

“Бу касаллик билан оғриган bemor учун операцияга ҳамиша имкон бор. Шу боис унга шошилмаслик керак. Тўғри, оғриқ кучли бўлади, bemor тезгина ундан қутулишни истай-



ди. Барибир, биринчи галда тифсиз даволаш йўлларини кўриши зарур. Қачонки бу йўллар бутунлай даво бермай қўйса, шундан кейингина, тегишли белгиларини ҳисобга олиб, “операция”га борса, бемор кейинги надоматга қолмайди, афсусланмайди”.

Хўш, шифокор айтган бу белгилар қандай белгилар экан?

Бугун диск грижа (чурра)си билан оғриган беморга энг жўяли маслаҳат тарзида нималар дейиш мумкин?

Элда “чумчуқниам қассоб сўйсин”, деган ҳикматли гап бор. Хуллас, юқоридаги саволлар баробарида мазкур қасаллик билан алоқадор бошқа-бошқа масалалар юзасидан тушунча олиш мақсадида 1983 йилдан бери ушбу соҳада изчил фаолият юритиб келаётган, остеохандроз ва диск чурраси касаллигини тифсиз даволаш бўйича катта билим ва амалий тажрибага эга бўлган, таниқли травматолог-ортопед, Республикада хизмат кўрсатган шифокор, бухоролик ҳаким Раҳматулло Тўраев билан мулоқот уюштиришни лозим топдик.

Қўйида ушбу суҳбатимизнинг муҳтасар баёнини келтирамиз.

– Раҳматулло Фузайлович, келинг, савол-жавобимизни “ибтидо”дан бошлай қолайлик. Остеохандроз ва диск чурраси касаллигини тифсиз даволаш бўйича амалий ҳаракатни биринчи бўлиб мамлакатимизга олиб кирган, украиннелик халқ табиби Касъян услубидаги монуал массаж (уқалаш) йўли билан беморларни даволаб, кўпнинг ишончини қозонган шифокорсиз. Бугун ҳам ўша – касъянча даво муолажаларига суюнасизми ёки даво услубингизда бошқа янгиликларни ҳам кирифтанимисиз?

– Касъян услуби умуртқа поғонасида сурилиш бўлганда қўл келиб, беморни бутунлай соғайиб кетишини таъминлайди. (У бирор дори-дармон муолажасини қўлламасди.)

Даставвал мен ҳам фақат монуал массажнинг ўзи билан иш олиб бориб кўрганман. Бунда фақат 2-3 фойз бемор тузалиб кетар эди, холос.

Кейин тиббиётдаги чуқур изланишлар, илмий текширишлар, фан ва амалиётга кириб келган янгиликлар шуни

күрсатдикі, бел оғриғи фақат диск чурраси туфайли содир бўлмайди. Д. Дистрологик ўзгаришлар, спандилёз, орқа мияда қон айланишининг бузилиши, нерв толалар шишиши ва ҳоказолар бу оғриққа сабаб бўлади.

Айни пайтда диск чурраси ҳам йиллар давомида пайдо бўлиб, умуртқа поғонаси ичида жойлашган орқа мия ва ундан чиқадиган ҳаракатлантирувчи ҳамда сезувчи нерв толаларида жуда кўп патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Демак, биргина монуал массаж билан бу касалликни самарали даволаб бўлмайди. Шу боис бемор даволанишдан олдин унинг умуртқа поғонасини, касалланган сегментларни синчиклаб текширишимиз (кўл билан кўриш, рентген қилдириш, к.т. М.Р.Т. ҳамда невропатологик кўрик) натижасига суюниб, bemorni даволаш режасини тузишимиз лозим. Шундан сўнг медикаментоз, компьютер аппаратурада тортиш-дистракция, массаж, монуал терапея, физиотерапия, корсет кийдириш каби муолажа турларидан фойдаланамизки, бундай илмийликни амалиётда қўллаш bemorni тезда оёққа турғазади ва турли асоратлардан ҳам сақлаб қолади.

**МУХБИР ШАРҲИ:** Суҳбатдошимиз, ҳали айтганимиздай, фаолиятининг бошланғич давридан то бугунгача кўп ўқиди, изланди. Киевда, Запорожецда, Болтиқбўйида, Польшада бўлиб, малакасини оширди, тажриба алмашди.

1996 йилда АҚШнинг “Хиро-практик-монуалист” гуруҳи шифокорлари таклифи билан Нью Мексико штати Албукери шаҳрида 1,5 ой тажриба алмашишда ҳам бўлиб қайтди.

Ана шу сафар давомида ўзининг монуал усул билан муолажа қилиш қобилиятини дунё миқёсида синовдан ўтказиб, ўзига ишончи ортди. Шу асно умуртқа поғонаси касалларини даволашга хизмат қиласидиган клиника очиш нияти тугилди.

Р. Тўраев шундан кейин ўзи хизмат қиласидиган ХБКнинг тиббий-санитария қисми жойлашган ҳудудда диагностика ва замонавий даволаш ишлари йўлга қўйилган клиника очди.

– Клиникангизда айни кунда остеохандроз ва диск грижаси касаллигини тифсиз даволаш учун тиббий жиҳоз ва

шарт-шароитлар етарлыми? Шу хусусда ҳам гаплашсак, дегандим.

— Ҳа, умуртқани чўзадиган маҳсус замонавий “компьютер-кроват”, турли вибромассажёрлар, физиотерапия муолажаси ўтказувчи аппаратура мавжуд. Монуал массаж билан ўзим ва ҳозирда ўғлим курси музолажаси ўтказамиш.

Бўлимда эса, юқорида айтганимдай, дори-дармонлар ёрдамида комплекс даво курсини ҳам тўлиқ олиб боришини йўлга қўйганмиз.

— Хабарим бор, клиникангида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан даволаниш учун bemorlar келади. Яқинда “травматология бўлими ҳамиша шифохона бўлимлари орасида пуллик хизмат кўrsatiшда энг юқори натижага эришиб, шифохона фондига катта маблағ тушириб келаётпти”, деган эътирофни ҳам эшитдим. Бундай самарадорликка эришиш учун замонавий реклама хизматидан фойдалансангиз керак?

— Тушунишимча, оммавий ахборот воситалари, аниқроғи, телевидение орқали қилинадиган реклама чиқишлиари ни назарда тутаяпсиз. Йўқ, бу нарсага ҳозирча эҳтиёж сезганим йўқ. Шифо топаётганлар орқали бири иккинчисидан эшитиб, bemorlar топиб келишаяпти.

— Сиз нима дейсиз, рекламага ишониш керакми? (Чунки бу борада кўп ҳолларда алдов-ёлғонлар ҳам аралашиб кетаётгандай-да!)

— Бу борада ундаи ёки бундай, деб узил-кесил хulosса чиқариш фикридан йироқман. Бизнинг соҳамизга келсак, хусусий шифохоналар очиб, иш ташкил қилаётганлар – ишончили ва нуфузли мутахассислар хulosасига кўра лицензия олишади.

Шифокорлар фаолияти тўғрисида гапирадиган бўлсак, муҳқим бир нуқтада туриб ишлагани ҳолда уни излаб келаётганлар сони ортиб бораверса, рекламага ўрин қолмайди. Бундай шифокорларга ишонганлар ҳам адашмайлilar. Шу боис у юртдан бу юртга кўчиб юрадиганларидан эҳтиёт бўлни лозим. Хуллас, яхши, ишончли табибини одамлар кўп ўтмай ажратиб олади, демоқчиман. Бироқ бугун энди иш бошиёт-

ғанлар реклама күрсатувлари билан чиқиши, уларни түғри қабул қилиш кеарк.

– Раҳматулло Фузайлович, мавзумизда ўқувчини күпроқ қизиқтирадиган яна бир савол бор: мазкур касалликни тифсиз узоқ даволагандан кўра тезгина “операция қилиб”, қутулиб қўя қолган осон ва қулай эмасми?

– Биласизми, чинданам бугун ҳаётимизда бундай даво чораси жуда оммалашиб кетди. Бироқ мен ҳар бир учраган bemorغا буни тавсия этмайман. Сабаби, бугун шундай касаллар билан бевосита ишлайдиган шифокор сифатида мен операциядан кейин қайта тўшакка ётиб қолиб, ёрдам сўраб келаётган bemorларга кўплаб дуч келаяпман. Уларнинг афсус-надоматларини эшитаяпман. Аслида, бу bemorларни тифсиз ҳам даволаш мумкин эди, аҳволлари ҳозиргидан минг чандон яхшироқ бўларди балки...

– Демак, мазкур касаллик бўйича жарроҳлик муолажасига қаршиисиз?

– Йўқ. Лекин юқорида айтганимдай, оммалашиб кетаёттанига қаршиман. Аслида, bemorda фақат З та белги тўла намоён бўлганда, операция қилиш шарт ҳисобланади. Биринчиси, оғриқли оёқнинг панжалари ва товони ҳаракатланмай қолади; иккинчиси, bemor пешоб (сийдик) чиқиши қийинлашганидан азият чекади ёки уни ушлай олмай қийналади; учинчиси, ойлаб олиб борилган муолажалар умуман фойда бермайди. Ана шундагина операция тадбири қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

– Нега бунчалик операцияга қаршилик кўрсатаётганингизнинг бошқа асосли сабаблари ҳам бўлса керак, албаттa?

– Ҳали айтганимдай, бўлимимизда кўплаб операциядан чиқсан bemorлар кучли оғриқ билан, даво истаб келади. Бироқ энди уларга мен ҳарна уринмай, операция бўлмаган bemorга қиласидиган муолажа турларидан тўла фойдалана олмайман, қилингандарининг ҳам самараси ҳаминқадар бўлади. Чунки операция жараёнида умуртқа дисклари орасида чандиқлар қолади. Бу чандиқлар умуртқа каналини яхшигина торайтириб, нерв толалар сиқилишига етарлича сабабкор бўла олади. Бу чандиқ берган оғриқни эса асло бартараф этиб бўлмайди.

– Дарвоқе, айни шу касаллик ва унинг даво йўллари бўйича Сиз ўтган йили Олмонияда бўлиб, тажриба алмашиб келгансиз. Бу борада у ердан олган таассуротларингиз қандай?

– Дарҳақиқат, ўтган йили олмониялик бир гуруҳ шифокорлар клиникамиз фаолияти билан қизиқиб, ташриф буюрганди. Улар ишимиздаги традицион ва нотрадицион даволаш амалларини кўриб, орадан икки ойлар ўтгач, бизни юртларига таклиф этишиди.

Шу туфайли 2005 йил июл ойида Бонн шаҳрига ёндош Дюрен шаҳрининг 1000 ўринли “Кренканхаус-Augustinus” клиникасида бўлдик. (Турмуш ўртоғим - клиникамиз “терапевт-эходиагност” мутахассиси Ш. Худдиева билан бирга.) Шифохона энг охирга тиббий техника-ускуналари билан жиҳозланган экан. Мени бу ерда қизиқтирган энг асосий тибиёт муаммоларидан бири – ёшлар ва катталарда бугунги кунда кўплаб учраётган касаллик – таянч-ҳаракат органлари – бўғимларда учрайдиган «дегенератив-дистрофик» (озиқланишининг бузилиши) хасталиклари, айнича, артроз касаллигини даволашнинг замонавий усулларини ўрганиш эди. Шунингдек, остеохандроз касаллиги туфайли келиб чиқадиган “диск грижаси”ни замонавий усуллар билан даволаш сирларига ҳам қизиқдим. Умуртқа поғонаси касалликларини замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб-ташхис қўйишниям ўзлаштиришга ҳаракат қилдим.

Шуни айтиш керакки, немис шифокорларининг кўп йиллик илмий ва амалий ишлари – тажрибалари натижаси ўла-роқ, улар ҳам айни пайтда “диск грижаси”ни асосан тифсиз-консерватив усулда даволашар экан.

Фақат З фоиз беморда, юқорида айтганимиз сабаблар билан (бошқа даво йўли қолмаган ҳолда) жарроҳлик асосида даволаш ишлари олиб бориларкан. Биз бундай кам ҳажмда операция қилишлари сабабини сўраганимизда, улар бизни вертебрология (умуртқа поғонаси касалликлари) бўлимига олиб боришлиди. Бу бўлимда асосан остеохандроз касали билан оғриб, диск грижаси туфайли 3-4 йил олдин операция қилингандар даволанишаркан.

Немис шифокорларининг таъкидлашларича ҳам операциядан кейин пайдо бўлган ички чандиқлар беморни грижа оғриғидан-да кўпроқ азобга қўяркан. Шу боис бундай беморлар тез-тез шифохонага даволаниш учун келишар экан.

**МУХБИР ШАРҲИ:** Суҳбатдошимиз олмониялик ҳам-касларидан ўрганиш баробарида диск чуррасини даволашда қўллаб келаётган нотрадицион метод-монуал массажини уларга намойиш ҳам қилди. 13 кун давомида кўплаб беморларни мазкур усул билан чиройли даволади ва атрофидагиларга қизиқиш ҳам уйғотишга муваффақ бўлди. Шу боис ҳам олмониялик журналистлар билан матбуот анжумани ўтказилди ҳамда нашрларда ўзбек шифокорининг суврати билан бирга мазкур мавзудаги сўзи ҳам чоп этилди. Айни шу ташрифдан Р. Тўраев ва Ш. Худдиевалар ўз мутахассисликлари бўйича «германия сертификати»ни олиб қайтиши.

Бироқ суҳбатдошимиз бу сафардан яна бир эътирофли неъмат билан қайтиди. Украина мамлакатига кириб ўтаётганида 250 долларга “Ортопедическая неврология” номли китобни ҳам сотиб олди.

– Жаҳон олимларининг билим ва тажрибалари жамланган бу китобни ўқиганим сари юрган йўлимда учраган кишилар ҳолатига, юриш-туришига қараб, умуртқаларида қандай камчилик-дард-нуқсон борлигини таҳлил қилаяпман, – дейди қаҳрамонимиз бу қўлланмани олганидан хурсандчилигини яширмай.

– Раҳматулло Фузайлович, травматолог-ортопед сифатида “тиғ”ни ҳам анои ишлатмайсиз Шу боис, бўлимда операциянгиз учун ҳам навбат кутиб турган беморлар бисёр. Қай бир дардига тўғри ташхис эшлишини истаб, останангизда пойлаб ўтирганлар ҳам канда бўлмайди ясло. Бироқ барибир кўпчилик Сизни монуал массаж устаси сифатида таниб-тан олади.

Демоқчимизки, ана шу массаж усули хусусида тўхвалиб ўтсангиз.

– Диск грижасини даволашдаги энг зарур муолажалардан бири – бу монуал массаждир. Дискини компьютерда тек-

шириб, түғри ташхис қўйиб олгач, умуртқа ҳолатини ҳисобга олиб – ҳар бир кишида ҳар хил тарзда, йўналишда бу тадбир амалга оширилади. Бу ўзига хос массаж умуртқа ҳолатини яхшилашга хизмат қиласди. Бироқ тўла, самарали даво учун бу ўқалашни комплекс муолажа ичидаги олиб бориш даркор.

– Остеохондроз ва диск грижаларини даволашда шифобахш сувлар муолажаси ҳам ёрдам берадими?

– Умуртқани сув остида чўзиш муолажаси билан бирга сув таркибидаги шифобахш элементлар бу касалликлар давосида яхши фойда беради. Бироқ бу борада энг фойдали муолажа чилла суви муолажасидир. Чилла суви даври 20 июндан 20 августгacha давом этиб, организмда ҳам, сувда ҳам мусбат зарядлар кўпаяди. Шу боис организм сувдан шифобахш минералларнигина олади, холос.

– Яқин қуиларда олиб бораётган ишларингиз, режаларингиз тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

– Биласизми, яқинда бир отахон неварасини олиб келди. Унда онкологик шишнинг хавфли бўлмаган тури мавжуд экан. Лекин вақт бой берилса, шиш операция билан тезда олиб ташланмаса, аҳвол хавфли томонга ўзгариши эҳтимоли бор.

Қария кекса фельдшер бўлиб, вақтида элга кўп ва холис хизмат қилган, бироқ бугун иқтисодий аҳволлари анча муракаблиги кўриниб турарди.

Уларга чин дилдан ёрдам бергим келди ва шундай дедим:

– Сиз бизнинг устозимизсиз. Кечаги кунда бизга, эл а хизмат қилгансиз. Бугун мен бир издош-шогирд сифатида Сизнинг шу хизматларингиздан лоақал мисқолини қайтаришга бурчорман. Ҳеч қандай тўлов-харажат қилмайсиз. Мен хизматимни шундай қиласман. Бўлимда ётиш ва дори-дармон харажатини ҳам амаллаймиз. Энг муҳими, болакайни шу дард асоратидан тезроқ қутқаришимиз керак...

Очиғи, ўша тобда қариянинг кўзидан қувонч ўшлари тирқираб чиқди. Менинг ҳам кўнглім ана шу шодумонлик селобидан баҳра олди. Минг шукур, бола операциядан кейин кун

сайин яхшиланаяпти. Инсонларга яхшилик улашишдан ортиқ баҳт бўлмаса керак. Аслида, ана шундай хайриҳоҳлик билан тула холис хизматни кўпчиликка қилишни истайман.

Шу аснода айтмоқчиманки, беморларимиз кўпайгани сари клиникамиз торлик қиласяпти. Кредит олиб, уни кенгайтиришни, яна янги замонавий асбоб-ускуналар олишни режалаштирганман. Шундан кейин, албатта, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга имтиёзли даволаш ишларини йўлга қўймоқчиман.

– Шифокор учун энг муҳим фазилат...

– Кези келса, сабр-қаноатга қаттиқ суюниш, беморни эшита билиш, унинг юрагига йўл топиш, ҳар бир bemorга ўз кишисидай зътиборли бўлиб, мәҳр-шафқат билан қараш фазилатлари бўлиши шарт, деб ҳисоблайман.

**МУХБИР ШАРҲИ:** Президентимиз 2005 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишинган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида 2006 йилни “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қиларкан, жумладан, шифокорлар хизмат-фаолияти хусусида тўхталиб, шундай деганди: “Кундалик ҳаётимизда, барчамизнинг соғ-саломат бўлиб юришимизда ... ўз касбига садоқатли, профессионал тиббиёт ходимларининг ўрни ва хизмати беқиёс эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз”.

Чинданам, сұхбатдошимиз Р. Тўраев Президентимиз айтганидай, ўз касбига садоқатини бор сўзу амалида намоён қилган шифокордир.

“99 фоиз шифокор борки, қўл остидаги бемори тузалишини истаб минг бир имконни ишга солади. Агар даволаётган беморининг аҳволи жиддийлашса борми, ороми-тинчлигини йўқотади. Яқин кишисини қизғангандай қизғаниб, у билан баробар “дард тортишади”.

Бу унинг гап мавридидаги айтган сўzlари.

Дарҳақиқат, унинг бу фикрига далил сифатида бир воқеани эслаб ўтишни лозим топдик. Тун ярмида эрта-индин операцияга олинниши лозим бўлган беморнинг аҳволи оғирлашади. Ёнида ётган ўғил бетоқат бўлиб, навбатчи врач ва ҳамшираларга мурожаат қиласяпти.

Худди шу пайт эса ҳеч кутылмаганда Р. Тўраев бўлимга кириб келади. Тонггача муолажаларнинг бошида ўзи туради.

“Ногаҳон уйқум ўчиб, кўнглим бетоқат бўлаверди. Хавотиримга эргашиб, йўлга тушганимдан кейин уйга телефон қилишибди. (Тун палласи бўлгани учун қўл телефоним ўчирилган эди). Бу орада эса мен атрофдагиларни ҳайратда қолдириб, бўлимга кириб келдим ва юқоридаги аҳволнинг устидан чиқдим”, – дейди шифокор воқеа хусусида гапириб.

### Сўнгсўз

Биз ушбу мақолани чоп этиб, ўқувчиларга етказишни ҳам юртимиз аҳлига қилинадиган бир ҳомийлик, деб ҳисобладик. Чунки дардига малҳам топишни билмай, икки ўт орасида қолган қай бир бемор юртдошимиз, унинг атрофидаги кишилар ёзганларимизни ўқигач, албатта, тўғри ва ишончли йўлни топиб оладилар, деган умиддамиз.

## Сизда гаппим бор

Келин—болам, онам-қизим! Мен Сизни ёнимга ўтқазиб қўйиб, сўз айтишга бурчдорман бугун.

Боламнинг боласи, жоним-қизим, сенинг олдингда ҳам ана шу улуғ бурчдорлигимни ҳис қиласа пман ҳозир. Чунки Сизлар бугун чинакамига бир оиланинг бекаси, суюкли жуфт бўлиб, бўлажак она сифатида жуда катта орзу-умидлар билан мустақил ҳаёт бошида турган, чеҳраларингиздай чиройли ниятли беғубор, покдомон Инсон-сизлар!

Азизларим-суюклиларим, оиладай муқаддас гўшанинг том маънода соғлом бўлиб, бардавом яшаши том маънода шу хонадоннинг бекаси бўлмиш аёлга боғлиқ. Унинг маънавий баркамоллиги баробарида жисмоний соғ-саломатлигига дахлдор.

Мен нега бу гапларни айтаяпман? Асалларим, фикрларимни астойдил, эътибор билан эшитинглар. Тўғри, Сизлар то бутунгача ҳар қайсингизда бир йигитнинг кучу қуввати бўлган, бағоят соғлом, суқсурдай дуркун қизлар эдингизлар.

Бироқ Сиз оила қурдингиз, жуфтлик ҳаётингиз бошланди. Умрингизнинг давомчилари бўлгулик соғлом насл қолдириш мавсуми ҳам бошланди шу пайтдан эътиборан.

Хуллас, ҳомиладорсиз, ҳадемай, она бўласиз. Шу асно масъуллигингиз минг чандон ортмоқда Сизнинг.

Аввало “кўзи билан севадиган” жуфтингизга аввалги-аввалгида жозибадор, мафтункор кўринишингиз, суюкли бўлишингиз лозим. Бусиз кўчада “бировнинг эри”га “тўр ташлаб юрадиган” ҳамжинсларингиз етарли. Улар истаган пайтда оила қўргонингизга дарз етказиши мумкин.

Кейин юрагингиз остида юраги ураётган туғилажак зурриёдингизнинг соғлиги, умри, баҳт-саодати, баркамол инсонлиги учун-да бугундан бошлаб жуда масъулсиз.



Healthy Food  
Selection Manufacturers

Азизларим, қароғларингизда пайдо бўлган савол аломатидан бир нарсани уқдим ҳозир. “Бунинг учун нима қилишимиз зарур?” деб ўйга тушаяпсизлар.

Очиғи, бу саволга мен ҳам то куни кечада Навоий шаҳрида бўлиб ўтган тадбиргача палағда жавоблар беришим мумкин эди. Бу тадбир эса менга жуда катта билимлар калитини берди. Сизлар, қаторингизда барча тенгдошларингиз, болалар, ўсмирлар, ҳатто катта ёшли кишилар учун ҳам бу борада етказиб бериладиган билимлар захирасига эгаман бугун.

Онажон-қизларим, лекин биринчи галда бор тавсия-маслаҳатларимни Сизларга айтмоқликни лозим топдим. Бойси, Сизлар мавзунинг шундай нуқтасида турибсизларки, бу борадаги билимларни “эгаллаш”ингиз ва ҳаётга татбиқ этиб, амалиётга олиб киришингиз зарур. Бу ўзингиздан бошлаб бутун оиласга шу асно бутун жамиятга, энг асосийси, келажагимизга ўз таъсирини кўрсатади.

Асал қизларим, тадбирда телевидение, радио ва газета-журналларда жуда кўплаб чиқишилар бўлаётган – унни фортификация қилиш (бойитиш) сабаблари, тузнинг йодланганини ва унинг аҳамияти масалалари бўйича сўз борди.

Бироқ мамлакат миёсисидаги йирик мутахассисларнинг илмийликни ҳаётга боғлаб, дилдан қилган тушунтиришлари жонли ва фойдали эдикӣ, шуларни шундоққина “кўчириб”, Сизларга тутқазишни лозим топаяпман ҳозир.

### **Витаминлар ва темир ҳақида**

**Дилором СУЛАЙМОНОВА – Республика Гематологияя ва қон қўйиш илмий-тадқиқот институти Анемия марказининг директори:**

– Агар инсон етарли миқдорда озиқ моддалари ва маъданларга эга бўлмаса, бу, албатта, унинг саломатлигига, кайфияти ва яқинлари билан муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади.

Эҳтимол, сиз анемия касаллиги ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Анемия ёки бощқача айтганда, камқонлик, инсон

организмидаги темир моддасининг танқислиги туфайли юзага келадиган касалликдир. Болаларда, ҳомиладор ва туғиши ёшидаги аёлларда темирга бўлган эҳтиёж эркакларга нисбатан 3-5 марта юқори бўлади. Шунинг учун анемия билан кўпроқ ҳомиладор аёллар ва болалар касалланишади.

Агар аёл киши ҳомиладорлик пайтида анемия дардига йўлиқса, у вазни етарли бўлмаган заиф болани дунёга келтириши мумкин. (Бу фактни “туғилиш эҳтимоли 30-40 фоизга кўпроқ бўлади”, деб айтиш ҳам мумкин.) Бу эса кичкингина учун хатарлидир. Айрим ҳолларда анемия оналар ўлимига олиб келиши ҳам бизни ташвишга солмай қўймайди.

(Бу рақамнинг-да 40 фоизи мазкур касаллик билан алоқадор.)

Ўзбекистонимизда ҳомиладор аёлларнинг 80 фоизи, туғиши ёшидаги аёлларнинг 60 фоизи, болажонларнинг 57 фоизи анемиядан азият чекмоқда. Улар бизнинг оналаримиз, сингилларимиз, қизларимиз, келинларимиз, жигаргўшаларимиздир.

Бу касалликнинг белгилари қўйидагилар ҳисобланади:

- ҳолсизлик;
- жисмоний қувватнинг камайиши;
- хотиранинг пасайиши;
- иштаҳанинг йўқолиши;
- уйқучанлик;
- таъм, ҳид сезиш қобилияти бузилиши;
- хамир, бўр, кесак, гилвата ейиш;
- бензин, ацетон, бўёқ, оҳак, тупроқ ҳидларини ёқтириш;
- бош оғриши ва айланиши;
- тирноқлар мўртлашуви кабилар.

### **Камқонликни келтириб чиқарадиган сабаблар:**

– Темирга бой маҳсулотларни етарлича смаслик ёки унинг яхши сўрилмаслиги;

Ҳомиладорликда:

- қон камлик;
- қон кетиш ва бошқалар.

**Одамнинг аксарият органлари:**

Мушак, талоқда темир элементи бўлса-да, энг кўпи – 65 фоизи қонда бўлиб, кислород ташувчилик хизматини бажаради. Аниқроғи, темир инсонга тириклик бериб турадиган микроэлементdir. Шу боис унинг танқислашуви, юқорида айтганимиздай, фожиавий ҳолатларга олиб келади.

Айниқса, инсонни бошқарадиган мия фаолияти учун ҳам 70 фоиз кислород керак. Эслаш, ишлаш, фикрлаш қобилияти пасайдими, демак, темир элементи камайган, шу боис кислород етказиш функцияси ҳам ишдан чиққан. Ана шулар боис ҳам организмда темир танқислиги бўлишига йўл қўймаслик лозим. **Хўш**. бунинг учун нима қилмоғимиз даркор?

Аввало таркибида темир микроэлементи кўп бўлган озиқовқат маҳсулотларини истеъмол қилишимиз зарур. Шу ўринда қуйидаги рўйхатга асосий эътиборни қаратиш лозим:

1. Дуккакли ўсимликлар – мош, ловия, нўхатда 12-14 мг;
2. Ёрмали – гуруч, буғдой, сўк, перловка, гречка. Жўхори, маккажўхорида 7-8 мг;
3. Қуруқ мевада 7-8 мг;
4. Кўкатда 7-8 мг;
5. Гўшт ва гўшт маҳсулотларида 0,8-2 мг.гача;
6. Мева-сабзавотларда 0,8-2 мг.гача;
7. Нон ва ун маҳсулотларида 03-2,5 мг.гача;
8. Олмада 0,8 мг темир моддаси бўлади.

Демак, мазкур рўйхатдан ҳам кўриниб турибдики, энг кўп темир микроэлементи дуккакли ўсимликларда бўлар экан.

Хуллас, бугун рўйхатдан хулоса чиқариб, ошхона “меню”-сини қайта кўриб чиқиши зарурати бор. Чунки, биз жуда кўп мониторинглар ўтказиб, ҳозир ҳам ўзларингиз билан суҳбатлашиб, бугунги ошхона бекаси гўшт, картошка, макарон, ҳамирли овқатдан нарига ўтмай қолганини англааб турибмиз. Ваҳоланки, энг кўп темир микроэлементи қайси маҳсулотда эканлигини юқорида билиб олдингизлар.

Яна бир гап. Бугунги ошхона бекаларининг кўпчилиги унниям саралаб ишлатади. Оппоқ унларга ружу қўйиш кучли.

Ваҳоланки, уннинг нави қанча паст бўлса, ичидаги темир миқдори шунча юқори бўлади. Масалан, 1-навли унда 20 фоиз темир микроэлементи бўлса, 2-навли унда 80 фоиз мавжуд. Биз чиқитга чиқарадиган кепакда 15 хил фойдали микроэлемент бор.

Шу боис айтмоқчиманки, чиройли нон эмас, фойдали нонни ейиш керак.

Кейин бундай темири бор озиқ-овқатларни истеъмол қилишнинг ўзи билан ҳам муаммо ечимини топмаслиги мумкин.

Қачонки, биз овқату нонимизни чойга “намлаб-намлаб” ейдиган бўлсак!

Умуман, чой ва қаҳва темир микроэлементи сўрилиши миқдорини 40-100 фоизга камайтириб юборади. Шу боис овқатланиш пайти дастурхонга чой эмас, қатиқ, сузма, айрон, компот, шарбатлар, наъматакли дамлама қўйиш лозим. Булар темир сўрилиши миқдорини 3-5 баробарга яхшилайди.

Чой эса шифобахш гиёҳ сифатида бош оғриганда ичилса, фойдалиdir.

### *Диляра ШАРИПОВА:*

— Арзимаган микродозадаги темир моддаси етишмаслиги макрооқибатга олиб келиши мумкин.

Яъни анемия индивидуал кишида акс этиб, уннинг ақлий салоҳияти, иш қобилиятини пасайтирап экан, айниқса, болаларнинг ақлий (интеллектуал) ривожланишини камайтириб, 2 ёшгача бўлган боланинг мия ривожига етказган таъсирини келажакда ҳам умуман тикламоқ имкони йўқ экан, бу ўз-ўзидан миллпий ақлий салоҳиятга таъсир қилади. Бутун миллат-халқнинг таназзулига “хизмат кўрсатади”. Шу асно ялпи ишлаб чиқариш ички маҳсулотга – иқтисодиётга ҳам таъсир кўрсатиб, мамлакатни-да тараққиётдан таназзулга томон бошлайди.

Анемияда инсон ривожланишдан ортда қолади, жисмоний қувват, чидамлилик 20-40 фоизга, ишчанлик қобилияти 5-17 фоизга пасаяди. Ана шу касаллик туфайли дунёда 2 миллиард киши азият чекмоқда. 50 миллиондан ортиқ ёш, ҳомиладор аёл ҳаёт билан видолашаяпти.

Организмда фолий кислота етишмаслиги ҳам қатор мұммаларни көлтириб чиқараётір. Масалан, ҳомиладор аёлда бу микроэлементнинг танқислиги ҳомиланинг туғма мажруҳ (“тиритикаль”, “бўри оғиз”), фалажлик ва аэнцефалия (бош мия мавжуд бўлмаслиги) каби иллатлар билан дунёга келишига сабаб бўлаяпти.

Ёки катта ёшдаги одамда бу кислота етишмаслиги инфаркт ва инсульт касали билан дунёдан кўз юмишига олиб келаётір. Шунингдек, йўғон ичак саратони, Альцгеймер хасталиги билан касалланиш хавфини ҳам оширмоқда.

Ёки организмдаги йод танқислиги ҳам бўқоқ, ақлий қолоқлик, телбаликларга сабаб бўлувчи омилдир. Ваҳоланки, ер, сув, маҳсулотларда йод йўқ, борларидан ҳам етарли миқдорда йод олиб бўлмайди.

Хуллас, озуқавий микроэлементларнинг етишмовчилиги ҳаммага бирдек дахлдордир.

**Шерзод ФУЛОМОВ – Республика журналистлар уюшмаси раиси:**

– Ана шулар боис ҳам мамлакатимизда йод танқислиги касаллигининг олдини олиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Шу боис ҳам бугунги кунда ош тузини йодлаш, йодланмаган ош тузидан фойдаланмаслик бўйича изчил ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Ана шулар боис ҳам Ўзбекистон ҳукумати томонидан озуқавий микроэлементлар танқислиги муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратила бошлади. 2001 йилдан бошлаб, Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда JFPR 9005 минтақавий бошланғич синов лойиҳаси Ўзбекистонга татбиқ этилиб, унинг доирасида 14 та ун ишлаб чиқариш корхонаси унни витаминалар аралашмаси ва минералларга тўйинтириш учун мўлжалланган дозаторлар билан жиҳозланди.

Унни бойитиш бўйича 2003 йилда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган Миллий дастур ижроси бўйича иш олиб борилиб, республикамиз Овқатланишини яхшилаш Глобал альянси (ОЯГА)нинг грантини қўлга киритди.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” АҚ, ЮНИСЕФ ва Жаҳон Банки томонидан ҳаётга жорий қилинмоқда.

2005 йилнинг август ойида Президентимиз томонидан чиқарилган “Унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 153-сонли қарор ижросини назорат қилиш режасига мувофиқ оммавий ахборот воситалари ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда бойитилган ун истеъмол қилишнинг аёллар ва болалар саломатлигига ижобий таъсирини кент кўламда ёритиш ишларини олиб бормоқда.

### Бойитилган ун

*Рустам ҲАЙДАРОВ – ЮНИСЕФнинг жамоатчилик билан алоқалар ва маркетинг бўйича маслаҳатчиси:*

– Бойитилган нон. Бу сиз ўйлаган жizzали нон, ёғли патир эмас. Бойитилган нон бойитилган ундан қилинган ноннинг айнан ўзгинасидир. Сизнинг саломатлигингизни кўзлаб унга витаминалар (B1 витамини – Тиамин 1,3 фоиз, B2 витамини – Рабофлавин 2,0 фоиз, B3 витамини – Ниацин 6,7 фоиз), фолий кислота (! фоиз), темир (33,5 фоиз), рух (14,7 фоиз) қўшилган бўлиб, бу витамин ва минераллар аралашмаси “премикс” деб аталади.

Аслида, буларнинг ҳаммаси буғдойда мавжуд бўлса-да, ишлов бериш даврида аксарияти йўқолиб кетади. Кейинги юз йилликда бу микрозлементлар буғдойларда табиий равишда ҳам камайиб кетди. Айнан шунинг учун ҳам аёллар ва болалар саломатлиги учун ушбу моддаларни унга қайтариш жуда муҳим ҳисобланади.

Бунинг учун ун ишлаб чиқариш корхонасида якуний босқичда унга “премикс” қўшилиши ташкил этилган.

Ўзбекистонда 1-навли ун кўп истеъмол қилиниши кўзда тутилиб, айнан шу унни бойитиш йўлга қўйилмоқда. Ва 1-навли ундан тайёрланган “бухонка” ва обинонлар бойитилган нонлардир. Бундай бойитилган нонларни мунтазам истеъмол қилиб борадиган бўлсак, икки йилларда “анемия” деган дард батамом йўқолиб кетади.

Қозогистон уни ҳам бойитилган бўлади. Агар сиз Қозогистон унини истеъмол қиласангиз, унинг темир моддаси ва витаминалар билан бойитилганига ишонч ҳосил қилинг. Бойи-

тилган Қозоғистон унида ҳам, Ўзбекистон унида ҳам “Софлом маҳсулотлар” белгиси логотипи бўлади. Шу аснода жаҳондаги 189 мамлакатдан атиги 48 та мамлакатда ун бойитилса, она Ўзбекистонимиз ҳам ана шулар сафидан жой олганини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз жоиз.

Гапимнинг якуни сифатида айтмоқчиман. Азизлар, бойитилган ун ёрдамида соғлигимизни, баробарига фарзандларимиз, атрофдагилар соғлиги ва миллатимизнинг соғлом, баҳтли келажагини асраб қолайлик.

**Дилмурод ҲАЙДАРОВ – “Навоийдонмаҳсулот” ОАЖ бошмуҳандиси:**

– Ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг 68 фоизини 1-сорт унлари ташкил этади. Ўтган йил ёзидан бошлаб 1 та тегирмонда бойитилган ун чиқарилаётган бўлса, 1 апрелдан бошлаб ҳар икки тегирмонда ҳам бойитилган ун чиқарила бошланди.

1 тонна унга 120 грамм “премикс” аралаштирилган бу ун қопида, ёрлиғида “Софлом маҳсулот”лар белгиси бўлади. Харидор бунга алоҳида эътибор бериши, сўраб-суринтириб, сўнгра сотиб олиши лозим.

### Сўнгсўз

Суюклим келин-болам, азизам-қизгинам, булар бу борада айтилиши, эшитилиши лозим бўлган гапларнинг энг зарурлари. Тегишли мавзууда ҳали кўп ва хўп гапиришимиз мумкин.

Сирасини олганда, Сизларга айтсам, шу куни Дилором опанинг жонбахш руҳият билан қоришиқ фикрлари – маслаҳатларини эшитиб ўтириб, беихтиёр, раҳматли онагинамнинг “ошхона меню”лари ёдимга тушди. Оқ жўхоридан сутли, гоҳ қатиқли кўча (гўжа)лар пишириб берар эдилар. Ловияли, қатиқли ошлар, қатиқ солинган туручли овқатлар, буғдой унидан тайёрланган оширилган ҳамир ичига шўра солиб пиширилган, тансиқ ҳиди етти маҳаллани тутувчи тандирдан эндигина узилган сўлқилдоқ ёнбош бичаклар... Рост гап, бугунги бекаларининг ошхона “меню”сидан буларнинг аксариятини топиш амри маҳол.

Лекин уларнинг қанчалик фойдали экани, онажонларимиз моможонларимизнинг ҳар бир ишларида не-не ҳикматлар яшириплигини, очиги, бугун яна бир карра англаб турибман.

Ҳатто, серкепак буғдой нонининг негадир алоҳида ёқимили, ширин таъми борлигини ҳам бугун англаётгандайман. “Унимиз қорароқ чиқди-да”, деб хижолат бўлган ҳамкасбимга ўша “қора-роқ ун”идан тайёрланган нони не-не оқ нонлардан фойдали эканини ҳам алоҳида уқтиргим келаяпти ҳозир. Гап “сувратда эмас, сийрат” далигини нонга бемалол қўллаш керак бугун.

Азизам-дилбандларим, лекин камқонлик – анемия касаллиги га жиддийроқ чалинган ҳомиладор аёл ёки болага фақат юқорида қилинган тавсиялар – бойитилган ун ва тўғри овқатланишининг ўзи ёрдам беролмаслиги шоён гап. Шу боис профессор Ди-лором опа Сулаймонова таъкидлаганларидай, бундай кишилар дорихоналардан темир препаратлари, таблеткалари олиб ичишлиари, шу асно тезгина аҳволни ўнглаб олишлари лозим.

Аслини олганда, бўлажак она, наслимиз-миллатимизнинг давомийлигини таъминловчи жонимнинг ришталари бўлганингиз учун ҳам Сизларга бу борада сўз очдим. Қуш тилини қуш тушунар, дегандай, дўсту дугоналарингиз билан шу ма-салада диллашиб-дилдорлашарсиз, деган умидим ҳам бор.

Кези келганда, яна бир гапни айтиб кетмоғим жоиз. “Менинг умумий аҳволим яхши. Темир микроэлементи ҳам етарли экан, бойитилган ун ва бошқа-бошқа ёндашувлар “теми-рим”ни кўпайтириб, аҳволимга тескари таъсир қиласа-чи?”, деган ваҳимага бориб юрманг тағин. Организмимиз шундай яралганки, у ўзига кераклигина микроэлементларни қабул қилиб олади, холос.

Демоқчиманки, йодланган туз, бойитилган ун, тўғри овқатланиш – бу Сизнинг соғлигингиз. Соғлигингиз эса – чиройингиз, чиройли ишларингиз, баҳтингиз, омадингиз! Ана шу нарса зинҳор эсингиздан чиқмасин.

Энг муҳими, юқорида айтганимиз-микроэлементлар танқислиги касаллигига йўлиқиб, ўзимиз тўқ бўлсак-да, “яширин очлик” азобларига гирифтор бўлиб, ўзимизни ҳам, оиласизу фарзандларимизниям, келажагимизу миллатимизни ҳам оғир йўқотишларга мубтало қилмаслигимиз керак.

Буни зинҳор ёдингиздан чиқарманг, онажонларим!

# АЗИЗИМ - БОЛАЖОН, СУЮКЛИМ - ЎСМИР

## Сен учун ким йиғлайди?

Сенинг маъсум, айни пайтда маъюс чөхрангни ҳар куни кўраман. Кўчани тўлдириб ўйнаётган болажонларга гоҳ қўшилиб - қўшилмай ҳўрпайиб турганингда дуч келаман. Гоҳ велосипедчасини ғизиллатиб у ёқдан бу ёққа ўтаётган тенгдошларингта ногаҳон эргашганингни кўриб қоламан. Орқа фиддираги тушиб кетган, “алмисоқдан қолган” самокатни судрай-судрай эргашасан уларга.

Аммо негадир “бахтиёрлар давраси” сени бағрига тортмайди, аксинча, “итаради”.

Қўшилолмайсан, маъюслигинг янада ортгандай бўлади. Ортингга қайтасан. Бурунчангни торта-торта, девори нурагудай, бир табақали эшиги аранг осилиб турган ҳовлига бошинг солинганича кириб келасан.

Кўзларинг жиққа ёшга тўлган, негадир муштингни дўлайтирасан, лабларинг билинар-билинмас титрай бошлайди.

Ҳар галгидай ягона паноҳу суюнчинг – бувижонинг (онангнинг онаси!) жонингга ора киради.

“Во айланай, ўзимнинг азаматимдан! Ким хафа қилди Сени? Кела қол, болам кел, кела қол. Ўзим ўргилай сендан!”

Бу улуғ бағр, улуғ меҳр Сени ўз оғушига оларкан, ҳалигина юз-кўзингда бозиллаб турган аламинг жолалар селига айланиб, юзларингни юва бошлайди.

“Бувижон, менгаям валасапит обберасиз-а? Обиттикадам янгисидан, яхвисидан... Обберасизми?”

– Олибераман, болажоним, албатта, олибераман...

Аспида, бувижонинг ҳаминқадар нафақаси билан ошу намагингга аранг яраётир. Шу боис номигагина – сўз бўлса-да, Сени хурсанд қилиш учунгина бу гапларни айтади, холос.

Аммо бу берган ваъдаларинг урвоини ҳам бажарол маслигини Сен ҳали тушунмайсан, англаб етишга ҳали болалик қиласан.

Шунинг учун ҳам қариянинг ваъдаларидан чөхранг ёришади, кўзинг кулади, лабларинг жилмаяди.

Беихтиёр ялаб-юлқаётган бувижонингнинг ортидан эргашасан. Мунғайиб турган ғариб кулба бағрига олади иккингизни – икки жонни...

Бугун шундай. Миттигина юрагинг фақат “велосипед ми-ниб юрган” тенгдошларинг олдида ҳақирилик ҳиссини туйди. Ўзингни улардан “кам”лигингни ҳис қила бошладинг.

Эртага эса... Бу фарқ янада кенгаяверади, кўпаяверади, катталашаверади. Энг ёмони, уни Сен руҳи - жон билан, очиқ, ошкора англай бошлайсан, тушунадиган бўласан.

Шунда бугун кўзларингдан оққан жола эртага дийдангга қўйилади, уни қотиради. Тошга айланади дийданг. Беғубор, беозор жилмайишларинг эса заҳаролудлик касб этади, заҳарханда билан алмашинади.

Дўлайган муштинг, алам билан тугилган муштгинанг эса бу пайт не аламки, “ўз кўксингта келиб урилади”. Ҳоҳ “моддий аҳволингни яхшилаш” учун не бир паст кўчаларга кирсанг-да, ҳоҳ қай бир номарднинг беписанд нигоҳига қалқон бўлиб, хору зорлиқда келажагинг учун заҳмат тортиб, югуриб - елиб юрсанг-да!

Сени дунёга келтирганлар эса кечаги кунда бактли болалигингни таъминламаганлари каби кейинги ҳаётинг учун ҳам масъулликни ўз зиммаларига ололмайдилар!

Қачон сени кўрдим, ана шуларни ўйладим, дегунча бoshимга, руҳу жонимни сирқиратиб - эзид юборар даражада, бир савол болғаланаверади: сен учун бугун (фурсат ўтиб кетмай, тақдиринг учун қайфурадиган пайт!) ким йиғлайди, болажон? Майшатли дунёларга сингиб-сифиниб яшаётган Онанг йиғламаса, эрмакнинг боласи этиб ташлаб кетган нафси бузуқ Отанг йиғламаса!

\* \* \*

Бувижонинг аллақачон тириклик дунёсини тарқ этиб, бақо дунёсига кетган. Гоҳ у қариндош, гоҳ бу қариндошни-кида юриб, сенинг ҳам бўйинг чўзилиб қолди. Бироқ ҳануз Сени онанг соғиниб, излаб келмайди, ўз нобакор ҳаётига нуқта қўйиб, ортга қайтиб, сенинг бошингга паноҳ бўлиш учун куч топмайди ўзида. Отанг эса юртма-юрт кезиб, Ҳади-

си құдсийда айтилған “етти қават ерни ковлаб изласаң ҳам пешонангдагидан ортигини бермайман” деган Аллоҳнинг ваъдасини унугиб, ишлагани, пул топгани кетганича, бугун ҳам йўқ. Йўқолиб кетган.

Сен эса...

Балки ўсмириликнинг улғайиб бораётган ақлу орияти сабабдир, қариндош-уругларницида яшасаңг-да, бозор-ўчарда арава суриб, ҳаммоллик қилаёттанингдан воқиф бўлдим. Афсуски, ба-рибир, Сенга ҳар бир қадаму ҳаракатингта ҳали ўзингнинг ақлу ироданг “пеноҳ” бўлолмас эди. Бунинг устига бозор шундай жойки, у ерда ҳамма нарса бор, ҳар қандай киши, ҳар қандай нобакорлик ҳаракатлари ҳам учрайдиган жой. Энг ёмони, сенга ўхшаган ҳимоясиз, муҳтоҷ жонларни истаган қора куч излаб топиб оладиган, ўз мақсади йўлида бошқарадиган издаҳом ҳам – бозор.

Шу боис ҳам Сен ана шундай кучлардан бирининг ютурдагига айландинг.

Гиёҳванд моддалар билан савдо қиласидиган кишининг “сотувчи”си бўлиб, “ажал уруғ”ларини “мижоз”ларга олиб бориш, пулини олиб келиб, мол эгасига бериш юмушини эплай бошладинг. Натижа шу бўлдики, бўйинг чўзилса-да, ҳали ақлинг тўлишмай туриб, ўрталиқда юриб, ўзинг ҳам гиёҳвандлик балосига йўлиқдинг.

Энди усиз дали-дунёнг қоронғи бўладиган бўлди. Топган чойчақанг ҳам шу йўлга кетар эдию аҳволининг оғирлашиб борарди. Кўпинча, тутқаноқдай азобли оғриққа бардош беролмай бу оғуга ёшгина жонинг билан муккасидан кетаётгандинг.

Бу орада сени ана шундай нобакор ишга бошлаган худобезори шахс қўлга олиндими, ҳарқалай, беиз йўқолди.

Сен эса кўтара азобнинг ичидаги тўлғоқ заҳматидай оғриқ билан ўртаниб ётган кўйи, шифохонага келтирилдинг...

**ФАКТ.** Вилоят наркология диспансери бош врачи Ҳамза Жалилов шундай ҳикоя қиласиди.

Жорий йилнинг ўтган даврида (2006 йил 9 ойи ичидаги) диспансеримизда 267 нафар алкоголизм касалига йўлиқкан, 8 нафар гиёҳвандликка ружу қўйган даволанди. Улар ора-

сида ўсмир ёшдагилари ҳам бор. (Уларга чин дилдан ачи-ниб кетасан, киши. Характерли жиҳати, бу ўсмирлар но-тинч оиласаларнинг эътибордан четда қолган фарзандлари.)

Бу борада шифохонамизга келмаган, биз шифокорларга маълум-номаълум беморлар қанчалигини ҳисобга олсан, бу рўйхатдаги сон яна ортади. Уларнинг қисмати қанчалик оғир эканлигининг ўзиёқ бизни ларзага солади.

Бир куни қўнғироқ қилиб, хонадонлардан бирига чақириши-ди. Ўттиз ёшлар атрофидаги йигит. Фарзандлари бор. Гиёҳ-вандликка ружу қўйган, натижада ҳамма нарсасини сотиб, бор пулинни сарфлаб бўлган экан. Кекса отаси бўлиб, у ўғлини даволашини астойдил илтимос қилди. Йигит эса мендан ҳам фақат “дориси”ни, бўлмаса, пулинни беришни сўпар, сира ён бермас эди.

Шу асно халатимнинг бир енгини юлиб ҳам олди.

Дастлаб куч ишлатиб, дори-дармон қилишимга тўғри келди. Кейинчалик ўзиям даволанишини астойдил хоҳлади. Гиёҳвандликдай балодан қутулди, соғлом ҳаётга қайтди.

\* \* \*

Ўрта ёшли бир киши қабулимга келди. Ёшлигидан бошлаб, “чекиб” юраркан. Уйланиб, кўп йиллар бефарзанд юриб, ниҳоят бир қиз кўришибди. Қизалоқнинг ёши улғай-ган сари ранги-рўйи сўлиб бораётгани учун текширтиришса докторлар, “оқ қон” деб ташхис қўйишибди.

– Москвага ҳам олиб бориб, даволатиб келдим қизимни, – дейди у. – Балки боламнинг шундай оғир касалга чалинишига мен сабабчи бўлгандирман, бунинг учун ўзимни сира кечиролмайман!

Аслидаям, у ҳақиқатни тўғри анлаган эди. Гиёҳвандлик кўп ҳолларда наслга жуда ёмон таъсир кўрсатади. Бу ҳол шу нарсанинг бир кўриниши, бир исботи эди!

## Шўрманглай “оҳу”

Ҳайрат, дафъатан кўзларимга тўлди. Кўнглимга тўлди кейин.

Ниҳоят, руҳимни забт этди. Энди бутун борлиқ гўзаллашди, яшарди, яшиади. Баробарига кўнгил суйиб-суймаган, меҳр қўйиб-қўймаган не-не чеҳралар ҳам суюклашдилар, нигоҳ ардоғига олди уларни.

Бу сурурни бахш этган лаҳзалар эса жон қадар суюкли, ардоқли ва Ҳумо ташрифи қадар бетакрор эди. Очиги, уларни бу лаҳзада жажоғигина, мунисгина бир қизалоқ бахш этаётганди: унинг дилрабо, мафтункор ҳаракатларида қатъият зоҳир эди; унинг латиф, беғубор, покиза чеҳрасида келажак зоҳир эди; унинг маъсума, чин чарос қароғларида Ёруғлик зоҳир эди; унинг сўзида, ўзида Ўқтамлик, Адлга ишонч зоҳир эди...

Ана шулар боис ҳам бу дам унинг чеҳрасидай порлоқ ранг, ҳаракатларидай нафис - нозик, Азалбахшида “қилиғи”дай шинрин, ҳали жонбахш гўдаклик руҳияти пориллаб-бозиллаб турган оламидай тоза бир дунё руҳу жонни ўз асирасига айлантираётганди.

Бу шундай сирли мўъжиза эдики, мунису жажжи санамнинг умр йўлларида гар зулм тўфонлари учраса, унга қирқ жонимни-да қалқон қилгим, йўлларидаги тутқич бўлгулик Адл арқонлари узилса, бор кўнгишу Мехрим торлари билан танғиб - улагим; ҳасаду кинларга рўбарў келса, киприклирим сояси - паноҳида, кўзим қароғида асррагим келди. Афсуски...

Бу борада фақат надомату нафратга юкунадиган воқеа содир бўлди. Қизалоқ улғайгани сари сарви суман қад-бастли, ҳурлиқ бир санамга айланадиганди. Орзулари ҳам осмон қадар улғаяётган эди унинг.

Бироқ, она ўз кўнгилхушлигидан кечолмаган, меҳнату заҳматларга тоби йўқ, енгил-елпи яшамоққа ружу қўйган бесабр-беқсаноат бир аёл ўз ихтиёри билан қизининг – ушбу қизалоқнинг порлоқ келажагига қора чизиқ торти.

Аниқроғи, бетайин онанинг кунда-шунда “ошиқ”лари нигоҳи табиий равишда бу ёшгина, маъсумгина, ҳуркаккина

“оҳу”ни таниб-топиб олди. “Сайёд” бўлиб, бу дуркун, ёш санамга “тузоқ ташлади” улар.

Марҳум отанинг онаси бўлмиш раҳматли бувидан гўзал тарбият олган эди қизалоқ. Чиройли одобли, оқила ва күшихулқ бўлиб ўсаётганди шу боис. Ана шу сабабли ҳам жазман, пулдор “сайёд”ларнинг кучи унга фақат зўрлик билан этиши мумкин эди, холос.

Не аламки, она деган номга бутунлай номуносиб аёл – беномус, бебурд жон қизгинасини “сайёд”лар “тўри”га ўз қўллари билан “тушириб берди”.

Ичкилик билан сархуш қилишни истаганди «сайёд», «оҳу» кўнмади.

Дўқ билан, куч билан нафсини қондирмоқчи бўлди бадкирдор, баттол жон. Бироқ уйни шовқинзорга айлантириб юбориб, қўни-қўшнилар эътиборини тортишдан чўчиdi.

Эндиgина 14-15 ёшга кириб келаётган бу маъсум - муnis “тўл”ни ташлаб чиқиб кетаверишга эса нафсу аммораси асло йўл қўймас эди.

Шу боис яна аёлни – онани ёрдамга чақириди...

Қўрқувдан дир-дир титраб, бурчакка биқиниб турган ҳуррак “оҳу”ни гўё “меҳрибон волида” зўравон қўлидан қутқариб олган бўлди. “Сайёд”га ўдағайлаб, дўқ қилиб, қизини уйдан етаклаб олиб чиқиб кетди.

Аммо инсонийлигу иймонини бутунлай йўқотган бу бетайин, бетийиқ жон қизини ўзи етаклаб, бутунлай холи, хилват гўшага олиб борди.

“Қўрқиб кетдингми, қизгинам”, дея ардоқлаб-алқаб, “ёмон одам”ни қарғай-қарғай, қизининг пешонасини ушлаб, “иситма қилибсан”, дея ваҳима қилди. Дарров дори тутдикни, бу фақат ухлатадиган дори эди, холос. Шу кўни, аёл мўмай пул эвазига қизгинасини ўз қўллари билан “сайёд”нинг қўлига топширди.

Қизалоқ уйғонганида қисмати қаролигини кўрди. Ҳали бокира, порлоқ орзулари осмонида учиб юрган қиз, кўзу кўнглини яшнатиб, ўзига ҳар он, ҳар лаҳзада чорлаб турган гўзал ниятлар, умидлар гулшани – саодатли келажак бутунлай тутаганини ҳис қилди, жаҳаннамнинг туб-тубига

тушиб кетгандай тушкун руҳнинг асирасига айланди - қолди. Шундай қилиб, бахт, беғубор болалик осмонидаги буюк санъат соҳибаси бўлишдай ёрқин орзу-порлоқ олам тоабад ундан юз ўғирди.

Шундай қилиб, унинг дилрабо, мафтункор қилиғу ҳаралатлари ҳам, бу борадаги қатъият ҳам, латиф, беғубор, поқиза чөхраси ҳам, ундаги келажакка умидворлик, ишонч ҳисси ҳам, сўзидағи, ўзидағи ўқтамлик, адлга ишонч туйғуси ҳам бутунлай йўқолди.

Маъсума, чин чарос қароғларига эса беҳудуд мискинлик, маъюслик чўқди.

Шундан бошлиб, қизгинанинг кейинги маъносиз ҳаётига фақат ичкилик “маъно” берадиган бўлди. Йиллар ўтгани сайин ёнига ҳар хил пулдор, давлатдор мижозлар келавериб, майшатгоҳларнинг суюк бекачига айлана бориб, гиёҳвандликка ҳам мубтало бўлди у.

Хуллас, соғлом жамият шўрманглай “оҳу” ни бетиийқ, беномус, чиқит она ташаббуси, айби билан қандай йўқотган бўлса, фаҳш - наҳс билан қоришиб кетган, охир-оқибати фожиали қора қисматларга туташ жаҳолат, куфр олами уни ўз бағрига шундай осон тортиб кетди.

Ваҳоланки, бу пайтда не-не бева-бечора аёл, заифа жонлар кучи етса, касб-кори имкони билан, етмаса, бирорвоннинг ғаллаю бедасини ўриб бериб, кирини ювиб, уй-остоналарга хизмат қилиб, ҳатто қолип кўтариб, гишт қўйиб, қиз-ўғлининг соғлом ҳаётда яшashi учун жон куйдираётган, жафо тортаётган эдилар.

**ФАКТ.** Вилоят наркология диспансери бош врачи Ҳамза Жалиловнинг тегишли мавзуда берган маълумотларига мурожаат қиладиган бўлсак, 2006 йил – “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”нинг ўтган 9 ойида 28 нафар хотин-қиз алкоголизм билан даволанган, 1 нафар аёл эса гиёҳвандлиги туфайли муолажа қилинган.

## Сенинг гуноҳинг нима эди?

Сенинг гуноҳинг нима эди, болакай? Отангнинг юрак мадори-қувончи, онангнинг оппоқ орзусию ширин ташвишлари бўлолмадинг. Отант бир ён кетди, онанг бир ён кетди. Сен ора йўлда сарсон бўлиб қолавердинг.

Бувингнинг, тоғаларингнинг таънаю дашномларини эшишиб, сигир етакладинг, мол боқдинг. Кичкина бошинг билан бозорларда ҳаммоллик қилдинг.

Сенинг гуноҳинг нима эди, болакай? Отангнинг умид чироғи, онангнинг кўнгил қувончи бўлолмадинг.

Аслида ота бўлмишинг Сени дунёга келганингдан хабари бормиди. Сенинг дунёга келишингни орзиқиб кутганмиди!?

Қаёқда! Сен шўрманглайгина жон бир лаҳзалик дилхушлик, бир лаҳзалик хирсу ҳаваснинг аччиқ неъмати эдинг, холос.

Ана шундай “неъмат”лигинг учун ҳам, ана шундай туйгуларнинг “меваси” бўлганинг учун ҳам онанг-да сенга Она бўлмади! Жонгинангга азоб бўлди, дард бўлди.

У кўнгилхушлик излади. У дилхушлик истади. Топди. Лекин Сенинг болалигинг топталди. Бахтили болалигинг, болалигинг-подшолигинг топталди, қурбон бўлди эвазига!

Сен онангнинг бағрида, Мехр қучоғида эмас, кўчаларда яшадинг, айвонларда, овлокларда тунадинг.

Сенинг гуноҳинг нима эди, болакай? Туғилдингу бўғилдинг, туғилдингу ташландинг.

Бугун Мехрибонлик уйларида кўраман Сенинг соғинч сўлдирган маъюс чеҳрангни! Бугун баъзан шоҳбекат, темир йўл бекатларида кўраман, учрашиб қоламиз сен билан.

Ҳатто бугун...

Йўқ-йўқ бу гапни айтишга тилим бормас, эсласам дилим куяди... Не аламки, мурғаккина жонинг ичкиликбоз, бетайин аёл-онанг учун қурбонликка берилди, бугун!

Сенинг гуноҳинг нима эди, болакай?

Сенинг армонингни

Тоғлар күттаролмас,  
Сим-сим түқилар,  
Софинчингни туйса,  
Ҳис қылса бу дунё  
Тор-тор сўқилар.  
Сенинг митти қалбинг...  
Кўмилган унда  
Энг буюк кўз ёш.  
Болалиги қурбон бўлган, болакай?!  
Болалик – Энг сўнгти бардош!

Сенинг болалигинг шундай ўтган эди. Ўсмирилигинг ундан-да хорроқ, азоблироқ, кечди. Ҳали гунчагина ёшингда қора қисмат остонасига бориб қолдинг.

Яна ўша айбдор – ўз дилхуши, ўз “мен”ининг истак-ҳишидан фарзанд деган буюк неъматни паст кўйган, хор қўйган она-отанг!

Сенинг қайларда юрганинг, ўртоқларинг кимлиги билан қизиқиши ўрнига ўз “орзу-ҳаваси” кетидан, нафси кетидан чопиб кетган худобехабар, фарзанд кўр қилгур жонлар!

Ана шу боис ҳам Сен мактабда ўқимадинг, бундай фойдали машғулотни бир четга суриб қўйиб, бетайин ўртоқлар даврасида бўлдинг. Оила даврасида баҳтиёр яшайдиган шомнамозшом паллаларида ҳам ўша давралар чорлади Сени. Ҳатто тунги ором лаҳзалари ҳам уйгониб келаётган ўсмирликнинг безовта руҳига шу беором, бетайин давралардан осойиш қидирдинг. Натижада, бу давраларда қилинган ҳар бир машғулот Сенга ҳам қизиқарли бўлиб туюлди. Шу боис сен ҳам бензин ҳидлаб, “БF” клей ва ҳоказолар ҳидлаб роҳат оладиган “токсикоман бола”га айландинг. Аввали чиройли ўйинчоқларга ўхшаган турфа кўринишлар кўз ўнгин гда намоён бўлиб, қизиқиши ўйфонганди.

Бу қизиқиши такрор ҳидлашлар давомида “хумор”га айланди.

Бироқ бу “хумор” у берадиган кайф миянгга қаттиқ таъсир этиб, уни реза-реза қуритиб, тугатиб бораётган эди. Шу сабабли ҳам нафақат кун, лаҳза сайин ақлинг пасайиб, хо-

тиранг ёмонлашиб, жаҳлдор бўлиб боравердинг. Ва охироқибатда...

У ёгини айтишга эса ...эвини қилолмайман, рости. Тилим лол, кўнглим вайрон, қаламим ҳам тўкилиб бораётир. Ёзилса, бу қисмат, бу дарднинг оловидан қофоз ҳам қовжираб куяр, ёниб кул бўлар...

**ФАКТ.** Вилоят наркология диспансери бош врачи Ҳамза Жалилов бу борада сўз кетганда шундай дейди:

- Вилоятимизда токсикомания билан рўйхатга олинган 10 дан ортиқ бола-ўсмир бор. Бундай болалар ақлий паст, дарс ўзлаштириши шунга яраша, хотираси ҳам ёмон бўлади.

“Токсикомон бола”лар бу машғулотни қилмай туролмайдилар. Чунки таналарида уйғонган оғриқлар шунга мажбур қиласверади. Улар ўз вақтида даволатиб, соғлом ҳаётта қайтарилемаса, ҳаёти тезлик билан катта хавф томонга бурилади. Яъни 2-3 йил орасида бундай болаларнинг сёқ-қўллари фалаж бўлиб, ишдан чиқади. Ҳаёти ҳам узоқча бормайди.

Юқорида 10 нафар рўйхатга олинган бола ҳақида гапирдим. Улар орасида ҳатто ака-укалар ҳам бор. Бир оиланинг икки фарзанди шу “дард” билан боғланаб қолган. Бу болаларнинг оилавий шароити оғир: ота йўқ, она ичкиликка берилиб, енгил йўлларга кириб кетган ёки ота-оналари ажрашган болалар икки орада қолган ёки отаю она ичкиликбоз ва ҳоказо, хуллас, болалар эътибордан четда қолгани рост гап.

Очиғини айтсам, катталар ўзлари дунёга келтирган фарзандлари тақдирига масъул бўлиб, уларни қизғаниб, аяб, соғлом ҳаёт кечиргандарига, фарзандлари бундай аҳволга тушмаган бўларди балки. Кўзи-қоши попукдай бу ўғилларга қараб ичинг ачиб кетади кишининг.

Шунда барча ота-оналарга қаратса айтгим келади: фарзандларингиз, айниқса, ўғил бола улғайиши жараённада унинг тарбиясига, ҳушёр бўлинг. Боланинг юриш-туриши, ўйин-машғулотлари, ўртоқларидан воқиф бўлинг. Кийимларидан келадиган ҳидга ҳам беътибор бўлманг. (“Токси-

коман бола"лардан бензин ёки клейлар ҳиди анқиб туради.) Ҳар қандай дарднинг ҳам бошланишида олдини олиш, даволаш осон кечади. Кейин кеч бўлади. Диспансеризмизда жорий йилда (2006 йилнинг 9 ойида) 3 нафар ўслирин токсикомания билан, 2 нафар ўслир алкоголизм билан ётқизилиб, даволанди.

Азиз болажонлар, ота-оналар, бола-ўслир ўсуви организм сифатида бир даволансаю, қайтиб, ўша "машғулоти"-дан юз ўгирса, (бошланиш даврида, айниқса) бутунлай соғайиб кетади. Шу аснода юқоридагича йўл тутган икки ўслир рўйхатдан бутунлай чиқиб, соғлом ҳаётга қўшилиб кетганини айтишим лозим.

### **Сўнгсўз**

**Азизим Болажон, Суюклим - Ўслир!**

**Илоҳим, тақдиринг нек бўлсин.**

**Ҳалолликнинг, Иймоннинг, Диёнату Инсофнинг ошиёнида дунёга келгин! Сени дунёга келтирсанлар Одам Ато, Момо Ҳаввонинг инсофли фарзандлари бўлсинлар.**

Умринг фақат яхшиликлар - ззгуликлар ичida кечсин. Машғулотинг илм-урфон, яратувчанлик йўлида бўлсин! Нијатларинг баркамоллик, бунёдкорлик томонга қаратилсин мудом! Элни, Ватанини фақат улуғликка, юксакликка кўтарилиган чин маънодаги инсон бўлиб улгайгин.

Юқорида ёзганларим қоғозлар қатида қолиб кетсин. Ҳаёт фақат сенинг баҳтинг, баҳтиёрлигинг, қувончларинг билан тўла бўлсин.

Бу борада ўзинг ҳам онгли-идроклироқ, уйғоқроқ бўл, курашчанроқ, фидойироқ бўл! Хуллас, умри ибрат, умри азиз, умри узун бўлгину сира камлик кўрма!

## МУНДАРИЖА

Азиз ўқувчи ..... 3

### ИБРАТ ЭЪТИРОФИ

Оддийликда улуғлик бор .....	6
Бугуннинг фидойиси .....	14
Саодат йўли .....	18
Эл меҳрини қозониб .....	27
Орзулар ижобати .....	31
Кўзларга нур бағишилаб .....	34
Комилликка пойдор умр .....	40
Устоз .....	49
Мазмунли умр .....	53
Оналар мактабининг “муаллимаси” .....	57
Умр .....	61
Мукаррам инсон .....	65
Аёлнинг “эркаги” .....	69
Элда эъзоз топмоқ бахти .....	73
Болалар шифохонасининг бош ҳакими .....	78
Ёруғ кўнгил билан .....	82
Умр йўлидаги излар .....	87
Ўзингдай камтарин, ўзингдай улув .....	91
Фидокорлик .....	96
Нуротанинг шифокор қизи .....	99
Зиёли шифокор .....	104
Садоқат .....	108
Унга ишонишади .....	110
Эътироф .....	113
Кўнгил маликаси .....	118
Қаршибой аканинг ибрати .....	121
Сўз, бу – даво .....	125
Бахтигулнинг гуллаган бахти .....	128
Суюкли раиса .....	130
Улар — сафда бугун .....	132

### СИЙРАТ

Сийрати улув инсон .....	156
Улуғлик ҳикмати .....	166
Элим деган инсон .....	174
Меҳнатидан мурод топиб .....	182
Саодат .....	187
“Чорток” болажонлари .....	192
“Яшариб” бораётган касаллик .....	197
«Яширин очлик»дан сақланинг .....	207
Азизим - болажон, суюклим - ўсмир .....	216

*Адабий-бадиий нацир*

**САЛИМА УМАРОВА**

**САОДАТ ЙҮЛИ**

**Мұҳаррир  
Мағмұра ҚҰТЛИЕВА**

**Техник мұҳаррир  
Елена ДЕМЧЕНКО**

**Мусақхид  
Илхом ҚОСИМОВ**

**Компьютерда сақыфаловчи  
Феруза БОТИРОВА**

Босишига 03.07.2007 й.да рухсат этилди. Бічими 84x108 1\32.

Босма тобоги 7,125. Шартли босма тобоги 11.97.

Адади 3000 нұсха. Буюртма № 161

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказыда тайёрланды.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасыда босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 173-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru